



**Ш. С. КАМОЛИДДИН**

---



**МАРКАЗИЙ ОСИЁ ТАРИХИ  
ЗАМОНАВИЙ  
ТАРИХШУНОСЛИГИДАГИ  
ЁНДАШУВЛАР**



Тошкент – 2023  
«FAN ZIYOSI» НАШРИЁТИ

UO'S: 977.851.971

КВК 85.31

К-18

**Ш. С. Камолиддин. Марказий Осиё тарихи замонавий тарихшунослигидаги ёндашувлар. Т.: «Fan ziyosi» нашриёти, 2023. – 200 б.**

Ушбу илмий оммабоп китоб 2018 – 2019 йилларда Тошкент Давлат Шарқшунослик институтида “Тарихшунослик, манбашунослик ва тарихий тадқиқот усуллари (Марказий Осиё мамлакатлари бўйича) мутахассислиги (5A120304) бўйича таълим олувчи магистратура талабаларига “Марказий Осиё замонавий тарихшунослигининг концепциялари” махсус курсини ўқитиш учун ёзилган ўқув қўлланмаси асосида тасниф қилинган. Унда умумлаштирувчи дарслик, ўқув адабиётлари ва академик нашрларда кам эътибор берилган Марказий Осиё тарихшунослигининг долзарб муаммолари, хусусан, Марказий Осиё замонавий тарихшунослигида мавжуд бўлган турли ёндашувлар ва концепциялар кенг ёритилган. Китобдан Марказий Осиё тарихи тарихшунослиги ва манбашунослиги бўйича илмий тадқиқот олиб борувчи ёш олимлар ва мутахассилар, шунингдек, олий таълим тизимида мазкур йўналиш бўйича таҳсил олаётган магистратура талабалари ва ёш изланувчилар фойдаланиши мумкин.

**Масъул муҳаррир:**

**Ҳ. Н. Бобобеков** – т.ф.д., профессор, Турон ФА президенти,  
Лейбниц номидаги Европа Табиий фанлар академияси ва “Нури Хўжанд”  
номли Марказий Осиё халқ академиясининг ҳақиқий аъзоси

**Тақризчилар:**

**М. М. Исҳоқов** – т.ф.д., Тошкент давлат шарқшунослик институти  
профессори

**Ф. Ҳасанов** – т.ф.н., “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”  
давлат илмий нашриёти тарих бўлими муdiri

Ушбу китоб Турон Фанлар академияси Президиумининг 2021 йил  
27 январда бўлиб ўтган 1-сонли йиғилиши қарори билан нашрга тавсия этилган.

ISBN 978-9910-9674-1-2

© Ш. С. Камолиддин, 2023

© «FAN ZIYOSI» нашриёти, 2023

*Мустамлакачилардан тарбия олган миллий элита  
ўз халқининг биринчи душманидир.*

Маҳатма Ганди

## СЎЗ БОШИ

1991 йилда шўролар давлати парчалангандан кейин Марказий Осиё минтақасидаги собиқ шўро республикалари – Ўзбекистон, Қозоғистон, Туркманистон, Тожикистон ва Қирғизистон сиёсий мустақиллик эълон қилиб, жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзоларига айландилар. Шу билан бирга бу давлатларнинг ҳар бирида ўзининг миллий мафкураси шаклланиб, уларда Марказий Осиё минтақасининг тарихини ўзларининг миллий мафкурасига мослаштирган ҳолда қайта кўриб чиқиш вазифаси асосий масалалардан бири бўлиб қолди, ва айрим ҳолларда ҳаттоки давлат сиёсатига айлантирилди. Шунини ҳам айтиш жоизки, минтақадаги баъзи давлатларнинг миллий концепцияларида айрим ғайриилмий ва бир ёқлама ёндашувлар, тарихнинг кўп назарий муаммоларини ҳеч қандай илмий асоссиз ўзларининг фойдасига ҳал қилиш ҳоллари кўплаб учрайди. Масалан, Туркманистон Республикасида нашр этилган “Рухнома” китобида туркман халқининг Марказий Осиё минтақасининг тарихида тутган ўрни жуда бўрттириб берилган. Хусусан, минтақа тарихида мавжуд бўлган деярли барча давлатлар ва уларда ҳукм сурган сулолалар туркманлар, минтақада яшаган халқларнинг эришган барча маданий ютуқлари эса туркман халқига тегишли деб кўрсатилган. Тожикистон Республикасида нашр этилган орийлар, Сомонийлар ҳақидаги ва яна бир қатор китобларда Марказий Осиё минтақасининг қадимги ва ўрта асрлардаги тарихи фақат тожиклар билан боғлиқ, минтақа халқларининг жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссаси эса фақат тожикларга тегишли деб уқтирилган.

Шунга ўхшаш ғайриилмий қарашлар ва бир ёқлама ёндашувлар, хусусан, ўз миллатини ўта улуғлаш, бошқа миллатлардан устун

қўйиш, уларни камситиш, барча маданий қадриятларни ва ютуқларни ўзлаштириш ҳоллари охириги вақтда Қозоғистон ва Қирғизистонда ҳам кузатилмоқда. Айниқса, ўзбек халқининг келиб чиқиши масаласида бир ёклама ғайриилмий ёндашувлар илгари сурилмоқда, ўзбек халқига нисбатан ёлғон ва бўхтонлар ёғдирилмоқда. Бу эса миллий тотувлик ва миллатлараро муносабатларга салбий таъсир этмоқда ва айрим ҳолларда қонли тўқнашувларга ҳам олиб келгани сир эмас. Шунинг учун ҳар бир Ўзбекистон ватандоши, хусусан, талабалар ҳам бундай ғоявий ҳамлаларга илмий асосда жавоб беришга қодир бўлиши ва ҳақиқий ҳолатни акс этдирувчи илмий асосланган билимларга эга бўлиши лозим. Ушбу фан талабаларга айнан шундай билимлар ва кўникмаларни беришга мўлжалланган.

Шуни ҳам ҳисобга олиш керакки, охириги икки йил ичида Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги халқаро муносабатларда янги босқич бошланди. Охириги 25 йил давомида адоват руҳида айтилган кўп гапларга чек қўйила бошланди, миллатлараро тотувлик, аҳил қўшничилик муносабатлари тобора авж олиб бормоқда. Бу эса халқларимизнинг эртанги кунга ишончини ва яқинлашув жараёнларининг ижобий натижаларга олиб келишига умидини янада оширмоқда. Шундай бўлса-да, ўз вақтида қабул қилинган миллий концепцияларни ва улар асосида ёзилган китоб ва мақолаларни, интернет сайтларини ҳали ҳеч ким бекор қилгани ва олиб ташлаганича йўқ. Шунинг учун талабалар бу концепциялар ҳақида ҳаққоний маълумотга эга бўлишлари зарур.

Мазкур фаннинг мақсади “Марказий Осиё халқлари тарихи” кафедраси магистрантларига бугунги кунда Марказий Осиё тарихи тарихчилигида мавжуд бўлган долзарб муаммолар ҳақида умумий тушунча ва тасаввурлар беришдан иборат. Шунингдек, қўлланмада кўриб чиқиладиган масалаларнинг илмий-назарий ва амалий-усулий асослари ҳақида ҳам батафсил маълумотлар берилади. Ушбу фан дастурида магистрантлар тарихчи мутахассис учун зарур бўлган даражада Марказий Осиё минтақаси тарихи тарихшунослигининг назарий муаммолари бўйича янги тарихий воқеликдан келиб чиққан ҳолда ҳозирги кунда мавжуд бўлган янги илмий қарашлар ва ёндашувлар билан таништирилади, шунингдек, турли илмий қарашлар ичида миллий ғоя манфаатларига хизмат қилувчи илмий

қарашлардан илмий тадқиқотларда асос сифатида фойдаланишга ўргатилади.

Фаннинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- талабаларни ҳозирги даврда Марказий Осиё минтақасидаги мустақил давлатлар (Қозоғистон, Туркменистон, Тожикистон ва Қирғизистон) даги тарихчи олимларнинг бирёқлама ёндашувлари ва уларнинг салбий жиҳатлари билан таништириш;

- талабаларга Ўзбекистон Республикасининг миллий ғоя мафкурасининг асосий тамойиллари ва унинг бошқа мафкураларга нисбатан ҳаққоний асосга эга эканлигини кўрсатиш;

- талабаларни Ўзбекистон Республикасида тарихий тадқиқотларни олиб боришда белгиланган асосий тамойиллар билан таништириш;

- талабаларни Марказий Осиё минтақаси тарихи тарихчилигининг назарий муаммоларини ҳаққоний ёритиш учун хизмат қилувчи манбалар ва илмий адабиётлар билан таништириш;

- талабаларни Марказий Осиё минтақаси тарихи тарихчилигининг назарий муаммолари бўйича кенг қамровли илмий тадқиқот олиб бориш учун зарур бўлган билимлар ва кўникмалар билан таништириш.

# I-боб. МАРКАЗИЙ ОСИЁ ТАРИХИНИНГ ДУНЁДА ТАДҚИҚ ЭТИЛИШИ

## 1.1. Ғарб мамлакатларида Марказий Осиё тарихининг ўрганиши

*Дарсинг ўқув мақсади: Европа ва Америка тарихшунослигида Марказий Осиё тарихининг ўрганиши ҳақида умумий тушунча бериши.*

*Таянч тушунчалар ва иборалар: саёҳатчилар, таржима фаолияти, археологик кашфиётлар, шарқшунослик, картография, европоцентризм, геосиёсат.*

Марказий Осиё қадимдан Шарқ ва Ғарбни, Шимол ва Жанубни боғлайдиган йўлларнинг кесишувида жойлашган бўлиб, стратегик аҳамиятга эга ҳудуд ҳисобланиб келган. Шунинг учун жаҳоннинг қудратли ва буюк давлатлари, шу жумладан, Европа мамлакатлари бу минтақанинг тарихи ва маданиятига ҳар доим қизиқиш билдириб келган ва ҳалигача қизиқишда давом этмоқда. Марказий Осиё ҳақидаги дастлабки маълумотлар қадимги юнон тарихчилари ва географларининг асарларида келтирилган. Араб халифалиги даврида европаликлар Марказий Осиёнинг мусулмон олимлари – Фарғоний, Форобий, Хоразмий, Ибн Сино (Авиценна), Беруний ва бошқалар ҳақида маълумотга эга бўлганлар. XIV – XV асрларда Европанинг баъзи ҳукмдорлари Амир Темур ва Темурийлар сулоласига мансуб ҳукмдорлар билан дипломатик муносабатларни йўлга қўйганлар. XVI – XVIII асрларда европалик картографлар ва саёҳатчилар Марказий Осиёнинг тасвири ва таърифи туширилган кўплаб хариталар тuzдилар.

XIX аср ўрталарида Ғарбий Европа мамлакатларида “европоцентризм” тарихий-маданий ва геосиёсий концепцияси ёйилади. Унга кўра, жаҳондаги тараққиёт ва маданий жараёнларда Ғарбий Европа халқларининг қадриятлари алоҳида мавқега ва аҳамиятга эга бўлган. Бундай ғоялар ўрта асрларда ҳам мавжуд бўлиб, уларнинг таъсири ва кенг тарқалишининг энг дастлабки ва ёрқин намоёишлари сифатида дунёнинг турли динлари тарафдорлари ўртасидаги давлатлараро ва минтақалараро тўқнашувларни кўрсатиш мумкин. Хусусан, ўрта асрларда Европа, Шимолий Африка ва Яқин Шарқ минтақалари катто-



ликлар билан ақидапараст ортодокслар, насронийлар билан мусулмонлар ўртасидаги диний тўқнашувлар майдонига айланди. Айниқса Католик черкови европоцентризм ғояларини қўллаб-қувватлашда энг катта фаоллик кўрсатди. У одамларни мусулмон дунёсига қарши қуролли кураш олиб бориб, Пиреней ярим оролини мусулмонлардан озод қилишга рағбатлантирди, салбчиларнинг Қуддус шаҳрига ҳарбий юришларини ташкил қилди. Унинг ташаббуси билан Болтиқбўйи ерларига юришлар амалга ошириди. Ушбу сиёсат охир-оқибатда Шарқий Европа давлатлари билан кескин қарама-қаршиликка олиб келди, ва унда уларнинг рақиблари муҳим ғалабани қўлга киритдилар (1410 й.). Европоцентризм ғояси аввал Салжуқийлар, ундан кейин эса Усмонли империясидан чиққан таҳдид таъсири остида сезиларли даражада ривожланди. Буюк географик кашфиётлар даврида европаликлар дунёдаги бошқа кўплаб халқлар билан танишиш имкониятига эга бўлдилар. Лекин уларнинг маданий қадриятларни баҳолашдаги нотўғри ёндашуви, бошқа халқлар маданиятининг ўзига хослигини, уларнинг илм-фан ва техника соҳасидаги ютуқларини тан олишга имкон бермади. Уларнинг фикрига кўра, маҳаллий аҳолининг тарихий қисмати қуллик ва мустамлакага қарамликдан иборат эди. XIX асрда европаликларнинг бошқа халқларга нисбатан қарашларида бирмунча ўзгаришлар содир бўлди. Бунга Яқин Шарқ, Ҳиндистон, Хитой ва Америкадаги ноёб археологик кашфиётлар сабабчи бўлди. Европаликларнинг онгига Европа тамаддунидан кўра яна ҳам қадимгироқ бўлган тамаддунлар мавжудлиги ҳақида далиллар тақдим этилди. Лекин ҳатто улар ҳам анъанавий нуқтаи назарни бутунлай ўзгартира олмади, шундай бўлса ҳам, европаликлар билан бошқа халқлар ўртасидаги муносабатлардаги бир қатор жиҳатларда ўзгаришлар юз берди. Европалик бўлмаган халқларнинг иқтисодий (айниқса, саноат ва ҳарбий) ривожланиш даражаси ва суръатларида яққол кўзга ташланувчи қолоқлиги европоцентризм ғоясининг тарафдорларига куч бағишлар эди ва паст даражадаги ирқлар мавжудлиги ҳақидаги ғоянинг келиб чиқишига асос бўлиб хизмат қилди. XX аср бошларида Европа ва жаҳон ҳамжамиятида етакчилик қилиш масаласи кескинлашди. Бу масала тез орада Европанинг коммунистик ва капиталистик қисмларга бўлинишига олиб келди. Улар орасида жаҳонда етакчилик қилиш ва таъсир ўтказиш учун кескин геосиёсий ва ҳарбий

рақобат бошланди. 2-Жаҳон урушида давом этган қарама-қаршиликдан сўнг, Европа ўзининг жаҳондаги етакчилик аҳамиятини йўқотди, ва XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб европоцентризм тушунчаси иккиламчи маънога эга бўлди. Бир томондан, унда Европа қитъасида қолганларнинг ўзларининг Шимолий ва Жанубий Америка, Австралия ва Жанубий Африкадаги собиқ ватандошларининг тақдири ҳақида ташвишлари ўз аксини топди. Эски Европага Япония рақобатлашувчи давлат эди. Бошқа томондан, “Англо-Саксон” (Англия ва Америка) дунёсининг умумий қадриятларининг жаҳонда устунлиги ҳақида илгари сурилган янги ғоялар европоцентризм ғоясининг ривожланишига янги туртки бўлди. XX асрнинг охирига келиб Ғарбий Европада бирлашув жараёнлари кучайиб, миллий чегараларнинг “очирилиши” га олиб келди. Европада социалистик тузумнинг қулаши Вашингтондан Владивостокгача яхлит ҳудудни ўз ичига олувчи лойиҳаларни илгари суриш имкониятини вужудга келтирди. Европанинг қитъа доирасидаги бирлашуви Германиянинг қайта бирлашиши, Марказий ва Жанубий Европада, шунингдек, Болтиқбўйи давлатларида амалга оширилган ислоҳотлар туфайли янги истиқболларга эга бўлди. Замонавий техноген цивилизациянинг ҳозирги кундаги қиёфасини шакллантирган Ғарбий Европа маданияти ўзининг янгилини ва таъсири нуқтаи назаридан дунёда ўз аҳамиятини ҳозирги кунда ҳам сақлаб турибди. Ғарбий Европада барқарор иқтисодий ривожланиш ва ижтимоий-сиёсий муаммоларнинг маълум даражада ҳал этилиши XXI асрнинг бошига келиб ягона Европа маконининг маданий ва геосиёсий ғоясини амалда ҳаётга татбиқ этиш имконини берди.

Европаликлар учун Марказий Осиёни тадқиқ этиш шарқшунослик, яъни Осиё ва Африка мамлакатларида босқинчилик ва мустамлакачилик даврида вужудга келган фаннинг бир қисми ҳисобланади. Марказий Осиё тарихи ва маданиятини ўрганишга ихтисослашган энг йирик илмий марказлар Олмония, Англия, Франция, Италия, Австрия ва Нидерландияда жойлашган. Бу мамлакатларда Марказий Осиё халқларининг тиллари ҳам ўрганиладиган махсус марказлар мавжуд. Олмонияда “Central Asiatic Journal” номли журнал чоп этилади. Европалик олимларнинг қизиқишлари давр жиҳатдан минтақанинг қадим замонлардан тортиб энг янги замонгача бўлган



бутун тарихини ўз ичига олади, мавзу жиҳатдан эса тарих, археология, этнография, география, дин, адабиёт, сиёсат сингари соҳаларни қамраб олади. Умуман олганда, замонавий Европадаги илм-фан чуқур ва изчил изланиш, илмий ёндашувда ҳаққонийлик ва тарихий тадқиқотларда сиёсийлаштириш йўқлиги билан ифодаланади. Аммо XIX аср охири – XX аср бошларидаги олимларнинг асарларида европоцентризм ғояларининг таъсири яққол сезилади. Хусусан, кўпгина европалик олимларнинг асарларида Осиёдаги Ҳинд-Эрон халқларининг тарихига қизиқиш ниҳоят даражада катта, чунки улар Европа халқлари билан келиб чиқиши умумий бўлган орийларнинг авлодлари ҳисобланади. Шу билан бирга, уларнинг асарларида Осиёдаги тамаддун тараққиёти тарихида туркий тилли халқларнинг кўшган ҳиссаси камситилиб, аҳамиятсиз ва кўпинча салбий бўлган деб нотўғри хулосалар чиқарилди. Шу боис, Европада ва умуман жаҳон илм-фанида эроншунослик соҳаси туркшунослик ва турк халқларининг тарихи соҳасига нисбатан анча кўпроқ ривожланди. Фақат сўнгги ўн йилликлар давомида Марказий Осиёдаги қадимги турклар тарихи ва маданияти тарихи бўйича фаол тадқиқотлар олиб борилди, бир қатор олимлар, хусусан, айрим европалик (П. Б. Голден, С. Старк, С. Скафф, С. И. Беквит ва бошқалар) ва рус (Д. Васи́лиев, И. В. Стеблева, И. Л. Кызласов, Т. Аржанцева ва бошқалар) олимларининг тадқиқотларида туркий халқларнинг жаҳон тамаддуни тараққиётига кўшган ҳиссаси таъкидланган.

### ***Саволлар:***

- 1. Европадан Марказий Осиёга саёҳат қилган қандай саёҳатчиларни биласиз?*
- 2. Европада Марказий Осиёнинг биринчи географик тавсифи қачон ва ким томонидан ёзилган?*

### ***Мустақил иш учун топшириқлар:***

- 1. Ҳинд-Европа тилларининг ривожланиши ва тарқалиши тарихи.*
- 2. Ҳинд-Европаликларнинг Марказий Осиёга кўчишлари.*

## 1.2. Эрон ва Афғонистонда Марказий Осиё тарихининг ўрганилиши

*Дарсинг ўқув мақсади: Эрон ва Афғонистон тарихчилигида Марказий Осиё тарихининг ўрганиши ҳақида умумий тушунча бериши.*

*Таянч тушунчалар ва иборалар: индоевропеизм, эронишунослик, Эрон миллатчилиги, панэронизм, панисломизм, орийлар, Марказий Осиёдаги ҳинд-европа маданиятидан олдинги маданиятлар.*

Эронда XI асрдан XX асрнинг ўрталаригача, яъни деярли 1000 йил давомида туркий сулолалар ҳукмронлик қилганлар: аввал Ғазнавийлар, Салжукийлар ва Хоразмшоҳлар; мўғуллар босқинидан кейин эса Темурийлар, Сафавийлар ва Қажарлар. Шунинг учун ҳам ўтган давр мобайнида бу ерда форсийзабон ва туркий тилли аҳоли ўртасида ўзаро ҳамжиҳатлик ва бир-бири билан қоришув жараёнлари кечган. Барча эронликлар тилидан қатъий назар ўзларини ягона халқ деб билганлар, чунки уларни ягона сиёсий ҳокимият ва умумий *шиъа* мазҳабига эътиқод бирлаштириб турган. XIX аср охири – XX аср бошларида Европа олимлари ва сиёсат арбобларининг таъсири остида форслар орасида “миллий ўзлигини англаш” жараёни бошланиб, миллий шовинизм ва ирқий устунлик ғоялари ривожлана бошлади [Hanaway 1993: 147 – 150]. 1924 йилдан кейин эса “қизил руслар” (болшевиклар) нинг ташаббуси билан ва шўро олимларининг раҳбарлиги остида тожикларнинг “миллий ўзлигини англаш” жараёни бошланди [Atkin 1993: 151 – 184; Battis 2016: 155 – 183]. Ушбу бир-бирига ўхшаш икки жараён ўзаро боғлиқ бўлиб, бир хил натижага, яъни миллатчиликнинг вужудга келишига олиб келди. Агар форс миллатчилиги европоцентризм ғояларининг кучли таъсири остида вужудга келган бўлса, тожик миллатчилиги янги қиёфага кирган рус мустамлакачилигининг босиб олинган ерларни ўз ҳокимияти остида сақлаш ва маҳаллий аҳолини тобеликда ушлаш мақсадига йўналтирилган режали ҳаракатлари натижасида вужудга келди. Бу иккала

жараён ҳам қўшни халқларга, асосан, туркий тилли халқларга қарши қаратилган эди.

XIX аср охирида панисломизм диний-сиёсий оқими вужудга келиб, унинг асосчиси Жамол ад-Дин ал-Афғоний (1839 – 1897) бутун жаҳон мусулмонларининг бирлиги ва уларнинг ягона халифалик давлати байроғи остида бирлашиш зарурлиги ғояларини илгари сурди. XX – XXI аср бошидаги Эрон тарихчилиги мазкур ғоялар, яъни панэронизм ва панисломизм ғояларининг кучли таъсири остида бўлиб, ҳозирги кунда ҳам шу ҳолда сақаланиб турибди. Ҳозирги вақтда Эрон ва Афғонистон давлат тузуми жиҳатдан исломий давлатлар ҳисобланади, уларнинг жамиятларидаги бутун ҳаётий масалаларнинг тартибга солиниши фақат шариат кўрсатмаларига асосланган. Шунинг учун бу икки давлатда панисломизм ғоялари панэронизм ғоялари билан уйғунлашиб кетган.

Панэронизм бу – Эрон давлат миллий шовинизмининг миллатчилик таълимотидир. Жумладан ушбу таълимотнинг тарафдорлари антик даврдан бошлаб эроний тилларда сўзлашувчи халқлардан иборат “ягона Эрон миллати” мавжудлигини таъкидлайдилар, ва Сосонийлар давлати ҳудудида “Буюк Эрон” давлатини тиклашга даъво қиладилар. Панэронизм ғояларининг назарий асосчиларидан бири XX аср бошларида яшаган Оғахон Кермоний эди. 2-Жаҳон урушидан олдин панэронизм ҳаракати ўта кетган миллатчилик кайфиятидаги йирик бизнес вакиллари, ер эгалари, юқори лавозимли давлат амалдорлари ва ҳарбий мулозимлар, шунингдек, қисман зиёлилар орасида кенг тарқалди. Панэронизм шиори остида озарбайжонлар, курдлар ва Эрондаги бошқа кам сонли халқлар, яъни миллий озчиликни мажбурий қориштириш амалга оширилади. 1946-йилда панэрончилар “Буюк Эрон” давлатини тиклаш ва унинг таркибига Кавказ, Марказий Осиё, Афғонистон ва бошқа давлатларнинг ҳудудларини қўшиб олишни тарғиб қилувчи “Панэрончилик” партиясини туздилар.

Панэронизм ғоялари эрон ва афғон олимларининг Ўрта Шарқ ва Марказий Осиё тарихига оид тадқиқотларида тўлиқ намоён бўлди. Хусусан, Эрон тарихчилигида Марказий Осиё Эроншаҳрнинг асл ҳудуди бўлиб, бу ерлар ўтмишда Эронга қарашли бўлган ва унинг аҳолиси ҳам эронликлардан иборат бўлган. Шунингдек, бу ғоялар

мактаб ўқувчиларининг онгига ёшлиқдан сингдирилди ва жамият ижтимоий ҳаётининг барча жабҳаларида ўз аксини топди. Бундай ёндашувни Эрон миллатчилигининг ривожланишига асос солган Европа шарқшунос-эроншунос олимлари ва археологлари фаол равишда қўллаб-қувватладилар. Шунингдек, рус тарихчилари учун ҳам Марказий Осиё ва бутун Евросиёнинг туб аҳолиси эроний тилли қабилалар бўлган деб илм-фанда қабул қилиниши муҳим эди, чунки бу уларга ўзларини “янги орийлар”, қадимги орийларнинг халоскорлари ва қонуний ворислари деб эълон қилишга, натижада босиб олинган ерларга абадий эгалик қилишга ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилар эди. Бу ерда европоцентризм ва рус империализми ғоялари бир-бири билан қўшилиб кетган эди, ва Эрон миллий шовинизми ғоялари билан биргаликда панэронизм таълимотининг мафкуравий асосини ташкил этган эди. Бу таълимотнинг мазмун-моҳияти шундан иборат эдики, унинг тарафдорлари ҳамма ерда, ҳар нарсада фақат ҳинд-эроний ва ҳинд-европа тиллари ва маданиятининг илдизларини кўришга ҳаракат қилар эдилар.

Аслида барча эроний тилли халқларнинг аجدодлари бўлмиш орийлар ҳозирги яшаб турган ерларга бошқа ҳудудлардан кўчиб келганлар. Орийларнинг оммавий кўчиб келишига қадар бу ерларда умуман бошқа халқлар, ҳинд-европа тилларига ҳеч қандай алоқаси йўқ аҳоли яшаган. Ҳинд-Европа тилли халқларгача бу ерларда яшаган ушбу туб аҳолининг моддий маданияти ёдгорликлари ҳозирги кунда “Анов”, “Ҳисор” ва “Калта Минор” номлари билан машҳурдир. Улардан калтаминорликлар урал-олтой тилларида сўзлашган бўлсалар, Анов маданияти соҳиблари олтой тиллари оиласига кирувчи дравид тилида сўзлашганлар. Шу сабабли уларни Марказий Осиёнинг замонавий туркий тилли аҳолисининг узоқ даврлардаги аجدодлари деб ҳисоблаш мумкин. Бу ҳақда янада батафсилроқ маълумот олиш учун 3-бобнинг 1-қисмига қаранг.

Афғонистон тарихшунослигида минтақа тарихида туркларнинг тутган ўрни расмий равишда инкор этилади. Маълумки, араблар истилосига қадар Тўхористон (Шимолий Афғонистон) да деярли 130 йил давомида туркларнинг *ябғу / жабғу* унвонли сулоласи, Кобул ва Ғазнада эса туркларнинг Кобулшоҳ унвонли сулоласи ҳукм сурган. Афғонистон ҳудудидаги Арахосия, Забулистон ва бошқа вилоятларда

ҳам арабларгача турк сулолалари ҳукм сурган. Афғонистоннинг исломдан олдинги ва илк ислом давридаги тарихида туркларнинг *халач* қабиласи ҳам муҳим ўрин эгаллаган. Ҳозирги Афғонистон ва Покистон аҳолисининг катта қисмини ташкил қилувчи *пуштун* қабилаларининг келиб чиқиши ҳам халачлар билан боғлиқ. Буларнинг ҳаммаси жаҳон илм-фанида маълум, лекин Афғонистоннинг расмий тарихчилигида рад этилади ва ошкор қилинмайди.

### **Саволлар:**

1. *Ислом даврида Эронда келиб чиқиши форс бўлган қайси сулолалар ҳукм сурган?*
2. *Орийларнинг асл ватани қаерда бўлган?*

### **Мустақил иш учун топшириқлар:**

1. *Эроний тилларнинг ривожланиш тарихи.*
2. *Эроншаҳрнинг тарихи ва географиясига оид исломдан олдинги манбалар.*

## **1.3. Туркияда Марказий Осиё тарихининг ўрганилиши**

*Дарсинг ўқув мақсади:* Туркия тарихчилигида Марказий Осиё тарихининг ўрганилиши ҳақида уммумий тушунча бериш.

*Таянч тушунчалар ва иборалар:* турклар, Усмонли турклар империяси, туркчилик, миллатчилик, пантуркизм, панисломизм, туркий тилли халқлар бирлашуви

XIX аср охири – XX аср бошларида Усмонлилар империясининг зиёлилари ва Россия империяси ҳукмронлиги остида бўлган мусулмон халқлар орасида Европада, Россияда ва Шўролар давлатида “пантуркизм” деб аталган миллатчилик мафкураси кенг тарқалди. Ушбу мафкурага кўра, туркий тилларда сўзловчи барча халқлар, айниқса ислом динига эътиқод қилувчи туркий халқлар бир миллатдир, ва Туркиянинг ҳукмронлиги остида ғарбда Болқон ярим оролидан Узоқ Шарққа қадар ҳудудларни ўз ичига олувчи Турон давлатига бирлашиши керак. Дастлаб пантуркизм туркчилик, яъни



турк миллатчилигининг давоми сифатида ривожланди. Аммо 1908 йилдаги “Ёш Турклар” инқилобидан сўнг унда турк миллатчилигидан кўра кўпроқ пантуркизм ғояси устувор бўла бошлади, 1-Жаҳон уруши арафасида эса туркчилик ғоясини бутунлай сиқиб чиқарди. Пантуркизм 1914 – 1918 йилларда давом этган 1-Жаҳон уруши арафасида устунлик қила бошлади. Ёш Туркларнинг “Иттиҳод ва тараққий” (Иттифоқ ва ривожланиш) партияси ўз сиёсий дастурининг асоси сифатида пантуркизмни қабул қилди. Панисломизм билан бир қаторда, пантуркизм ҳам Ёш Туркларга Россияга қарши урушда Туркиянинг иштирок этиши учун тарғиботнинг асосий воситаси сифатида хизмат қилди. Туркиянинг 1-Жаҳон урушида Германия томонида иштирок этиши Россия империясининг расмий доираларида бу ҳаракатга қарши курашни янада чуқурлаштиришга олиб келди. Пантуркизм ғояси Марказий Осиё ва Кавказда мустақилликка эришишга интилаётган айрим миллий партиялар ва ҳаракатлар (масалан, “жадидчилик” ҳаракати) томонидан фаол тарғибот қилинди. Кавказорти ва Туркистондаги рус мустамлакачиларининг ҳокимияти маҳаллий аҳолининг Чор Россияси зулмига қарши кўтарилган барча халқ кўзғолонларининг асосида панатуркизм ва панисломизм ғоялари ётибди, деб кўрсатишга ҳаракат қилди. Натижада, Кавказорти ва Туркистондаги барча миллий озодлик ҳаракатлари расмий равишда “пантуркчилар” деб эълон қилинди.

Россияда Чор ҳокимияти қулаганидан кейин “қизил руслар” (болшевиклар) бу сиёсатни давом этдириб, Марказий Осиё ва Кавказортидаги миллий зиёлиларнинг шўроларга қарши барча ҳаракатларини пантуркизм ва панисломизм билан боғладилар. Айниқса 20 – 30-йилларда миллий зиёлиларга қарши қаттиқ ва шафқатсиз қувғинлар ва таъқиблар олиб борилиб, улар пантуркизм ва панисломизм ғояларига мойилликда айблангандилар. 2-Жаҳон уруши (1939 – 1945) давомида Туркия пантуркчилари яна ҳам фаоллашиб, немис фашистлари билан яқин алоқа ўрнатдилар, шўроларга қарши ашаддий ташвиқот олиб бордилар ва уларнинг ерларини босиб олишга чақирдилар. 2-Жаҳон урушидан кейин Туркияда пантуркчилик ғоялари антикоммунизм сиёсатининг асосий воситаси сифатида ишлатилди. Шунинг учун шўроларнинг ижтимоий-сиёсий адабиётида пантуркчи-



лик ўта аксилинқилобий миллатчи ҳаракатлардан бири сифатида талқин этилган.

Аслида туркий тилли халқларнинг бирлашуви ва бирлиги ғоясида ҳеч қандай салбий жиҳат йўқ. Бу ғоя айниқса бугунги кунда долзарб бўлиб, жаҳон миқёсида кечаётган яқинлашув, бирлашув ва умумлашув жараёнлари, турли халқлар ва мамлакатлар иқтисодий, сиёсий ва ҳарбий тузилмаларга бирлашуви жараёни билан ҳамохангдир. Мисол учун XX асрнинг иккинчи ярмида Европа халқларини ягона конфедерация – Европа Иттифоқига бирлаштириш ғояси илгари сурилди ва муваффақиятли амалга оширилди. Араб давлатлари Араб Мамлакатлари Иттифоқига бирлашдилар, шунга ўхшаш ташкилотларга Африка, Лотин Америкаси, Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари ҳам бирлашганлар. Славян халқлари ҳам ўзларининг Славян халқлари Иттифоқига бирлашишга ҳаракат қилдилар, лекин бу ғоя амалга ошмади. Ушбу жараёнларнинг олдида туркий тилли халқларнинг маданий, иқтисодий ва ҳатто сиёсий бирлашуви ғояси мантиқан табиий ва қонуний кўринади. Масала фақат уни қандай шаклда амалга оширишдадир.

Шўролар давлатининг парчаланиши ва аҳолиси асосан туркий тилли халқлардан иборат янги мустақил давлатларнинг ташкил топиши натижасида туркий халқларнинг бирлашиши учун янги истиқболлар очилди. Туркия билан собиқ шўролар давлати ҳудудларида ташкил топган мустақил давлатлар ўртасида илмий, маданий, иқтисодий ва сиёсий алоқалар фаоллашди. Шунда рус тилининг ўрнига қайси тил туркий тилли халқлар ўртасида халқаро мулоқот тили вазифасини ўташи керак деган савол ўртага қўйилди. Турк зиёлилари, шу жумладан, тарихчи олимларининг фикрича, бу вазифани шубҳасиз Туркиянинг давлат тили бажариши лозим. Бу ёндашувда 1-Жаҳон урушидан кейинги даврдаги пантуркизм ғоясининг таъсири яққол сезилиб турибди. Ўша вақтда кўпчилик мусулмон халқларини бирлаштириб турган Усмонли империяси тугатилгандан кейин турклар учун янги сиёсий бирлашув тузиш зарурати туғилган эди. Менимча, ҳар қандай ихтиёрий бирлашув унинг аъзоларининг тенглиги ўзаро манфаатдорлиги асосида қурилиши керак. Шундагина бу бирлашув узоқ давом этади ва одамларга фойда келтиради. Ўзимнинг туркий

халқлар ўртасидаги халқаро мулоқот тили ҳақидаги фикрларимни мен 4-бобнинг 2-қисмида баён этдим.

Турклар Туркистонни, яъни Марказий Осиёни ўзларининг бошланғич ватани деб ҳисоблайдилар ва уни “отаюрт” деб атайдилар. Шунинг учун турк олимлари Усмонли империяси давридан бошлаб бу минтақанинг тарихига катта қизиқиш билдириб келганлар. Туркияда энг яхши ва чуқур ўрганилган давр Салжуқийлар даври ҳисобланади, чунки улар Усмонли туркларининг аجدодлари бўлиб, туркларнинг Яқин Шарқдаги давлатчилигига асос солганлар. Марказий Осиё республикалари мустақилликка эришгандан ва Туркия билан яқин алоқалар ўрнатилгандан кейин турк олимларининг Марказий Осиё халқларининг тарихи ва маданиятига қизиқиши яна ҳам ошди. Уларнинг энг кўп қизиқиши Турк хоқонлиги даврига қаратилган, чунки бу давр барча туркий тилли халқларнинг умумий тарихи ҳисобланади. Охириги йилларда Туркияда Сомонийлар, Ғазнавийлар, Қорахонийлар ва Хоразмшоҳлар тарихига оид махсус тадқиқотлар ҳам нашр этилди. Бу ерда шуни ҳам айтиб ўтиш лозимки, бу сулолаларнинг тарихи бизнинг ҳам тарихимизнинг бир қисми ҳисобланади, лекин шундай бўлса ҳам, Ўзбекистонда уларнинг тарихига оид бирорта ҳам илмий тадқиқот амалга оширилмади. Фақат Сомонийлар тарихи бундан истисно, лекин бу тадқиқот ҳам менинг шахсий ташаббусим билан ўз ҳисобимга ёзилди ва нашр этилди, расмий ташкилотлар томонидан эса бунга ҳеч қандай қизиқиш билдирилмади ва ҳатто тўсқинликлар қилинди. Шунга умид қилардимки, келажакда бизнинг сиёсий арбоблар ва уларга бўйсунувчи илмий ташкилотлар эътиборларини фақат Темур ва Темурийлар тарихига қаратмасдан, тарихимизнинг ундан бошқа даврларини ҳам ўрганишга эътибор берадилар.

### ***Саволлар:***

- 1. Усмонли туркларининг тили туркий тиллар оиласининг қайси гуруҳига киради?*
- 2. Туркистон тарихининг қайси даври барча туркий тилли халқлар учун умумий ҳисобланади?*

### ***Мустақил иш учун топшириқлар:***

- 1. Туркий тилларнинг ривожланиши тарихи.*
- 2. Туркистон тарихи ва тарихий географиясига оид турк тилидаги манбалар.*

#### **1.4. Хитойда Марказий Осиё тарихининг ўрганилиши**

*Дарсинг ўқув мақсади: Хитой тарихчилигида Марказий Осиё тарихининг ўрганилиши ҳақида умумий тушунча бериш.*

*Таянч тушунчалар ва иборалар: Хитой, Хитой империяси, Танг сулоласи, “Ғарбий ўлка”, турклар, Хитой саёҳатчилари, Шарқий Туркистон.*

Хитой жаҳоннинг энг қадимги маданият ўчоқларидан бири бўлиб, бу ерда инсоният тараққиётидаги кўпгина ютуқлар, хусусан, чой, ипак, қоғоз, милтиқдори ва бошқалар ихтиро қилинган. Марказий Осиё эса Шарқ билан Ғарбни, Хитойни Ҳиндистон ва Яқин Шарқ тамаддунлари билан боғловчи йўллар кесишувида жойлашган. Шу сабабли, Хитой қадим замонлардан бошлаб бу стратегик жиҳатдан ўта муҳим минтақага қизиқиш билдириб келган. Баъзи археологик топилмалар шуни кўрсатадики, жез давридаёқ Хитой билан Ўзбекистон жанубидаги Сополли маданиятини қолдирган одамлар ўртасида алоқалар мавжуд бўлган. М. а. II асрда Хитой элчиси Чжан Цзян Фарғона водийсидаги Даван мамлакатига сафар қилиб, унинг, шунингдек, унга қўшни бўлган халқлар ва мамлакатларнинг батафсил тавсифини ёзиб қолдирган. Шундан кейин Буюк Ипак йўли фаолиятининг бошланиши туфайли Шарқ ва Ғарб ўртасида мустаҳкам алоқалар ўрнатилди. Хитой манбаларида, хусусан, Танг сулоласи ҳукмронлиги даврида (VI – X асрлар) тарихий йилномаларда Марказий Осиё давлатлари ва халқлари ҳақида жуда кўп маълумотлар мавжуд. Айниқса VII – VIII асрларда Хитой ва Марказий Осиё ўртасида яқин алоқалар ўрнатилган, чунки бу даврда Турк хоқонлиги ва унинг таркибига кирган Марказий Осиё минтақаси Хитой империясига бўйсунган эди. Бу даврда Хитойдан Марказий Осиёга бир қатор буддавий зиёратчилар (Сюан Цзан, Хуэй Чао ва бошқалар) саёҳат қилганлар, Марказий Осиёнинг турли мамлакатларидан Хитой

императорининг саройига тўхтовсиз элчилар келиб турган. Араблар Марказий Осиёни босиб олганидан кейин 751-йилда хитой кўшинлари Талас дарёсининг бўйида бўлиб ўтган машҳур жангда араблардан мағлубиятга учради, шундан кейин Хитой билан Марказий Осиё ўртасидаги алоқалар узилди. Хитой ва Марказий Осиё халқлари ўртасидаги ўзаро муносабатлар тарихидаги янги давр Қорахитойлар, яъни Киданлар ҳукмронлиги даврига (1140 – 1212 йй.) тўғри келади, чунки бу даврда Марказий Осиё маълум бир вақт давомида уларга бўйсунган эди. Шу сабабли, Хитой манбаларида Марказий Осиёнинг ушбу даври тарихи бўйича баъзи маълумотлар учрайди. Бироқ Марказий Осиё ҳақида батафсил маълумотларни мўғуллар босқинидан кейинги даврда – XIV – XV ва XVI – XVIII асрларда ёзилган манбаларда топиш мумкин. XVIII асрда Хитой империясининг ғарбга юриши бошланиб, улар Шарқий Туркистонни босиб оладилар, Хитой тарихшунослигида бу ерлар “Ғарбий ўлка” (Хи у) деб аталади.

Бугунги кунда Хитой нафақат Осиёда, балки бутун дунёда ҳукмронлик қилиши кутилаётган ва шунга даъво қилаётган дунёдаги энг йирик ва кучли давлатлардан биридир. Иқтисодий, илмий-техникавий ва ҳарбий-сиёсий соҳаларда эришилган ютуқлар Хитой интеллектуаллари орасида ҳудудий даъволарга эга бўлган буюк давлатчилик ва миллий-шовинистик қарашларнинг тикланишига ҳам сабабчи бўлди. Хитойнинг айрим таълим учун мўлжалланган хариталарида Хитой давлатининг ҳудуди ҳозирги чегараларида кўрсатилмаган, балки Сибир, Узоқ Шарқ, бутун Марказий Осиё ва унга қўшни мамлакатларнинг бошқа ҳудудларини ҳам ўз ичига олади. Ҳозирги хитой тарихшунослигида “Ғарбий ўлка” атамаси фақат Шарқий Туркистонни эмас, балки бутун Марказий Осиё минтақасини англатади. Хитой олимларининг фикрича, Танг сулоласи ҳукмронлиги даврида Хитой Турк хоқонлигини босиб олган ва унинг таркибига кирган юқорида санаб ўтилган барча ҳудудлар Хитой империясига бўйсунган. Шу сабабли, Хитой бу ҳудудларни ўзига қайтариши ва Хитой империясининг собиқ куч-қудратини қайта тиклаши керак.

Шўролар давлати парчаланиб кетганидан кейин, Хитойнинг Марказий Осиёдаги мустақилликка эришган янги давлатларга бўлган қизиқиши сезиларли даражада ошди, ушбу минтақа халқларининг тарихи ва маданияти бўйича илмий тадқиқотлар фаоллашди. Ҳозирги

вақтда Хитойда Марказий Осиё билан боғлиқ бўлган муаммоларни тадқиқ этувчи бир нечта илмий марказлар мавжуд. Улардан энг катталари Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши ҳузуридаги Халқаро муаммоларни ўрганиш маркази ҳамда Шарқий Европа ва Марказий Осиё ижтимоий тараққиёти илмий-тадқиқот институтидир. Энг эски илмий-тадқиқот марказларидан яна бири Хитой Халқ Республикаси Ижтимоий Фанлар Академияси ҳузуридаги Шарқий Европа ва Марказий Осиё институтидир. Худди шу Академия ҳузурида Тарих институти мавжуд бўлиб, унда Марказий Осиё тарихи бўйича тадқиқотлар олиб борилади. Бундан ташқари, Хитой Халқ Республикасида яна бир қатор илмий-тадқиқот марказларида Марказий Осиё муаммоларини ўрганиш бўйича махсус бўлимлар мавжуд. Бундай марказларнинг кўплиги, Марказий Осиё давлатларини ўрганиш учун кўп сонли олимларнинг сафарбар этилиши ва ушбу минтақага бағишланган нашрларнинг жадаллашуви Хитой Халқ Республикасининг ўзининг ғарбдаги қўшниларига бўлган катта қизиқишидан далолат беради [Ходжаев 2007: 57 – 60].

***Саволлар:***

- 1. Танг сулоласининг тарихига оид қайси Хитой манбаларини биласиз?*
- 2. Танг сулоласи даврида қайси Хитой сайёҳлари Марказий Осиёга ташириф буюрганлар?*

***Мустақил иш учун топшириқлар:***

- 1. Марказий Осиё тарихига оид Хитой манбалари.*
- 2. Хитой олимларининг Марказий Осиё тарихига оид тадқиқотлари.*



## 1.5. Россия Федерацияси ва Украинада Марказий Осиё тарихининг ўрганилиши

*Дарсинг ўқув мақсади: Шўролар давлати парчалангандан кейин Россия Федерациясида тарихчилик соҳасида олиб борилётган тадқиқотларда бир ёқлама қарашлар ва уларнинг таҳлили. Конструктивизм назариясининг ҳаётга татбиқ этилиши ва унинг асл мақсадлари. Украинада олиб борилётган миллатчилик сиёсати ва тарихни ёритишдаги бир ёқлама қарашлар.*

*Таянч тушунчалар ва иборалар: руслар, славянлар, Россия империяси, буюк миллатчилик шовинизми, колониализм, конструктивизм, ягона миллат концепцияси, украин миллатчилиги.*

Ўзининг ўтмишини мақташ ва тарихни сохталаштириш касаллиги собиқ иттифокнинг бошқа республикаларида ҳам кузатилади. Масалан, Россияда академик А. Фоменко ва унинг издошлари тарихни қайта кўриб чиқиб, унда русларнинг тарихини қадимийлаштиришга ва уларнинг аҳамиятини бўрттириб кўрсатишга уринмоқдалар. Уларнинг фикрига кўра, руслар жуда қадимий халқ бўлиб, қадимги этрусслардан тортиб Ботухон даврига қадар барча манбаларда қайд этилган. Бутун Евросиё қитъасининг тарихи ҳам фақат руслар томонидан яратилган, бу ерда улардан бошқа ҳеч қандай халқлар бўлмаган.

А. Фоменко ва Г. Носовский “Новая хронология Руси” (“Руснинг янги йилномаси”) номли китобида (М.: Факториал, 1999) ёзадиларки, Амир Темурнинг келиб чиқиши мўғул эмас, рус бўлган, Мўғул империяси эса аслида Рус империяси бўлган (209-бет). Мўғул-татарлар аслида оддий рус казаклари эди. Шунинг учун айтиш мумкинки, Амир Темур мўғул бўлса ҳам аслида у рус казакларининг ҳарбий кўмондони, яъни атамани эди (211-бет). Бошқа ерда эса уни “европалик” (208-бет) ёки “Яик орти татарларидан” деб атаганлар (216-бет). Амир Темурнинг пойтахти аслида Самарқанд эмас Самара шаҳри бўлган экан (216-бет). Амир Темурнинг жаҳоннинг ярмини забт этишидан асосий мақсади Урус-хон, яъни русларнинг ерларини ҳимоя қилиш эди, ва у бунга бутун умрини бағишлаган эди. Унинг



рақибни Тўхтамиш-хон аслида Дмитрий Донской бўлиб, қирол Августинг авлоди эди. Амир Темурнинг унга қарши уруши эса Рус Ўрда-сидаги ҳокимият учун ички кураш эди. Шунинг учун Темур уни бир неча марта енгган бўлса ҳам, ўлдирмаган (215-бет). Мазкур “олимлар” нинг фикрича, Чингиз-хон ҳам аслида буюк рус князи Георгий Данилович, унинг давлати эса Буюк Рус-Мўғул Империяси бўлган экан (112-бет). Ботухон – бу Георгийнинг укаси Иван Калита эди, унинг исми ҳам русча “батя” (“батюшка”), яъни “ота” сўзидан олинган экан (120-бет).

Бу гаплар Россия Фанлар Академиясининг ҳақиқий аъзосининг китобида ёзилган. Россияда бу китобга деярли ҳеч ким ҳеч қандай расмий фикр билдирмаган. Демак, тарихчи олимлар ва расмий доиралар шу гапларга қўшиладилар ва унга эътироз билдирмайдилар. Гарчи Россияда шундай “олимлар” академик даражасига кўтарилган экан, демак, у ерда бундай “олимлар” га ва бундай ғайриилмий ёндашувларга талаб бор, деб айтишимиз мумкин.

Украинада тарихчи олим Ю. А. Шилов “Начала цивилизации” (“Тамаддун илдизлари”) китобида келтирилган “Праистория Руси VII тыс. до н.э. – I тыс. н.э.” номли маърузасида бутун жаҳон тарихини қайтадан кўриб чиқишга ҳаракат қилган. Унинг фикрига кўра, жаҳондаги энг қадимги маданият ўчоғи ва давлатчилик анъаналари Яқин Шарқ ва Месопотамияда эмас, балки Украинада вужудга келган. Қадимги шумерлар аслида Украина худудидан келиб чиққан ва бу ердан Яқин Шарққа кўчиб борганлар. Уларнинг илк давлати м. а. VII (эҳтимол XII) минг йилликда Дунай ва Днестр дарёлари бўйларида жойлашган ва “Аратта” деб аталган. Айнан шу давлат ўрнида кейинчалик Киев Руси ташкил топган. Шундай қилиб, унга кўра, украин давлатчилиги ҳам уйғурларникидек мезолит ва неолит даврларида вужудга келган.

Маърузада яна таъкидланишича, “тарихнинг отаси” аслида Геродот эмас, балки А Энзу исмли бир ҳукмдор бўлиб, у м. а. VII минг йилликда ҳозирги Украина худудида ташкил топган Шу нун давлатининг тарихини ёза бошлаган [Ртвеладзе 2007: 10, 11, 12]. Бизга маълумки, Геродотнинг “тарихнинг отаси” деб аталишига асосий сабаб унинг энг қадимги тарихчи бўлганлиги эмас. Унгача ҳам тарихчилар бўлган. Масалан, “Персика” асарини ёзган Ктесий.

Геродот биринчи бўлиб, бутун жаҳон тарихини ёзишга киришган. Шунинг учун ҳам уни “тарихнинг отаси” деб аташган. Ктесий ва бошқалар эса айрим ҳудудлар, сулолалар ва даврларнинг тарихини ёзганлар.

Россиялик олимлар Россия табиий фанлар академиясининг академиги А. Тюняев, Космонавтика академиясининг мухбир аъзоси П. Свиридов, тарихшунослар П. Олексенко, А. Асов ва бошқалар бундан хан узоққа кетдилар. Уларнинг фикрига кўра, Буюк Хитой деворини хитойликлар эмас, балки руслар қурганлар. Хитойнинг ғарбий қисми ўрта аср Европа хариталарида “Cataio” (Хитой) деб аталган, бу атама эса қадимги Хитой тилида “Русия” маъносини англатган. Хитой сўзи эса *кий* ва *той* сўзларидан иборат бўлиб, “баланд девор” маъносида ишлатилган.<sup>1</sup> Мазкур хариталарда кўрсатилган ва бутун Евросиё ҳудудларини эгаллаган Tartaria мамлакатига қадим замонлардан рус ва славян халқлари яшаб келганлар, қадимги хитойликлар эса уларни “оқ худолар” деб атаганлар.<sup>2</sup>

Хитой ҳудудидан топилган неолит даврига оид сопол буюмларнинг сатҳига ўйиб чизилган руник ёзувлар, юқоридаги олимларнинг фикрича, қадимги рус руник ёзувининг дастлабки шаклидир.<sup>3</sup>

Шарқий Туркистондаги Тарим воҳасидан топилган неолит даврига оид машҳур мумланган мурдалар генетик жиҳатдан ҳозирги руслар билан бир хил экан. Демак бу топилмалар ҳам рус ва сла-

---

<sup>1</sup> Аслида эса Европа хариташунослари бу сўзни араб географларидан ўзлаштирган бўлиб, араблар Хита (й) ёки Қита (й) номи остида Хитойнинг шарқий қисмидаги Кидан (Қорахитой) лар давлатини ва у ерда ҳукм сурган Ляо сулоласини (907 – 1125) назарда тутганлар.

<sup>2</sup> Ўрта аср Европа хариталаридаги ушбу Tartaria жой номига биринчи бўлиб қизиқиш билдирган Татаристоннинг собиқ президенти М. Шаймиев бу масалани жуда ҳам эрта кўтарганига пушаймон бўлган бўлса керак. Ахир у Tartaria жой номи татар халқининг тарихи билан боғлиқ бўлган деб ўйлаган эди-да. Аслида ҳам Tartaria деганда Европа хариташунослари рус казаклари томонидан босиб олинган Евросиёдаги туркий халқларнинг ерларини, яъни Қозон, Киев, Қрим, Астархон ва Сибир хонликларини назарда тутганлар. Бу ерлар илгари Олтин Ўрда таркибига, ундан ҳам олдин эса Турк хоқонлигининг таркибига кирган.

<sup>3</sup> Аслида эса қадимги рус руник ёзуви қадимги герман ва турк руник белгилари асосида вужудга келган, бу белгилар эса қадимги турк руник ёзуви вужудга келишидан олдин III – V асрларда Евросиё ҳудудларида ишлатилган.

вянларнинг аждодлари ҳисобланади.<sup>4</sup> Ушбу мумланган мурдаларда жарроҳлик амалиётининг излари топилган. Демак, русларнинг аждодлари тиббиёт соҳасида қадимги хитойликлар ва дунёнинг бошқа халқларидан ҳам кўпроқ билимга эга бўлганлар.<sup>5</sup>

Бундан 7,5 минг йил аввал, славянлар ва “аждар халқи”, яъни хитойликлар ўртасида уруш бўлган. Бундан ташқари, 50 – 60 минг йил аввал яшаган русларнинг аждодлари бутун Европа тамаддунининг асосчилари бўлганлар, ҳатто “Одам Ато” нинг ўзи ҳам рус эди. “Илмий” қобикқа ўралган ушбу бемаънилиқлар Россиянинг марказий кўрсатувларида “ҳужжатли филм” сифатида эфирга узатилади. Ушбу филмларда қайд этилган маълумотлар аслида мавжуд, аммо улар бутунлай нотўғри талқин қилинган ва аниқ мақсад билан бузиб кўрсатилган. Россиянинг давлат сиёсатида хизмат қилувчи олимлари ва “академиклари” мана шундай бемаънилиқлардан ҳам қайтмайди. Уларнинг мақсади эса ўша-ўша: Евросиёдаги барча босиб олинган ерларини абадий ўзлаштиришдир. Агар илгари Россияда тарих фани шўролар мафкурасига хизмат қилган бўлса, энди у янги рус мафкураси – буюк давлатчилик ва миллий шовинизм сиёсатида хизмат қилмоқда.

Ҳозирги кунда Россия Фанлар Академиясининг Этнология ва антропология институтида т.ф.д. С. Абашин Ўрта Осиё халқларининг тарихи бўйича илмий тадқиқотлар олиб бормоқда. Хусусан, унинг Фарғона водийсининг XIX – XX аср бошларидаги аҳолиси ҳақидаги мақоласи [Абашин 2004] ва “Национализмы в Средней Азии: в поисках идентичности» (“Ўрта Осиёда миллатчилик: ўзликни излаш йўлида”) номли китобида [Абашин 2007] сартлар ҳақида фикр юритилган. С. Абашин ҳеч қайси маҳаллий тилларни билмай туриб, асл ҳужжатларни тўла-тўқис ўрганмай туриб, бу илмий масалага сиёсий тус беришга ҳаракат қилган. Ўрта асрлардаги сартларга оид

---

<sup>4</sup> Аслида эса бу мумланган мурдалар қадимги даврларда Шарқий Туркистонда яшаган эроний ва туркий тилли халқларнинг аждодларидир.

<sup>5</sup> Бу мумланган мурдаларнинг ҳозирги Россия аҳолиси билан генетик ўхшашлиги шу билан изоҳланадики, руслар Евросиёдаги босиб олинган мамлакатлар аҳолисининг кўп қисмини ўзига сингдириб олган. Ҳозирги русларнинг томирларидаги қонда славянларнинг улуши жуда кам қолган бўлиб, унда урол-олтой халқларининг улуши асосий миқдорни ташкил этади. Тарим воҳасидан топилган мумланган мурдаларнинг келиб чиқиши ҳам худди шундай бўлган.

манбаларни ўрганиш ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Унга кўра, ўзбек миллати болшевиклар, яъни “қизил руслар” томонидан сунъий равишда тузилган вақтда сартларнинг ҳуқуқлари поймол этилган, ва ўзбеклар 1,7 миллионли бутун бир халқни бир зумда ютиб юборганлар. Бу фикрни Қозоғистонда фаолият олиб бораётган америкалик олим Джон Шоберлайн ҳам қўллаб-қувватлаган [Шоберлайн 1997: 55]. Гўёки уларнинг тадқиқот олиб бориши учун бошқа мавзу қуриб қолгандай. Ундан кўра, Россия ва Америкадаги йўқ қилинган ва йўқолиб бораётган халқларнинг тарихи билан шуғуллансанг бўлмай-дими, дегинг келади.

Ҳаммага маълумки, бу икки мамлакатда қанчадан қанча кам ва кўп сонли халқларнинг ҳақ-ҳуқуқлари поймол қилинган ва ҳалигача поймол қилиб келинмоқда. Агар ўзбеклар мавжуд бўлмаган “сарт” ларни бир зумда “ютиб” юборган бўлсалар, бу Россия ва Америкада қилинган жиноятлар олдида ҳеч нарса эмас. Ҳеч кимга сир эмаски, Евросиёда рус босқинчилари, Америкада эса европалик истилочилар қанчадан қанча маҳаллий аҳолини қириб ташлаганлар, тирик қолганларига эса зўрлик билан насронийлик динини “қабул” қилдирганлар. Улар яна қандайдир ҳақ-ҳуқуқлар ҳақида гапирадилар. Америкадаги европалик истилочилар орасида бир мақол ҳам бор эди: “Яхши ҳинду – бу ўлик ҳиндудир”. Ҳозирги кунда шунга ўхшаш мақол Америка ҳимояси остида Фаластинда ҳаракат қилаётган Исроил истилочилари орасида тарқалган: “Яхши фаластинлик – бу ўлик фаластинликдир”.<sup>6</sup> Кўриб турибмизки, жаҳонда ҳеч нарса ўзгаргани йўқ. Босқинчилар ва истилочиларнинг қиёфаси кўп асрлар илгари қандай бўлган бўлса, ҳали ҳам ўша-ўша. Ўзбекларга келсак, улар ҳеч қачон босқинчилик қилмаганлар. Улар ўзларининг аждодларидан мерос бўлиб қолган ўз ерларида яшамоқдалар, ва бошқа халқларга ҳеч қандай ҳудудий даъволари ҳам йўқ (лекин бўлиши мумкин эди!). Ундан ташқари, улар қадимги ва юксак ривожланган маданият соҳиблари сифатида айрим қўшни халқлардан фарқли равишда ҳар доим ўзларининг

---

<sup>6</sup> Ҳозирги кунда Исроил “террорчи давлат” ва “ер юзидаги энг улкан камок” дея таърифланади [Рарре 2017].

меҳмондўстлиги ва бағрикенглиги билан ажралиб турганлар ва ҳали ҳам ажралиб турадилар.

Сиёсатчи олимларнинг сартлар масаласи билан қизиқиб қолганларининг асл мақсади шундан иборатки, бу орқали улар икки қардош халқ, ўзбеклар ва тожиклар тарихидаги мунозарали бўлган муаммолардан бирини яна ҳам авж олдириш ва улар орасига раҳна солишдир. Тожикистон олимлари ва уларни қўллаб-қувватлаб турувчи рус сиёсачиларига кўра, 1924 йилда Ўзбекистон Республикаси тузилганда, сартлар сунъий равишда ўзбек халқининг таркибига киритилган, аслида эса улар тожиклар эди.

Маълумки сартлар масаласи бўйича XX аср бошларида Чор Россияси даврида мутахассислар ва маҳаллий зиёлилар, шу жумладан жадидлар, ўртасида кенг илмий мунозаралар олиб борилган. 1920-йилларда ҳам “қизил руслар” Ўзбекистон Республикасини тузиш арафасида бу масалага батафсил тўхталганлар. Бу жараёнларда маҳаллий зиёлилар, хусусан, Файзулла Хўжаев, Фитрат, Чўлпон, Абдулла Қодирий, Абдулла Авлоний, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мунавварқори сингари жадидлар ҳаракатининг фаол аъзолари ҳам иштирок этганлар. Натижада, шу хулосага келинган эдики, “сарт” номли халқнинг ўзи йўқ. Чунки “сарт” номи остида маълум бўлган аҳоли гуруҳлари ўзларини “сарт” деб атамаганлар. Бу кўчманчилар ўтроқ аҳолига нисбатан қўллаган бир ном бўлган. Шунинг учун уни муомаладан чиқариб, ўрнига “ўзбек” атамаси кенгроқ қўлланила бошлаган. Чунки бу этник ном тарихий асосларга эга бўлган. Ўзбекистон Республикасининг ташкил топиши бу “қизил руслар” томонидан ўйлаб топилган сунъий тузилма бўлмаган, балки ўзбек халқининг руслар истилоси натижасида йўқотилган давлатчилигининг янги тарихий шароитдаги тикланиши эди. Албатта, бу “миллий давлатчилик” ҳуқуқий ва ҳудудий жиҳатдан ўзбек зиёлилари ўйлаганидек амалга ошгани йўқ. Чунки бу ислохотлар “қизил руслар” назорати остида олиб борилган. Уларнинг мақсади эса ўзбек давлатчилигини тиклаш ва ривожлантириш эмас, балки уни майда-майда бўлақларга парчалаб ташлаш, қайта тикланишига тўсқинлик қилувчи унсурларни вужудга келтириш, кўпайтириш ва қўллаб-қувватлаш бўлган. Бу жараёнлар америкалик шарқшунос олим Адиб Холиднинг “Making Uzbekistan”



(“Ўзбекистоннинг ташкил этилиши”) номли китобида батафсил ёритилган [Khalid 2015].

Россия Федерациясининг ўзида конструктивизм назариясига асосланган ижтимоий таълимот давлат сиёсатига айлантирилган. Унга кўра, миллатларнинг вужудга келиши ва яшаши фақат сиёсий жараёнлар билан боғлиқ. “Миллат” тушунчаси бевосита “давлат” тушунчаси билан боғлиқ. Давлатчилик бўлса, миллат бор, йўқ бўлса, миллат ҳам йўқ. Шунинг учун Россия Федерациясининг барча ватандошлари ягона Россия миллати, майда халқлар ва миллатлар эса этник руслардан фарқли равишда “россиянлар”, яъни россияликлар ҳисобланади. Шу билан бирга руслар ҳам “россиянлар” деб аталади. Инглиз тилида эса бу атамалар орасида ҳеч қандай фарқ йўқ, ва барча россияликлар “Russian” деб аталади, ва “рус” деб тушунилади. Бундан англаш мумкинки, бу сиёсатнинг заминида русларнинг босиб олинган ерлардаги ҳукмронлигини абадийлаштириш, у ерларнинг ҳақиқий эгаларини ўзларига сингдириб олиш ва уларнинг миллий ўзлигини йўқотиш мақсадлари ётади. Худди шундай сиёсат XX асрда шўролар давлатида ҳам олиб борилган. У даврда “ягона совет халқи” ғояси илгари сурилган эди, ва бу баҳонада барча миллатларни руслаштириш сиёсати олиб борилган эди. Ундан олдин эса бу сиёсатни Россия империясининг ҳукумати босиб олинган мустамлакаларига нисбатан қўллаган эди. Демак, шўролар давлати парчалангандан кейин вужудга келган Россия Федерацияси Россия империясининг фақат байроғи ва гербини, шунингдек, мустабид тузумнинг мадҳиясини мерос қилиб олмасдан, балки уларнинг бошқа халқлар ва миллатларга қарши қаратилган буюк миллатчилик ва миллий-шовинистик сиёсатини ҳам ўзига қурол қилиб олган.

1905 йилда Тошкентда нашр этилган “Туркестанские ведомости” газетасида шундай ёзилган эди: “Главная цель русско-туземных школ заключается в том, чтобы каждый мусульманин Туркестана говорил по возможности только по-русски и даже мыслил по-русски” (“Рус-тузем мактабларининг асосий мақсади шундан иборатки, Туркистондаги ҳар бир мусулмон иложи бўлса, фақат русча сўзлашсин ва ҳаттоки русча фикрласин”). Рус истилочилари юртимизда бунга қисман эришдилар. Ҳозирги кунда бизда ўз она тилини менсимайдиган ва ҳатто ўзининг уйида фақат рус тилида сўзлашадиган кимсалар кўп.



Мустақиллик туфайли руслаштириш сиёсати бироз тўхтатилди. Лекин бу сиёсат ўз вазифасини бажариб бўлган эди. Чунки илгари руслаштириш жараёни мажбурий кечган бўлса, энди руслашиш жараёни ихтиёрий бўлиб қолди. Россияда эса бу жараёнлар ҳали ҳам давлат сиёсати даражасида назорат этилади. Буни биз ҳар қадамда кўришимиз мумкин. Масалан, 2014 йилда Сочида бўлиб ўтган Олимпия ўйинларининг тантанали очилишида намойиш этилган театр сахнасида фақат русларнинг тарихи, маданий кадриятлари ва рамзлари акс этдирилди. Россиянинг бошқа халқлари ҳақида эса бир оғиз ҳам эслаб ўтилгани йўқ. Бу ҳол рус колониал сиёсатининг янги қиёфасидан яққол намунадир. Россия империясида ҳам миллий ва маъмурий жиҳатдан руслардан бошқа ҳеч қандай халқлар бўлмаган. Босиб олинган мусулмон халқлари (татарлар, бошқирлар, озарбайжонлар, қримликлар, ўзбеклар, қozoқлар ва ҳ.к.) эса якутлар ва чукчалар сингари маданиятсиз қарам майда халқлар ҳисобланган ва ҳеч қандай ҳақ-ҳуқуқларга эга бўлмаган.

Айниқса Россияда ҳокимиятга В. Путин келганидан сўнг, Россия империяси ва шўролар давлатининг собиқ куч-қудратини қайта тиклашга қаратилган давлат сиёсати олиб борила бошланди.<sup>7</sup> Шу билан бирга, руслар томонидан босиб олиниб, империяга “қўшиб олинган” ерларнинг кам сонли маҳаллий халқларининг миллий ҳуқуқлари ва эркинликлари яна ҳам чеклана бошланди. Бундай вазиятда русларга конструктивизм ижтимоий назарияси жуда қўл келиб, у шўролар олиб борган миллий сиёсат билан қандайдир ўхшашликка эга эди. Конструктивизм назариясига кўра, ҳеч бир халқнинг этногенези ва этник тарихи йўқ, миллатлар эса фақат сиёсий тузилмалар ва жараёнлар натижасида ташкил топади ва шаклланади. Шунинг учун Россияда фақат битта миллат – россия миллати мавжуд. Агар шўролар давлатида олиб борилган миллий сиёсатнинг якуний мақсади барча халқларни ягона шўролар миллатига айлантириш бўлган бўлса, бугунги кундаги Россияда фақат бир миллат – россия миллати мавжудлиги ҳақида гапиришмоқда. Бугунги

---

<sup>7</sup> В. Путин ҳокимияти аслида инкирозга учраган коммунистлар (ГКЧП) ҳокимиятининг янги қиёфадаги кўриниши бўлиб, унда турли хил миллатчилар ва ирқчилар кўпчиликни ташкил этади.

кунда Россия “кичик халқлар”, яъни кам сонли халқлар учун ҳақиқий қамоқхонага айланган бўлиб, улар “катта ака” нинг этиги остида хор бўлиб келмоқда.<sup>8</sup> Ҳеч қандай шубҳа йўқки, Россия “Федерацияси” га кирувчи барча кичик халқлар вақти келиб йўқ бўлиб кетади. Уларнинг миллий ривожланиш истиқболлари жуда чекланган ва, афсуски, уларнинг ўз миллий келажаги йўқ.

В. Путин “Валдай” мунозара даврасидаги (2018 йил 18 октябр, Сочи) ўз нутқида миллий ҳуқуқлар учун кураш олиб борувчиларни “ғордан чиққан миллатчилар”, ўзини эса шунчаки “миллатчи” деб атади, яъни бу дегани “расмий ёки давлат миллатчиси” бўлса керак. Бу билан у ўзининг олиб бораётган кичик халқларни аста-секин ютиб юбориш ва йўқ қилишга қаратилган ички миллий сиёсатининг буюк давлатчилик ва миллий-шовинистик моҳиятини эътироф этди. Хитой Халқ Республикасидаги “кам сонли халқлар”, яъни уйғурлар, ўзбеклар, қозоқлар ва қирғизларнинг аҳволи бундан ҳам аянчлидир.<sup>9</sup>

### ***Саволлар:***

- 1. Русларнинг аجدодлари ким бўлган ва қайси ҳудудларда яшаганлар?*
- 2. Украинлар қайси ҳудудларда яшаганлар?*

### ***Мустақил иш учун топшириқлар:***

- 1. Россия империясининг ташиқил топиши.*
- 2. Украина давлатчилигининг асослари.*

---

<sup>8</sup> Қизиғи шундаки, руслар этикни, бошқа кўп кийим турлари сингари, қадимги турклардан ўзлаштирганлар. Ҳатто рус тилидаги “каблук” сўзи ҳам туркчадир. Руслар ўзларининг “лапти” деб аталган миллий оёқ кийимини Пётр I даврига қадар кенг ишлатганлар, этикни эса фақат боярлар, яъни аслзодалар ва бойлар кийган. Ҳозир эса руслар “биз маданияти паст кичик халқларга маданият олиб келдик” деб даъво қиладилар.

<sup>9</sup> Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, бу ерда гап хориждаги миллий жамоалар ҳақида эмас, балки кичик халқларнинг миллий ўчоғидаги вазият ҳақида кетмоқда. Хорижда яшаётган у ёки бу миллий жамоада она тили унутилса, бу катта фожиа эмас, чунки тил миллатнинг ўз ўчоғида ривожланишда давом этади. Лекин тил миллатнинг ўз ўчоғида ривожланишдан тўхтаса ва муомаладан чиқса, бу энг катта фожиадир. Россия ва Хитойдаги кичик халқларнинг аҳволи эса айнан шундайдир.

## II боб. МАРКАЗИЙ ОСИЁДАГИ МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЛАРНИНГ МИЛЛИЙ КОНЦЕПЦИЯЛАРИ

### 2.1. Халқларнинг келиб чиқиши ҳақида замонавий концепциялар

*Дарсинг ўқув мақсади:* Марказий Осиё минтақаси тарихи тарихчилигидаги назарий муаммолар ва уларни ёритишдаги бир ёқлама ёндашувлар. Туркистон халқларининг тарихий мафкураси. Чор Россиясининг тарихий концепцияси. Шўролар даврида тарихни ёритишдаги бир ёқлама қарашлар. Европоцентризм ва индоевропеизм зоялари ва улар асосида ётган сиёсий мақсадлар. Хитой ва Эронда Ўрта Осиё тарихининг ёритилиши. Марказий Осиё республикаларида Ўрта Осиё тарихини ёритишдаги бир ёқлама гайриилмий қарашлар. Ўзбекистон Республикасида Марказий Осиё тарихини тадқиқ этишдаги асосий назарий ва зоявий асослар билан таништириши.

*Таянч тушунчалар ва иборалар:* руслар истилоси, шўролар истибдоди, мустақил республикалар, миллий концепциялар, халқларнинг келиб чиқиши ва номланиши, давлатчилиги, яшаган ҳудудлари, маданияти, миллий шовинизм зоялари.

Ҳар бир халқ ўзининг тарихини, аждодларининг меросини, маънавий илдизларини билишни истайди – бу табиий ҳол. Бусиз тараққиётнинг бўлиши мумкин эмас. Ҳар бир инсон ўз халқининг тарихини билиши, бошқа халқларнинг маданиятига ҳурмат билан қараши лозим. Марказий Осиё халқларининг тарихи муштарақликда кечган. Шунинг учун уларнинг келажаги ҳам биргаликда барпо этилиши керак. Лекин Россия империяси мустамлакачилиги ва шўролар даври истибдоди 125 йил давомида амалда минтақа халқлари ўртасига раҳна солиб, уларни бир-бирига қарама-қарши қилишга уриниб келди. Натижада бу халқлар мустақилликка эришгандан сўнг собиқ совет республикаларининг баъзи олимлари орасида фақат ўз халқининг тарихини улуғлаб, кўкка кўтариб, уни сохталаштиришга ва

қўшни халқларнинг минтақа тарихида тутган аҳамиятини камситишга уринишлар кузатилмоқда. Шўролар даврини қоралаш баҳонасида тарих соҳасида эришилган тадқиқот натижалари, илмий ютуқлар инкор этилиб, асоссиз ва сохта хулосалар чиқарилмоқда.

Шўролар давлати парчалангандан сўнг Марказий Осиёдаги мустақилликка эришган ҳар бир республиканинг тарих соҳасида ўзининг миллий концепцияси шакллана башлади. Янги миллий руҳда қатор-қатор китоблар, рисоалар, мақолалар эълон қилина бошлади. Бундай “тадқиқот” ларни фақат олимлар эмас, балки мутахассис бўлмаган ва ҳатто илм-фандан йироқ бўлган, сиёсий мақсадларни кўзлаган шахслар ҳам олиб борди. Бундай “тадқиқотчилар” орасида ҳатто давлат раҳбарларини ҳам кўриш мумкин. Бу эса муаммони ҳал этиш ўрнига, уни илмий мунозара доирасидан чиқариб, унга сиёсий тус берди ва қўшни халқлар ўртасига раҳна солди. Айниқса ижтимоий тармоқларда тарихнинг турли масалалари бўйича кескин “мунозаралар” олиб борилди. Ифвогарлик руҳида суратга олинган филмлар намоёниш этилди. Бу ташвиқотларнинг мақсадини ўша олимлар одатда “ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш” деб кўрсатишга уринадилар. Лекин буларнинг ҳаммасини “ахборот уруши” деб таърифлаш ҳақиқатга яқинроқ бўлади.

Мустақилликка эришган собиқ “шўролар иттифоқи” республикаларида қабул қилинган миллий концепцияларнинг ўхшаш томонлари шундан иборатки, уларнинг ҳар бирида асосий эътибор бир хил масалаларга қаратилган. У ҳам бўлса, у ёки бу халқ *биринчидан*, энг қадимги давлатчиликка эга; *иккинчидан*, унинг келиб чиқиши ва номланиши жуда қадимий бўлган; *учинчидан*, унинг яшаган ерлари жуда катта ҳудудларни ўз ичига олган; *тўртинчидан*, унинг маданияти жуда юқори бўлган ва қўшни халқларникидан устун турган. Бундай ёндашув нафақат Марказий Осиё республикалари, балки собиқ “иттифок” нинг бошқа республикалари, хусусан, Россия Федерацияси ва Украинадаги баъзи олимларга ҳам хос деб айтсак, адашмаймиз. У ерларда нашр этилаётган “илмий” асарларни ўқисангиз, уларда ғайриилмий қарашлар, хусусан, европоцентризм ва индоевропеизм ғоялари ҳукмронлигини яққол кўрасиз.

### **Саволлар:**

1. Туркчилик билан пантуркизм атамаларининг фарқи нима?
2. Конструктивизм назарияси нимадан иборат?

### **Мустақил иш учун топшириқлар:**

1. Европоцентризм назарияси ҳақида маълумот беринг.
2. Индоевропеизм назарияси ҳақида маълумот беринг.

## **2.2. Ўзбекистон давлатчилиги тарихи концепцияси**

*Дарсинг ўқув мақсади:* 1999 йилда Ўзбекистон тарихчилари томонидан қабул қилинган “Ўзбекистон давлатчилиги тарихи концепцияси” билан таништириш ва уни таҳлил этиш.

*Таянч тушунчалар ва иборалар:* илк давлатчилик уюшмалари, форслар ва юнонлар ҳукмронлиги, кушонлар, Қанг давлати, эфталлийлар, Турк хоқонлиги, Араб халифалиги, мўгуллар истилоси, Темурийлар давлати, Шайбонийлар давлати, Ўзбек хонликлари.

Ўзбекистон давлатчилиги тарихи концепцияси<sup>10</sup> ўзбек халқи давлатчилиги тарихини холисона ўрганишнинг илмий методологиясини шакллантириш, шу асосда ўзбек халқи ва унинг давлатчилигининг ҳаққоний тарихини яратиш, халқимизда, айниқса, ёш авлодда тарих тафаккурини ва тарихий хотира туйғусини тарбиялашга йўналтирилган. Концепциянинг асосий, таянч илмий ғоялари куйидагилардан иборат:

- ўзбек халқи давлатчилиги тарихи ўтроқ, сунъий суғорма деҳқончилик хўжалиги заминидан жез давридаёқ Амударё ва Сирдарё оралиғида вужудга кела бошлаган. Унинг тадрижий давомида м. а. I минг йиллик бошларида йирик давлат уюшмалари сифатида ривож топган;

- ўзбек давлатчилиги тарихи салкам 3 минг йилдан буён умумжаҳон тарихи ҳамда инсоният жамияти тараққиётининг ажралмас

---

<sup>10</sup> Ушбу концепция “Ўзбекистон тарихи” журналининг 1999 йил 1-сонидан эълон қилинган.



қисми бўлиб келмоқда. Турли номлар билан аталиши, сулолаларнинг алмашинуви каби омиллар ўзбек давлатчилиги тарихининг босқичлари бўлиб, унинг бир бутунлигини ва асосий моҳиятини ўзгартирмайди;

- ўзбек халқи Ўзбекистоннинг маҳаллий туб аҳолиси бўлиб, унинг антропологик қиёфасида Ўрта Осиё – Фарғона антропологик типи белгилари етакчидир. Ўзбек халқининг тарихи Амударё ва Сирдарё оралиғида барча қадимий даврларда кечган этник ва маданий жараёнлар билан узвий боғланади;

- Ўзбекистон ҳудудлари цивилизацияси Ўрта Осиё халқлари тарихий-маданий тараққиётининг узвий қисми сифатида минг йиллар давомида жаҳоннинг илғор цивилизациялари билан ҳар томонлама алоқада ривожланди ҳамда инсоният цивилизациясининг тараққиётига улкан таъсир кўрсатди. Бу макон умумжаҳон цивилизациясини ривожлантиришда хизмат қилувчи илғор ғояларни юзага келтирувчи, сақловчи ва дунёга тарқатувчилик ролини ўйнаб келган;

- концепциянинг манбашунослик ва тарихшунослик асосини улкан моддий ёдгорликлар мажмуи, ёзма ёдгорликлар ва дунё тарих фани эришган ҳолисона ҳулосалар ташкил этади.

Концепциянинг мақсади ва вазифалари: Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат куриш жараёнида ўтмишнинг тарихий тажрибаси, ўзбек халқининг қадимий давлатчилик анъаналари беқиёс аҳамият касб этиши Ўзбекистон Республикаси 1-президенти И. А. Каримовнинг асарларида ўз аксини топган. Шундан келиб чиқиб, концепцияда истиқлол мафқураси ва миллий ўзликни англашнинг ажралмас қисми бўлган ўзбек давлатчилигининг ҳолисона, ҳаққоний тарихини яратиш мақсади белгиланади. Бу мақсадни амалга ошириш учун қуйидаги вазифаларни бажариш лозим:

- Ўзбекистонда илк шаҳарсозлик маданиятининг шаклланиши ва энг қадимги давлатчиликнинг келиб чиқишида азалий ўтроқ аҳолининг маданияти ҳал қилувчи омил бўлганини кўрсатиб бериш;

- м. а. IX – VIII ва VII – VI асрларда илк давлатчилигимиз тараққиёти жараёнини чуқур ва изчил тадқиқ этиш;

- Аҳамонийлар босқини, македониялик Искандар ва унинг ворислари даврида қадимий давлатчилигимизни тиклаш учун кураш-



нинг моҳиятини очиб бериш. Кушонлар сулоласи даври тарихини ўзбек давлатчилиги тарихи асосида чуқур тадқиқ этиш;

- Буюк Ипак йўлининг вужудга келиши ва унинг ички, ташқи савдо, иқтисодий ва маданий муносабатларда тугган ўрнини ёритиб бериш;

- илк ва ривожланган ўрта асрларда ўзбек давлатчилигининг барча босқичлари тарихини яхлит тизим сифатида ўрганиш ва унинг жаҳон цивилизацияси ривожланишига қўшган ҳиссасини тадқиқ этиш;

- XIV асрнинг иккинчи ярми ва XV асрда марказлашган ўзбек давлатчилиги ривожланишининг ўзига хос қонуниятлари ва хусусиятларини, Амир Темурнинг жаҳон тарихида йирик давлат арбоби, маданият ва фан ҳомийси сифатида тугган ўрнини чуқур ёритиш;

- XVI – XIX аср биринчи ярмида ўзбек давлатчилигининг ўзига хос хусусиятларини, сиёсий тарқоқлик шароитида бошқариш усулларидаги нуқсонларни, маданият, фан, санъат соҳаларидаги таназзул аломатларини ўрганиш;

- ўзбек халқининг Чор Россияси мустамлакачилиги ва шўролар истибдоди давридаги иқтисодий, ижтимоий, маданий, маънавий аҳволига холисона баҳо бериш;

- ўзбек давлатчилиги тарихининг истиқлол қўлга киритилгандан кейинги энг янги даврини ҳар тарафлама кенг ёритиш.

Концепциянинг ғоявий асослари:

- Ўзбекистон ҳудудида туб аҳоли ва унинг аجدодларининг кўп минг йиллар давомида ўтроқ яшаб келганлиги ҳақида маҳаллий маданиятнинг бой қадимги илдизи ва ўтмиши бўлганлиги;

- Ўзбекистонда давлатчиликнинг вужудга келишида ва ўзбек халқининг шаклланиш жараёнида туб ўтроқ деҳқончилик аҳолисининг тугган ўрни. Бугунги ўзбек халқи тарихан шу заминда яшаган халқ шажарасининг давоми ва шу ерда шаклланган турмуш тарзи ва маданиятининг тўлақонли вориси эканлиги;

- Ўзбекистонда давлатчиликнинг келиб чиқишида м. а. III ва II минг йилликларда шаклланган сунъий суғоришга асосланган деҳқончилик хўжалиги, хунармандчилик ва маҳсулот алмашишнинг асосий омил эканлиги;

- Ўзбекистонда давлатчиликнинг шаклланиши ва ривожланишида илк шаҳарларнинг муҳим аҳамияти;

- Ўзбекистонда давлатчиликнинг шаклланиши ва ривожланиши жараёнида туб аҳолининг урф-одатлари, анъаналари ва маънавияти, азалий ижтимоийлашув бирлаштирувчи омил бўлганлиги;

- Ўзбекистоннинг илк давлатчилиги тарихи географик, ҳудудий маънода нафақат бугунги Ўзбекистон, балки бутун Ўрта Осиё миқёсидаги қадимий, маданий, иқтисодий ва сиёсий жараёнларни қамраб олган сиёсий-ижтимоий ҳодиса сифатида талқин қилинмоғи лозим;

- Ўзбекистонда давлатчиликнинг шаклланиши ва босқичма-босқич ривожланиши, ўзига хос хусусиятлари ва қонуниятлари, унинг жаҳон цивилизацияси ривожланиши ва дунё халқлари тарихидаги тутган муҳим ўрни.

Ўзбекистон тарихида қуйидаги даврлар алоҳида аҳамиятга эга:

1. Ўзбекистонда давлатчиликка ўтиш даври (м. а. II минг йилликнинг ўрталари ва иккинчи ярми);

2. Илк давлат уюшмалари (м. а. I минг йилликнинг биринчи ярми);

3. Қадимги давр давлатчилиги (м. а. IV аср охири – милодий IV аср);

4. Илк ўрта асрлар давлатчилиги (V – VIII аср ўрталаригача);

5. Ривожланган ўрта асрлар давлатчилиги (IX – XIII аср бошлари);

6. Амир Темур ва Темурийлар давлати (XIV аср иккинчи ярми – XVI аср бошлари);

7. XVI – XIX аср биринчи ярми давлатчилиги;

8. Ўзбекистон XIX аср 2-ярми ва XX аср мустамлакачилиги даврида;

9. Мустақил Ўзбекистон давлатчилиги бир неча минг йиллик ўзбек давлатчилигининг давоми ва вориси сифатида.

Концепция мазмунининг асосий йўналишлари:

- Ўзбекистон жаҳон цивилизацияси ўчоқларидан бири. Ўзбек халқининг дунё тарихи ва маданиятининг тараққиётида тутган ўрни. Қадимги ижтимоий иқтисодий, маданий ва сиёсий жараёнларни

ўрганишда археологик ва ёзма манбаларнинг аҳамияти. Қадимги Ўзбекистон илк ёзма манбаларда. “Авесто” тарихий манба сифатида;

- дастлабки давлатчиликка ўтиш даври. М. а. 1500 – 1000 йиллар. Давлатчиликнинг шаклланишида ишлаб чиқарувчи хўжаликнинг аҳамияти. Сунъий суғоришга асосланган деҳқончилик, манзилгоҳлар ва бинокорлик, ҳунармандчилик, савдо-сотик, маданий алоқалар, ўтроқ деҳқончилик ва чорвадор аҳолининг ўзаро муносабатлари;

- м. а. IX – VIII асрлар. Этник ва маданий жараёнлар. “Авесто” даги ҳарбий-сиёсий уюшмалар ҳақида маълумотлар. Археологик тадқиқотларнинг натижалари;

- м. а. VII – VI асрларда Ўзбекистон ҳудудида илк давлатчиликнинг вужудга келиши. Тарихий география. Тарихий-маданий вилоятлар. Давлатчиликнинг ривожланишига ўтроқ деҳқончилик аҳолисининг қўшган ҳиссаси. Қадимги қабилалар ва халқлар. Моддий ва маънавий маданият. Мадааний алоқалар.

Ўзбек давлатчилиги босқичлари:

- Қадимги Хоразм. Бактрия. Суғд. Ўзбекистон ҳудудида энг қадимги шаҳарларнинг ривожланиши;

- Аҳамоний босқинчиларига қарши кураш. Ўзбекистон вилоятлари Аҳамонийлар таркибида. Аҳамонийлар давлатининг тугаши;

- Македониялик Искандар юришлари. Босқинчиларга қарши кураш. Юнонлар ҳокимиятининг ўрнатилиши. Бошқарув тизими. Ижтимоий-иқтисодий ҳаёт;

- Салавка ҳокимияти. Мустақилликка интилиш. Юнон-Бактрия давлати. Сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий жараёнлар;

- Юечжи қабилалари. Юнон-Бактрия подшолигининг тугатилиши. Кушонлар сулоласи. Бошқарув усуллари ва маъмурий тизими. Ички аҳволи ва ташқи муносабатлари. Хўжалик ва маданият. Динлар ва эътиқодлар. Ёзма ёдгорликлар;

- м. а. VI – милодий IV аср бошларида Хоразм. Ёзма ёдгорликлар асосида маданий, хўжалик ва ижтимоий ҳаёт таҳлили;

- Африғийлар сулоласи. Хоразмнинг ўзбек давлатчилиги тарихида тутган ўрни ва аҳамияти;

- Қанғ ва Довон (Паркана) давлатчилиги даври;

- Суғд ва халқаро савдо. Ўзбекистонинг қулай географик минтақада жойлашганлиги. Буёқ Ипак йўли. Шарқ ва Ғарб мамлакатларининг ўзаро таъсир жараёнлари;

- Сосонийлар ва Ўрта Осиё муносабатлари. Хиёнийлар, Кидарийлар, Эфталийлар ва Сосонийлар. Эфталийлар давлатчилиги. Ички тизими, ижтимоий-иқтисодий муносабатлари, маданияти;

- Маҳаллий халқлар ва Турк хоқонлиги. Этник жараёнлар. Бошқарув тизими. Ижтимоий-иқтисодий муносабатлар. Маданий жараён;

- Ўзбекистон ҳудудлари араблар истилоси даврида. Истилога қарши кураш. Халифалик ҳокимиятининг ўрнатилиши. Янги бошқарув тизими. Ислом динининг тарқалиши;

- IX – XIII аср бошларида ўзбек давлатчилиги тарихида Тоҳирийлар, Сомонийлар, Қорахонийлар, Салжуқийлар, Хоразмшоҳлар сулолалари. Уларнинг бошқарув тизими, ички ва ташқи сиёсати. Иқтисодий ва ижтимоий муносабатлар. Солиқ тизими. Ҳуқуқ. Маданий, маънавий ҳаёт. Ислом ҳуқуқшунослиги;

- Мўғуллар истибдоди даври. Озодлик учун кураш. Чигатой улуси. Бошқарув тизими. Иқтисодий, ижтимоий ва маданий-тарихий вазият. Сарбадорлар кўзғолони ва халқнинг озодлик учун кураши. Мўғуллар ҳукмронлигининг тугаши;

- Амир Темур давлатининг ташкил топиши. XIV асрнинг иккинчи ярмида Ўрта Осиёдаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий аҳвол. Амир Темурнинг ҳокимият тепасига келиши ва марказлашган давлат тузиши. Ижтимоий-иқтисодий муносабатлар. Солиқлар тизими. Ҳуқуқ. Халқаро дипломатик муносабатлар ва савдо. Фан, маданият, санъатнинг тараққиёти. Амир Темурнинг жаҳон тарихида тутган ўрни. Темурийлар даврида Мовароуннаҳр ва Хуросон. Шоҳруҳ ва Улуғбек;

- Шайбонийлар, Аштархонийлар ва Манғитлар сулолалари. Ўрта Осиёда Бухоро, Хива ва Қўқон хонликлари ўзбек давлатчилигининг сиёсий парокандалик даври сифатида. Улардаги бошқарув тизимининг ўзига хос хусусиятлари. Ижтимоий-иқтисодий муносабатлар. Солиқлар. Давлатчиликнинг ҳуқуқий асослари. Халқаро савдо ва дипломатик муносабатлар ривожини. Фан, маориф, санъат ва маданият. Адабиёт ва тарихнавислик;

- Чор Россиясининг Ўрта Осиёни босиб олиши. Мустамлакачилик бошқарув тизимининг ўрнатилиши. Бухоро ва Хива хонликларига нисбатан қўлланган Россия протекторати мақомининг моҳияти. Миллий озодлик учун кураш. Халқ қўзғолонлари. Жадидачилик ҳаракати;

- Туркистонда шўролар истибдодининг қарор топиши;

- Туркистонда озодлик ва мустақиллик учун кураш. Туркистон мухторияти. Унинг тугатилиши сабаблари. Бухоро амирлиги ва Хива хонлигининг тугатилиши. “Халқ жумҳурият” ларининг ташкил топиши. Шўроларнинг “миллий сиёсати”. Истиклолчилик ҳаракати ва унинг енгилиш сабаблари;

- “миллий давлат чегараланиши” нинг сиёсий моҳияти. Тоталитар тузумнинг қарор топиши. Саноатлаштириш, ер-сув ислоҳоти, маданий инқилоб ва уларнинг оқибатлари. Шўроларнинг қатағон сиёсати қурбонлари. Ўзбекистон 2- Жаҳон уруши йилларида. 50 – 80-йилларда сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаёт, фан ва маданият. Маъмурий буйруқбозлик тизимининг кучайиши. Шўролар ҳокимияти ва давлатининг барҳам топиши;

- Ўзбек давлатчилиги тарихидаги энг янги давр. Мустақил Ўзбекистон давлатининг ташкил топиши. Ўзбекистоннинг ўзига хос истиқлол ва тараққиёт йўли. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилиниши ва унинг тарихий аҳамияти. Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик фуқаролик давлати асосларининг шакллантирилиши. Ислоҳотлар ва янгиланиш. Ижтимоий-иқтисодий тараққиёт. Халқ таълими, фан ва маданият. Маънавият ва маърифат, миллий ва диний анъаналар, прогрессив урф-одатлар ва маънавий қадриятларининг тикланиши. Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамияти билан ҳамкорлиги.

### ***Саволлар:***

*1. Ўзбекистон номи қачон вужудга келган ва қайси ҳудудларга нисбатан ишлатилган?*

*2. Ўзбекистон атамаси қайси тарихий жой номларининг давомчиси ҳисобланади?*



**Мустақил иш учун топшириқлар:**

1. Ўрта Осиёнинг тарихий номлари.
2. Тарихий хариталарда Ўзбекистон атамаси.

### **2.3. Тожикистон Республикасининг миллий концепцияси**

**Дарсинг ўқув мақсади:** *Собиқ иттифоқ парчалангандан сўнг Тожикистон Республикасида авж олган миллатчилик зоялари ҳақида тушунча бериш ва уларни таҳлил этиш. Тожикистон олимлари томонидан нашр этилаётган китобларнинг мазмун моҳияти билан таништириш.*

**Таянч тушунчалар ва иборалар:** *панэронизм, миллий шовинизм, нацизм, фашизм, орийлар, ирқчилик, тожиклар, тарихни сохта-лаштириш.*

Н. Негматовнинг “Таджикский феномен: теория и история” (Душанбе, 1997) номли китобида “Тарихий Тожикистон” тушунчаси муомалага киритилган. Унга кўра, тарихда бу афсонавий Тожикистон бутун Ўрта Осиё ҳудудларини ўз ичига олиб, тарих сахнасида м. а. III – II минг йилликлардан бошлаб мавжуд бўлган ва ўша даврларда Бобил, хеттлар, финикияликлар ва бошқа қадимий халқлар билан алоқа қилган (21-бет). Н. Негматовнинг ёзишича, турклар Ўрта Осиёда фақат маданий қадриятларни вайрон қилиш ва бошқа халқларни йўқ қилиш билан шуғулланганлар (324-бет). Унинг китобида Юсуф Хос Ҳожиб, Махмуд Кошғарий, Аҳмад Яссавий, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий сингари Ўрта Осиё тарихида ўчмас из қолдирган буюк турк ҳукмдорлари, олимлари ва шоирлари ҳақида бир оғиз ҳам сўз юритилмаган. Ўрта Осиёда Сомонийлар, Ғазнавийлар, Қорахонийлар сингари турк сулолалари ҳукмронлиги даврида тожик халқининг маданияти гуркираб ривожланганлиги ҳақида ҳам ҳеч гап айтилмаган [Ртвеладзе 2007: 10].

Н. Негматовга кўра, тожиклар қадимда нафақат Ўрта Осиё, балки бутун Марказий Осиё ва Сибир ҳудудларида яшаганлар. Сибирдаги Об, Ангара дарёлари, Байкал кўлининг номлари тожик

тилидан олинган (313, 314 бетлар). Бундай талқинлар ҳеч қандай асосга эга эмас. Ўзи археолог бўлса ҳам, тилшунослик соҳасида фикр юритмоқда. Чунки унинг асл мақсади ҳаммага маълум, ва унга етишиш учун барча чоралар мақбул. Илмий тадқиқот натижалари ва бошқаларнинг фикрлари эса аҳамиятсиз [Сагдуллаев 2007: 32].

Тожикистон президенти Э. Раҳмоннинг “Таджики в зеркале истории. Кн. 1. От Арийцев до Саманидов” (Лондон) номли китобида ҳам бир қанча ғайри илмий қарашлар илгари сурилган. Хусусан, 1. Тожиклар энг қадимги давлатчиликка эга; 2. Тожик халқи Ўрта Осиё минтақасидаги энг қадимги халқдир; 3. Тожик халқи қадимдан бутун Марказий Осиё худудида яшаб келган; 4. Тожик халқи Ўрта Осиё худудида яратилган барча маданий қадриятлар (деҳқончилик ва шаҳарчилик маданияти, ҳунармадчилик маҳсулотлари, савдо алоқалари, санъат асарлари, илм-фан ва ҳ.к.) нинг яратувчиси ва эгасидир. Турклар эса бу маданиятни тожиклардан ўрганганлар ва уларнинг барча маданий қадриятларини ўзлаштириб олганлар (125, 150, 218-бетлар).

Тарихдан маълумки, Ўрта Осиёда қадимдан дравид ва урлолтой тилларида, шу жумладан, қадимги турк тилида сўзлашувчи халқлар яшаган (Анов, Қалта Минор, Ҳисор маданиятлари). М.а. II минг йилликда орий қабилалари бостириб келгандан кейин эса суғдлар, хоразмликлар, бохтарийлар, парфянлар, саклар ва бошқа эроний тилларда сўзлашувчи халқлар ташкил топган. Уларнинг тили шарқий эроний тиллар оиласига мансуб бўлган. Тожик тили эса ғарбий эроний тиллар оиласига мансуб бўлиб, Ўрта Осиёда келгинди тил ҳисобланади, ва араблар истилоси даврида тарқала бошлаган. “Тожик” этнонимининг ўзи ҳам дастлаб “араб” маъносини билдирган. Давлатчилик ва маданий қадриятлар ҳақидаги даъволар ҳам курук сафсатадан бўлак нарса эмас. Форслар (тожиклар) Марказий Осиёда ҳеч қачон ўз давлатчилигига ва ҳатто ўз маъмурий худудига эга бўлмаганлар. Бу ерда улар ҳар доим келгинди унсур ҳисобланганлар ва маҳаллий турк аҳолиси орасида яшаб келганлар.

Умуман олганда, Тожикистон олимлари ва сиёсатчилари томонидан илгари сурилаётган ғоялар ва даъволарнинг XX аср биринчи ярмида немис фашистлари томонидан асос солинган “орийлар” ҳақидаги ирқий-шовинистик назарияси билан жуда ўхшаш томонлари кўп.

А. Ҳитлер немисларни олий ирқ деб эълон қилгани сингари Э. Раҳмон ҳам тожикларни “орийлар”, яъни олий ирқнинг авлодлари деб ҳисоблайди. Немислар ирқий ва маданий жиҳатдан ўзларини славяндлар, франсузлар, инглизлар ва бошқа Европа халқларидан устун қўйган бўлсалар, ҳозирги кунда тожиклар худди шундай ўзларини Марказий Осиёнинг туркий тилларда сўзлашувчи халқларидан устун қўймоқдалар [Ртвеладзе 2007: 14 – 19].

Миллатчилик ғоялари айниқса Р. Масовнинг китобларида авжига чиққан. Унинг ёзишича, ўзбеклар Ўрта Осиёда келгинди халқ бўлиб, мўғул ва турклардан, қипчоқлардан тарқалганлар. Шунини айтиш жоизки, Р. Масов илгари этногенез ва этник тарих ёки қадимги давр тарихи билан ҳеч қачон шуғулланмаган. У шўролар даври тарихи ва сиёсати соҳасида илмий ишлар олиб борган. Ҳозир эса ўзини қадимги давр тарихи бўйича энг йирик мутахассислар қаторида кўради. Шунини айтиш жоизки, унинг барча “илмий ишлари” туркий тилларда сўзлашувчи халқларга қарши қаратилган [Сагдуллаев 2007: 26 – 27].

Тожикистонлик олимлар ўзларининг “орийлар” ҳақидаги мафкурасини ёқлаб айтадиларки, “бизнинг орийлар ҳаракати ХХ аср биринчи ярмида Германиядаги фашистларнинг орийлар ҳақидаги ашаддий миллатчи оқимларига алоқаси йўқ. Бизнинг мақсадимиз янги авлодни миллий ўзлигини англаш руҳида тарбиялашдир”. Лекин шунини ҳам унутмаслик лозимки, немис фашистлари ҳам дастлаб ўз олдиларига худди шундай мақсадларни қўйган эдилар. Кейинчалик эса улар ўта миллатчилик ва шовинистик ғоялари билан суғорилган ирқчилик таълимотига айланди. Бу ғоялар охир оқибатда қандай офатларга олиб боргани ҳамма маълум. Тожикистонда 2006 йил “орийлар цивилизацияси йили” деб эълон қилинганда, “свастика” рамзининг маънолари ва талқинлари кенг тарғиб этилди. Тожикистондаги тожик бўлмаган халқлар, шу жумладан ўзбеклар, ва 2-Жаҳон уруши қатнашчилари, шу жумладан тожиклар, бундан ўзларини жуда ноқулай сездилар. Чунки бу рамз уларга “буюк орийлар маданияти” ни эмас, немис фашистларини ва 2-Жаҳон урушининг қонли воқеаларини эслатди [Сагдуллаев 2007: 30, 31].

Тожик олимлари тарихий шахсларни ҳеч қандай асоссиз ўзлаштириш соҳасида ҳам фаол ҳаракат қилмоқдалар. Хусусан, Н. Негма-

тов ўзининг мақолаларидан бирида ёзадики, сакларнинг Томирис исмли маликаси аслида хўжандлик бўлган. Лекин мавжуд манбаларда бундай маълумотлар йўқ. Археологик материаллар ҳам бундай даъволарга асос бўла олмайди [Сагдуллаев 2007: 41, 42].

Тожик олими С. Бобомуллоевнинг “Таджики (в источниках и трудах исследователей)” (Душанбе, 2013) номли китобида “тожик” этнонимининг тарихий манбаларда ишлатилиши ҳақида сўз юритилган. Унда қадимги арман манбаларида қайд этилган *tacik / tajik* лар ҳозирги тожик халқининг аجدодлари деб кўрсатилган (12 – 15 бетлар).

*Бир жиҳатдан*, бу навбатдаги тарихни сохталаштириш бўлиб, орийлар, “Тарихий Тожикистон”, Сомонийларнинг келиб чиқиши ва “тожик халқи” сингари афсонадан бўлак нарса эмас. Бу афсоналарнинг ҳаммаси “ёш авлоднинг миллий ўзлигини тарбиялаш” учун эмас, балки уни чалғитиш ва онгини заҳарлашга хизмат қилади. Тарихий ҳақиқатни билмаслик ёки уни яшириш эса ўз навбатида ёшларни яна ҳам аҳмоқ қилиш ва лақиллатишга олиб келади. *Бошқа жиҳатдан*, бу билан тожик олимлари билмасликдан ёки онгли равишда ҳозирги тожикларнинг аجدодлари орийлар эмас, араблар эканлигини тан оладилар.

Тарихий ҳақиқат эса шундан иборатки, нафақат қадимги арман манбалари, балки VI – VII асрларга мансуб ўрта форс (пахлавий) манбаларида *tazik / tajik / tacik* этноними кўп тилга олинган бўлиб, уларда араблар назарда тутилган. Арман манбаларида Тачкастан / Тажкастан, яъни Тожикистон топоними ҳам учрайди, ва бу атама турли даврларда ҳар хил ҳудудларга нисбатан ишлатилган. Илк ўрта асрларда (V – VII асрлар) арманлар бу атамани Сурия, Фаластин, Иордания ва Синай ярим оролини ўз ичига олувчи ҳудудга нисбатан ишлатганлар, ва Арвастан, яъни Арабистон топонимининг синоними деб билганлар. Араб халифалиги (VIII – XII асрлар) ва мўғуллар даврида (XIII – XIV асрлар) арманлар *тазик / тажик / тачик* атамасини барча мусулмонларга нисбатан ишлатганлар. Усмонлилар империяси даврида (XVI – XIX асрлар) эса *tacik / tajik* атамаси барча мусулмонларни, Тачкастан / Тажкастан топоними эса Усмонлилар империясини билдирган. Қадимги турк тилидаги манбаларда ҳам *täzik* атамаси қайд этилган, ва асосан форсларга нисбатан ишлатил-

ган. Янги форс тилидаги манбаларда ҳам *tazik / tajik* атамаси учрайди ва *turk* атамасининг муқобил шакли сифатида тушунилади. Шу билан бирга форслар ўзларини “тожик” лардан фарқлаганлар. Ўрта асрларда ёзилган изоҳли луғатларга кўра, “тожик” атамаси “арабларнинг Эронда туғилган боласи” маъносини билдирган. Бу маълумотлардан аён бўладики, тожиклар соф араб ёки соф форс бўлмаганлар, балки араблар билан форсларнинг қоришувидан ҳосил бўлган бир қатламни ташкил қилганлар. Шунинг учун улар икки тилли бўлиб, ҳам араб, ҳам форс тилларида эркин сўзлашганлар. Лекин улар ҳеч қачон алоҳида халқни ташкил қилмаганлар, улар Яқин ва Ўрта Шарқдан тортиб, Марказий Осиёгача бўлган кенг ҳудудларда турли шаҳарларда алоҳида жамоалар бўлиб яшаганлар. Улар ҳеч қачон ўзларининг давлатчилиги у ёқда турсин, ҳатто алоҳида ҳудудига эга бўлмаганлар.

Аммо Тожикистоннинг энг асосий тарихчиси – президент Э. Раҳмоннинг ўзидир. Шуниси диққатга сазоворки, унинг келиб чиқиши тожик ёки форс эмас, балки кўчманчи ўзбекларнинг *лоқай* қабиласи билан боғлиқ. “Орий” бўлишдан олдин у иқтисодий маълумотга эга бўлган коммунистик партия ходими эди. Унинг тарихга бўлган “қизиқиши” президент бўлиб сайланганидан кейин бошланган. Бу жиҳатдан у ёзувчи С. Айнийнинг издошидир, у эса Россия ҳукумати топшириғига кўра, В. Бартолднинг асарларидан фойдаланиб, “қизил руслар” (болшевиклар) томонидан ўйлаб топилган “тожик халқи” ҳақидаги афсонанинг ғоявий асосини яратган эди. Фақат у вақтда “тожиклар” ўзларини “орийлар” деб атамаганлар, уларни рус мустамлакачилари шундай атаганлар. У вақтда “тожиклар” турли хил сиёсий қувғинга учраганлардан ташкил топган ўзбек ва форс қочоқлари йиғиндисидан иборат эдилар. Э. Раҳмон даврига келиб улар ўзларини “орийлар” деб атай бошладилар.

Э. Раҳмонни Туркменистоннинг собиқ президенти раҳматли С. Ниёзов (Туркманбоши) билан ҳам таққослаш мумкин. Гарчи униси туркман, буниси эса “орий” бўлса-да, уларнинг қарашлари ва даъволарида кўп ўхшашликлар бор. Уларнинг иккаласи бир-бирига ўхшаш ўтмишга эга, иккаласи ҳам ўз халқининг тарихига “қизиқиш” билдириб, бир қатор “асарлар” ёзганлар. Иккаласи ҳам нафақат ўрта асрлар, балки қадимги тарихга ҳам қизиқадилар, лекин уларнинг



“асарлари” тарихий манбаларга эмас, афсона, ривоятлар ва сиёсий эҳтиросларга асосланган. С. Ниёзов Туркменистон давлатчилиги тарихининг бошланишини афсонавий Ўғузхон давлати, Э. Раҳмон эса Тожикистон давлатчилиги тарихининг бошланишини афсонавий Каённийлар ва Пешдодийлар сулоласи билан боғлайди. Бундан ташқари, Э. Раҳмон ўзини Исмоил Сомоний ва Хусрав Анушервон билан таққослайди.

**Саволлар:**

1. Тожикистон Республикаси қачон ва қайси маъмурий ҳудуд асосида ташкил топган?
2. “Тарихий Тожикистон” деганда нима назарда тутилади?

**Мустақил иш учун топшириқлар:**

1. Тожикистоннинг келиб чиқиши ҳақида илмий қарашлар.
2. Ўрта асрларда Туркистонда форс тилининг мавқеи.

## 2.4. Туркменистон Республикасининг миллий концепцияси

*Дарсинг ўқув мақсади:* Туркменистон Республикасида чоп этилган “Рухнома” китобида илгари сурилган гайриилмий қарашлар ва даъволар билан таништириши ва уларни таҳлил этиши.

*Таянч тушунчалар ва иборалар:* ўғузлар, гузлар, туркманлар, кўчманчи қабилалар, Салжуқийлар, Хоразм, Хива хонлиги, “Тарихий Туркменистон”.

Туркменистон миллий концепцияси асосан Туркменистоннинг 1-президенти С. Ниёзов (Туркманбоши) нинг “Рухнома” (Ашгабат, 2001) номли китобида баён этилган. Унга кўра, туркман халқининг энг қадимги давлатининг асосчиси Ўғузхон бўлиб, у аввал энеолит даврида, яъни м. а. IV минг йилликда (Анов маданияти), кейин эса жез даврида, яъни м. а. III – II минг йилликларда мавжуд бўлган. Унинг пойтахти ҳозирги Олтиндепа харобалари ўрнида жойлашган (10-бет). Лекин бундай қараш тарихий маълумотларга мутлақо зид-

дир. Аввало Ўғузхон афсонавий шахс бўлиб, унинг исми илк бор ўрта аср манбаларида қайд этилган. Қадимги юнон манбалари, Эрон тошбитиклари ва “Авесто” да тилга олинган халқлар орасида эса туркманлар йўқ. Бу этноним ҳам ўрта асрларда вужудга келган [Ртвеладзе 2007: 7, 8].

“Рухнома” га кўра, туркманлар Салжукийлар давлатига ва ундан ташқари яна бир қатор давлатларга асос солганлар. Хусусан, Қорахонийлар, Ғазнавийлар, Хоразмшоҳлар, Мамлуклар ва ҳ.к. сулолалар туркманлардан етишиб чиққан (14 – 15 бетлар). Лекин бу қарашлар ҳам тарихий ҳақиқатга зиддир. Қорахонийлар сулоласи қарлуқлардан, Хоразмшоҳлар эса ўғуз ва кипчоқларнинг қоришувидан етишиб чиққан. Ғазнавийларнинг келиб чиқиши эса номаълум. Мисрдаги мамлуклар асосан кипчоқлардан, шунингдек, черкес ва славянлардан иборат бўлган [Ртвеладзе 2007: 8; Сагдуллаев 2007: 43].

Бу ҳам у ёқда қолиб, туркларнинг Шарқий Туркистон, Ҳиндистон, Эрон ва ҳаттоки Яқин Шарқ ва Кавказдаги давлатларига ҳам туркманлар асос солган эканлар. Туркманлар шарқда Ҳинд дарёси бўйларида ғарбда Ўрта Ер денгизи соҳилигача бўлган ҳудудларда яшаганлар. Улар ҳаммаси бўлиб 70 дан ортиқ давлатларга асос солганлар (16 – 17 бетлар).

Бу китобда Ўрта Осиёнинг турк тилида сўзлашувчи бошқа халқларининг тарихий жараёнлардаги ўрни ва хизматлари камситиб кўрсатилган. Уйғурлар, қирғизларга қисқача тўхтаб ўтилган. Ўзбеклар эса китобда умуман тилга олинмаган. Гўёки улар ҳеч қачон бўлмагандек [Ртвеладзе 2007: 10].

Туркменистон ҳудудидаги жез даврига мансуб Алтиндепа, Анов, Намозгоҳ, Геоксюр археологик ёдгорликлари “Рухномада” афсонавий Ўғузхон давлати билан боғлиқ деб талқин этилган. Бу ёдгорликларда топилган моддий ашёлар, масалан, жез даврига оид олтин буқа боши, лойдан ясалган арава (Олтиндепа), мис ва жездан ясалган буюмлар (Геоксюр, Намозгоҳ) туркман халқининг аجدодлари томонидан яратилган экан. Бутун дунёда энг қадимги арава ва филдиракни туркманлар ихтиро қилганлар, бошқа халқлар эса буни улардан ўрганган эканлар. Кулолчилик ҳам туркманларнинг ихтироси эмиш. Ўрхун ва Енисейдаги тошбитикларни ҳам туркманларнинг аждодлари ёзиб қолдирган.

Шуни айтиш жоизки, шўролар даврида Туркманистондаги археологик ёдгорликлар асосан ўзбек олимлари, хусусан, Тошкент Давлат университетининг археология кафедраси ходимлари томонидан тадқиқ этилган. Лекин у даврда бу топилмалар фақат туркманларнинг миллий мероси эмас, балки бутун Ўрта Осиё халқларининг умумий мероси сифатида талқин этилган. Ва бу мантиқан тўғри эди. Ўрхун-Енисей тошбитиклари ҳам барча туркий тилларда сўзлашувчи халқларнинг умумий мероси ҳисобланади. Арава, ғилдирак ва кулолчилик эса Туркманистонда эмас, бошқа маданият ўчоқлари (Миср, Месопотамия, Ҳиндистон) да ихтиро этилганлиги ҳаммага маълум [Сагдуллаев 2007: 39, 40, 41, 42].

Ҳозирги кунда Туркманистон тарихчилигида “тарихий Туркманистон” тушунчаси қабул қилинган. Унга Ўрта Осиёнинг кўп ерлари, шу жумладан, Ўзбекистон ҳудудига кирувчи Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикаси, шунингдек, Жанубий Қозоғистон ерлари киритилади. Хоразм ва Қорақалпоғистон туркман олимлари тилида “Шимолий Туркманистон”, хоразмликлар эса “Кўҳна Урганч туркманлари” деб аталади. Бу қарашлар ҳозирча сиёсий даъволарга айланмаган. Лекин тарихдан маълумки, ҳар қандай сиёсий даъволар заминида кўпинча “илмий” қарашлар ва назариялар ётган. Мисол: немис олими Ницше назарияси ва Ҳитлернинг олиб борган сиёсати.

Аслида туркманлар билан хоразмликлар ўртасида катта фарқ бор. Тўғри, туркман тили ҳам, хоразмликларнинг лаҳжаси ҳам турк тилининг ўғуз лаҳжалари гуруҳига киради. Лекин туркманлар ва хоразмликларнинг анъанавий ҳаёт тарзи тубдан фарқ қилади. Хоразмликларнинг аجدодлари азалдан ўтроқ ҳаёт тарзи олиб борганлар ва қадимдан суғорма дехқончилик билан шуғулланиб келганлар, шаҳарчилик маданиятига эга бўлганлар. Уларнинг тили ва маданияти қадимги ўтроқ ва шаҳар туркларининг авлодлари бўлган ҳозирги ўзбекларнинг адабий тили ва маданиятига жуда яқин. Туркманларнинг аجدодлари кўчманчи ғуз қабилаларидир. Илк ўрта асрларда улар Орол денгизининг шимолидаги чўлларда ва Сирдарёнинг қуйи оқими ҳавзасида яшаганлар. IX – X асрларда Сомонийлар уларнинг бир қисмини Бухоро воҳаси ва унинг атрофидаги чўлларга кўчирганлар. XI асрда Маҳмуд Ғазнавий уларни Балх атрофларидаги ва Хуросондаги чўлларга кўчирган. Уларнинг анъанавий ҳаёт тарзи кўчманчилик

бўлиб, уларнинг аجدодлари асосан чорвачилик билан шуғулланиб келганлар. Салжуқийлар даврида туркманларнинг бир қисми Ўрта ва Яқин Шарқ мамлакатларига кўчиб, у ерлардаги яйловларда чорвачилик билан шуғулланганлар. Ҳозир ҳам туркманларни Афғонистон, Эрон, Ироқ, Сурия, Туркия ва бошқа мамлакатларда учратиш мумкин. Ҳамма ерларда улар ўзларининг анъанавий ҳаёт тарзи ва машғулоти сақлаб қолганлар. Туркман тили ҳам анъанавий кўчманчилик ҳаёт тарзи олиб борган бошқа халқлар – қозоқлар, қирғизлар, бошқирлар ва қорақалпоқларнинг тили сингари адабий турк тили меъёрларидан узоқлашиб кетган, ва буни айниқса фонетикада яққол кўриш мумкин. “Туркман” атамаси дастлаб форслар томонидан барча ўғузларга нисбатан ишлатилган. Ҳозирги Озарбайжон ва Усмонли туркларининг аجدодлари ҳам “туркман” деб аталганлар. Кейинчалик бу атама ўғузларнинг фақат кўчманчи қисмининг номига айланган.

Мустақилликка эришгандан кейинги йилларда Туркменистонда ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини миллийлаштиришга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилди. Хусусан, кўплаб шаҳар ва қишлоқларнинг номлари ўзгартирилди, бошқа тилларда ўқитиладиган мактаблар сони чекланди, бошқа тиллардаги оммавий ахборот воситалари камайди ва ҳ.к. Афсуски, бу жараён Туркменистонда яшовчи ўзбек аҳолисига ҳам тааллуқли бўлди. Хусусан, ўзбеклар гуж бўлиб яшайдиган жойлардаги ўзбек тилида ўқитиладиган мактаблар ёпилди. Ўзбек тилидаги кўрсатувлар, журналлар ва газеталар ёпилди.

Асосан ўзбеклар яшайдиган Тошҳовуз (Тошдан қурилган ҳовуз) шаҳрининг тарихий номи Даш-Оғуз (Ташқи ўғузлар) деб ўзгартирилди. Бу ерда яшовчи хоразм ўзбеклари энди расмий равишда “шимолий туркманлар” ёки “Кўҳна Урганч туркманлари” деб аталади. Буларнинг барчаси, албатта, икки қардош халқ – ўзбеклар ва туркманлар ўртасидаги дўстона муносабатларнинг ривожланишига салбий таъсир қилади. Мисол учун, Ўзбекистонда бу ерда яшовчи туркманларга нисбатан бундай муносабат кузатилмайди. Умид қиламизки, Туркменистон ҳукумати ҳам биздан ўрناق олиб, Туркменистондаги ўзбекларнинг миллий ҳуқуқларини тиклайди.

### **Саволлар:**

1. Туркменистон Республикаси қачон ва қайси маъмурий ҳудудлар асосида ташкил топган?
2. Ўрта асрларда туркманлар қандай аталган?

### **Мустақил иш учун топшириқлар:**

1. Туркманларнинг келиб чиқиши ҳақида илмий қараешлар.
2. Ўрта асрларда туркманларнинг яшаган ҳудудлари.

## **2.5. Қозоғистон Республикасининг миллий концепцияси**

*Дарсинг ўқув мақсади:* Қозоғистон Республикасида Ўрта Осиё тарихининг ёритилишидаги бир ёқлама қараешлар билан таништириш ва уларни таҳлил этиш. Қозоқ олимлари томонидан нашр этилган китоблар, шунингдек филмларда қозоқ миллий шовинизми гоялари ва уларнинг мазмун моҳияти ҳақида тушунча бериш.

*Таянч тушунчалар ва иборалар:* кўчманчи қабилалар, саклар, қипчоқлар, қозоқлар, қозоқ жузлари, Қозоқ хонлиги, Дашт-и Қипчоқ, Степной край, Алаш Ўрда.

Қозоқ ёзувчиси О. Сулейменов ўзининг “Глиняная книга” (Алма-Ата, 1969) номли китобида милодий VII – VIII асрларда яшаган ўғузларни м. а. VII – VI асрларда яшаган скифлар билан бир халқ бўлган, деган ғояни илгари сурди [Сағдуллаев 2007: 25]. Ўзининг “Аз и Я. Книга благонамеренного читателя” (Алма-Ата, 1975) номли китобида эса қадимги шумерлар аслида Яқин Шарқ минтақасига м. а. VI – V минг йилликларда Евросиё ҳудудларидан кўчиб борган турклар бўлган, деб исботлашга уринган. Шўролар даврида бу китоблар қаттиқ танқидга учраган эди. Ўзининг “Язык письма” (1998), “Тюрки в доистории” (2002) номли китобларида у ўзининг илгари сурган фикрларини яна ҳам ривожлантирган. Тўғри, бу ғояларнинг ҳеч қандай зарари йўқ. Қадимги скифлар орасида турк қабилалари ҳам бўлганлиги ҳақидаги ғоя янги эмас. Бу ҳақида илмий доираларда



ҳам фикр билдирилган. Лекин бу фикр ҳали тўлиқ ўз исботини топмаган. Шумер тилининг қадимги турк тили билан ўхшаш томонлари ҳақида ҳам бир қатор илмий мақолалар ва китоблар ёзилган. Лекин бу масала ҳали ҳам ўз ечимини топмаган ва жаҳон илмий жамоатчилиги томонидан қабул этилмаган. Шунинг учун бу ғояларни байроқ қилиб кўтариб юриш мантиққа тўғри келмайди. Олдин уларни ишончли манбалар асосида исботлаш керак. Шундан кейин ҳам уларни шиорларга айлантириш шарт эмас. Илмий хулоса етарли даражада исботланган бўлса, унинг натижаси шундоқ ҳам ижобий бўлади. Қолаверса, бундай мунозарали илмий масалалар билан адабиётчилар ва ёзувчилар эмас, мутахассислар шуғулланиши керак. Акс ҳолда бундай ғояларнинг фойдасидан кўра, зарари кўпроқ бўлади.

Ҳаваскор “тарихчи” лардан яна бири Мурад Ажи ўзининг “Европа, тюрки, Великая степь” (М., 2004) номли китобида ёзишича, “Европадаги ҳар икки кишининг бири турклардан тарқалган, Дашт-и Қипчоқнинг барча қадимий аҳолиси эса қипчоқлардан иборат бўлган”. Унингча, руслар тарихидаги кўп машҳур шахсларнинг келиб чиқиши қипчоқлардан бўлган. Хусусан, Николай II, Л. Толстой, Н. Огарев, М. Кутузов, ҳатто француз маршали И. Мюрат ва бошқалар шулар жумласидандир [Сагдуллаев 2007: 36, 37].

Умуман, Қозоғистонда бундай “ҳаваскор” тарихчилар кўп. Уларнинг ҳаммасини санаб ўтишдан фойда йўқ. У ерда ҳар қандай одам тарих бўйича китоб ёзиши ва уни ҳеч қандай тўсиқсиз нашр этиши мумкин. Фақат пул етарли бўлса бўлди.

Мустақиллик даврида Қозоғистонда бир қанча миллатчилик руҳидаги ғоялар ҳам илгари сурилди. Хусусан, қозоқ олимлари ўзбек халқининг этногенези бўйича шўролар даврида қабул қилинган концепцияни инкор этиб, аслида “ўзбек” деган халқ бўлмаган, улар қозоқлардан тарқалган ва уларнинг бир қисми бўлган, каби фикрларни тарқата бошладилар. Агар бу ерда Дашт-и Қипчоқ ўзбеклари назарда тутилган бўлса, уларнинг қозоқлар билан келиб чиқиши бир эканлиги тўғри. Уларнинг иккаласи ҳам Евросиё даштларида кўчманчилик ҳаёт тарзи олиб бориб, асосан, чорвачилик билан шуғулланганлар, уларнинг умумий номи “ўзбек” бўлган. XVI асрда руслар уларни шарққа сиқиб чиқаргандан кейин улар Марказий Осиёни эгалладилар. Уларнинг бир қисми ҳозирги Қозоғистон даштларида

кўчиб юрган қабилаларга келиб қўшилган. “Қозоқ” этноними билан руслардаги “казак” сўзининг келиб чиқиши умумий бўлиб, туркча *қоч-*, яъни *қочмоқ* феълидан ясалган, бу феълдан *қочоқ*, яъни “эркин одам” сўзи ясалган. Бу сўз дастлаб қонунга бўйсунмайдиган ва эркин ҳаёт олиб борадиган кўчманчиларга нисбатан ишлатилган, яъни улар давлат ва унинг қонунчилигидан ташқарида ҳисобланганлар, унинг қонунлари ва тартиб-қоидаларига бўйсунмаганлар. Қозоқларнинг анъанавий турмуш тарзи кўчманчилик, машғулоти эса чорвачилик бўлиб, улар буни XX асрнинг бошига қадар сақлаганлар. Қозоқлар Евросиёнинг қадимги кўчманчи қабилалари Саклар (Скифлар) маданиятининг ворислари ва давомчилари ҳисобланади.

Ўрта Осиёда ҳокимиятни эгаллаб олган “ўзбеклар” га келсак, улар ривожланган савдо, ҳунармандчилик ва қишлоқ хўжалиги маданиятига эга шаҳарлар ва воҳаларнинг эгалари бўлдилар. Улар тез орада маҳаллий аҳолининг юксак маданияти ва адабий тилини қабул қилдилар, шунингдек, форс тилидан иш юритишда ва таълим тизимида фойдалана бошладилар. Уларнинг кўпчилик қисми аста-секин ўтроқлашиб, деҳқончилик билан шуғулланувчи маҳаллий қишлоқ аҳолиси билан қоришиб кетдилар. Ривожланган давлатчилик анъаналарига эга бўлган минтақанинг сиёсий эгалари бўла туриб, улар ўзларининг “ўзбек” номини сақлаб қолдилар ва бу ном уларга тобе бўлган маҳаллий ўтроқ аҳолига нисбатан ҳам ишлатила бошлади.

Қозоқ олимлари Тошкент шаҳри илгари қозоқларга қарашли бўлган, ва уларга қайтарилиши керак, деб ҳам ҳисоблайдилар. Дарҳақиқат, Тошкент шаҳри XVIII асрда маълум вақт қозоқларга бўйсунган эди. Аммо, агар бундай мантиқдан келиб чиқадиган бўлсак, унда Миср ҳам Қозоғистонга қайтарилиши керак, чунки XIII – XIV асрларда Миср ҳозирги қозоқларнинг аجدодлари мамлуклар (қипчоқлар) томонидан бошқарилган. Ҳиндистон ва Эрон эса ўзбекларга “қайтарилиши” керак, чунки XV асрда Эронда ҳозирги ўзбекларнинг аجدодлари Темурийлар, XVI – XIX асрларда Ҳиндистонда Бобурийлар ҳукмронлик қилган. Бу эса бемаъниликдир. Тошкент ҳар доим Марказий Осиёнинг энг асосий суғорма деҳқончилик ривожланган воҳаларидан бири бўлиб келган, унинг аҳолисини эса ўтроқ турклар ва суғдлар ташкил этган.

Илк ўрта асрларда Чоч алоҳида давлат бўлиб, Хитой билан дипломатик алоқалар ўрнатган. Ўша даврда унинг ҳудуди нафақат Тошкент воҳасини, балки Сирдарёнинг ўрта ва қуйи оқимлари ҳавзасини ҳам ўз ичига олган. Ибн Ҳавқал (X аср) маълумотига кўра, ўрта асрларда Шош вилоятининг майдони жуда кенг бўлиб, унинг таркибига Тароз, Исфижоб ва Фороб шаҳарлари ҳам кирган. Бу маълумотларни IX – XII асрларда ёзилган бошқа манбалар ҳам тасдиқлайди, уларга кўра, Сирдарё ҳавзаси ва Еттисувдаги ерлар ҳам Тошкент вилоятига қарашли бўлган.

Худди шундай ҳолат ундан олдинги (II – III ва VI – VIII асрларда) [Sims-Williams, Grenet 2006: 96-107; Хўжаев 2005: 3-18] ва кейинги манбалар ва хариталарда (XIV – XVIII асрларда) ҳам қайд этилган [Камолиддин 2005: 36-41; Камолиддин, Мукминова 2003: 16-26], ва руслар истилосига қадар давом этиб, бу ерларнинг ҳаммаси Қўқон хонлигининг таркибига кирган [Камолиддин 2009: 59-65]. Фақат XVIII асрда Тошкент қисқа вақт давомида кўчманчиларга таслим бўлиб, жунгарлар ва қозоқлар ўртасида талаш ер бўлган. Жунгарлар ҳам, қозоқлар ҳам бу ерда келгинди ҳисобланган.

Қозоқ олимларининг фикрига кўра, Амир Темур ҳам аслида қозоқ бўлган. Маълумки, Амир Темурнинг отаси Кеш амири бўлиб, келиб чиқиши *барлас* қабиласидан бўлган. Аслида бу турклашган мўғул қабиласи бўлиб, кейинчалик бир нечта туркий тилли халқлар – ўзбеклар, қозоқлар ва қирғизларнинг таркибига кирган. Темурбекнинг ўзи Кеш шаҳрида туғилиб ўсган, шаҳар аҳолиси орасида яшаган, шу ерда таҳсил олган. Унинг кейинги ҳаёти ҳам шаҳарлар ва шаҳарликлар билан боғлиқ бўлган. У ҳокимиятга келиши билан улкан қурилиш ишлари олиб борган ва шаҳарсозлик маданиятини авжигачиқарган. Шунинг учун у ҳеч қайси жихати билан қозоқ бўлиши мумкин эмас, чунки қозоқларнинг кўчманчи аجدодлари у даврда шаҳар ҳаётидан мутлақо йироқ бўлганлар.

Қозоғистон олимлари орасида қирғизларга нисбатан ҳам менсимаслик руҳидаги қарашлар ҳукмрон.

Ҳозирги кунда Астана шаҳрида Назарбоев халқаро университетида Халқаро илмий марказ, шунингдек, Халқаро Турк академияси ва бошқа бир қатор халқаро ташкилотлар фаолият олиб бормоқда. Уларда Россия, Америка, Европа, Япония ва бошқа мамлакатлардан

таклиф этилган олимлар фаолият олиб бормоқдалар. Улар ёрдамида қозоқ олимлари Марказий Осиё тарихини янгидан ёзмоқдалар. Улар томонидан чоп этилган ва этилаётган илмий ишларда шовинистик қарашлар ҳукмронлиги кўзга ташланади.

Қозоқлар Марказий Осиёнинг бошқа мамлакатларида ҳам яшайдилар. Уларнинг сони айниқса, Монголия, Шарқий Туркистонда ва Ўзбекистонда, шунингдек Россия Федерациясида нисбатан кўпроқ. Лекин у ерлардаги қозоқлар орасида бундай шовинистик қарашлар кузатилмайди.

### **Саволлар:**

1. Қозоғистон Республикаси қачон ва қайси маъмурий ҳудудлар асосида ташкил топган?

2. Рус колониал адабиётида қозоқлар қандай аталган?

### **Мустақил иш учун топшириқлар:**

1. Қозоқларнинг келиб чиқиши ҳақида илмий қарашлар.

2. Қозоқларнинг давлатчилиги асослари.

## **2.6. Қирғизистон Республикасининг миллий концепцияси**

*Дарсинг ўқув мақсади:* Қирғизистон Республикасида мустақиллик даврида миллатчилик зояларининг авж олиши, тарихнинг бузиб кўрсатилиши. Қирғизларнинг сиёсий даъволари. Қирғизистондаги миллатлараро низолар.

*Таянч тушунчалар ва иборалар:* ярим кўчманчи қабилалар, қирғизлар, хакаслар, Қирғиз хоқонлиги, Кўқон хонлиги, Тоғли қирғиз Автоном Республикаси.

Қирғизистоннинг собиқ президенти А. Акаев “Киргизская государственность и народный эпос “Манас” (Бишкек, 2003)” номли китоб ёзган. Унинг таъкидлашича, қирғиз давлатчилиги 2300 йил илгари ташкил топган. Бунда у фақат хитой манбаларидаги маълумотларга таянади. Лекин ҳаммага маълумки, хитой манбаларидаги

маълумотлар аниқ эмас, шунинг учун агар улар бошқа манбалардаги маълумотлар билан тасдиқланмаса, уларнинг қуруқ ўзига асосланиб бўлмайди [Ртвеладзе 2007: 10].

Турк хоқонлиги даврида (VI – VIII асрлар) қирғизлар унинг бир чекка бўлинмаларидан бирини ташкил этган эдилар. IX аср ўрталарида улар хитойликлар ёрдамида Уйғур хоқонлигининг ерларини босиб олишга қодир бўлдилар. Лекин уларнинг “давлати” узоқ яшамасди. Чунки кўчманчилар тараққий этган давлатчилик тизимини бошқара олмаслиги табиий ҳол эди. Шунинг учун кўп ўтмай улар ҳокимиятни қўлдан бой бердилар ва Қарлук хоқонлигига бўйсунушга мажбур бўлдилар. Шундан кейин қирғизлар ҳеч қандай давлатчиликка эга бўлмаганлар. Бу маълумотлардан келиб чиқиб, қирғизларнинг давлатчилиги 2300 йиллик тарихга эга деган даъволарнинг сохталиги ўз-ўзидан табиийдир. Тўғри, хитой манбаларида м. а. III – II асрларда Хитой ерларидан ташқаридаги даштларда кўчиб юрган “ёввойи” қабилалар орасида қирғизлар ҳам тилга олинган. Лекин уларнинг давлати ҳақида ҳеч нима дейилмаган. Тарихий манбаларда қайд этилган IX асрдаги қисқа вақт ичида<sup>11</sup> мавжуд бўлган қирғиз давлатидан бошқа тарихда улар билан боғлиқ бирор бир давлат бўлмаган. Уларнинг давлатчилиги фақат шўролар даврида ташкил топган.

Қирғизистонда нашр этилаётган китоб ва мақолаларда “қирғиз” этноними ҳам энг қадимги халқ номлари қаторида тилга олинади, қирғизлар эса дунёнинг энг қадимги халқларидан бири ва бутун дунёга машҳур бўлган буюк империя асосчилари деб аталади [Сагдуллаев 2007: 27, 28, 29]. Бу фикр ҳам Хитой манбаларига асосланган. Уларда қирғиз этноними м. а. III асрда қайд этилган. Юқорида айтганимиздек, хитой манбалари ўз ҳолича ишончли манба ҳисобланмайди. Хитойликлар м. а. II асрга қадар Ўрта Осиё ҳақида жуда юзаки маълумотга эга бўлганлар. Фақат Чжан Цзаннинг “Ғар-

---

<sup>11</sup> Қирғизларнинг бу давлати 840 йилдан 916 йилга қадар мавжуд бўлган деб ҳисобланади. Лекин охири тадқиқотлар шуни кўрсатадики, у даврда ҳеч қандай “қирғиз давлати” бўлмаган, қирғизларнинг Марказий Осиёдаги ҳукмронлиги 847 йилдаёқ тугаган. Уларнинг ҳокони Ажо ўлгандан кейин қирғизлар қўлга киритилган ерлардан воз кечганлар, чунки у ерларда талон-тарож қиладиган ҳеч нарса қолмаган эди. Шундан кейин улар яна ўз ерлари Тувага қайтиб кетганлар [Дробышев 2010: 106].



бий ўлка” га саёҳатидан сўнг (м. а. II аср) батафсил маълумотга эга бўлганлар. “Энг қадимги этноним” деганда биз шуни ҳам билишимиз керакки, қадимги даврларда этник, яъни қабилавий номлар асосан кўчманчи қабилаларга хос бўлган. Кўчманчи қабилаларнинг қадимги манбаларда қайд этилганлиги ҳам ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас. Австралиядаги айрим маҳаллий қабилалар 20 минг йил олдин ҳам ўша ерларда яшаганлиги аниқланган. Шу вақт ичида уларнинг маданияти деярли ўзгармаган ва 20 минг йил олдин қандай бўлган бўлса, ҳозир ҳам шундайлигича сақланган. Уларда ҳалигача ибтидоий жамоа тузуми амал қилади. Бу қабилаларнинг маданий мероси этнографик жиҳатдан бебаҳо аҳамиятга эга, чунки улар инсоният тараққиётидаги дастлабки босқичлардан бири ҳақида жонли маълумот берадилар. Бундай қабилалар дунёнинг бошқа ерларида ҳам мавжуд (масалан, Африка ва Жанубий Америкада). Евросиё минтақасидаги айрим Сибир халқларини ҳам шулар жумласига киритиш мумкин. Қирғизлар ҳам бундан истисно эмас. X асрга қадар улар Жанубий Сибир ва Олтой тоғларининг ёнбағрларида яшаганлар. Ҳозирги вақтда Сибирда яшовчи хакаслар билан қирғизлар илгари бир халқ бўлган. Уларнинг яшаш тарзи ва маданияти 2300 йил олдин қандай бўлган бўлса, XX аср бошларида ҳам деярли ўзгаришсиз шундайлигича сақланган.

Марказий Осиё минтақасида кўчманчи қабилалардан фарқли равишда ўтроқ аҳоли этник номлар билан аталмаган. Улар кўпроқ давлат ёки ҳудуд номи билан аталган. Масалан, суғдлик, фарғоналик, хоразмлик ва ҳ.к. Бу жой номлари эса бизга м. а. VI – V асрларга мансуб қадимги юнон манбалари ва эрон тошбитикларидан маълум. Ўтроқ аҳолининг маданияти эса узлуксиз ривожланишда бўлган: аввал деҳқончилик, кейин ҳунармандчилик, савдо муносабатлари ривожланган, шаҳарсозлик ва шаҳарчилик маданияти вужудга келган, пул ва ёзув муомалага киритилган, ва ниҳоят давлатчилик тизими ва анъаналари тараққий этган.

Тарихда дастлаб кўчманчи бўлиб, кейин ўтроқлашган қабилалар ҳам бўлган: кушонлар, хиёнийлар, эфталлийлар, турклар, ўғузлар, қарлуқлар, ўзбеклар ва ҳ.к. Лекин қирғизлар уларнинг қаторига кирмайди. Қирғизларнинг анъанавий ҳаёт тарзи кўчманчилик, хўжалик фаолияти эса қадимдан яқин вақтларгача ҳар доим чорвачилик ва

йилқичилик бўлган. Уларнинг энг катта душмани ўзга ерлардан бостириб келган ташқи ёвлар эмас, балки ўзининг яқин қўшниси – турк тилида сўзлашувчи ўтроқ ва шаҳар аҳолиси бўлган. Қўшни халқларга қарши улар ҳатто ташқи душманни ҳам ёрдамга чақиришдан тоймаганлар. Масалан, IX асрда улар гуркираб ривожланиб келаётган Уйғур хоқонлигига (745 – 840) қарши хитойларни чақириб келиб, уни ағдаришга муваффақ бўлганлар. XIX асрда эса ўзбекларга қарши русларни бошлаб келиб, уларга Қўқон хонлигини йўқ қилишда ёрдам берганлар.

Мустақиллик қўлга киритилгандан кейин ўтган йиллар мобайнида Қирғизистон олимлари орасида миллатчилик руҳидаги қарашлар авж олди. Қирғизлар кам сонли кичик бир халқ бўлсада, уларда ҳам шовинистик қарашлар мавжуд. Масалан, О. Каратаевнинг “Қирғиз этнонимлар сўзлиги” да (Бишкек, 2003) турк халқлари тарихида маълум бўлган деярли барча қабилалар ва уруғлар қирғиз этнонимлари қаторига киритилган. Қирғиз олимларига кўра, Қўқон хонлиги аслида қирғизларнинг давлати бўлган, Фарғона водийси ҳам қирғизларга қарашли бўлган, ҳозирги ўзбекларнинг томирларида ҳам қирғизларнинг қони оқади. Бу гапларнинг ҳаммаси куруқ сафсатадан бошқа нарса эмас. Фарғона водийсининг одамлари ҳеч қачон ўзларини қирғиз деб ҳисобламаганлар. Қирғизлар билан аралашган оилалар бор, лекин улар кўп эмас. Бу оилаларнинг кўпчилиги 2-Жаҳон урушига қадар, яъни “босмачилик” ҳаракати даврида (20-30-йиллар) “қиз ўғирлаш”, яъни зўравонлик йўли билан қурилган қўшма оилаларнинг авлодларидир. Қирғизларда кўчманчи қабилаларга хос қизларни ўғирлаш ва ундан кейин уларга эгалик қилиш одати бор эди, ҳозир ҳам бор. Чунки ўзбек ҳеч қачон ихтиёрий равишда ўзининг қизини кўчманчи қирғизга ёки босмачига бермаган. Бу ўзбеклар учун ҳар доим ор ҳисобланган. Урушдан кейин бу қўшма оилаларнинг фарзандлари ўзбеклашиб кетган, ҳозир эса уларнинг авлодлари ўзларини ўзбек деб билади ва ўзбек халқининг бир қисми ҳисобланади.

Қўқон хонлигини бошидан охиригача *минг* қабиласига мансуб ўзбек сулоласи бошқарган. Ушбу сулоланинг айрим вакиллари қипчоқ ва қирғиз қабилаларидан келин олганлар. Натижада хон саройида қипчоқлар ва қирғизларнинг нуфузи кучайиб, улар хон маъмуриятида баъзи муҳим лавозимларни эгаллай бошладилар. Бироқ бу билан

Қўқон хонлигидаги сулола ва ҳокимиятнинг умумий моҳияти ўзгариб қолгани йўқ. Ҳукмронлик қилаётган сулола ўзбек эди ва ўзбек бўлиб қолди. Агар қирғиз олимларининг ибтидоий услубдаги мантиғига риоя қиладиган бўлсак, унда Хоразм хонларининг айримлари ҳам қипчоқлардан келин олганлар. Демак, Хоразмшоҳлар сулоласини ҳам қипчоқ (қирғиз), Хоразмни эса қирғиз давлати деб ҳисоблаш керак. Россиянинг тарихида кўплаб подшоҳлар Европанинг бошқа ҳукмдор оилалари билан қариндош бўганлар. Византия императорлари, Аббосий халифалари, Олтин Ўрда хонлари, Усмонлилар империясининг султонлари ва бошқа сулолалар ҳам худди шундай. Бироқ, бу сулолаларнинг моҳиятига таъсир қилгани йўқ: руслар руслигича қолди, Византия императорлари, Аббосий халифалари, Олтин Ўрда хонлари, Усмонли султонлари ҳам миллатини ёки тилини ўзгартиргани йўқ.

Умуман олганда, қирғизлар ҳозирги яшаб турган ерларида келгинди ҳисобланадилар. Фарғона водийси ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. X аср охирида ёзилган “Ҳудуд ал-Олам” географик асарида ўша даврда қирғизларнинг яшаган ерлари аниқ кўрсатилган: “Хирхиз ерлари шарқда Хитой билан, жанубда Тоғузғуз ва қисман Халлух (қарлуқ) ерлари билан, ғарбда қисман Кимак ерлари билан, шимолда эса ҳеч ким яшамайдиган ерлар билан чегарадошдир [Ҳудуд ал-‘Алам: 96]. Бу маълумотлар шуни кўрсатадики, ўша даврда қирғизлар Олтой тоғларининг жанубида яшаганлар. Еттисув ҳудудлари ва Тангритоғ (Тян-Шан) тоғларида улар фақат мўғуллар истилосидан кейин XV – XVI асрларда пайдо бўлганлар. Ундан олдин Тибетдан Орол денгизига қадар барча ерлар уйғур ва ўзбекларнинг аجدодлари Харлухлар, яъни қарлуқларга қарашли бўлган.

Бундай бемаъни ва сохта даъволарнинг қандай оқибатларга олиб келиши ҳеч кимга сир эмас. Бундай оқибатларнинг дастлабкисини биз яқин ўтмишда юз берган Ўш воқеалари мисолида кўрдик. Одатда қадимий ва бой давлатчилик тарихига эга бўлган халқ юқори маданият соҳиби бўлиши керак. Аммо қирғизлар ҳақида биз бундай дея олмаймиз. Ўтган 15 йил ичида мен Қирғизистонга илмий ишлар билан кўп борганман. Учига чиққан ва ашаддий миллатчилик, бошқа халқларга, айниқса ўзбекларга нисбатан шиддатли ва шафқатсиз нафрат. Мен у ерда ҳар қадамда шуни кўрдим. Ва ҳар сафар қайта

борганимда, бу нафрат тобора кучайиб борар эди. Охир-оқибатда бу нафрат Ўшда ўзбекларнинг оммавий қирғини билан тугади. Ўшда ҳимоясиз ўзбеклар устидан қилинган ғайриинсоний ваҳшийликлар қирғизларнинг ҳақиқий юзини кўрсатди. Ўзбек халқига чуқур ҳурмат билан қараган Чингиз Айтматов умрининг охирги йилларида Қирғизистондан кетиб, чет элларда ўтказгани бежиз эмас, чунки у ватанида юз бераётган бундай тубанликларни кўришни истамаган. У эса ўз ватанини жуда ҳам севар эди ва асарларида ҳар доим уни кўкларга кўтарар эди. Унинг мухлислари эса, шу жумладан мен ҳам, бу асарларни мириқиб қайта-қайта ўқир эдилар. Қирғиз миллатчилари қилган бундай ваҳшийликларни ҳатто ўрта асрларда Чингизхоннинг жангчилари ҳам қилмаганлар. Яна биз уларни “қардошлар” деб атаймиз. Чиндан ҳам ўзбек халқининг бағри жуда кенг ва сабр-тоқати чексиз экан-да.

### ***Саволлар:***

- 1. Қирғизистон Республикаси қачон ва қайси маъмурий ҳудуд асосида ташкил топган?*
- 2. Қирғизлар илк бор қачон ва қайси манбада қайд этилган?*

### ***Мустақил иш учун топшириқлар:***

- 1. Қирғизларнинг келиб чиқиши ҳақида илмий қараешлар.*
- 2. Қадимда ва ўрта асрларда қирғизлар яшаган ҳудудлар.*

## **2.7. Уйғурларнинг миллий мафкураси**

***Дарсинг ўқув мақсади:*** *Хитой ва Қозоғистондаги уйғур олимларининг уйғур давлатчилиги ҳақидаги гайриилмий қараешлари ва уларнинг таҳлили.*

***Таянч тушунчалар ва иборалар:*** *уйғурлар, Уйғур хоқонлиги, қарлуқлар, Қарлуқ хоқонлиги, Қорахонийлар, Хитой истилоси, Шин Жиан Уйғур автоном ўлкаси.*

Уйғурларда мустақил давлатчилик бўлмаса ҳам ўзларининг миллий тарихий мафкуриси мавжуд. Бу мафкура Шарқий Туркистон, Қозоғистон ва бошқа ерларда яшовчи бир қатор уйғур тарихчи олимларининг рус, уйғур ва бошқа тиллардаги китоб ва мақолаларида баён этилган. Хусусан, Қ. Масимийнинг “Племенное объединение Уйгур” (Уйғур қабилалари иттифоқи), “История Уйгурской державы” (Уйғур давлати тарихи) (Алматы, 1998) китоблари шулар жумласидандир. Унга кўра, Уйғур давлатчилиги 12 минг йиллик тарихга эга. Тарихий даврлаштиришга биноан, бу мезолит (ўрта тош) даврига тўғри келади. У даврда эса ер юзида ҳали умуман ҳеч қандай давлатлар бўлмаган. Ўрта Осиёдаги аҳоли эса асосан овчилик ва балиқчилик билан шуғулланган.

Мазкур китобнинг 313-бетида афсонавий уйғур давлатининг харитаси келтирилган. Бу давлат Тинч океандан Шарқий Европагача бўлган барча ҳудудларни эгаллаган. Лекин тарихий манбаларда бундай давлат ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқ. Ҳатто Турк хоқонлиги ҳам бундай ҳудудларни эгалламаган. Қолаверса, Турк хоқонлигига уйғурлар эмас Ашина қабиласи асос солган.

Китобда яна таъкидланишича, Америка қитъасидаги ҳинду қабилалари ҳам аслида уйғурлардир (310 ва 311-бетлар). Бу ерда “Уйғур қабилаларининг Шимолий Америкага кўчиши” номли харита келтирилган. Бизга маълумки, 30 минг йил олдин Америкага Беринг бўғози орқали Осиёдан мўғулий ирққа мансуб қабилалар кўчиб ўтган. Лекин уларнинг уйғур бўлганлигини ҳали ҳеч ким исботламаган.

Китобда яна ёзилишича (32-бет), уйғурларнинг аجدодлари қадимги хунлар бўлиб, улар маданий жиҳатдан хитойлардан анча устун бўлганлар. Уларнинг ўзига хос тили, ишлаб чиқариши, дини, ёзуви, маданий ёдгорликлари, яшаш тарзи бўлган. Бу гапга ҳам қўшилиб бўлмайди. Ҳаммага маълумки, Хитой цивилизацияси дунёдаги энг қадимги маданият ўчоқларидан бири бўлган. Бу ерда жаҳоншумул аҳамиятга эга бўлган қатор кашфиётлар қилинган. Масалан, иероглиф ёзуви, ипак, қоғоз, ўқдори ва ҳ.к. [Ртвеладзе 2007: 7, 8].

Хитой босиб олгунча (XVIII аср) Шарқий Туркистонда ўзбек хонлиги бўлиб, унда келиб чиқиши ўзбек сулола ҳукмронлик қилган. Дунганлардан ташқари маҳаллий аҳоли дашти-кипчоқ ўзбекларига



ҳеч қандай алоқаси йўқ бўлса ҳам “ўзбек” деб аталган. XVIII – XIX асрларда Европада чизилган хариталарда Бухоро хонлиги “Grand Bocharie”, яъни Катта Бухоро, Уйғуристон эса “Petit Bocharie”, яъни Кичик Бухоро деб кўрсатилган. Бу эса шу икки хонлик аҳолисининг ўзаро яқин қариндош ва узвий боғлиқ бўлганлигидан далолат беради.

Ҳозирги Уйғуристон мустақилликка эришмаганлиги сабабли у ерда миллий концепция ёки сиёсий даъволар йўқ. Маҳаллий аҳоли: уйғурлар, ўзбеклар, қozoқлар ва қирғизлар ўзаро иноқ, миллатлараро низолар фақат хитойлар ва дунганлар билан юз бермоқда. Хитой Уйғуристонни босиб олгандан кейин (XVIII аср) уйғурларнинг бир қисми Ўрта Осиёдаги ўзбек хонликларига, шўролар даврида эса бу ердаги миллий республикаларга кўчиб келган. Уларнинг сони айниқса Ўзбекистон ва Қозоғистонда кўп. Ўзбекистондаги уйғурларнинг кўп қисми маданияти деярли бир бўлгани туфайли ўзбеклар билан ихтиёрий равишда қоришиб кетган. Қозоғистонда эса улар алоҳида ва ғуж яшагани туфайли ўзлигини сақлаб қолганлар. Олмаота шаҳрида Уйғур тарихини ўрганиш институти фаолият олиб боради. Унда уйғурлар тарихига оид тадқиқотлар олиб борилади.

Уйғурларнинг яшайдиган ҳудудлари Шин Жиан-Уйғур Мухторияти, илмий адабиётда Шарқий Туркистон, маҳаллий аҳоли орасида эса Уйғуристон деб аталади. Уйғурларнинг келиб чиқиши шу минтақада яшаган қадимги халқлар билан боғлиқ бўлган. Бу ерда м. а. III минг йилликда яшаган одамларнинг балзамлаб (мумлаб) қотирилган жасадлари топилган. Уларнинг қиёфаларига кўра, улар европеоид ирқига мансуб бўлганлар. Уйғурларнинг этник тарихида хунлар, саклар, *юечжи* ва *усун* қабилалари, шунингдек тохарлар ва суғдларнинг ҳам аҳамияти катта. Бу халқлар турли тилларда сўзлашганлар ва турли антропологик қиёфаларга эга бўлганлар. Кейинчалик улар уйғурларнинг таркибига сингиб кетганлар. Шунинг учун ҳозирги уйғурлар орасида ҳам мўғулий, ҳам европеоид ва аралаш антропологик қиёфалардаги одамларни учратиш мумкин. Шарқий Туркистонда илк ўрта асрларга мансуб уйғур, хотан-сак, тохар ва суғд тилларидаги ёзма ёдгорликлар ва тошбитиклар топилган.

Уйғурлар бой давлатчилик тарихига эга бўлганлар. Уларнинг бир қанча давлатлари бўлган. V – VI асрларда Шарқий Туркистонда Гаочан ва Гаогуй хонликлари бўлган. VI – VII асрларда уйғурлар

Турк хоқонлигининг таркибига кирганлар, VIII – IX асрларда ўзларининг Уйғур хоқонлигига, X асрда Турфан ва Ганчжоу давлатлари эга бўлганлар, Қарлуқ хоқонлигига асос солганлар. X аср охирида уйғурлар ислом динини қабул қилиб, XI – XII асрларда уларнинг Қорахонийлар сулоласи бутун Марказий Осиёда ҳукмронлик қилган. XIII – XIV асрларда уйғурлар мўғуллар, XV асрда Темурийлар, XVI – XVIII асрларда эса ўзбекларга тобе бўлганлар. XVIII асрда Уйғуристондаги ўзбек хонлигини хитойлар босиб олган. Шундан бери уйғурлар Хитой истилоси остида яшаб келмоқдалар. XX асрнинг 20-йилларида турк тилида сўзлашувчи деярли барча халқлар лотин алифбосига ўтганда, уйғурлар бу жараёндан четда қолганлар ва ҳозирга кадр араб алифбосига асосланган ёзувдан фойдаланадилар.

Умуман олганда, уйғурлар билан ўзбеклар маданий жиҳатдан бир-бирига жуда яқин халқлардир. XX асрга қадар Марказий Осиё минтақасида турк тилида сўзлашувчи халқлар ичида фақат уйғурлар ва ўзбеклар асосан ўтроқ ҳаёт тарзи олиб бориб, шаҳар ва қишлоқларда яшаганлар. Уларни бир халқ деса ҳам бўлади. Уйғурлар ва ўзбеклар қадимги туркларнинг деҳқончилик, боғдорчилик ва шаҳарчилик маданиятининг давомчилари ҳисобланадилар. Уйғур ва ўзбек адабий тиллари қадимги турк тилининг қарлуқ лаҳжаси асосида ривожланган ва улар ўртасидаги фарқ тахминан Фарғона водийси билан Тошкент воҳаси аҳолисининг шевалари ўртасидаги фарқ сингари. Иккала халқнинг этник шаклланиши Турк хоқонлиги даврида бошланиб, Қорахонийлар даврида тугалланган. Шарқий Турк хоқонлиги ва Шарқий Қорахонийлар давлатида уйғурлар, Ғарбий Турк хоқонлиги ва Ғарбий Қорахонийлар давлатида эса ўзбеклар халқ сифатида шаклланганлар. Анъанавий яшаш тарзи, урф-одатлари, муסיқаси ва таомлари ҳам бир хил. Ҳатто бош кийимлари ҳам ўхшаш, бош кийим эса ҳар қандай халқнинг ўзлигини билдирувчи энг муҳим ташқи белгилардан бири ҳисобланади. Бундай бош кийим (тўртбурчак дўппи) бошқа ҳеч қайси халқда йўқ. Бу эса бу икки халқнинг келиб чиқиши бир ва ўтмиши муштарак бўлганлигидан далолат беради. Ҳозирги кунда уларни фақат чегаралар ва номлар ажратиб туради. Лекин бу омилларнинг иккаласи ҳам ўзгарувчанлиги тарихдан маълум.

### **Саволлар:**

1. Уйғурларнинг ерлари Хитой томонидан қачон босиб олинган?
2. Шин Жиан – Уйғур мухтор ўлкасида уйғурлардан бошқа қайси халқлар яшайди?

### **Мустақил иш учун топшириқлар:**

1. Уйғурларнинг келиб чиқиши ҳақида илмий қарашлар.
2. Уйғурларнинг давлатчилиги тарихи.

## **2.8. Ўзбекистондаги айрим олимларнинг ғайриилмий қарашлари**

*Дарсинг ўқув мақсади:* Ўзбекистонда тарих соҳасида айрим олимлар томонидан илгари сурилаётган ғайриилмий ва етарли илмий асосга эга бўлмаган қарашлар билан таништириши ва уларни таҳлил қилиши.

*Таянч тушунчалар ва иборалар:* сартлар, ярим кўчманчи ўзбеклар, ўтроқ маданият, деҳқончилик, шаҳарчилик маданияти, “ўзбек” суперэтноси.

Ўзбекистон тарихчи олимлари орасида ҳам мустақиллик даврида турли масалалар, хусусан, ўзбек халқининг келиб чиқиши масаласи бўйича турли фикрлар, шу жумладан, илмий асосланмаган, ёки етарли исботланмаган ва ҳатто ғайриилмий фикрлар илгари сурилган. Бу фикрларнинг айримлари чет эл грантлари ва уларни берувчи ташкилотларнинг ғоявий таъсири остида вужудга келган. Масалан, 2002-йилда Тошкентдаги Америка Қўшма Штатларининг Сорос фондида қарашли “Open Society” (“Очиқ Жамият”) институтининг гранти асосида тайёрланган “Этнический атлас Узбекистана” (“Ўзбекистоннинг Этник харитаси”) комусий тўпламида ўзбек жамиятшунос олими А. Илҳомовнинг “Археология узбекской идентичности” (“Ўзбек ўзлигининг археологияси”) номли бош мақоласи нашр этилган. Унда муаллиф ўзбек халқининг таркиб топиши асосида Ўрта Осиёга XVI аср бошларида бостириб келган Дашт-и Қипчоқ қабилалари ётади, деган фикрни илгари сурган (270-бет). Бу билан у шўролар даврида

қабул қилинган ва илмий асосланган этногенез назариясини асоссиз инкор этган. Уни ҳаракатлантирувчи куч бу ҳозирги кунда чет элларда кенг тарқалган конструктивизм назариясидир. Россияда бу назария В. А. Тишков ва С. Абашин томонидан маҳаллий шароитга мослаштирилиб, яна ҳам ривожлантирилган. Бундай олимларга кўр-кўрона эргашиб, фаолият олиб бораётган А. Илҳомовга кўра, миллатларнинг ҳеч қандай тарихи йўқ. Ҳар бир миллат сиёсий жараёнлар орқали вужудга келган. Ўзбекистон ва ўзбек халқи ҳам 1924 йилда “қизил руслар” (болшевиклар) томонидан сунъий равишда вужудга келтирилган. Олим чет элдан грант олгандан кейин уни “оқлаши” ҳам керакда. Бўлмаса бошқа грант ололмайди. Шунинг учун бундай “тадқиқотчилар” чет эллик хўжайинларга яхши кўриниш мақсадида ўз халқининг тарихини бузиб кўрсатишга ҳам тайёр. Ўзбек олимлари бундай нашрларга ўз вақтида муносиб жавоб берганлар [Алимова, Арифханова, Камолиддин 2004: 72 – 85].

Шундай олимлардан яна бири Б. Бобожоновдир. Ўзининг “Кокандское ханство: власть, политика, религия” (“Қўқон хонлиги: ҳокимият, сиёсат, дин”) (Тошкент, 2010) номли китобида у ўзича тарихий тадқиқот олиб боришнинг “янги методологияси” ни ихтиро этган. Ўзининг тан олишича, бунга андоза сифатида швейцариялик шарқшунос олима Анке фон Кюгелгеннинг Бухоро хонлиги ҳақида ёзилган янги китоби хизмат қилган экан. Б. Бобожоновнинг мазкур китобини ўқиган одам шу хулосага келадикки, унда қўлланилган “янги методология” аслида тарихий манбалардаги маълумотларни бузиб кўрсатиш ва уларни нотўғри талқин қилишдан иборат. Натижада китобда ўзбек халқининг таниқли намоёндалари, хусусан, Ҳакимхон тўра, Қўқон хонлари, Нодирабегим сингари тарихий шахсларга асоссиз равишда тухматлар қилинган. Китобдаги жиддий камчиликлар ва зарарли фикр-мулоҳазалар манбашунос олим Э. Хуршутнинг бир туркум мақолаларида батафсил кўрсатилган [Хуршут 2013].

Мазкур китобда илгари сурилган нотўғри маълумотларга асосланган айрим хулосалар илмий жамоатчиликнинг фикрини чалкаштиради, тарихимизга асоссиз равишда тухмат қилади, халқимизнинг миллий ўзлигини англаш жараёнига салбий таъсир қилади ва зарар етказди [Камолиддин 2013: 217]. Б. Бобожонов маълумоти бўйича шарқшунос бўлмаса ҳам, шунингдек, шарқ тилларини, айниқса араб

тилини мукамал билмаса ҳам, унинг асосий “тадқиқот” мавзуси исломдир. Шу вақтгача жаҳон шарқшунослигида ислом тадқиқотлари охир оқибатда асосан ислом динининг рақиблари ва душманларининг манфаатларига хизмат қилиб келган. Ғарбда бу яҳудий сионистлар ва насронийлар, шарқда эса атеистлар ва коммунистлар эди. Шунинг учун мусулмон мамлакатларидаги олимлар ғарб шарқшуносларининг ислом соҳасидаги илмий ишларига ҳар доим жуда эҳтиёткорлик билан қараганлар. Марказий Осиё республикалари мустақилликка эришгач, бу ерда вазият тубдан ўзгарди. Илгари ислом тадқиқотлари коммунистлар томонидан атеизм нуқтаи назаридан олиб борилган ва исломга қарши қаратилган бўлса, энди ислом тадқиқотлари авваламбор илм-фан, давлат ва ислом манфаатларига хизмат қилади. Бу Ўзбекистонда олиб борилаётган янги сиёсат доирасида айниқса аҳамиятлидир. Лекин биздаги баъзи олимларнинг фикрлаши ва қарашлари ҳали ҳам эскича қолмоқда. Масалан, Б. Бобожонов ислом тадқиқотлари билан “шуғулланади”, лекин республикамиздаги ислом билан боғлиқ ташкилотларнинг бирорта расмий нашри билан алоқа қилмайди, шу билан бирга у Москва патриархатига қарашли Тошкент насронийлар епархиясининг черков нашри билан яқин ҳамкорлик қилади. Буни қандай изоҳлаш мумкин, деган савол туғилади. Мустақиллик учун жонини қурбон қилган жаидчиларнинг нуқтаи назаридан, қолаверса, ҳозирги кун Ўзбекистон миллий мафкураси нуқтаи назаридан ҳам буни “сотқинлик”, ҳеч бўлмаганда, “бефарқлик” ёки “калтафаҳмлиқ” деб изоҳлаш мумкин.

\*\*\*

Шўролар давлатининг парчаланиши ва мустабид тузумнинг қулаши натижасида илм-фаннинг комуннистик ғоя билан бевосита боғлиқ бўлган соҳалари бўйича ихтисослашган минглаб олимлар “ишсиз” қолди. Масалан, марксизм-ленинизм фалсафаси, шўролар даври тарихи, Коммунистик партия (КПСС) ва комсомол (ВЛКСМ) тарихи йўналишлари бўйича илмий ишлар ёқлаган мутахассислар энди кераксиз бўлиб қолди. Энди улар ўзларини тарих фанининг бошқа йўналишларига уриб, ўзлари учун янги ва нотаниш бўлган соҳаларда “илмий” фаолиятларини давом этдиришга ҳаракат қилдилар. Натижада савияси паст ва сифатсиз “илмий” тадқиқотлар-



нинг сони кўпайиб кетди. Бу жараён айниқса ЎзР ФА нинг Тарих институтида яққол кўзга ташланди. Чунки шўролар даврининг тарихи билан шуғулланувчи мутахассислар асосан шу ерда тўпланган эдилар. Масалан, 1990-йилларда бу институтда этнография ва этнология масалалари билан шуғулланувчи бўлим бор эди. Уни таниқли этнолог олим малакали мутахассис К. Шониёзов бошқарар эди. Умрининг охириги йиллари давомида у ёш кадрлар тайёрлаш ишига жиддий аҳамият бериб, этнография ва этнология соҳасида 15 та тарих фанлари номзоди тайёрлаган эди. 2001 йилдан кейин институт раҳбарияти ўзгаргандан сўнг бу ёш кадрлар бирин-кетин институтни тарк этиб, тарқалиб кетдилар. Уларнинг ўрнини эса кечагина шўролар даврининг тарихи ва фалсафаси билан шуғулланиб юрган олимлар эгалладилар. Натижада кўп йиллар давомида этнология соҳасида турғунлик ва бўшлиқ вужудга келди. Бу эса Ўзбекистон этнологияси фанига катта зарар етказди. Сиёсий мақсадларни кўзлаган айрим чет эллик олимлар бундан фойдаланиб, ўзбек халқининг тарихи, хусусан, унинг келиб чиқиши масаласи бўйича халқаро “мунозаралар” ва “муҳокамалар” уюштирдилар. Тарих институтида эса уларга муносиб жавоб бера оладиган мутахассис йўқ эди. Собиқ этнологларнинг ўрнини эгаллаган “янги этнологлар” эса ташқи душманларнинг ғоявий ҳамлаларига жавоб беришга ожизлик қилиши табиий ҳол эди.

Мустақиллик даврида юз берган иқтисодий қийинчиликлар собиқ шўролар давлати ҳудудида, шу жумладан Ўзбекистонда ҳам, барча ижтимоий фанларнинг ривожланишига ўзининг салбий таъсирини ўтказди. Илмий тадқиқотларнинг давлат томонидан молиялаштирилиши кескин камайиб кетди. Унинг ўрнига чет элларнинг ташкилотларидан грантлар олиб, тадқиқот олиб бориш тажрибаси тобора кенгайиб борди. Умуман олганда, бу бутун жаҳонда илм-фан соҳасида қабул қилинган жараён. Лекин бизда у доим ҳам ижобий натижалар бергани йўқ. Кўпинча грант олувчилар грант берувчиларнинг ғоявий таъсири остига тушиб, тадқиқотларини беихтиёр уларнинг фикрини инобатга олган ҳолда олиб борадилар. Айрим олимлар грант берувчиларга яхши кўриниш учун ўз халқининг тарихига тош отишдан ҳам тоймайди.

Яна бир тоифа олимлар грантлар қўлга киритишни ўзларига касб қилиб олганлар. Бундай олимлар айниқса ЎзР ФА Тарих

институтида кўп. Ундай олимларга грант бўлса бўлди, унинг қайси соҳада эканлиги эса аҳамиятсиз. Шунинг учун у ерда Тошкент тарихи, жадиждлар тарихи, аёллар муаммолари, ислом тарихи, этногенез ва этник тарих, колхозлар тарихи, ҳарбий санъат тарихи сингари мавзулар билан бир хил одамлар шуғулланадилар. Уларни кўп қиррали ва универсал, яъни ҳақиқий “қомусий” олимлар деса бўлади. Бу ерда чет эллик ташкилотлар билан ҳамкорликдаги грантларга аъзо бўлишда олимнинг мутахассислиги ва малакаси эмас, кўпроқ танишбилиш, порахўрлик, гуруҳбозлик ва бошқа омиллар ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Шунинг учун ислом тарихи соҳасидаги грантда ҳам этнология бўлимидаги сингари иштирокчилар орасида шарқ тилларини билувчи ва ислом даври тарихи билан шуғулланувчи мутахассислардан кўра кўпроқ шахсан директорни, унга яқин одамларни ва шўролар даври тарихининг мутахассисларини кўриш мумкин. Чунки бу грантларда ойлик “валюта”, яъни чет эл пулида берилади, хорижий мамлакатга сафари ҳам бор. “Ўзбекистон тарихи” журнали ҳам худди шундай тамойиллар асосида фаолият олиб боради. Бу ерда ҳам илм-фан манфаатлари, ҳатто давлат манфаатларидан кўра шахсий манфаатлар ва айрим гуруҳлар (“илмий мафия”) нинг манфаатлари биринчи ўринда туради.

Шу ўринда “илмий мафия” ҳақида ҳам бир оғиз айтиб ўтиш лозим. Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда илм-фан соҳасида кадрлар етиштириш ва илмий мактаблар яратиш вазифаси энг долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Чунки охириги 25 йил давомида илм-фанга қизиқиш камайиб кетди, илмий тадқиқотларнинг сифати тушиб кетди ва кадрлар силсиласида бўшлиқ вужудга келди. Шунинг учун ҳам 2017 йилда ЎзР ФА нинг ҳақиқий аъзолигига ўтказилган сайловда илмий кадрлар тайёрлаганлик ва илмий мактаб яратганлик омили асосий кўрсаткич ва талаб сифатида қабул қилинди. Бир жиҳатдан бу тўғри талаб. Лекин ҳозирги мавжуд шароитда бу доим ҳам олимнинг салоҳияти ва илм-фан олдидаги хизматлари ҳақида ҳаққоний хулоса чиқаришга имкон бермайди. Қолаверса, жаҳон тажрибасида бу кўрсаткич асосий ҳисобланмайди. Масалан, энг йирик шарқшунос олимлардан бири академик В. В. Бартолднинг 1 та ҳам шогирди бўлмаган. Шунга қарамасдан у “академик” илмий унво-

нига сазовор бўлган. Бошқа таниқли ва йирик академик олимлар ҳам кўпи билан 5 – 6 та ёш олимга илмий раҳбарлик қилганлар.

Лекин Ўзбекистонда бу кўрсаткич бутунлай тескари манзарани кўрсатади. Охирги йилларда бизда илмий кадрлар тайёрлашдан кўра, “илмий кадрлар чиқариш” авж олди. Энг кўп “шогирд” ларни институт мудирлари чиқаради, чунки одатда улар илмий кенгашларнинг раиси ҳам бўладилар. Маъмурий тизимдаги мақом уларга илмий тизимда ҳам худди шундай ҳуқуқларни беради. Улар ўзининг мансаби ва расмий мақомидан фойдаланиб, энг иқтидорли ёшларни ўзларига “шогирд” қилиб оладилар. Иқтидорсиз ёшлар ҳам уларни “илмий” раҳбар қилиб олишга интиладилар. Чунки бундай раҳбарларнинг ҳимояси остида диссертацияни ёқлаш ҳам осонроқ кечади. Шунинг учун бундай мансабдор олимларнинг “шогирд” лари кўп бўлади. Амалда эса уларнинг ёш олимларга берган билими ва тарбияси жуда оз ва арзимас бўлади. Ижтимоий фанлар соҳасида 50 – 60 та ва ундан ҳам кўп “шогирд” лар чиқарган раҳбар олимлар бор. Лекин амалда улардан фақат бир нечтасини уларнинг ўзлари тайёрлаган бўлади. Қолганлари эса ҳар хил йўллар билан уларга бирикиб қолган бўлади. Шунинг учун бизнинг ҳозирги шароитда кўп илмий кадрлар етиштирган олимларни “илмий мактаб” яратди деб айтиб бўлмайди. Умуман олганда, бизда “илмий мактаб” тушунчасидан кўра “илмий мафия” тушунчаси ҳақиқатга кўпроқ тўғри келади. Ҳар қалай тарих соҳасида. Масалан, “академик” илмий унвонига номзодлардан бири Д. Алимовани олайлик. У жами 45 та ёш олим тайёрлаган экан, шулардан 9 таси фан доктори экан. Лекин биз “Алимова илмий мактаби” бор деб айта олмаймиз. Чунки у “тайёрлаган” кадрлар ҳар хил соҳалар бўйича ёқлаганлар, уларнинг илмий салоҳияти ҳам ҳар хил. Яхшилаб текшириб кўрилса, уларнинг кўпини умуман илмий тадқиқот деб бўлмайди, докторлик ишларини ёқлаганларнинг эса ярими ҳам ҳозирги кун талабларига жавоб бермайди. Чунки менинг бу ишларнинг баъзиларига кўзим тушган. Бошқа олимларнинг бу ҳақида фикрларини ҳам кўп эшитганман. Менимча, бу ерда “Алимова илмий мактаби” эмас, “Алимова илмий мафияси” ибораси ҳақиқатга кўпроқ тўғри келади. Чунки у “ҳукмронлик” қилган даврда Тарих

институтида ва умуман тарих соҳасида айнан шундай вазият юзага келган эди.<sup>12</sup>

Нашр этилган асарларнинг сони ҳам олимнинг салоҳияти ҳақида дарак бермайди. Асарларнинг сони эмас, уларнинг илм-фанга қўшган ҳиссаси ва илмий аҳамияти муҳимроқдир, шунингдек, мавзунинг катта ёки кичиклиги, тадқиқотнинг кўлами ва чуқурлиги аҳамиятлидир. Кўп асарлар ёзиш мумкин, лекин уларнинг илмий савияси паст бўлса, уларнинг аҳамияти ҳам паст бўлади. Шу билан бирга 1 та – 2 та асар ёзган олим илм-фан тарихида чуқур из қолдириши мумкин. Масалан, швейцариялик олим Адам Мец жуда қисқа умр кўриб, фақат “Ислом Ренессанси” номли китоб (1922 й.) нашр этган. Лекин бу китоб ҳалигача жаҳон шарқшунослик фани хазинасида энг юқори ўринлардан бирини эгаллаб турибди. Бундай мисоллардан кўпини келтириш мумкин.

Шунинг учун “академик” илмий унвонини беришда ҳал қилувчи омиллар номзоднинг мансаби, шогирдларининг сони, нашр этган илмий ишларининг сони, унинг сиёсий қарашлари<sup>13</sup> ҳам эмас, авваламбор унинг илмий салоҳияти, қилган ишларининг сифати ва илмий аҳамияти бўлиши керак. Академикларнинг сайлови ҳам даъвогарлар ичида муносиб номзодни аниқлашнинг ишончли йўли эмас. Чунки бу ерда ҳам масаланинг ҳал қилинишига маҳаллийчилик, қариндош-уруғчилик, таниш-билишчилик, гуруҳбозлик, хушомадгўйлик ва ниҳоят порахўрлик каби иллатлар таъсир қилиши мумкин. Бунинг учун, керак бўлса, халқаро экспертларнинг фикрига ҳам мурожаат этиш мумкин. Холис фикрни билиш учун адолат юзасидан бу экспертларнинг кимлигини эълон қилиш ҳам шарт эмас. Ана шунда номзодлар ичида академик илмий мартабасига муносиб бўлган ҳақиқий номзод ким эканлигини аниқлаш мумкин.

\*\*\*

Шундай қилиб, ўзбек халқининг келиб чиқиши ва унинг шаклланиши тарихи масаласи ҳозирги кунда жуда долзарб масалага айлан-

---

<sup>12</sup> Бу ҳақида тафсилотлар учун қаранг: Камолиддин 2009аб; 2013.

<sup>13</sup> Яққаҳоқимликка асосланган бизнинг жамиятда бу жиҳат ҳали ҳам ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

ган. Бу борада айниқса чет элларда фаол изланишлар олиб борилмоқда. Лекин бу “тадқиқотлар” ни ҳаракатлантирувчи куч илмий қизиқиш эмас, сиёсий мақсадларга хизмат қилиш эканлиги ҳаммага маълум.

Бизнинг олимларимиз ҳам орқада қолишни истамасдан бу масала билан шуғулланишга ҳаракат қилмоқдалар. Лекин, ажабланарлиси шуки, бу масала билан ЎзР ФА нинг Тарих институтидаги этнология бўлими ходимлари эмас, бутунлай бошқа одамлар, ҳатто тарих соҳасида мутахассис бўлмаганлар ҳам шуғулланмоқдалар. Шундай тадқиқотчилардан бири филолог олим Ўрол Носировдир. У тарихчи бўлмасада, ўзининг “Ўзбеклар шажараси” номли китобида ўта мураккаб ва катта масъулият талаб этадиган муаммоларни ҳал қилишга қўл урган. Натижада бу китобда илм-фандан йироқ, асоссиз ва хаёлий фикр-мулоҳазалар илгари сурилган. Шундай ёзувчилардан яна бири Анвар Шукуровдир. Унинг “Ўзбек атамасининг келиб чиқиши ҳақида” деб номланган рисоласи (Тошкент, 2010) афсонавий маълумотлар ва ривоятлар ёки тарихий манбалардаги маълумотларни бузиб кўрсатишлар ва уйдирмаларга асосланган. Ҳаваскор “тарихчилар” дан яна бири З. Зиётов ўзининг “Шумерлар ва туркий қавмлар” номли китобида (Тошкент, 2012) қадимги шумерлар ва уларнинг келиб чиқиши ҳақида кенг маълумот берган. Қозоқ адиби О. Сулейменовнинг Ўзбекистонда ҳам издошлари бор эканда. Фақат биринчиси ёзувчи бўлса, иккинчиси қишлоқ хўжалиги маълумотига эга, лекин у “Турон фанлар академияси” нинг аъзоси, яъни “академик”.

Бу ва шунга ўхшаш асарларни илмий деб бўлмайди, чунки уларни ёзган одамлар бу соҳада мутахассис эмас. Уларни илмий-оммабоп асарлар деб ҳам бўлмайди, чунки бундай асарларни ҳам одатда қўйилган масала ёки муаммони чуқур билган мутахассислар кенг халқ оммасига тушунарли содда тилда умумий маълумот бериш учун ёзадилар. Илгари бундай масалалар Фанлар Академияси томонидан назорат этилар ва режали равишда амалга оширилар эди. У вақтларда китобнинг чоп этилиши муҳим бир воқеа ҳисобланар эди. Ҳамма ҳам бу ишнинг уддасидан чиқа олмас эди. Чунки китоб нашр этилиши учун бир қанча талабларга жавоб бериши керак эди. Айниқса “Фан” нашриётининг талаблари юқори эди ва унда фақат илмий асарлар нашр этилар эди. Охириги вақтларда китоб чиқариш



фақат ва фақат пул билан боғлиқ бўлиб қолган. Ким пул тўласа, китоби албатта нашр этилади. Унинг мазмуни эса ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас. Бунинг учун мутахассис бўлиш ҳам шарт эмас. Шунинг учун бизда тарихнинг турли мавзулари бўйича ҳар хил соҳаларнинг вакиллари – филологлар, ёзувчилар, санъаткорлар, техник ходимлар, ишбилармонлар ва ҳатто талабалар ҳам “қалам тебратмоқдалар”. “Фан” нашриёти ҳам олдинги аҳамиятини йўқотиб, оддий бир кичик нашриётга айланиб қолган. Унда илмий асарлардан кўра кўпроқ бадий асарлар ва эртаклар нашр этилади.

Тўғри, ўз ватани ва халқининг тарихига қизиқиш бу яхши фазилат. Албатта, бу китоб ва рисоалар яхши ният билан ёзилган. Уларнинг муаллифлари чет элларнинг жамғармаларидан грант олмаганлар. Шунинг учун уларнинг фикрлари мустақил ва холис деб айтиш мумкин. Лекин бирламчи тарихий манбаларни билмасдан ва уларни малакали таҳлил қилмасдан ёзилган бундай китобларнинг фойдасидан кўра зарари кўпроқ. Улар илмий ҳақиқатни аниқлаш ёки тарихимизни тўғри англашга эмас, балки мутахассис бўлмаган одамларнинг фикрини чалкаштиришга ва ундан ҳам кўпроқ муаммоларни келтириб чиқаришга хизмат қилади. Мутахассис олимларимиз ўз вақтида бундай китобларга тегишли муносабат билдирганлар.

Ниҳоят бу ҳаваскор “тадқиқотчилар” нинг асарларидан безор бўлган академик олимларимиздан бири енгини шимариб, ўзбек халқининг шаклланиши тарихини ёзишга киришди. 2005 йилда академик А. Асқаров орийлар ҳақида янги фикрини илгари суриб, орийлар аслида турк тилида сўзлашувчи қабилалар бўлган, кейинчалик Ўрта Осиёнинг маҳаллий эроний тилли аҳолиси таъсири остида улар тил жиҳатдан эронийлашиб кетган, деган фараз билан чиқди [Асқаров 2005: 88]. Бу фикрни олим ўзининг янги нашр этилган монографиясида ҳам илгари сурган [Асқаров 2015]. Олимлар 200 йил мобайнида орийларнинг қаердан келиб чиққанлиги ҳақида мунозара олиб бордилар. Баъзилар уларни Ўрта Осиёга Яқин Шарқдан кўчиб келган деб ҳисобласалар, бошқалар, Урол тоғларининг жанубий ёнбағрларидан келган, дейдилар. Лекин ҳали бирорта жиддий олим уларнинг эроний тилда сўзлашганлигига шубҳа билдирмаган [Ртвеладзе 2007: 12, 13]. А. Асқаров орийларнинг турк тилида сўзлашувчи қабилалар бўлганлиги ҳақида ёзганда, асосан, 2 та манбага таянади. Биринчиси, жез даври-

нинг Андроново маданияти тарқалган худудларда илк ўрта асрларда турк тилида сўзлашувчи халқлар яшаган. Иккинчиси, хитой манбаларида хабар берилишича, қадимда, яъни м. а. II минг йилликда, Хитойдан шимол ва шимоли-ғарбдаги даштларда турк тилида сўзлашувчи қабилалар яшаган. Лекин бу иккала маълумот ҳам орийларнинг турк тилида сўзлашувчи қабила бўлганлигига жиддий асос бўла олмайди. Андроново маданиятини қолдирган халқларнинг тили ҳали аниқланмаган. Кўпчилик олимлар уларни эроний тилларда сўзлашган деб ҳисоблайдилар. Чунки буни тасдиқловчи бир қатор далиллар мавжуд. Хитой манбаларидаги маълумот ҳам бошқа манбаларда ўз тасдиқини топмаган ва кўпчилик олимлар томонидан эътироф этилмаган.

А. Асқаров томонидан илгари сурилган яна бир ғоя шундан иборатки, Ўрта Осиёнинг орийлардан бурунги энг қадимги, яъни туб аҳолиси эроний тилларда сўзлашган [Асқаров 2005: 86]. Бу ғоя унинг шўролар даврида ёзилган ишларида ҳам учрайди [Асқаров 1981: 178]. Бу фикрнинг ҳам исботи йўқ. Шунинг учун кўпчилик олимлар унга қарши чиққанлар [Ртвеладзе 2007: 12 – 13; Сагдуллаев 2007: 35 – 36]. У даврларда ёзув ҳали бўлмаган. Археологик ва антропологик манбалар эса тил ҳақида ҳеч қандай маълумот бермайди. Лингвистик ва топонимик тадқиқотларга кўра (биз эса уларни инкор этишга ҳаққимиз йўқ), Ўрта Осиёда орийларга қадар дравид ва урол-олтой тилларида сўзлашувчи халқлар яшаган. Улар орасида турк тилида сўзлашувчи қабилалар ҳам бўлган. Орийлар келгандан кейин уларнинг бир қисми Ҳиндистонга, бир қисми эса Шарқий Туркистон ва Сибирга кўчиб кетган. Қолганлари аста-секин орийлар билан қоришиб кетган. Демак, А. Асқаровнинг янги ғоясини исботлаш учун қўшимча далиллар талаб этилади. Бундай маълумотлар эса ҳозирча йўқ. Бунинг учун янги тадқиқотлар, изланишлар олиб бориш керак. Мутлақо янги фикрнинг илмий жамоатчилик томонидан қабул қилиниши ҳеч қачон осон кечмаган.

Кўриб турибмизки, ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихини ўрганишдаги кўп масалалар ҳали тўлиқ ва тўла-тўқис ҳал этилмаган. Бунинг учун янги манбалар ва материаллар асосида холис илмий тадқиқотлар ва изланишлар олиб бориш лозим.

Бошқа бир академик Э. Ртвеладзе ўзбек халқининг келиб чиқиши масаласи билан махсус шуғулланмаса ҳам, бироқ ўзбекларнинг этник тарихи билан боғлиқ бўлган айрим масалаларга қизиқиш билдиради. Агар А. Асқаров ўзининг илмий қарашларини очиқ изҳор этиб, илмий баҳсларда ҳар доим уларни астойдил ҳимоя қилса, Э. Ртвеладзе ундан кўра эҳтиёткорлик билан иш юритади, ва ишончи комил бўлмаган нарсалар ҳақида ёзмайди. Лекин у кўп гапиради, ва ҳар сафар ўзининг хато фикрларини такрорлайди. Бу билан у ёш авлоднинг миллий ўзлигини англашига катта зарар етказади, уларнинг онгини чалкаштиради ва халқимизнинг ўтмиши ҳақида нотўғри тасаввур ҳосил қилади. Ҳамма эса унга ишонади. Ахир, у академикку, унинг сўзи эса бизда қонун билан баробар юради. Ҳар қалай у ўзи ҳақида шундай деб ўйлайди. Унинг нотўғри фикрларидан бири “Туркистон” жой номининг келиб чиқишидир. Унинг фикрича, ёки аниқроғи ўзининг кўплаб чиқишларида таъкидлаган сўзларига кўра, “Туркистон” жой номи тарихий асосга эга эмас, у XIX асрда рус олимлари томонидан ўйлаб топилган ва муомалага киритилган. Бу хато фикр унда манбалардаги маълумотларни билмаслик ва турклар тарихи ҳақида коммунистик тарғибот таъсири остида шаклланган эскирган нотўғри тушунчалар туфайли юзага келган. Бизнинг тадқиқотларимиз шуни кўрсатадики, “Туркистон” жой номи VI – VII асрлардан бошлаб “Марказий Осиё” маъносида пахлавий, сўғд, бохтар, арман, гуржи ва бошқа тиллардаги манбаларда ишлатилган. Ислом даврида “Туркистон” жой номи мўғуллар истилосидан олдинги ва кейинги даврнинг араб, форс ва турк тилларида ёзилган деярли барча манбаларида учрайди.

Унинг яна бир нотўғри фикрларидан бири “Ўзбекистон” жой номининг келиб чиқишидир. Унинг фикрига кўра, “Ўзбекистон” жойи номи ҳам тарихий асосга эга эмас, уни ҳам 1924 йилда рус олимлари ўйлаб топганлар. Бу хато фикр ҳам унда манбалардаги маълумотларни билмасликдан ва коммунистик тарғибот таъсири остида шаклланган ўзбекларнинг тарихи ҳақидаги эскирган ва нотўғри тасаввур натижасида вужудга келган. Бизнинг тадқиқотларимиз шуни кўрсатадики, “Ўзбекистон” жой номи XVI – XVIII асрларда форс ва турк тилларида ёзилган манбаларда, Бобурийлар саройида (XVI аср) бўлган Франция элчисининг хотираларида, шунингдек, XIX

– XX асрнинг бошидаги баъзи рус тилидаги манбаларда қайд этилган. Бундан ташқари “Ўзбекистон” жой номи XVI – XVIII асрларда Европада чизилган кўплаб хариталарда ҳам қайд этилган.

Бизнинг “академик” Э. Ртвеладзе Марказий Осиё тарихий топонимиясида ҳаваскор бўлса, Кушан археологияси ва Чоч нумизматикаси соҳаларида ўзини анча дадил ҳис қилади ва ҳатто ўзини тенги йўқ деб ҳисоблайди. Тўғри, Э. Ртвеладзе ўзининг қилган тадқиқотлари билан Кушон археологиясига, шунингдек, Чоч нумизматикасига бебаҳо ҳисса қўшган деб айтиш мумкин. Бироқ, унинг бу соҳалардаги хизматларини инкор этмаган ҳолда шуни ҳам айтиш керакки, унинг Чоч тангаларидаги суғдча ёзувларни нотўғри ўқишлари ва улар асосида чиқарган нотўғри хулосалари одамларда Чочнинг исломдан олдинги тарихи ва бу ерда ҳукм сурган сулолалар ҳақида хато тушунчалар ҳосил бўлишига сабабчи бўлди. Бу эса, ўз навбатида, узоқ вақт давомида илмий жамоатчиликда Чочнинг исломдан олдинги даврлардаги тарихи ҳақида янглиш тасаввур ҳукмронлик қилишига олиб келди. Ғ. Бобоёров ва А. Кубатин олиб борган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, мазкур тангалардаги суғдча ёзувларнинг кўпларида, аслида, туркча исмлар ва унвонлар ифода этилган. Бу эса бу вилоят тарихининг умумий манзарасини тубдан ўзгартириб юборди. Бу янги ўқишлар суғдшунос олим М. Исҳоқов томонидан тасдиқланган бўлса ҳам, Э. Ртвеладзе дастлаб буни тан олишни истамади. Ахир у ўзини нафақат археология ва нумизматика соҳасида, балки суғд тили ва палеографияси соҳасида ҳам мутахассис деб ҳисоблайди. Фақат халқаро экспертларнинг аралашуви ёш тадқиқотчиларга янги ўқишларини ҳимоя қилишга ёрдам берди. Лекин “бурнини бошқа соҳага тикқан” бу олим, ўзининг “академик” эканлигидан фойдаланиб, узоқ вақт давомида илмий жамоатчиликни алдаб келди, ёшларимиз ва умуман ватандошларимизнинг онгига салбий таъсир ўтказиб келди. Шунинг учун Ғарбдаги олимлар тўғри қиладилар: ҳар бир тадқиқотчи, унвонидан қатъий назар, ўзининг тадқиқот соҳасига қатъий риоя қилади. Бизда ҳам шундай бўлса яхши бўлар эди.

“Бурнини бошқа соҳага тиқувчи” олимлардан яна бири ҳуқуқшунос А. Саидовдир. Унинг фикрича, ҳуқуқшунослар Марказий Осиё давлатчилиги ва ҳуқуқшунослиги тарихи билан шуғулланишга ҳақлидир. Лекин тарих ва шарқшунослик соҳасидаги талабалар ва ёш

тадқиқотчилар ҳам биладики, ҳар қандай тарихий тадқиқот бирламчи манбаларга асосланган бўлиши лозим. Акс ҳолда бундай “тадқиқот” илмий аҳамиятга эга бўлмайди. Таржималарга асосланган “тадқиқот” эса умуман кераксиз ёзувдан бошқа ҳеч нарса эмас. Марказий Осиёда давлатчилик ва ҳуқуқшунослик тарихи бўйича деярли барча манбалар шарқ тилларида ёзилган, А. Саидов эса улардан бирортасини ҳам билмайди. Бундан ташқари, у фақат ҳуқуқшунослик соҳасида маълумотга эга бўлиб, тарихий тадқиқот олиб бориш учун зарур бўлган билимларга эга эмас. Тарих бўйича илмий тадқиқот ёзиш бу чўпчак айтиш эмас-ку. Бунинг учун керакли билимлар ва кўникмаларга эга бўлиш лозим. Университет бўлажак тарихчиларни бекорга 6 йил ўқитмайди. А. Саидов эса ҳатто классик шарқшуносликнинг ваколатига кирувчи соҳа – шарқ тилларидаги манбаларни нашр этиш билан ҳам “шуғулланиш” ни ўзига мумкин деб билади. Бундай мураккаб ишларга эса ҳар қандай тарихчи ва шарқшунос ҳам қўл уришга журъат этмайди. Чунки бу ўта мураккаб иш ва уни амалга ошириш учун катта масъулият талаб этилади. Энди у “академик” бўлганидан кейин балки ислом тарихи билан ҳам “шуғулланиш” ни истаб қолса эҳтимолдан ҳоли эмас. Афсуски, бундай илм-фан қоидаларига зид бўлган ҳолатларни Ўзбекистонда ҳали ҳам кўплаб учратиш мумкин.

Бундай “олим” ларнинг рўйхатини яна давом этдириш мумкин, лекин биз ўқувчининг сабр-тоқатини эҳтиёт қилиб, шу ерда тўхташга қарор қилдик.

### ***Саволлар:***

- 1. “Ўзбек” номи қачон вужудга келган?*
- 2. “Ўзбекистон” атамаси қайси манбаларда учрайди?*

### ***Мустақил иш учун топшириқлар:***

- 1. Ўзбек халқининг келиб чиқиши ҳақида илмий қарашлар.*
- 2. Ўзбекистоннинг тарихий хариталари.*



## III боб. МАРКАЗИЙ ОСИЁНИНГ ЭНГ ҚАДИМГИ АҲОЛИСИ ҲАҚИДА ИЛМИЙ МАЪЛУМОТЛАР

### 3.1. Марказий Осиёнинг туб аҳолиси

*Дарсинг ўқув мақсади:* Марказий Осиё минтақасида энг қадимги даврларда яшаган аҳоли ҳақида илмий маълумот бериш. Археологик маданиятлар, моддий маданият ёдгорликлари ва уларнинг илмий талқинлари билан таништириш.

*Таянч тушунчалар ва иборалар:* Анов маданияти, Калта Минор маданияти, Ҳисор маданияти, дравид тили, урол-олтой тиллари, угор тиллари, енисей тиллари.

Марказий Осиё дунёдаги ибтидоий одам яшаган энг қадимги минтақалардан бири ҳисобланади. Тешиктош, Селунғур ғорлари, Кўлбулок, Обираҳмат манзиллари. М. а. VI – V минг йилликларда Марказий Осиёда 3 та маданият ўчоқлари мавжуд бўлган – Анов, Калта Минор ва Ҳисор маданиятлари. Анов маданияти ҳозирги Туркманистоннинг жануби-ғарбида (Ашхобод яқинидаги Анов қишлоғи атрофида) м. а. VI – V минг йилликлардан бошлаб тарқалган. Улар асосан суғорма деҳқончилик билан шуғулланганлар ва илк суғориш иншоотлари барпо этганлар. Бу маданият заминида кейинчалик (м. а. III – II минг йилликларда) шаҳарчилик маданияти вужудга келган. Олимларнинг тахмин қилишича, Анов маданиятининг аҳолиси дравид тилида сўзлашган. М. а. II минг йилликда орий қабилаларининг Марказий Осиёга оммавий кириб келиши натижасида бу халқнинг кўп қисми жануби-шарққа кўчиб кетган, қолганлари эса аста-секин орийлар билан қоришиб кетган. Уларнинг тилининг қолдиқлари санскрит тилида, аҳолисининг қолдиқлари эса ҳозир Жанубий Ҳиндистонда сақланган.

Калта Минор маданияти неолит даврида (м. а. VII – III минг йилликлар) Орол денгизининг шимоли-шарқий ва Каспий денгизининг шарқий соҳилларида, Балхан, Манғишлоқ яриморотида, Оқчадарё дельтаси, Қизилқум, Юқори Узбой, Моҳондарё ҳудудларида

тарқалган. Бу ерларда яшаган аҳоли асосан овчилик, теримчилик ва балиқчилик билан шуғулланган. Одамлар чайлаларда яшаганлар, лойдан сопол идиш-товоқлар ясаганлар. Уларда ибтидоий тикувчилик ва кемасозлик ҳам ривожланган эди. Олимларнинг тахмин қилишича, улар урол-олтой, шу жумладан турк ва угор тилларида сўзлашганлар.

Ҳисор маданияти м. а. VI – III минг йилликларда (неолит) Тожикистоннинг Ёвонсув, Вахш, Қизилсув, Кофирнихон дарёлари ҳавзаларида тарқалган. Улар тош ва суякдан қуроллар ясаганлар, асосан овчилик ва теримчилик билан шуғулланганлар. Жез даврига келиб деҳқончилик билан шуғуллана бошлаганлар. Олимларнинг тахмин қилишича, Ҳисор маданияти аҳолиси тили ҳозирги маълум тил оилаларидан бирортасига ҳам мансуб бўлмаган. Уларнинг тили бутунлай йўқолиб кетган. М. а. II минг йилликда орий қабилаларининг Марказий Осиёга оммавий кириб келиши натижасида бу халқнинг бир қисми Ҳиндукуш тоғларига кўчиб кетган, қолганлари эса аста-секин орийлар билан қоришиб кетган. Ҳиндукуш тоғларининг баланд тоғларидан бирида тили номаълум бир гуруҳ аҳоли-яшайди. Уларнинг лаҳжаси дунёдаги ҳеч қайси тилга ўхшамайди. Тахмин қилинишича, бу лаҳжа қадимги Ҳисор маданияти соҳиблари тилининг қолдиқлари бўлиши мумкин.

Лингвистик ва топонимик тадқиқотларга кўра, Марказий Осиёда неолит ва жез даврида Енисей тиллари ҳам кенг тарқалган. Бу тилларнинг қолдиқлари ҳозирги Сибирдаги жуда кам сонли *ханти* ва *манси* халқларининг тилларидан иборат. Қадимда бу тилларда сўзлашувчиларнинг сони жуда кўп бўлган ва улар жуда кенг ҳудудларда, шу жумладан, Марказий Осиёда ҳам яшаганлар. М. а. II минг йилликда орий қабилаларининг Марказий Осиёга оммавий кириб келиши натижасида бу халқнинг кўп қисми шимолга кўчиб кетган, қолганлари эса орийлар билан қоришиб кетган.

Ёзув маданияти Марказий Осиёга м. а. I минг йилликнинг ўрталарида кириб келган. Шу даврга мансуб кам сонли ёзма ёдгорликлардаги маълумотлар асосида Марказий Осиёнинг ўша даврдаги аҳолиси эроний тилларда сўзлашган деб ҳисобланади. Бунга асосан қадимги халқ вакилларининг исмлари, маълумотни қолдирган саёҳатчи билан олиб борган мулоқот тили ва улардан қолган ёзма

ёдгорликларнинг тили далил қилиб кўрсатилади. Лекин бундай қараш жуда юзаки ва мунозарали бўлиб, ҳақиқий ҳолатни акс этдирмайди. *Биринчидан*, ёзув тили билан жонли тил доим ҳам бир хил бўлмайди. Ёзув тили, яъни расмий тил битта, жонли тиллар эса бир нечта бўлиши ҳам мумкин. Масалан, қадимги Ҳиндистонда расмий тил санскрит, жонли тиллар эса 20 дан ортиқ бўлган. Қадимги Месопотамияда ҳам шунга ўхшаш ҳолат бўлган. *Иккинчидан*, у ёки бу маълумотни ёзиб қолдирган саёҳатчи билан олиб борилган мулоқот тили ҳам аҳолининг она тилидан фарқ қилиши мумкин. Масалан, Араб халифалигида халқаро мулоқот тили араб тили, Рим империясида латин тили, Сосонийлар империясида ўрта форс тили, Турк хоқонлигида эса қадимги турк тили бўлган. Бу тилларда давлат ишлари, расмий ёзишмалар ва тарихий асарлар ёзилган. Лекин бу давлатларда турли-туман халқлар яшаган ва уларнинг ўзларининг мулоқот тиллари ҳам бўлган. Расмий тил турли тилларда сўзлашувчи халқларнинг ҳам мулоқот тили бўлган. Масалан, XII асрда самарқандлик олим Абу Ҳафс Умар Насафийнинг она тили форс тили, унинг олдида Андалусиядан келган олимнинг тили эса испан тили бўлган. Лекин улар ўзаро араб тилида сўзлашганлар. Шу сингари ҳозирги вақтда ўзбеклар грузинлар билан, тожиклар арманлар билан, ва ҳатто ўзбеклар билан кўпинча рус тилида мулоқот олиб борадилар. Шундай қилиб, ёзув тили ва мулоқот тили кўпинча уни ишлатган аҳолининг этник мансублигини акс этдирмайди. *Учинчидан*, одамларнинг исмлари ҳам уларнинг этник мансублигини билдирмайди. Тўғри, қадимда баъзи исмлар одамларнинг этник мансублигини билдирган. Туркларда туркча, арабларда арабча, форсларда форсча, юнонларда юнонча исмлар ишлатилган. Лекин кўпинча исмлар одамларнинг диний эътиқоди билан ҳам боғлиқ бўлган. Масалан, арабларда мусулманлар ҳам, насронийлар ҳам бўлган. Уларнинг исмлари тубдан фарқ қилган. Қадимги туркларда ҳам оташпарастлик, буддавий, насроний динлари тарқалган. Оташпараст туркларда асосан эроний исмлар, буддавийларда санскритча исмлар, насронийларда эса сурёний ёки юноча исмлар тарқалган. Ислом даврида эса асосан арабча исмлар кенг тарқалган. Шунинг учун ҳозир у даврлардаги одамларнинг этник мансублигини аниқлаш жуда қийин. У даврларда эса бунинг ҳожати ва аҳамияти бўлмаган. Чунки одамларни фарқлашда асосий кўрсат-

кич тил эмас, диний ва мазҳабий мансублик бўлган. Турли тилларда сўзлашган, лекин бир динга эътиқод қилган одамлар бир жамоа ҳисобланган. Шу сингари бир тилда сўзлашган, лекин ҳар хил динларга эътиқод қилган халқ вакиллари бир-бирига ёт бўлган.

**Саволлар:**

1. Дравид тили қайси тиллар оиласига мансуб бўлган?
2. Енисей тиллари қайси тиллар оиласига мансуб?

**Мустақил иш учун топшириқлар:**

1. Анов маданиятининг моддий ёдгорликлари.
2. Калта Минор маданиятининг моддий ёдгорликлари.

### 3.2. Марказий Осиёнинг қадимги эроний аҳолиси

*Дарсинг ўқув мақсади:* Марказий Осиёга орий қабилаларининг кириб келиши ва улардан эроний тилли халқларнинг ажралиб чиқиши жараёнлари билан таништириши.

*Таянч тушунчалар ва иборалар:* орий қабилалари, тўхорлар, суғдлар, бохтарийлар, хоразмийлар, саклар, форслар.

М. а. II минг йилликнинг ўрталарида Марказий Осиё ҳудудларига ҳинд-эроний тилларда сўзлашувчи орий қабилалари кириб келган. Улар бу ерда яшаган дравид, урал-олтой ва угор тилларида сўзлашувчи халқларнинг бир қисмини минтақадан сиқиб чиқарганлар, бир қисмини ўзларига сингдирганлар, қолган туб аҳоли эса орийларнинг ҳукмронлиги остида яшашда давом этган. Темир даврига келиб (м. а. I минг йиллик) орий қабилалари асосида ҳинд ва эроний тиллар бир-биридан ажралиб, уларда сўзлашувчи бир қанча халқлар вужудга келган. Марказий Осиёда суғдлар, хоразмийлар, бохтарийлар, саклар, Эронда – форслар ва бошқалар.

“Суғд” сўзи аслида жой номи бўлиб, унда яшаган одамлар “суғдликлар” деб аталган. “Суғд” атамаси илк бор м. а. I минг йилликнинг ўрталаридаги ёзма ёдгорликларда қайд этилган. Суғд халқи

аввал Аҳамонийлар, кейин юнонлар, кушонлар, эфталийлар, турклар ва ниҳоят араблар ҳукмронлиги остида ҳаёт кечирган. Айниқса Турк хоқонлиги даврида суғдларнинг халқаро фаолияти учун кенг имкониятлар очилган. VI – VIII асрларда суғд ва турк халқлари орасида яқин этно-маданий алоқалар вужудга келган. Ўрта Осиёни араблар ва форслар босиб олгандан кейин суғдларнинг бир қисми Шарқий Туркистон ва Хитойга кўчиб, кейинчалик у ердаги турклар билан қўшилиб кетган. Уларнинг Ўрта Осиёда қолган асосий қисми ихтиёрий равишда маҳаллий ўтроқ турклар билан қоришиб кетган ва кейинчалик ўзбек халқининг таркибига кирган. Уларнинг бир қисми мажбурий равишда араб ва форс босқинчилари билан қўшилиб кетган ва кейинчалик тожик халқининг таркибига кирган.

Бохтарийлар Марказий Осиёнинг жанубий ҳудудларида яшаганлар. Уларнинг тили кушонлар, эфталийлар ва Турк хоқонлиги даврининг ёзма ёдгорликларида сақланган. Хусусан, тошбитиклар, деворий суратлар, сопол парчалари ва тангалардаги ёзувлар шулар жумласидандир. Шимолий Афғонистонда топилган Рабатак архиви 100 га яқин бохтар тилидаги ҳужжатлардан иборат. Бохтар тили араблар истилосига қадар ишлатилган. Кейинчалик (IX асрда) унинг ўрнини араб ва янги форс тиллари эгаллаган.

Хоразмийлар шимоли-шарқий Эрон ҳудудлари (Ҳирот атрофлари) дан кўчиб келганлар ва маҳаллий массагет қабилалари билан аралашиб, уларга ўз номларини берганлар. Хоразмийлар илк бор Беҳистун битиклари, шунингдек Геродот, Милетлик Гекатей асарларида қайд этилган. Нил дарёси бўйидаги м. а. V асрга мансуб шаҳар харобаларида топилган яҳудий тилидаги бир ҳужжатда келтирилган маълумотга кўра, Аҳамонийларнинг Мисрга юборилган қўшинининг саркардаси хоразмлик Харчин ўғли Даргман бўлган. Хоразмийларнинг қадимги тили ҳозир ўлик бўлиб, у ҳақида жуда кам маълумотлар сақланган. Бизгача етиб келган ёзма ёдгорликлари ҳам жуда санокли. Тупроққалъа ёдгорлигида бу тилда битилган қўлёзма топилган. Бу тил м. а. III – II асрлардан милодий VIII асрга қадар Хоразм давлатининг расмий тили бўлган. Хоразмда орамий ёзуви асосидаги ёзув ишлатилган. IX асрдан кейин араб алифбосидан фойдаланилган ва унга 5 та ҳарф қўшиб ишлатилган. Маҳмуд Замахшарийнинг “Муқаддимат ал-адаб” асарининг 1200 йилда Хоразмда кўчирилган қўлёзма



нусхаси ана шу ёзувда битилган. Қадимги Хоразм тили XV – XVI асрларга қадар сарой аҳлининг тор доирасида махфий тил сифатида ишлатилган. Шундан кейин у ўлик тилга айланган.

Кўчманчи сак қабилалари Евросиё даштларида кўчиб юрганлар. Марказий Осиёда Сирдарё бўйлари, Қозоғистон даштлари, Каспий ва Орол атрофларида яшаганлар. Илк бор сак қабилалари Оссурия пойтахтидаги Иштар ибодатхонасини қазिश вақтида мармар тахтага подшоҳ Ашурбанипал (м. а. 669 – 631 йиллар) ёздирган битикда қайд этилган. Бу ёзувда киммерийлар сардори сак подшоҳи деб аталган. Юнон манбаларида улар скифлар деб аталган. Беҳистун битикларида уч турли саклар қайд этилган. Доро I ёдгорлигида унга совға келтираётган сак сардорлари тасвирланган (барельеф). Шарқий Туркистонда Хотан шаҳридаги илк ўрта асрларга мансуб тарихий ёдгорликлардан бирида эроний тилда ёзилган бир қўлёзма топилган. Унинг тилини илм-фанда “хотан-сак тили” деб аташ қабул қилинган.

Помир тоғларида эроний тилларда сўзлашувчи яна бир гуруҳ аҳоли яшайди. Бу тиллар ҳозиргача сақланган бўлиб, асосан Бадахшон, Вахон, Шуғнон, Рушон, Дарвоз каби ерлада тарқалган. Бу ерларда деаярли ҳар бир қишлоқнинг ўзига хос тили мавжуд ва улар бир-бирига ўхшамайди. Помир тиллари жуда ҳам қадимий бўлиб, уларда эроний тилларнинг энг қадимги элементлари сақланган. Лекин Помир тилларининг ёзма ёдгорликлари йўқ. Бу тилларда сўзлашувчилар доим фақат баланд тоғларда яшаганлар ва ёзув маданиятига эга бўлмаганлар. Помир тиллари ҳам суғд тили сингари форс тилидан катта фарқ қилади. Илгари помирликлар форс тилини умуман тушунмаганлар. Шунинг учун улар текисликка тушганда, шаҳарликлар уларни “ғалча” деб атаганлар. Аслида бу сўз *гарча* шаклида бўлиб, “тоғлик” деган маънони англатади.

Булардан ташқари Шарқий Туркистонда тўхорлар яшаган. Улар орийлардан ҳам олдинги ҳинд-европа халқларининг оиласига мансуб бўлиб, Яқин Шарқдан Марказий Осиё минтақасига м. а. IV – III минг йилликларда кириб келганлар. Уларнинг тили ҳинд ва эроний тиллардан фарқ қилиб, ўзида ҳинд-европа тилларининг улардан ҳам қадимги ҳолатини акс этдирган. Бу тилнинг бизгача етиб келган ёзма ёдгорликлари илк ўрта асрларга мансуб. М. а. II асрда тўхорларнинг бир қисми *юечжи* қабилалари билан бирга Амударёнинг жанубидаги

Бактрия ҳудудларига кўчиб, бу ерда Кушон давлатига асос солганлар. Расмий муомалада улар *бохтар* тили ва ёзувидан фойдаланганлар. Кушонларнинг асл тили эса ҳалигача аниқланмаган. Кушонлар даврида яна бир ёзув ишлатилган, лекин уни ҳали ҳеч ким қониқарли ўқий олмаган. Тахмин қилинишича, бу ёзув кушонларнинг асл тилини акс этдириши мумкин. Илк ўрта асрларда қадимги Бактрия ҳудуди Тўхористон деб аталган ва аввал эфталийлар давлати, кейин эса Турк хоқонлигининг таркибига кирган. Бу даврга келиб кушонлар ва тохарлар маҳаллий бохтарлар билан қоришиб кетган. Тохарларнинг Шарқий Туркистонда қолган қисми ҳам кейинчалик тилини йўқотиб, қўшни уйғурлар билан қоришиб кетган ва ҳозирги уйғур халқининг таркибига кирган.

Рус ва тожик тарихчилигида Марказий Осиёнинг қадимги эроний тилли аҳолиси маданиятининг давомчиси ҳозирги тожиклардир, деган фикр қабул қилинган. Аслида эса ундай эмас. Форс тили ғарбий эроний тиллар гуруҳига мансуб бўлиб, Ўрта Осиёда келгинди тил ҳисобланади. Марказий Осиёнинг қадимги эроний тиллари эса шарқий эроний тиллар гуруҳига мансуб бўлган ва ғарбий эроний тиллардан катта фарқ қилган. Илк ўрта асрларда суғдлар маданий жиҳатдан келгинди форсларга эмас қўшни ўтроқ ва шаҳар туркларига яқинроқ бўлганлар. Маҳмуд Кошғарийнинг ёзишича, суғдлар ўзларини форслар билан қоришишдан асраганлар ва уларнинг асосий қисми ихтиёрий равишда ўтроқ турклар билан қоришиб кетган. Уларнинг фақат бир қисми мажбурий равишда араб ва форс босқинчилари билан қоришган. Суғд тилининг лаҳжаларидан бири Тожикистондаги Яғноб қишлоғида ҳозиргача сақланган. Яғнобликлар ҳалигача атрофдаги тожиклар билан қоришиб кетмаганлар ва ҳозир ҳам ўзларини улардан ажратадилар. Бу ерда яшовчи тожиклар яғноб тилини тушунмайдилар. Шу билан бирга яғноб тилида қадимги турк тилидан ўзлаштирилган сўзлар кўп. Демак, яғнобликларнинг узоқ ўтмишдаги аجدодлари қадимги турклар билан яқин мулоқотда бўлганлар. Помир тилларида ҳам аҳвол худди шундай. XIX – XX аср бошларида помирликлар форс тилини бегона тил, тожикларни эса “турли ерлардан кўчиб келган келгиндилар” деб ҳисоблаганлар. Уларнинг фарқи яна шундан иборатки, помирликлар XI асрдан бошлаб ҳозиргача ислом динидаги *шиъа* мазҳабининг “исмоилия” фирқасига мансуб-

дирлар. Тожиклар эса ўзбеклар ва афғонлар сингари ислом динининг сунна мазҳабига риоя қиладилар.

Умуман олганда, тарихда ҳеч қачон “тожик тили” деган тушунча ва “тожик халқи” деган алоҳида этник бирлик бўлмаган. Бу тушунчаларни рус мустамлакачилари ўйлаб топганлар. Аслида “тожик тили” бу форс тилидир. Форс тили эса ислом динини қабул қилган туркларнинг иккинчи тили ҳисобланган. Суғд тили йўқолгандан кейин унинг ўрнини форс тили эгаллаган. Араб алифбосига асосланган форс тилининг юксалишида ҳам туркларнинг хизмати катта бўлган. Форсларнинг ўзи дастлаб “янги форс тили” ни инкор этганлар ва фақат араб тилида муомала қилганлар. Эрондаги форс ҳукмдорлари форс тилида ижод қилувчи шоирларни қабул қилмаганлар ва улар ёзган шеърларни “ширк” деб, ёқиб ташлаганлар. “Тожик халқи” деган тушунчани рус олими В. В. Бартолд шўролар ҳукуматининг топшириғига биноан “асослаб” берган. Чунки русларнинг мақсади орийларнинг авлоди бўлмиш “тожик халқи” ни турклар “зулми” дан “озод этиш” ва улар билан бирга Туркистонга абадий эгалик қилиш эди.

### ***Саволлар:***

- 1. Тўхор тиллари нечта бўлган, улар қачон ва қайси ҳудудларда тарқалган?*
- 2. Сакларнинг ёзуви бўлганми?*

### ***Мустақил иш учун топшириқлар:***

- 1. Марказий Осиёдаги “номаълум ёзув” ёдгорликлари.*
- 2. Хотан сак тили ёдгорликлари.*

## **3.3. Марказий Осиёнинг қадимги турк аҳолиси**

***Дарсинг ўқув мақсади:*** *Марказий Осиё минтақасида яшаган қадимги турклар ва уларнинг ёдгорликлари ҳақида илмий маълумот бериш.*

***Таянч тушунчалар ва иборалар:*** *қадимги турклар, урол-олтой тиллари, турк жой номлари, Турк хоқонлиги.*

Қадимги турклар Марказий Осиёнинг энг қадимги аҳолисининг бир қисмини ташкил этган. Қадимги турк жой номлари бунинг далилидир. Қадимги туркча сўзлардан ясалган жой номлари Марказий Осиёнинг деярли барча қисмларида учрайди. Бу эса шундан далолат берадики, турклар минтақа қадимги аҳолисининг бир қисмини ташкил этган. Қадимги турк жой номлари зичроқ жамланган ерлар – Хоразм, Бухоро воҳалари, Фарғона водийси ва Тангритоғ (Тян-Шан) тоғлари бўлган. Буни археология ва антропология маълумотлари ҳам тасдиқлайди.

Қадимги турклар Марказий Осиёда, асосан, чорвачилик билан шуғулланганлар ва кўчманчилик ҳаёт тарзи олиб борганлар. Чунки иқлим шароити шуни тақозо этган. Баъзи олимлар турклар фақат кўчманчи бўлганлар, шаҳар ва қишлоқларда яшамаганлар, ва бунга мослашмаганлар, сингари фикрларни илгари сурадилар. Шу ўринда айтиш жоизки, ўтроқ ёки кўчманчилик ҳаёт тарзини олиб бориш у ёки бу халқнинг миллий хусусияти эмас, балки иқлим хусусиятлари билан боғлиқ. Бир халқнинг ўзида ўтроқ аҳоли ҳам, кўчманчилар ҳам бўлиши мумкин. Масалан, арабларнинг бир қисми кўчманчи бўлган, бир қисми эса шаҳарларда яшаган (Палмира, Петра, Макка, Мадина). Қадимги форсларнинг ҳам 10 та қабиласидан 6 таси ўтроқ, 4 таси кўчманчи бўлган. Қадимги туркларда ҳам шундай бўлган. Қаерда қайси хўжалик турини олиб бориш қулайроқ ва унумлироқ бўлса, аҳоли шу билан шуғулланган. Дашт-и Қипчоқ ерлари чорвачилик учун қулай бўлган. Шунинг учун бу ерларда яшаган қабилалар қайси тилда сўзлашганидан қатъий назар, асосан, чорвачилик билан шуғулланганлар ва муайян белгиланган ҳудуд ичида кўчиб юрганлар. Ўрта Осиё ҳудудларида яшаган аҳоли эса қайси тилда сўзлашганидан қатъий назар қадимдан, асосан, деҳқончилик ва боғдорчилик билан шуғулланган ва ўтроқ ҳаёт тарзи олиб борган. Чунки буни маҳаллий иқлим хусусиятлари тақозо этган. Кейинчалик бу маданият заминида ҳунармандчилик ва шаҳарчилик маданияти вужудга келган.

Бу жараёнларда қадимги турклар ҳам иштирок этганлар. Туркларнинг қадимдан Ўрта Осиёда яшаб келганини нафақат топонимик, балки лингвистик маълумотлар ҳам тасдиқлайди. Лингвистик тадқиқотларга кўра, м. а. V – IV минг йилликларда қадимги хинд-

европа қабилалари Яқин Шарқдан шарқ томон кўчиб, Ўрта Осиёга келганда, бу ерда турк тилида сўзлашувчи аҳолига дуч келганлар ва улар билан узок вақт давомида ёнма-ён яшаганлар. Бошқа лингвистик тадқиқотларга кўра, қадимда турклар ва дравид тилида сўзлашувчилар ўзаро яқин қўшни бўлганлар ва орийларнинг кириб келиши натижасида ажралиб, бир-биридан узоқлашиб кетганлар.

Аҳамонийлар истилоси (м. а. VI – V асрлар), ундан кейин юнонлар истилоси (м. а. IV – III асрлар) натижасида Ўрта Осиё аҳолисининг бир қисми, шу жумладан, турклар, Евросиё ва Шарқий Туркистон ҳудудларига кўчишга мажбур бўлганлар. Шунинг учун Ўрта Осиёда кушонлар (м. а. II – милодий III асрлар), хиёнийлар (IV аср), эфталийлар (V аср) ва турклар (VI – VIII асрлар) нинг ҳукмронлигини кўчманчиларнинг босқинчилик даври эмас, балки бу ерларнинг ҳақиқий эгаларининг ўз ерларига қайтиши ва уларни чет эл боқинчиларидан озод этиши деб баҳоланиши лозим.

Кушонлар, хиёнийлар ва эфталийларнинг келиб чиқиши ва уларнинг тили номаълум, бу масала ҳалигача ўз ечимини топмаган. Олимлар бу масала бўйича 100 йилдан ошиқ вақт давомида мунозара олиб борадилар. Баъзи олимлар уларнинг тили эроний тиллар оиласига мансуб бўлган, деб ҳисоблайдилар, баъзилар эса уларнинг келиб чиқиши турк бўлган, кейин улар эронийлашиб Хуросоннинг маҳаллий аҳолиси билан қоришиб кетган, дейдилар. Хитойлик бир олим (Yu Taushan) кушонларнинг келиб чиқишини Евросиёдаги турк тилида сўзлашувчи қабилалар, эфталийларнинг келиб чиқишини эса қадимги Кореядаги қабилалар билан боғлайди. Бу масала шундай ноаниқ ва мунозарали бўлса ҳам, Тожикистон олимлари кушанлар ва эфталийларни “тожик халқининг аجدодлари”, уларнинг давлатини эса, “тожик давлатчилиги тарихининг босқичлари” деб кўрсатмоқдалар. Хитой олимларининг тадқиқотларига асосланиб, улар II – VIII асрларда афсонавий Кирпанд империяси мавжуд бўлган, ва у тожикларнинг давлатчилиги тарихининг бир қисмидир, деб даъво қилмоқдалар. Тожикларнинг бу каби даъволарининг ғоявий асослари шўролар даврида рус олимлари томонидан яратилган. Чунки ўша давр тарих фанидаги асосий ғоявий кўрсатмалардан бири Евросиё ҳудудларида, шу жумладан Марказий Осиё минтақаси тарихида туркларнинг аҳамиятини камситиш ва асосий эътиборни эроний тилли



халқларга қаратишдан иборат эди. Мазкур кўрсатманинг заминида эса Чор Россияси даврида олиб борилган мустамлакачилик сиёсатининг асосий мақсадларидан бири ётган эди. У ҳам бўлса, қадимги туркларнинг руслар томонидан босиб олинган барча ерларини ўзлаштириш ва уларга абадий эгаллик қилиш учун ҳуқуқий замин яратиш эди. Шунинг учун руслар ўзларини “янги орийлар” ва Евросиё ҳудудларидаги “эроний тилларда сўзлашувчи халқларни турк-мўғул истилосидан озод этган халоскорлар” деб эълон қилган эдилар. Шўролар даврида “тожик халқи” ва Тожикистон республикаси ҳам Туркистон бирлигини синдириш мақсадида ва ўзбек халқига қарши кураш воситаси сифатида ўйлаб топилган эди.

Турк хоқонлиги даврига келиб туркларнинг асосий қисми ўтроқлашиб, шаҳар ва қишлоқларда яшаганлар. VIII аср бошларига мансуб Тўньюқук битигида ёзилишича, ўша даврда “туркларнинг фақат кичик бир қисми кўчиб юрган”. Бу маълумотдан аён бўладики, VIII аср бошларида турк қабилалари иттифоқига кирувчи 30 та қабила ва уруғларнинг асосий қисми ўтроқ ҳаёт кечирган. Демак, улар шаҳар ва қишлоқларда яшаганлар. Қадимги туркларнинг суғорма деҳқончилик ва боғдорчилик билан шуғулланганлигини уларнинг бу соҳалардаги бой атамалар тўплами исботлайди. Бу тарихий атамалар қадмиги турк тошбитиклари, ёзма ёдгорликлари ва луғатларида ўз ифодасини топган. Айрим ўсимликлар, ҳайвонлар ва қушларнинг номлари шундан ҳам далолат берадики, бу атамаларни ишлатган турк тилида сўзлашувчи халқлар Марказий Осиё минтақасининг айнан жанубий ҳудудларида яшаганлар.

Турк хоқонлиги даврида туркларнинг Марказий Осиё минтақасидаги нуфузи, ҳарбий-сиёсий қудрати ва халқаро мавқеи ниҳоят даражада ортди. У даврда Марказий Осиёнинг деярли барча вилоятларида турк сулолалари ҳукм сурди. Кўп ерларда, айниқса, Суғдда маҳаллий эроний ва турк тилида сўзлашувчи аҳолининг қоришув жараёнлари кечди. Диний эътиқодларнинг муштараклиги (зардуштийлик, буддавийлик, монийлик), сиёсий ҳокимиятнинг яхлитлиги, турк ва суғд икки тиллилиги муҳити охир оқибатда эроний тилли хоразмликлар ва суғдликларнинг ўтроқ турклар билан этномаданий қоришувига олиб келди. Натижада бу халқлар минтақанинг ўтроқ ва шаҳар турклари ичига ихтиёрий равишда сингиб кетди. Бу қоришув

жараёнларини араблар ва форсларнинг босқинчилик сиёсати яна ҳам тезлаштирди.

Араб халифалиги таркибида ҳам туркларнинг нуфузи жуда баланд бўлган. Халифалардан Ҳорун ар-Рашид ва унинг ўғли ал-Маъмун биринчи бўлиб туркларни кўплаб ҳарбий хизматга жалб эта бошладилар. Халифа ал-Муътасим ҳукмронлиги даврида эса турклар оммавий равишда Бағдодга кўчиб кела бошладилар. Халифаларнинг Самаррада қурилган янги саройи атрофидаги ерлар турк саркардаларига мулк сифатида бўлиб берилди. Айрим вилоятларнинг ҳокимлиги ҳам туркларга топширилди. Масалан, Мисрда ва Сурияда асли фарғоналик Тулунийлар ва Ихшидийлар сулоалари ҳукм сурди. Айрим араб халифалари турк қизларига уйланиб, улардан туғилган ўғиллар улғайиб, тахтга ўтирганда, туркларга яна ҳам кўпроқ ҳомийлик қила бошладилар. Натижада IX – X асрларда турклар Аббосийлар халифалигидаги деярли барча муҳим лавозимларни эгаллаган эдилар. XI асрга келиб эса ҳокимият тўла турклар, яъни Салжуқийлар қўлига ўтди.

Марказий Осиё минтақасида Турк хоқонлиги давридан бошлаб деярли узлуксиз турклар ҳукмронлик қилганлар. Араблар ва форслар истилоси (VII – VIII асрлар) дан кейин турклар ислом динини қабул қилиб, улардан биринчи бўлиб Сомонийлар ҳокимиятни қўлга олдилар. Улар турк хоқонларининг авлодлари бўлганлар. Шундан кейин бирин-кетин Қорахонийлар, Ғазнавийлар, Салжуқийлар ва Хоразмшоҳлар, мўғуллар истилоси (XIII – XIV асрлар) дан кейин эса Темуррийлар, Шайбонийлар ва Аштархонийлар ҳукмронлик қилганлар. Шунинг учун ҳам бу минтақа мазкур даврларнинг тарихий манбаларида “Туркистон” деб аталган.

### ***Саволлар:***

- 1. Турк хоқонлигининг жанубий чегаралари қаердан ўтган?*
- 2. Қайси Эрон шоҳи турк хоқони билан қариндошлик ришталарини ўрнатган?*

### ***Мустақил иш учун топшириқлар:***

- 1. Турк хоқонлигининг маъмурий бўлиниши ва бошқаруви.*
- 2. Турк хоқонлигининг дипломатик ва савдо алоқалари.*

### 3.4. Марказий Осиёда ўрта асрларда этник ҳолат

*Дарсинг ўқув мақсади:* Араб халифалиги, яъни VIII аср ўрталари – XIII аср бошларида, Ўрта Осиёда яшаган халқлар ва этник ҳолат ҳақида илмий асосланган маълумотлар асосида тушунча бериш. Чунки бу давр, хусусан, Сомонийлар даври ҳақида шўролар мафкураси томонидан тарқатилган хато маълумотлар туфайли одамларда нотўғри тушунча ҳосил бўлган.

*Таянч тушунчалар ва иборалар:* араблар истилоси, ислом дини, Аббосийлар, Мовароуннахр, ажамлар, мавлолар, тожиклар, янги форс тили.

Араблар VII асрда Марказий Осиёнинг жанубий ҳудудларига етиб келганларида, бу ерлар Турк хоқонлигига қарашли эди. Амударё орқасидаги ерларни араблар Мовароуннахр деб аташар эди. Араб тилида бу сўз “дарё ортидаги ер” маъносини англатади. Бу ном қадимги юнонларнинг худди шу маънони билдирувчи Трансоксиана номининг арабча таржимаси эди. Арабларнинг қўшинида Эрон ҳудудларидан йиғилган ислом динини қабул қилган форслар ҳам кўп эди. Араблар уларни “ажамлар” (яъни араб бўлмаганлар) деб атар эдилар. Ажамларни яна “маvlo” деб ҳам аташар эди. *Мавло* сўзи “ҳимоя остидаги одам” деган маънони билдирган. Араб бўлмаган, лекин ислом динини қабул қилган одамлар у ёки бу араб қабила-сининг ҳимояси остида бўлганлар. Бошқа араб қабилаларининг одамлари уларга тегишга ҳақи йўқ эди.

Турклар ва суғдлар билан тўхтовсиз олиб борилган урушлар натижасида VIII асрнинг ўрталарига келиб мусулмонлар, яъни араблар ва уларнинг *мавлolari*, Ўрта Осиёни узил-кесил эгалладилар. Улар маҳаллий аҳолини талон-тарож қилиш, босиб олинган ерларни ўзлаштириш ва бу ерларда ўрнашиш сиёсатини олиб бордилар. Наршахийнинг “Бухоро тарихи” да ёзилишича, Бухоро ва Мовароуннахрнинг бошқа шаҳарлари араблар ва ажамлар ўртасида бўлиб олинди. “Тарих-и Табарий” китобида ёзилишича, Қутайба ибн Муслим Самарқандни қўлга олганда, бутун шаҳар аҳолисини шаҳардан ташқарига ҳайдаб чиқарган ва уларнинг уйларига ўз аскарларини

жойлаштирган. Шаҳар дарвозаларини беркитиб, суғдлар ва туркларни шаҳарга киритмасликни буюрган. Шундай қилиб, Самарқанд ва Бухоро шаҳарлари араблар ва форсларнинг таянч нуқталарига айлантирилган.

Аббосийлар даврида Бухоро ва Самарқанд ғайридинлар, яъни суғдлар ва туркларга қарши *газавот* (*жиход*) урушларининг марказлари бўлган. Бу ерга бутун ислом халифалигидан, айниқса Ироқ ва Эрондан мусулмонлар тўхтовсиз келиб турганлар. VIII – IX асрлар давомида Бухоро ва Самарқанд шаҳарларида араб тили муомалада бўлган. Кейинчалик Сомонийлар даврида янги форс тили муомалага кира бошлаган. Бу ерда яна шуни айтиш жоизки, Ўрта Осиёга келган араблар аслида арабларнинг Эронда туғилган фарзандлари бўлиб, улар икки тилли бўлганлар, яъни араб ва форс тилларини яхши билганлар. Шунинг учун улар форс *мавлolari* билан бир қаторда янги форс тилининг тарқалишига қаршилиқ қилмаганлар. Янги форс ёки “форсий” тили деганда, араб алифбосига мослаштирилган форс тили тушунилган. Аста-секин янги форс тили кенг тарқалиб, натижада араб тилининг ишлатилиши асосан дин ва диний фанлар доирасида чекланиб қолган. XI асрда Бухоро ва Самарқанд шаҳарлари Қорахонийлар қўл остига ўтгандан кейин ҳам янги форс тилининг аҳамияти йўқолгани йўқ. Шунинг учун бу 2 шаҳарнинг аҳолиси келиб чиқишидан қатъий назар асосан форс тилида сўзлашган. Бу ерларга кўчиб келган турклар ҳам аста-секин форс тилига ўта бошлаганлар.

IX – X асрларда Ўрта Осиёда араблар ва форсларнинг истилоси муҳитида суғдлар ва туркларнинг қоришув жараёни ўзининг якуний босқичига кирди. Бу ҳол Маҳмуд Кошғарийнинг “Девон луғот ат-турк” асарида ўз ифодасини топди. Кошғарийнинг ёзишича, унинг даврида, яъни XI асрнинг ўрталарида “Балосоғун ва Тароз шаҳарларининг аҳолиси асосан турк ва суғд тилида сўзлашган. Фақат турк тилини билувчи одамлар ҳам кўп бўлган. Лекин фақат суғд тили билувчи одамлар деярли қолмаган эди”. Яна бошқа ерда Кошғарий ёзадики, “суғдлар ўзларини форслар билан қўшилиб кетишдан сақлаганлар”. Бу маълумотлардан кўринадики, ўша вақтда суғдларнинг турклар билан қоришув жараёни ўзининг охириги босқичига кирган эди. Шундан кейин суғдлар туркларнинг ичига табиий ва ихтиёрий

равишда сингиб кетганлар. Шу билан бирга суғдлар ўзларини форслардан йироқ тутганлар ва улар билан қоришиб кетишни истамаганлар. Бу ҳолат, шубҳасиз, бутун Мовароуннаҳр ҳудудларига хос бўлган. Бу қоришувдан ҳосил бўлган этник қатлам бўлажак ўзбек халқининг асосини ташкил этган.

Мовароуннаҳр шаҳарларини босиб олган араб ва форс истилочилари маҳаллий аҳолини қул қилиб, бола-чақалари ва хотин-халажларини зўрлаб тортиб олганлар. Натижада улардан туғилган фарзандлар дастлаб икки тиллик бўлганлар, яъни форс ва суғд ёки турк тилларида сўзлашганлар. Суғд тили йўқ бўлгач, фақат форс ва турк тиллари қолган. Лекин уларнинг асосий тили форс тили бўлган. Бу қоришувдан ҳосил бўлган этник қатлам кейинчалик “тожик” деб аталган. Кейинги асрларда унинг таркиби Эрондан кўчиб келганлар ҳисобига кўпайиб борган. Лекин бу қатлам ҳеч қачон алоҳида бир халқни ташкил этмаган. Чунки унинг ичида ҳеч қандай яхлитлик бўлмаган. Тожиклар *сунна* мазҳабига, форслар эса *шиъа* мазҳабига риоя қилганлар. Қолаверса, форс тили туркларнинг ҳам иккинчи тили ҳисобланган, чунки мадрасаларда дарслар шу тилда олиб борилган, диний матнлар, яъни Қуръон-и Карим оятларининг тафсирлари ва ҳадислар ҳам кўпинча форс тилида бўлган. Умуман, Ўрта Осиёда тил ҳеч қачон этник мансублик кўрсаткичи бўлмаган. Чунки бу минтақа қадимдан икки ҳар хил маданиятнинг чегараси эмас, қоришув ҳудуди бўлиб келган. Шунинг учун бу ернинг аҳолиси ҳар доим икки тилли бўлган. Исломгача суғд ва турк тиллари, ислом даврида эса турк ва форс тиллари баробар ишлатилган.

Хоразмда этник жараёнлар биров бошқача кечган. Бу ерда қадимдан эроний ва турк тилларида сўзлашувчи 2 этник гуруҳ яшаб келган. Эроний хоразмий тили ёзма тил вазифасини бажарган. Турк хоқонлиги даврига келиб бу ерда турк тилида сўзлашувчи аҳолининг сони тобора кўпайиб борган. Араблар ва форслар босқини даврида улар Хоразмда ўзлаштириш ва ўрнашиш сиёсатини олиб бормаганлар. Шунинг учун бу ерда форс тили кенг тарқалмаган. Хоразмликлар ўзаро фақат турк тилида сўзлашганлар. Форс тили эса фақат диний тил вазифасини бажарган. XIII асрдан кейин Хоразм Олтин Ўрда давлати таркибига киргандан кейин эса бу ерда расмий муомалада ва ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида фақат турк тили ишлатилган.



### **Саволлар:**

1. Араб тили Ўрта Осиёда қачон расмий тил деб эълон қилинган?
2. Сомонийлар ҳукмронлиги даврида қайси тил расмий тил бўлган?

### **Мустақил иш учун топшириқлар:**

1. Янги форс тили ва адабиётининг вужудга келиши ва ривожланиши.
2. Ислом даврида турк тилида ёзилган илк асарлар.

## **3.5. Сомонийлар сулоласининг келиб чиқиши**

*Дарсинг ўқув мақсади:* Ўрта Осиёда IX – X асрларда ҳукм сурган Сомонийлар сулоласининг келиб чиқиши ва уларнинг ҳуқуқий мақоми ҳақида олиб борилган янги илмий тадқиқотлар натижалари билан таништириши.

*Таянч тушунчалар ва иборалар:* Баҳром Чубин, Балх, Тўхористон, Ябғулар сулоласи, Сомон-худот, Исмоил Сомоний, Бухоро, Хуросон ва Мовароуннаҳр.

Ўрта Осиё тарихида Сомонийлар сулоласининг ҳукмронлик қилган даври (IX – X асрлар) алоҳида аҳамиятга эгадир. Чунки бу даврда Бухоро, Самарқанд ва бошқа шаҳарлар ислом дунёсининг энг йирик маданий ва илмий марказларига айланди, маҳаллий халқларнинг ислом давридаги давлатчилиги асослари яратилди. Ёзма манбаларда Сомонийлар сулоласининг турли вакиллари, улар ҳукм сурган даврдаги сиёсий, иқтисодий ва маданий аҳвол ҳақида батафсил маълумотлар мавжуд. Лекин Сомонийлар сулоласининг келиб чиқиши ҳақидаги маълумотлар жуда ҳам кам ва бир-бирига зиддир. Шунинг учун бу масала шу пайтгача ҳали аниқ ечимини топмаган. Сомонийларнинг асл келиб чиқиши номаълум бўлса ҳам, кўпчилик мутахассислар орасида уларнинг келиб чиқиши форс, ва Сосонийлар сулоласи билан

боғлиқ, деган хато фикр ҳукм суриб келмоқда. Бу эса бошқа мутахассис бўлмаган олимларнинг тадқиқотларида ва деярли барча қомусий нашрларда ўз ифодасини топган. Тожикистонда эса Сомонийларнинг ҳукмронлик даври “тожик давлатчилиги” деб таърифланади ва Тожикистон Республикасининг давлат рамзларида ҳам ўз ифодасини топган.

2000 йилда муомалага киритилган Тожикистон миллий пул бирлиги “сомоний” деб номланган. Сомонийларнинг номини абадийлаштириш давлат миқёсида олиб борилади. Исмоил Сомоний номи кўчаларга, аҳоли турар жойларига, географик мавзеларга берилди. Душанбеда Исмоил Сомонийнинг баҳайбат ҳайкали, шунингдек, Кулоб, Исфара, Турсунзода ва Қўрғон-Тепа шаҳарларида ҳам унинг ҳайкаллари ўрнатилди, ва ҳ.к. Буларга қараб, мазкур тарихий шахснинг янги қиёфасининг вужудга келгани ва мустақамланганини кўриш мумкин [Болашенкова 2017: 309]. “Тарихий Тожикистон” деганда ҳам тожик олимлари Сомонийлар давлатининг ҳудудларини назарда тутадилар. Бухоро ва Самарқанд шаҳарларига бўлган давволар ҳам шунга асосланган. Э. Раҳмон ўзининг барча нутқларида албатта Сомонийларни эслаб ўтади ва уларнинг “тожик халқига” қилган “хизматлари” ни айтиб ўтади. Унинг илмий асосланмаган фикрига кўра, Сомонийларнинг хизматларидан бири шундан иборат эдики, арабларнинг кириб келиши ва ислом динининг тарқалишига қарамасдан уларнинг ҳукмронлиги даврида “тожик тили” (яъни форс ва дорий) давлат тили сифатида сақланиб қолди...” [Болашенкова 2017: 310]. Бу сўзлардан келиб чиқадики, “тожик тили”, яъни янги форс тили Марказий Осиёда араблар истилосига қадар ҳам ишлатилган, бу ҳам у ёқда турсин, ҳатто давлат тили бўлган.

Лекин, ҳар бир тарихчи ва шарқшуносга маълумки, Марказий Осиёда араблар босқинига қадар суғд, бохтар, хоразм ва турк тиллари ишлатилган. Янги форс тили араблар босқинидан кейин IX – X асрларда шакллана бошлаган. Янги форс тилидаги шеърят дастлаб Саффорийлар саройида қўллаб-қувватланди, улардан кейин эса форс тилида ижод қилувчи шоирлар Сомонийлар саройида бошпана топдилар. Сомонийларнинг келиб чиқиши турк бўлса ҳам, улар янги форс тилига ҳомийлик қилдилар. Аммо Сомонийлар даврида ҳам янги форс тили фақат сарой ичидаги тор доирада ишлатилган. Давлат

тили сифатида араб тили ишлатишда давом этган. Сомонийлар саройида шоирларнинг кўпчилиги араб тилида ижод қилганлар, фақат бир нечта шоир икки тилда – араб ва янги форс тилларида шеър ёзганлар [Камолиддин 2011: 545 – 551; 2018: 9 – 20]. Сомонийларга тобе бўлган аҳолининг аксариятини турклар ва улар билан қўшилиб кетган суғдлар ташкил этган, улар эса турк ва суғд тилларида сўзлашишда давом этганлар [Камолиддин 2005: 231 – 241]. Янги форс тили Бухоро ва Самарқанд аҳолиси орасида ҳам ишлатилган, чунки араб ва форс босқинчилари маҳаллий аҳоли, яъни суғдлар ва туркларни шаҳардан ҳайдаб чиқариб, уларнинг уйларини эгаллаган эдилар.

Сомонийларнинг қилган яна бир хизмати, Э. Раҳмон фикрига кўра, шундан иборатки, “улар орийлар яшаган кенг ҳудудларни, яъни Мовароуннаҳр ва Хуросонни ўз ҳукмронлиги остида бирлаштиришга муваффақ бўлдилар, ва у ерларда марказлашган ҳокимият ўрнатдилар [Болашенкова 2017: 311 – 312]. Биринчидан, ўша даврда Мовароуннаҳр ва Хуросон аҳолиси жуда турли хил эди, ва унинг катта қисмини турклар ташкил этган эди, чунки араблар ва форслар босқинига қадар Мовароуннаҳр ва Тўхористон Турк хонлигининг таркибига кирган. Хуросонга ҳам турклар хиёнийлар ва эфталийлар даври (IV – V асрларда) дан бошлаб кўплаб кириб борганлар [Камолиддин 2004: 299 – 311; 2005: 231 – 241; 2006: 30 – 36]. Иккинчидан, ҳеч қандай “Сомонийлар давлати” йўқ эди. Расман улар Аббосий халифаларининг волийлари бўлиб, уларга итоат қилганлар ва уларнинг барча буйруқларини сўзсиз бажарганлар. Сомонийларнинг маҳаллий маъмурияти Аббосийларнинг бошқарув тизими билан бир хил эди. Исмоил Сомоний ҳеч қачон мустақилликка интилмаган, аксинча, у бир неча марта Бағдоддаги бошлиқларидан халифанинг шахсий соқчилари қаторида хизмат қилишни сўраган. Аммо ҳар сафар унинг илтимоси рад этилиб, у амир унвонли оддий волий лавозими билан қаноатланишга мажбур бўлган [Камолиддин 2012: 219 – 265].

Албатта, Э. Раҳмон бу давр бўйича мутахассис эмас, ҳатто тарихчи ҳам эмас, Сомонийлар тарихи бўйича жаҳон олимларининг янги тадқиқотларини билмайди. Лекин Тожикистонлик олимлар яхши биладилар, аммо ўзларини билмасликка олиб, ўз халқини ва прези-

дентини алдашда давом этмоқдалар. Чунки уларда бу янги тадқиқотларга жавоб беришга ярайдиган ҳеч нарса йўқ, бу янги тадқиқотлар эса Тожикистоннинг ёлғонга асосланган миллий давлатчилик концепциясини бутунлай бекор қилади. Аммо ҳақиқатни фақат маълум вақтгача яшириш мумкин, шундай вақт келадики, ҳақиқат барибир юзага чиқади ва ғалаба қозонади.

Э. Раҳмон Сомонийлар давлатини “тожикларнинг биринчи миллий давлати” деб атайди, аммо тожиклар давлатчилигининг бошланиши афсонавий Каёнийлар ва Пешдодийлар даврига тўғри келишига ишора қилади. Шу билан бирга у Тожикистон давлатчилигининг тарихига нафақат Оҳамонийлар, Аршакийлар ва Сосонийлар сулолаларининг ҳукмронлиги даврини, балки Кушонлар ва Эфталийларни ҳам киритади [Болашенкова 2017: 312]. Демак, Яқин Шарқ ва Марказий Осиё тарихида “тожиклар” бўлган, уларнинг таркибига эса барча эроний тилларда сўзлашувчи халқлар кирган. Бу ҳақиқий панэроний миллий шовинизмдан бошқа ҳеч нарса эмас, шунга ўхшаш қарашларни қирғизларнинг “миллий мафкураси” да ҳам кузатиш мумкин, фақат уларда пантуркчиликка асосланган миллатчилик даъволари илгари сурилган. Балки бу сунъий равишда тузилган майда “миллат” ларга хос жиҳат бўлса керак. Улар орасидаги фарқ шундан иборатки, қирғизлар яқин ўтмишда ҳам кўчманчи қабила ҳисобланган, “тожиклар” эса – бу Марказий Осиёда туркий тилли аҳоли орасида яшовчи турли эроний тилларда сўзлашувчи ва келиб чиқиши ҳар хил бўлган гуруҳлардан “қизил руслар” томонидан сунъий равишда тузилган одамлар тўпламидир.

Бундан кейин Э. Раҳмон “Сомонийларнинг халқаро алоқалари ва ташқи сиёсати” ҳақида сўз юритади, лекин фақат савдо алоқалари ҳақида мисол келтиради [Болашенкова 2017: 312]. Шу ўринда айтиш керакки, Сомонийлар чет элларнинг ҳукмдорлари билан ҳеч қандай дипломатик алоқаларга эга бўлмаган. Бундай ҳуқуқ фақат халифаларга тегишли эди. Манбаларда Бухоро шахрига Сомонийлар ҳузурига фақат бир марта элчилар келганлиги ҳақида маълумот бор. Бу элчилар 327/938-39 йилда амир Наср ибн Аҳмад ҳузурига “ал-Син”, яъни Шарқий Туркистондан келган эдилар. Элчилар Наср ибн Аҳмадга ал-Син ҳукмдорининг мактубини келтирган эдилар. Мактубда у амирдан ўтган 27 йил учун товон тўлашни ва ал-Син ҳукмдорига

бўйсунганини расман эътироф этишни талаб қилган эди. Акс ҳолда у Сомонийларга қарши кўшин юборишини, кейин эса Ироққа ва бутун халифаликка қарши юриш қилишини айтиб дўқ қилган эди. Элчилар Наср ибн Аҳмад томонидан қабул қилинди. Амир уларга қуйидаги мазмундаги жавоб мактубини берди: “Ей, болакай, билгинки, мен сени ва сенга ўхшашларни инкор қилмаганимнинг сабаби кўрқувдан, заифлигимдан ёки кўшинларим ва қурол-яроқларим етишмаганидан эмас. Менга олий ҳукмдорим (яъни халифа – *Ш.К.*) ҳаракат қилишимга буйруқ бермаганлиги сабабли мен ўзимни бирор ҳаракат қилишдан тийиб келдим. Менинг динимда буйруқсиз бирор ҳаракатларни қилиш рухсат этилмайди...” Шундан кейин ал-Син ҳукмдори исломни қабул қилди.

Бу парчада, афтидан, Шарқий Туркистондаги қарлуқларнинг ҳукмдори ҳақида сўз юритилган. Мазкур элчилар билан бирга Сомонийлар томонидан Абу Дулаф исмли араб Шарқий Туркистонга борди. Кўп ўтмай қарлуқ ҳукмдори ислом динини қабул қилиб, Сомонийлар билан қариндошлик алоқалари ўрнатди. Манбаларда Сомонийларнинг яқин ёки узоқ мамлакатларнинг ҳукмдорлари билан алоқалари ҳақида бундан бошқа маълумот йўқ.

Юқорида келтирилган барча маълумотлар шуни кўрсатадики, Тожикистонда ҳукумат даражасида тарихни сохталаштириш олиб борилмоқда. Шунинг учун Сомонийлар сулоласининг асл келиб чиқишини аниқлаш ҳозирги кунда тарих фани олдида турган энг долзарб масалалардан биридир.

Сомонийларнинг келиб чиқиши ҳақида маълумот берувчи манбалар кўп эмас. Уларнинг кўпчилиги сўнгги асрларга мансуб. Бу манбаларда Сомонийларнинг аجدодлари турк бўлганлиги қайд этилган. Сомонийларнинг бобокалони Сомон-худотнинг шажарасида туркча исмлар борлиги аниқланган. Лекин шу вақтгача бу маълумотлар илмий жиҳатдан ишончли ҳисобланмас эди. Чунки бу “тожик халқи ва унинг давлатчилиги” концепциясига зид эди. Охирги йилларда олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасида Сомонийларнинг келиб чиқиши қадимги турклар билан боғлиқ бўлганлигига ишора қилувчи асл манбалар топилди. Хусусан, тадқиқотлар шуни кўрсатдики, Сомон-худотнинг бобокалони Баҳром Чубин Сосонийларнинг ҳарбий хизматида бўлган ўғуз қавмига мансуб саркарда



бўлган. У Хуросон волийси этиб тайинланган ва Балх шаҳрида яшаган. Бу ерда унга қарашли ерлар ва мулклар бўлган. 590 йилда у Сосонийларга қарши қўзғолон кўтариб, мағлубиятга учрагандан сўнг турклар томонга қочиб ўтган ва Бухорода турк хоқонининг қизига уйланган. Ана шу оиланинг авлодлари Сомон-худотнинг аجدодлари бўлган. Тахмин қилинишича, улар Фарғона водийсидаги Қубо шаҳрида яшаганлар.

Айрим манбаларда ёзилишича, Сомонийларнинг аждодлари исломдан олдин бутун Мовароуннаҳр ҳукмдорлари бўлганлар. Бу маълумот шунга ишора қиладики, Сомонийлар ўзларини турк хоқонларининг авлодлари деб ҳисоблаганлар. Чунки исломга қадар бутун Мовароуннаҳр ҳукмдорлари фақат турк хоқонлари бўлиши мумкин эди. Бу маълумотни аниқ тасдиқловчи далил ҳам топилди. Буюк Британиядаги Оксфорд университетининг нумизматик жамғармасида амир Мансур ибн Нуҳ томонидан 358/968-69 йилда Бухорода зарб этилган кумуш дирҳам сақланади. Унинг олд тарафида арабча ёзувлар, орқа тарафида эса ўнг томонга қараб турган ҳукмдор сурати тасвирланган. Унинг юз тузилиши, қулоғидаги зираги ва бошидан орқасига осилиб турган кокили унинг қадимги турк ҳукмдори эканлигидан далолат бериб турибди. Тахмин қилинишича, бу суратда Сомонийларнинг исломдан олдинги аждодларидан бири, эҳтимол, Сомон-худот ёки турк хоқони Эл-тегин тасвирланган.

Турк хоқонлиги Тўхористонни ишғол қилгандан кейин (618 й.) Фарғонадаги Баҳром Чубин авлодларининг баъзилари Балх шаҳрига келиб, илгари боболарига тегишли бўлган мулк ерларини ўзларига қайтариб олганлар. Улардан бири Бармак исмли коҳин бўлиб, Балхда Навбаҳор ибодатхонасига асос солган. Унинг авлодлари Навбаҳор ибодатхонасида коҳинлик ишини давом этдириб, улар ҳам Бармак деб аталганлар. Араблар Навбаҳор ибодатхонасини харобага айлантиргандан кейин Бармак ислом динини қабул қилди ва унинг авлодлари Бармакийлар арабларнинг маъмуриятида хизмат қилдилар. Шундай қилиб, Бармакийлар ва Сомонийлар оилалари ўзаро қариндош бўлганлар ва Баҳром Чубиннинг авлодлари ҳисобланганлар.

Араблар Ўрта Осиёга бостириб келганда, Сомон-худот Фарғонадан Балхга, у ердан эса Марв шаҳрига келиб, бу ерда ислом динини қабул қилган ва Хуросон волийси ал-Маъмуннинг Марвдаги саройи-

да хизмат қилган. 204/819-20 йилда Бағдодга кетишдан олдин ал-Маъмун яхши хизматлари учун унинг 4 та набирасини Мовароуннаҳр шаҳарларига ҳоким этиб тайинлашни буюрган. Улар дастлаб Хуросон волийлари Тоҳирийларга бўйсуниб хизмат қилганлар. 261/874-75 йилдан бошлаб Наср ибн Аҳмад янги тузилган маъмурий бирлик Мовароуннаҳр волийси деб эълон қилинган.

Ўрта аср манбаларида келтирилган маълумотларга кўра, Сомонийларнинг аجدодлари ислом динини қабул қилишдан олдин оташ-параст бўлганлар, яъни зардуштийлик динига эътиқод қилганлар. Лекин уларнинг тангалари, Бухородаги оилавий мақбараси ва Самарқанддаги саройининг деворларида тасвирланган рамзлар зардуштийлик динига ҳеч қандай алоқаси йўқ. Бу рамзлар буддавийлик ёки монийлик билан боғлиқдир. Ўрта асрларда ҳар қандай махфий маълумот кўпинча рамзлар орқали ифода этилган. Масалан, илк ислом даврида таъқиқланган суфийлик таълимотида ҳам рамзлар кўп ишлатилган. Бу маълумотлардан аён бўладики, Сомонийларнинг аجدодлари буддавийлик динига ёки монийликка эътиқод қилганлар ва бу рамзларни ишлатганлар. Ислом даврида Сомонийлар аجدодларининг рамзларини тангаларида, мақбара ва сарой деворларида ифода этиш орқали аجدодларининг руҳларини ёд этиб, уларга ҳурмат изҳор этганлар. Бу билан улар ўзларини аجدодлар билан руҳий ва маънавий боғлиқликда деб ҳис этганлар.

Сомон-худотнинг асл исми Арқуқ бўлган. “Сомон” сўзи санскрит тилига мансуб бўлиб, буддавийлик мартабаларидан бири ҳисобланган. Ўғузларнинг ривой китобларида Сомон-худот “Сомон-ябғу” деб аталган ва ўғузларнинг аجدодлари қаторида тилга олинган. Ал-Муқаддасийнинг географик асарида “Сомон турклари” қайд этилган. Маълумки, Сомонийларнинг қўшинлари, ҳарбий кўмондонлари ва сарой хизматчилари асосан турклардан иборат бўлган. Лекин Сомонийлар саройда турк тилини жорий қилишга уринмаганлар. Унинг ўрнига янги форс тилини қўллаб-қувватлаганлар ва бу тилда ижод қилган шоирларга ҳомийлик қилганлар. Бу хусусият улардан кейин ҳукмронлик қилган турк сулолалари – Ғазнавийлар, Қорахонийлар, Салжуқийлар ва Хоразмшоҳларга ҳам хос бўлган. Мўғуллар, Темурийлар ва Шайбонийлар ҳам бу анъанани давом этдирганлар.

Ҳозирги тарихчиликда Сомонийлар ҳукмронлиги даврини “Сомонийлар давлати” деб таърифлаш қабул қилинган. Лекин аслида улар ҳуқуқий жиҳатдан мустақил бўлмаганлар. Ҳа даврнинг қонунчилигига кўра, Сомонийлар, *биринчидан*, Аббосий халифаларининг Мовароуннаҳрдаги ноиблари ҳисобланганлар; *иккинчидан*, улар мунтазам равишда Бағдодга ноиблар учун белгилаган солиқларни тўлаб турганлар; *учинчидан*, улар зарб этган мис ва кумуш тангаларда биринчи ўринда халифаларнинг исмлари қайд этилган; *тўртинчидан*, халифаларнинг махсус ёрлиғи (*маншур*) сиз уларнинг ҳукмронлиги-қонуний ҳисобланмаган; *бешинчидан*, жума намозидан олдин ўқиладиган *хутба* (ваъз) да халифаларга ҳамду-сано ўқиш мажбурий бўлган; *олтинчидан*, Сомонийларга қарашли ерлар билан халифалик ерлари ўртасида давлат чегараси бўлмаган; *еттинчидан*, Сомонийларнинг чет элларнинг ҳукмдорлари билан элчилик алоқалари бўлмаган. Бундай ҳуқуқ фақат халифаларга тегишли бўлган.

Шунга қарамасдан Сомонийларнинг ҳукмронлиги ўзбек давлатчилиги тарихининг ажралмас бир босқичи ҳисобланади. Чунки бу даврда ўзбек халқининг асосий ўзаги шаклланди, унинг яшаш ҳудуди белгиланди, бошқарув тизими шаклланди ва ғоявий асослари яратилди. Шунинг учун Сомонийларнинг рамзлари Тожикистонда эмас Ўзбекистонда жорий қилиниши лозим. Тошкентда Амир Темур ва Темурийлар музейига ўхшаш Исмоил Сомоний ва Сомонийлар музейи ташкил этилиши, Исмоил Сомоний ҳайкали ўрнатилиши, Сомонийлар тарихига бағишланган халқаро конференциялар ўтказилиши керак. Бу конференцияларга биринчи навбатда Марказий Осиёдаги қўшни давлатлардан, шу жумладан Тожикистондан ҳам олимлар иштирок этиши керак, чунки Сомонийлар тарихи Марказий Осиё халқларининг муштарак меросидир.

Тожиқ миллатчилари (Р. Масов ва унинг издошлари) нинг Бухоро ва Самарқанд шаҳарларига даъволари ҳам асоссиздир. Наршахийнинг “Бухоро тарихи” да ёзилишича, Бухоро шаҳрини турк хоқонининг ўғли Шер-и Кешвар томонидан қурдирган, унинг ҳақиқий исми эса Эл Арслон эди. У Бухоро шаҳристонини, шунингдек, Бухоро вилоятида бир неча қишлоқлар ҳам қурди. Унинг ўғли Элтегин (Пармуда) қурилишни давом этдирди ва бу эрда яна бир нечта қишлоқлар қурди. У Хитой императорининг қизига уйланди ва унинг

учун буддавий ибодатхона курди. Бухороликлар уни *bukar (buqar)* деб атаганлар, бу эса санскритча *vihara* сўзининг туркча талаффузи эди. Шаҳарнинг номи ҳам шу сўз билан боғлиқ, илгари эса бу шаҳар Навак-метан деб аталган. Турк хоқонлиги даврида (VI – VIII асрлар) Бухоро яқинидаги Байканд шаҳрида турк хоқонларининг бутун Ўрта Осиё устидан назорат қилувчи бошқарувчилари яшаган, яъни ўша даврда Бухоро бутун Ўрта Осиёнинг пойтахти эди. Шу сабабли, манбаларда “Сомонийларнинг аждодлари исломдан олдинги даврда бутун Мовароуннахрнинг ҳукмдорлари бўлганлар”, деб ёзилган. Бу маълумотдаги ҳукмдорлар фақат турк хоқонлари оиласига мансуб шахслар бўлиши мумкин эди.<sup>14</sup> Араблар Бухорога биринчи марта юриш қилганларида, шаҳарда турк хоқони ва унинг оиласини учратдилар, ўша вақтда шаҳар аҳолиси турклар ва турклашган бухороликлардан иборат эди. Қутайба ибн Муслим Хуросон амири бўлганда, Бухорони босиб олиб, маҳаллий аҳолини ҳар бир уйнинг ярмини арабларга бўшатиб беришга мажбур қилди, сўнгра бу уйларга араб аскарларини ва уларнинг форс *мавл*ларини жойлаштирди. Шундан бошлаб, Бухоро араб ва форс истилочиларининг таянч нуқтасига айланиб, улар бу ердан туриб турклар ва суғдларга қарши босқинчилик урушлари олиб бордилар. Кейинчалик Бухоро ислом маданиятининг асосий марказига айланди, ва бу ерда асосий мулоқот тили аввал араб тили эди, кейинчалик унинг ўрнини форс тили эгаллади. Форс тили Бухорода руслар босқинига қадар анъанавий мулоқот тили бўлиб келди. Шу сабабли, бу шаҳарга кўчиб келган барча одамлар, шу жумладан турклар ҳам, аста-секин форс тилига ўтганлар. Бухоро турк ҳукмдорлари сулолалари – Сомонийлар (IX – X асрлар) ва Шайбонийлар (XVI – XVIII асрлар), сўнгра Манғитлар (XIX – XX аср бошлари) сулоласининг пойтахти бўлган. XX аср бошида машҳур жадидчи Абдурауф Фитратнинг она тили форс тили бўлса ҳам, у ўзини ўзбек деб ҳисоблаган, ва ҳатто пантуркчиликда айбланган. Шунинг учун бугунги кунда ҳам бухороликларнинг кўпчилиги, гарчи форс тилида сўзлашсалар ҳам, ўзларини ўзбек деб биладилар.

---

<sup>14</sup> Бошқа барча ҳукмдорлар (Самарқанд ихшидлари, Фарғона ихшидлари, Панжикент афшинлари, Усрушана афшинлари, Чоч тудунлари, Бухор-худотлар, Чаған-худотлар ва бошқалар) маҳаллий ҳукмдорлар ҳисобланган, ва уларнинг ҳокимияти ўзининг вилояти билан чегараланган.

Самарқандда ҳам шунга ўхшаш ҳолат бўлган. Абу Райҳон Беруний, Маҳмуд Кошғарий ва бошқа бир қанча ўрта аср муаллифларига кўра, Самарқанд шаҳрининг номи “семиз канд”, яъни “катта шаҳар” деган маънони билдирган. Бу ривоят бўлса-да, унда ҳақиқат бор. Ҳар қалай бу шаҳар номининг келиб чиқиши ҳали ҳам ишончли тарзда изоҳланмаган. Араб босқинига қадар Самарқанд Турк хоқонлигининг асосий шаҳарларидан бири эди. Бу ерда келиб чиқиши турк бўлган *ихшид*лар сулолаласи ҳукронлик қилган. Араблар Самарқандга илк бор юриш қилганда, унинг аҳолиси суғдлар ва турклардан иборат эди. Самарқандни босиб олган Қутайба ибн Муслим шаҳар аҳолиси билан уларнинг шаҳарни бутунлай тарк этиши ва уни араб аскарлари ва форс *мавл*оларига бўшатиб бериши шарти билан сулҳ тузди. Шундан кейин Самарқанд Марказий Осиёдаги барча мусулмонларнинг таянч нуқтасига айланди. Бу шаҳар бутун ислом дунёсидан “жиход” урушлари олиб бориш учун келувчи кўнгилли жангчиларнинг йиғилиш ерига айланди, бу жангчиларнинг кўпчилигини форслар ташкил этган эди. Дастлаб Самарқандда асосий тил араб тили эди, кейинчалик унинг ўрнини форс тили эгаллади. Шундан кейин форс тили Самарқандда анъанавий мулоқот тили вазифасини бажариб, бу ерга кўчиб келган одамлар аста-секин форс тилига ўтган. Масалан, Қорахонийлар ҳукмронлиги даврида (XI – XII асрлар) Самарқанд уларнинг пойтахти бўлганда, шаҳар аҳолисининг асосий қисмини турклар ташкил этган эди, кейинчалик улар форс тилига ўтганлар. Турк шоири Адиб Аҳмад Югнакий (VIII аср) нинг отаси Маҳмуд, халифа ал-Муътасим (IX аср) нинг турк хотини Марида Самарқанддан эдилар. XIII асрда Самарқандда туркча ёзувли тангалар зарб этилган. Бу маълумотлар шундан далолат берадики, илк ўрта асрларда Самарқанд аҳолисининг катта қисмини турклар ташкил этганлар. XX аср бошида яшаган машҳур жадидчи Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг она тили форс тили эди, лекин у Фитрат сингари ўзини ўзбек деб билган.

XIV – XV асрларда Самарқанд Амир Темур ва Темурийларнинг пойтахти бўлганда, Бухоро ва Самарқандда катта қурилиш ишлари олиб борилди, шунда бу ерга Эрондан минглаб меъморлар, хунарманлар ва қурувчилар таклиф этилди, чунки Эрон Темурийларга қарашли ер эди. XVI – XVIII асрларда, Шайбонийлар Сафавийлар



билан узок вақт олиб борган урушлар давомида асир қилиб олинган барча эронликлар қулга айлантирилиб, Бухоро ва Самарқандда қолдирилган. 1810 йилда Марвдан Туркистонга тахминан 40 минг эроний оилалари (!) кўчирилган, ва асосан Самарқанд ва Бухоро атрофларига жойлаштирилган эди. Уларнинг бир қисми турк, лекин асосий қисми форс эди. XIX – XX аср бошларида қул савдоси билан асосан ҳиндлар ва туркманлар шуғулланганлар, улар Туркистоннинг қул бозорларига Эрондан минглаб қулларни келтирганлар. Бухорода ҳам катта қул бозори бор эди. Форс қуллари энг арзон эди – бир рус қулининг нархига 6 та форс қулларини сотиб олиш мумкин эди. XIX аср ўрталарида Бухоро аҳолисининг тўртдан бир қисмини ўзбеклар, қолган тўртдан уч қисмини эса форс қуллари ташкил қилар эди. Эрондан одамларни кўчиришлар 1917 йилдаги рус инқилобига қадар давом этган. *Шиъа* мазҳабига эътиқод қилувчи аҳолининг кўплиги сабабли 1910 йилда Бухоро хонлигида суннийлар ва шиъалар ўртасида катта тўқнашув содир бўлди. Бухоро ва Самарқанд шаҳарларининг аҳолиси ана шундай шаклланган, лекин улардаги ҳокимият Турк хоқонлиги давридан бошлаб рус истилосига қадар ҳар доим туркларнинг қўлида бўлган.<sup>15</sup>

### ***Саволлар:***

- 1. Нима сабабдан Сомонийларнинг пойтахти Бухоро бўлган?*
- 2. Нима учун манбаларда Сомон-худот оташпараст деб таърифланган?*

### ***Мустақил иш учун топшириқлар:***

- 1. Сомон-худотнинг аجدодларининг диний эътиқоди.*
- 2. Сомонийларнинг ҳуқуқий мақоми.*

---

<sup>15</sup> Фақат араблар истилоси даврида (VIII – IX асрлар) бу шаҳарларда араб волийлари ҳукм сурганлар.

## IV боб. ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШИ

### 4.1. “Ўзбек” атамасининг келиб чиқиши

*Дарсинг ўқув мақсади: Ўзбек халқининг келиб чиқиши ҳақидаги турли хил қарашлар билан таништириш.*

*Таянч тушунчалар ва иборалар: этногенез, этник тарих, этнонимлар, “ўзбек” этноними, этник қоришув.*

1941 йилда совет олими А. Ю. Якубовскийнинг “Происхождение узбекского народа” (“Ўзбек халқининг келиб чиқиши”) номли кичик бир рисоласи нашр этилган. Унда “Миллий автохтонизм” назарияси илгари сурилган эди. Унга кўра, Ўрта Осиё ҳудудида XI – XII асрларда, яъни Қорахонийлар даврида, маҳаллий суғд, хоразм ва бохтар этник жамоаларининг турк қабила ва элатлари билан қоришувидан янги этнос шаклланган эди. Айнан шу этнос ўзбек халқининг асосини ташкил этган. XVI асрда Ўрта Осиёга Дашт-и Қипчоқдан кириб келган кўчманчи ўзбек қабилалари ана шу этнос таркибига қўшилиб, унга ўз номларини берганлар. Бу концепция кўпчилик олимлар, шу жумладан, С. П. Толстов, Л. В. Ошанин, Я. Ғуломов сингари олимлар томонидан қўллаб-қувватланган ва шўролар даврида расмий қабул қилинган эди. Ўзбек олими К. Шониёзов шу концепцияга асосланиб, ўзбек халқи IX – X асрларда этнос бўлиб шаклланди ва ҳудудий жиҳатдан Амударё ва Сирдарё оралиғи, шунингдек, Жанубий Қозоғистон, Еттисув ва Шарқий Туркистоннинг ғарбий ҳудудларини эгаллаган, деган хулосага келди. Тожик олими Б. Ғафуров ҳам бу концепцияни маъқуллаб, “ўзбек халқи нафақат XVI – XIX асрларда, балки унгача бўлган барча даврлар тарихида тенг ҳуқуқли қатнашчи ҳисобланади”, деб таъкидлаган эди.

Шўролар давлати парчалангандан кейин А. Ю. Якубовскийнинг “Миллий автохтонизм” назарияси танқид қилиниб, унинг ўрнига “Конструктивизм” ижтимоий назарияси ривожлана бошлади. Қолаверса, ўзбек халқининг келиб чиқиши масаласи ҳаммани қизиқтириб қолди ва “халқаро аҳамият” га эга бўлди. Бу масала бўйича халқаро “илмий” мунозаралар олиб борилди. Хусусан, Россиянинг “Этногра-

фическое обозрение” журналида (2005, № 1) бу масалага катта бир бўлим бағишланди. Бунинг тагида, албатта, сиёсий мақсадлар ётган эди. Натижада ўзбек халқига ва унинг ўтмишига бўҳтонлар ёғдирилди. 2015 йилда академик А. Асқаров ўзининг “Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи” номли китобида мазкур масала бўйича мавжуд концепциялар ва айтилган фикрларни батафсил таҳлил этиб, ўзининг хулосасини чиқарди. Умуман олганда, бу китобнинг асосий ғояси А. Ю. Якубовскийнинг “Миллий автохтонизм” назариясига асосланган. Фақат бунда А. Асқаров ўзбек халқининг 2 та ўқ томири, яъни “туркий ва эроний ўқ томирлари” бор, деган фикрга кўпроқ урғу берган.

Шу ўринда айтиш мумкинки, дунёдаги ҳеч бир халқ битта этник томирдан ташкил топмаган. Ҳар бир халқнинг этник тарихида турли хил этнослар иштирок этган. Лекин ҳар бир халқ ўзининг этногенезини, яъни келиб чиқишидаги бошланғич ўқ томирини фақат битта этнос билан боғлайди. Русларнинг келиб чиқиши славянлар, форсларнинг келиб чиқиши орийлар, Туркия халқининг келиб чиқиши қадимги турклар билан боғланади. Бошланғич ўзакка кейинги даврларда келиб қўшилган қатламлар этник тарихга киради. Ҳеч қайси халқ ўзини 2 ёки 3 ўқ томирли деб ҳисобламайди. Ҳар бир дарахтларнинг ўқ томири битта бўлгани сингари ҳар бир халқнинг ҳам ўқ томири битта бўлади. Турли миллат вакиллари қурган оиланинг фарзанди метис бўлади. Лекин метислар ҳеч қачон алоҳида миллатни ташкил этмайди. Улар вояга етганда, у ёки бу миллатга мансубликни танлайдилар ва ўша миллатнинг вакилига айландилар. Ўзбек халқи ҳам бундан истисно эмас. Ўзбек халқининг этник тарихида турли этнослар иштирок этган, лекин уларнинг бошланғич ўқ томир битта – қадимги турклар бўлган.

Китобда илгари сурилган орийларнинг турк тилида сўзлагани ҳақидаги фикр ҳали ўз исботини талаб қилади. Уни фақат масаланинг қўйилиши сифатида қабул қилиш мумкин. Унинг тўғри ёки нотўғри эканлигини вақт кўрсатади. Ўрта Осиёнинг туб аҳолиси эроний тилларда сўзлашган, деган фикр ҳам, бизнингча, асоссиз ва исботланмаган. Қолаверса, у ҳозирги фанда кўпчилик мутахассис олимлар томонидан қабул қилинган фикрга мутлақо зиддир. Бизнингча, ўзбек халқининг келиб чиқиши Марказий Осиёнинг туб аҳолисининг бир

қисмини ташкил этган Калта Минор маданиятини қолдирган қавмлар билан боғлиқ. Бу маданиятни қолдирган аҳоли урол-олтой тилларида, шу жумладан, турк тилида сўзлашган. Улар дастлаб овчилик, теримчилик ва балиқчилик билан шуғулланганлар. Кейинчалик деҳқончилик ва боғдорчилик билан шуғуллана бошлаганлар ва шаҳарчилик маданиятининг вужудга келишида фаол иштирок этганлар. Шунинг учун қадимги турк тилида нафақат деҳқончилик ва боғдорчилик, балки ҳунармандчилик ва шаҳарчилик соҳаларида бой тарихий атамалар мажмуаси мавжуд ва бошқа ўтроқ халқларникидан қолишмайди. Орий қабилалари Марказий Осиёга кириб келганда, калтаминорликларнинг бир қисми шимолга ва шарққа кўчиб кетган, қолганлари эса орийларнинг ҳукми остида шаҳар ва қишлоқларда яшаган. М. а. I минг йилликда улар Аҳамонийлар, кейин юнонлар қўл остида бўлганлар. М. а. II асрда шимолдан кўчманчи халқларнинг кириб келиши бошланиб, аввал кушонлар, кейин кидарийлар, хиёнийлар, эфталийлар ва турклар ҳукмронлиги ўрнатилган. Кўчманчи турклар Ўрта Осиёдаги маҳаллий ўтроқ туркларга келиб қўшилиб, уларнинг маданиятини қабул қилганлар ва маҳаллий аҳолига ўзларининг этник номларини берганлар. Шунга ўхшаш жараёнлар ўрта асрларда, хусусан, XVI асрда ҳам юз берган. Унда Дашт-и Қипчоқ ўзбеклари Ўрта Осиёнинг ўтроқ туркларига келиб қўшилганлар ва унга ўз номини берганлар.

Шундай қилиб, Ўрта Осиёнинг маҳаллий ўтроқ турклари қадимдан бу минтақада яшаб келганлар, уларнинг номи турли даврларда уларга қўшилиб турган кўчманчи қабилаларнинг ҳокимиятга келиши туфайли ўзгариб борган. Лекин уларнинг маданиятини белгиловчи асосий хусусиятлар ўзгармаган. *Биринчидан*, улар ўзаро турк тилида сўзлашганлар, *иккинчидан*, улар асосан ўтроқ ҳаёт тарзи олиб бориб, шаҳар ва қишлоқларда яшаганлар, *учинчидан*, улар деҳқончилик ва боғдорчилик билан шуғулланганлар, шаҳарчилик маданиятининг вужудга келиши ва ривожланишида фаол иштирок этганлар. Ҳозирги ўзбек халқининг маданияти ҳам худди шу хусусиятларга эга. Чунки ўзбек халқи қадимги туркларнинг деҳқончилик, боғдорчилик ва шаҳарчилик маданиятининг давомчисидир.

### **Саволлар:**

1. Ўзбек атамаси қачон ва қаерда вужудга келган?
2. Амир Темир даврида ўзбеклар қайси ҳудудларда яшаганлар?

### **Мустақил иш учун топшириқлар:**

1. Ўзбек халқининг этник тарихидаги компонентлар ва қатламлар.
2. Ўзбеклар шажараси ва унинг этник таркиби.

## **4.2. Ўзбек адабий тилининг шаклланиши**

*Дарсинг ўқув мақсади: Ўзбек адабий тилининг шаклланиши ва ривожланиш босқичлари билан таништириш.*

*Таянч тушунчалар ва иборалар: туркий тиллар, ёзма тил, чизатой тили, эски ўзбек тили, сарт тили, ўзбек тили.*

Маълумки, адабий тил асосан ёзув маданияти билан боғлиқ бўлади. Қадимги туркларда ёзув маданияти нисбатан кеч ривожлана бошлаган. Ўрта Осиёдаги ўтроқ турклар эроний халқлар орасида яшагани учун уларнинг ёзувидан фойдаланганлар. Буни биз илк ўрта асрлар мисолида кўришимиз мумкин. Ўрта Осиёда яшаган турклар суғд ёзуви ва тилидан кенг фойдаланганлар. Қадимда ҳам худди шундай ҳол бўлган. Ҳатто Олтойдаги кўчманчи турклар ҳам аввал паҳлавий, кейин суғд ёзувларидан, Шарқий Туркистондаги турклар эса браҳми ва кхарошти ёзувларидан фойдаланганлар. Айрим маълумотларга кўра, қадимги хунларда ўзларининг ёзуви бўлиб, уни ўрта асрларда “хатт-и ябғу” деб атаганлар. Лекин унинг ёдгорликлари бизгача сақланмаган. Олмаота шаҳри яқинидаги Иссиқ номли ердаги м. а. V асрга мансуб сак подшоҳининг кўрғонида топилган кумуш кўза сатҳидаги ёзув ҳалигача қониқарли ўқилмаган. Шунинг учун у “номаълум ёзув” деб аталади. Баъзи олимлар уни эроний тилда ўқиса, баъзилар турк тилида ўқийдилар. Эҳтимол, “хатт-и ябғу” деганда, шу ёзув назарда тутилгандир.



Туркларнинг илк ёзуви руник белгили ёзув ҳисобланади. Бу ёзувнинг айрим белгилари ва рамзлари минг йил давомида ишлатилиб келган ва милодий V – VI асрларга келиб, тўла-тўқис бир ёзув тизими сифатида шаклланган. Шарқий Европа, Қора денгизнинг шимолий соҳили ва Кавказда хунлар даврига мансуб руник ёзувлар топилган. Милодий I асрда хунлар империяси парчалангандан кейин бу ёзув ва адабий тил иккига бўлинган: шарқий хун ва ғарбий хун ёзуви. Ғарбий хун ёзуви ва тили асосида кейинчалик қадимги булғар, хазар, авар ва венгер тиллари ва ёзувлари шаклланган. Шарқий хун ёзуви ва тили асосида қадимги ўғуз, уйғур ва қипчоқ тиллари ва ёзувлари шаклланган.

Турк адабий тили VI – VII асрларга келиб юксак даражада ривожланган тил бўлиб, унинг ўша даврдаги ҳолати узоқ вақт давомида ривожланиб келганлигидан далолат беради. Бу тилда кўплаб юксак даражадаги шеърий асарлар яратилган. Бу шеърий услуб ҳатто Хитой шеъриятига ҳам ўз таъсирини ўтказган. Хитойликлар турк тилини яхши билганлар ва VII асрда илк бор турк-хитой луғатини тузганлар. Руник ёзувда ёзилган энг сўнгги ёдгорликлар X асрга мансуб.

VII – VIII асрларда Шарқий Туркистонда руник ёзув билан бир қаторда суғд ёзувига асосланган уйғур ёзуви муомалага киритилди. Бу ёзув Ўрта Осиёда ҳам ишлатилди ва ҳатто ислом даврида ҳам турк сулолалари, хусусан, Қорахонийлар, Хоразмшоҳлар, Темурийлар ва Шайбонийлар ўзаро ички ёзишмаларда ундан фойдаланганлар. Усмонлилар империясида XVI асрда бу ёзувни билган котиблар бўлган, Хитойдаги турклар эса уни XVIII асрга қадар сақлаганлар.

Ислом даврида турк тилидаги адабий асарлар араб алифбосида ёзила бошлади. Адабиётшуносликда бундай асарлар XI – XII асрларда ёзилган деб ҳисобланади. Булар Аҳмад Югнакийнинг “Ҳибат ал-ҳақоик”, Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билик”, Аҳмад Яссавийнинг “Девон-и ҳикмат” асарлари, Маҳмуд Кошғарийнинг “Девон луғот ат-турк” ва Маҳмуд Замахшарийнинг “Муқаддимат ал-адаб” луғатларидир. Булардан Аҳмад Югнакийнинг аниқ яшаган даври маълум эмас эди. Охириги йилларда олиб борилган тадқиқотларга кўра, Аҳмад Югнакий VIII асрнинг охири – IX асрнинг бошларида аввал Бағдодда, кейин Самарқандда яшаган бўлиши мумкин. У ҳолда

бу ислом даврида турк тилида ёзилган биринчи адабий асар бўлади. Демак, ислом давридаги ўзбек адабиётининг тарихи XI асрдан эмас, IX асрдан бошланган деб айтишимиз мумкин.

X асрда Сомонийлар буюртмасига кўра Қуръон-и Карим турк тилига таржима қилинган, лекин унинг асл нусхаси сақланмаган. Бизгача унинг фақат XII ва XIII асрларда кўчирилган нусхалари етиб келган. Бу даврдаги илмий асарлар асосан араб тилида ёзилган, сарой шоирлари ҳам асосан араб тилида ижод қилганлар. Лекин шу билан бирга янги форс тилида ижод қилувчи шоирларнинг сони тобора ортиб борди. Сомонийларнинг келиб чиқиши турк бўлса ҳам, улар форс шеърятини қўллаб-қувватладилар. Улардан кейин ҳукм сурган турк сулолалари ҳам шундай қилганлар. Шу билан бирга турк тилидаги адабиёт ҳам ривожланиб борди. Қорахонийлар даврининг адабий тили “хоқония” деб аталган, унда қарлуқ лаҳжасининг хусусиятлари асосий ўрин эгаллаган. Хоразмшоҳлар даврида адабий тилда ўғуз лаҳжасининг таъсири ортди. Мўғуллар даврида ҳам турк адабий тили ривожланишда давом этди. Ҳозир бу даврнинг тилини “чиғатоӣ тили” деб аташ қабул қилинган. Темурийлар даврида Алишер Навоӣ бу тилни араб ва форс тилларидан ўзлаштирилган кўплаб янги сўзлар билан бойитди ва ўзининг “Муҳокамат ал-луғатайн” асарида унинг адабиётда форс тилидан қолишмаслигини исботлади. Кейинги даврлардаги адабий тил ҳозир “эски ўзбек тили” деб аталади. Кўчманчи халқлар уни “сарт тили” деб атаганлар.

Ҳозирги ўзбек адабий тили уйғур тили билан бир қаторда қадимги турк руник ёзувли ёдгорликлар, Маҳмуд Кошғарий ва Юсуф Хос Ҳожибнинг тили (яъни, қарлуқ тили) га энг яқин турган тил ҳисобланади. Демак, ўзбек тили уйғур тили билан бирга қадимги турк адабий тилининг, унинг илмий ва адабий анъаналарининг давомчиси дир. XX аср бошларига қадар эски ўзбек тили умумий турк тили ҳисобланган ва кўчманчи турклар (қозоқлар, қирғизлар, туркманлар, қорақалпоқлар) ундан расмий тил сифатида фойдаланганлар. Татарлар, бошқирлар ва озарбайжон туркларининг адабий тиллари ҳам бу тилга яқин бўлган. Шунинг учун эски ўзбек тилини мазкур халқларнинг ҳаммаси яхши тушунганлар.

1991 йилдан кейин мустақиллик қўлга киритилганлиги натижа-сида турк лаҳжаларида сўзлашувчи халқлар ўртасида маданий алоқа-

лар ривожланди. Шунда бу халқлар ўртасидаги мулоқот тили қандай бўлиши керак деган масала ҳам бир неча бор кўтарилди. Бу масала бўйича асосан 2 та таклиф илгари сурилди. Ўзбекистонлик олим Б. Каримов “ўрта турк” тили ғоясини кўтариб чиқди. Унга кўра, турк тилининг турли лаҳжаларида қўлланиладиган барча атамалар умумийлаштирилиб, уларнинг бир-бирига энг кўп мос келадиганлари қабул қилинади. Бу фикрга биринчи бўлиб Туркия турклари қарши чиқдилар. Чунки бу ғоя уларнинг кўзлаган сиёсий мақсадларига жавоб бермайди. Туркия туркларининг мақсади эса ҳаммага аён. XX аср бошларида Усмонлилар империяси даврида Анадолу туркчаси барча турк лаҳжаларида сўзлашувчи халқларнинг ўзаро мулоқот тили бўлган. Кейин шўролар даврида ва ҳудудида унинг ўрнини рус тили эгаллади. Ҳозирги Туркия турклари ҳеч ҳам иккиланмасдан турк лаҳжаларида сўзлашувчи қардош халқлар ўртасидаги мулоқотда рус тилининг ўрнини Туркия давлатининг туркчаси эгаллаши керак, деб ҳисоблайдилар. Бу масалада уларни, хусусан, Озарбайжон турклари қўллаб-қувватлайдилар. Чунки уларнинг тиллари бир-бирига жуда яқин.

Тарихий ва тилшунослик нуқтаи назаридан ҳозирги Туркия туркчаси барча турк лаҳжаларида сўзлашувчилар ўртасидаги халқаро мулоқот тили бўла олмайди. Бу тилни фақат турклар ва озарбайжонлар, шунингдек, туркшунослар ва Туркияда таҳсил олган талабалар тушунадилар. Қолаверса, бу тил чин маънодаги ҳақиқий турк адабий тили эмас, уни шартли равишда “Отатурк тили” деб аташ мумкин. Чунки бу тил XX асрнинг 20-йилларида Мустафо Камол Отатурк даврида ўтказилган ёзув ва тил ислоҳоти натижасида сунъий равишда киритилган. Туркиянинг ҳақиқий адабий тили эса Усмонлилар даврининг давлат тили эди. Бу тил эски ўзбек, уйғур ва татар тилларига жуда яқин эди, озарбайжон тили билан эса айни бир хил эди.

Менимча, турк лаҳжаларида сўзлашувчи халқлар ўртасидаги халқаро мулоқот тили XI – XII асрларда ишлатилган қадимги турк адабий тили бўлиши керак. Ўша тил барча турклар учун ягона адабий тил вазифасини бажарган эди. Мисол учун, араб дунёсида ҳам 22 та мамлакат бор. Уларнинг умумий тили мумтоз араб тили, яъни Қуръони Карим тили асосида шаклланган ёзма адабий тилдир. Турк

лахжаларида сўзлашувчи халқлар (уларнинг сони ҳам 20 дан кам эмас) нинг ҳам мумтоз турк тили бўлган. У ҳам бўлса, Қорахонийлар даврининг адабий тилидир. Демак, биз ўша тилни қайта тиклашимиз ва халқаро мулоқот тил сифатида ҳаётга жорий қилишимиз ва мактабларда болаларга ўқитишимиз керак. Тўғри, ҳозирги кунда Туркия бутун турк дунёсининг етакчиси ҳисобланади. Бу – ҳақиқат, яъни воқелиқдир. Лекин биз тарихий кадриятларни ҳам унутмаслигимиз лозим. Тараққиёт ҳар доим бир ерда турмайди. Эртанги куннинг қандай бўлишини ҳеч ким билмайди. Балки Туркистон ҳам келажакда буюк давлат бўлар. Бунинг учун ҳозир ҳамма имкониятлар мавжуд. Шунинг учун биз бўлажак муносабатларимиз учун ҳозирдан адолатли замин яратишимиз керак. Тарихий маълумотлар асосида чиқарилган адолатли қарорни ҳеч ким ҳеч қачон инкор эта олмайди. Гарчи Туркия турклари Туркистонни “ота юрт” деб тан олар эканлар, унинг тарихий тилини ҳам қабул этишлари керак.

XI аср ёдгорликларида ўтроқ деҳқончилик, боғдорчилик, хунармандчилик, савдо ва шаҳарчилик маданиятининг деярли барча жиҳатларини ўзида акс этган бой тарихий атамалар мажмуасининг мавжудлиги шундан далолат берадики, бу тилда сўзлашувчилар, яъни ҳозирги ўзбекларнинг аجدодлари XI асрга келиб алоҳида халқ (этнос) сифатида шаклланиб бўлган эдилар. Улар ўзларининг адабий тили, юксак ривожланган маданияти ва давлатчилигига эга бўлганлар. Шу вақтга келиб Шарқий Қорахонийлар давлатида уйғур халқи, Ғарбий Қорахонийлар давлатида эса ўзбек халқининг шаклланиши тугалланган эди. Бу халқларнинг ундан кейинги босқичлардаги этник тарихи ана шу бошланғич негиз асосда ривожланган. Унга турли этник қатламлар, шу жумладан, турк ва эроний тилли гуруҳлар қўшилиб келаверган.

Ҳозирги кунда уйғур тили оғир кунларни бошидан кечирмоқда. Хитойда уйғурларнинг миллий кадриятларини таҳқирлаш сиёсати олиб борилмоқда. Уйғур тилида таълим берувчи мактаблар ёпилган. Уйғур тилининг ишлатилиш доираси жуда торайиб кетган. Барча расмий ҳужжатлар фақат хитой тилида олиб борилади. Уйғурларнинг кўп сонли хитойликлар орасида йўқ бўлиб кетиш хавфи бор, ташқи олам билан алоқалар қилишга ҳеч қандай имконият йўқ. Бу эса охир оқибатда Хитойда уйғур тилининг йўқолишига олиб келиши шубҳа-

сиз. Лекин уйғур тили бошқа мамлакатларда, хусусан, Туркия, Америка Қўшма Штатлари ва Канадада яшовчи кўп сонли уйғур жамоалари орасида ривожланишда давом этмоқда. Бундан ташқари уйғур тили дунёдаги кўп университетларнинг туркология марказларида турк, ўзбек ва қозоқ тиллари қаторида ўқитилади.

Яқин вақтларгача ўзбек тили ҳам шунга ўхшаш аҳволда эди. Лекин шўролар давлатининг парчаланиши ва Ўзбекистоннинг мустақилликка эришгани туфайли ўзбек тили давлат тили деб эълон қилинди, ва унинг ривожланиши учун кенг имкониятлар очилди. Айниқса Алишер Навоий номидаги ўзбек тили ва адабиёти университетининг ташкил этилиши муҳим воқеа бўлди. Шу билан бирга Ўзбекистон ФА нинг Ўзбек тили ва адабиёти институти ҳам сақланиб қолди. Лекин амалда ўзбек тили ҳали ҳам ўзининг қонун билан белгиланган ижтимоий ҳаётдаги ўрнини эгаллаганича йўқ. Ўзбек тили расман давлат тили ҳисобланади. Лекин кўп давлат идораларида расмий ҳужжатлар ҳамон рус тилида олиб борилади. Давлат идораларида давлат тилини билиш шарт эмас. Радио ва телекўрсатувларнинг фақат ярми ўзбек тилида олиб борилади. Мамлакатимизда рус тили расмий тил бўлмаса ҳам, ўзбек тили билан баробар ишлатилади. Аралаш мактабларда рус тилида ўқитилаётган синфлар ҳаддан ташқари кўп ва уларнинг сони ҳеч ким томонидан назорат қилинмайди, бу эса ўзбек тилининг ривожланишига салбий таъсир кўрсатади.

Лекин асосий фожиа шундан иборатки, ўзбек тили кирил алифбосидан “лотин алифбосига ўтиш” дек мураккаб ва мавҳум бир даврни бошидан кечирмоқда. Мана 20 йилдан ошдики, ўзбек тилида 2 та алифбо қўлланилмоқда. Ўтиш даври учун қонун билан белгиланган ҳамма муддатлар тугаса ҳам, ҳамон лотин алифбосига ўтиш масаласи жойидан силжиётгани йўқ. Туркменистон ва Озарбайжонда 25 йил олдин ҳеч қандай “ўтиш даври” сиз лотин алифбосига ўтилган, ва бундан ҳеч ким зарар кўрмаган. Бизда эса бу масаланинг ҳал бўлиши жуда суст кечмоқда. 1940 йилда бизда ҳам лотин алифбосидан кирил алифбосига ўтиш ҳеч қандай “ўтиш даври” сиз бир кунда амалга оширилган. 1928 йилда эса араб алифбосидан лотин алифбосига ўтиш жараёнига ҳам бор йўғи 1-2 йил вақт кетган. Бу эса бошқаларига нисбатан анча мураккаб ва қийин жараён ҳисобланади.



Ҳамма гап шундаки, бизда ҳали ҳам рус тилининг мақоми ва таъсири кучли. Бунинг устига ўзбек зиёлиларининг бир қисми лотин алифбосига ўтишга ҳожат йўқ, чунки ҳамма кирил алифбосига ўрганиб қолган, шунинг учун уни ўз ҳолида қолдириш керак, деб ҳисоблайди. Менинг фикрим шуки, ўзбек тилини албатта лотин алифбосига ўтказиш лозим, қанча тез бўлса, шунча яхши. Чунки ўзбек тили кирил алифбосида қолса, у ҳеч қачон рус тилининг таъсири остидан чиқиб кета олмайди, ва охир оқибатда рус тили уни ютиб юборади. “Қизил руслар” айнан шу мақсадда ўзбек тилини араб алифбосига асосланган эски ўзбек алифбосидан аввал лотин, кейин кирил алифбосига ўтказганлар. Рус тили шундоқ ҳам ўзбек тилига жуда катта таъсир ўтказишга улгурди. Натижада жуда кўп арабча, форсча ва ҳатто асл ўзбекча сўзлар муомаладан чиқиб кетди ва уларнинг ўрнини русча сўзлар эгаллади. Агар биз ўзбек тилининг бундан кейинги ривожланиши мустақил бўлишини истасак, биз албатта кирил алифбосидан воз кечишимиз керак. Қолаверса, бу масала сиёсий аҳамиятга эга.

Яна бир муаммо шундан иборатки, ўзбек тили учун 90-йилларнинг ўрталарида қабул қилинган янги лотин алифбоси мукамал эмас ва ишлатишга ноқулайдир. Бунинг устига бу ноқулай алифбо мажбурий ҳисобланади ва бошқа қулайроқ бўлган лотин алифболаридан фойдаланиш мумкин эмас. Бу фақат менинг фикрим эмас, балки бу масалада мен билан сўзлашган деярли барча одамлар, шу жумладан мактабда шу алифбода ўқиган ёшларнинг ҳам фикридир. Улар ичида шундай ёшлар ҳам борки, мактабни битиргандан кейин ўзлари ихтиёрий равишда лотин ёзувидан воз кечиб, кирил ёзувини ишлатадилар. Шунинг учун бу янги лотин алифбосини расман қабул қилишдан олдин уни қайта ислоҳ қилиш керак. Менимча, энг мукамал ва қулай алифбо бу XX асрнинг 20-йилларида Абдурауф Фитрат томонидан таклиф этилган ва 40-йилларгача ишлатилган лотин алифбосидир. Бу алифбода ўзбек тилида мавжуд бўлган 9 та унли ўз аксини топган, ҳозирги алифбога эса улардан фақат 6 таси киритилган. Бундан ташқари, эски лотин алифбосида ундош ш, ч, ғ ва унли ў ҳарфлари 2 та белги билан эмас 1 та белги билан ифодаланади, бу эса амалда ишлатишга жуда қулайдир. Фитрат бу алифбони ўзбек тилининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда 1925 йилда

Бакуда Халқаро туркология конгрессида бир овоздан қабул қилинган умумтурк лотин алифбоси асосида тузган эди.

**Саволлар:**

1. Ўзбек тили турк тиллари оиласининг қайси тил гуруҳига киради?
2. Темурийлар даврининг тили қандай аталган?

**Мустақил иш учун топшириқлар:**

1. Турк тиллари оиласи.
2. Қадимги шумер тили.

#### **4.3. “Турк”, “Сарт” ва “Ўзбек” атамаларининг мазмуни**

*Дарсинг ўқув мақсади:* Тарихий ва этнографик манбаларда учрайдиган “турк”, “сарт” ва “ўзбек” атамаларининг мазмуни, моҳияти ва ишлатилиш доираси билан таништириш.

*Таянч тушунчалар ва иборалар:* турклар, турк тилида сўзлашувчи халқлар, Турк хоқонлиги, кўчманчи қабилалар, савдо алоқалари, Дашт-и Қипчоқ, Ўзбекхон, ўзбек қабилалари, ўзбек халқи.

“Турк” атамаси VI асрда Турк хоқонлигига асос солган Ашина қабиласининг номи бўлган. Турк хоқонлиги даврида уларга тобе бўлган турк тилида сўзлашувчи кўчманчи қабилалар “турк” деб аталган. Лекин дастлаб барча турк тилида сўзлашувчи қабилалар “турк” деб аталмаган. Масалан, уйғурлар “уйғур”, қирғизлар эса “қирғиз” деб аталганлар. Араб халифалиги даврида барча турк тилида сўзлашувчи қабилалар, ҳатто суғд, тибет ва бошқа тилларда сўзлашувчи халқлар ҳам умумий ном билан “турк” деб атала бошлаган. Шу билан бирга араблар уларнинг алоҳида қabila ва уруғлардан ташкил этганлиги ҳақида маълумотга эга бўлганлар.

Турк хоқонлиги даврида турклар жуда кенг ҳудудларга тарқалган эдилар. Уларнинг яшаган ҳудудлари ғарбда Дунай дарёси, шарқда Тинч океани, шимолда Шимолий муз океани (Қар денгизи), жанубда

эса Ҳиндукуш тоғларигача бўлган ерларни ўз ичига олган. Бошқа халқлар уларни умумий ном билан “турклар” деб атаганлар. Турк хоқонлиги Ҳитой империясига бўйсунгандан кейин уларнинг кўп сиёсий арбоблари ва ҳарбий кўмондонлари Ҳитой пойтахти ва бошқа шаҳарларида хизмат қилганлар. Ҳитойлар уларни *tu-kiue* (*tu-jiue*), яъни “турк” деб атаганлар. Византия манбаларида булғарлар, мадярлар, печенеглар, хазарлар ва турк тилида сўзлашувчи бошқа халқлар “турклар” деб аталганлар. Ғарбда турклар Италия ва Франция, ҳатто Испаниягача етиб борганлар. Араб халифалиги даврида турклар Яқин Шарқ ва Шимолий Африкага ҳам тарқалганлар. Хусусан, Ўрта Осиёлик турклар Бағдод шаҳрининг қурилишида фаол иштирок этганлар, кейинчалик эса халифаларнинг энг яқин одамларига айланиб, давлат ишларини бошқаришда фаол қатнашганлар. IX – X асрларда Миср ва Сурияда асли фарғоналик бўлган Тулунийлар ва Ихшидийлар сулолалари ҳукм сурган. XIII – XIV асрларда эса турклар бу ерларда ўз давлатига эга бўлганлар ва унда турк тили давлат тили ҳисобланган. XI – XII асрларда Салжукийлар ҳукмронлиги даврида турклар Халифаликнинг деярли барча ҳудудлари устидан ўз ҳукмронлигини ўрнатганлар. XII аср охири – XIII аср бошларида уларнинг ўрнини қисқа вақт давомида Хоразм турклари эгаллади. Мўғуллар истилоси даврида ҳам турклар давлат бошқаруви ишларида етакчи ўринларни эгаллаганлар. XV асрда турклар Византия империясини қулатиб, Усмонлилар империясига асос солганлар ва XX аср бошларига қадар Яқин Шарқ минтақасида ҳукмронлик қилганлар.

Бу маълумотлардан кўриниб турибдики, жуда кўп ҳудудларда яшаган турк тилида сўзлашувчи халқлар барча ерларда “турклар” деб аталганлар. “Турк” атамаси уларнинг умумий номи бўлиб, суперэтнос вазифасини бажарган. Шу ўринда бир масалага тўхталиш лозим. Бизда айрим олимлар “Биз турк эмасмиз, туркиймиз” деб исботлашга уринадилар. Бу билан улар ўзларини Туркиядаги турклардан ажратиб кўрсатмоқчи бўладилар. Бу мутлақо нотўғри ва асоссиз тушунча бўлиб, тилларни ва этник атамаларнинг ясалиш қонуниятларини яхши билмасликдан келиб чиққан. “Туркий” сўзида арабча *-ий* қўшимчаси бўлиб, бу сўз этноним сифатида эмас, тилга нисбатан ишлатилади. Форс тилида *забон-и форсий* – “форс тили” ва *забон-и арабий* – “араб тили” сингари *забон-и туркий* – “турк тили” ибораси

ишлатилади. Шу сўздан ўзбек тилида “туркий тиллар” ва “туркий тилли халқлар” иборалари ҳосил бўлган. “Туркий” деган халқ ёки миллат ҳеч қачон бўлмаган. Бизнинг юртимиз тарихий манбаларда “Туркийистон” эмас, “Туркистон” деб аталган. Туркистон дунёдаги барча туркларнинг, яъни турк тилининг турли лаҳжаларида сўзлашувчи халқларнинг ватани ҳисобланади, шу жумладан, Туркиядаги туркларнинг ҳам. Шунинг учун улар Туркистонни “ота юрт” деб атайдилар. XX аср бошларидаги жадидлар ҳаракатининг намоёндалари “турк” деганда авваламбор Ўрта Осиёнинг турк тилида сўзлашувчи ўтроқ аҳолисини тушунганлар. Улар “Турон”, “Туркистон”, “Улуғ Туркистон”, “Садои Туркистон”, “Турк сўзи”, “Турк эли” ва шунга ўхшаш номли газета ва журналлар нашр этганлар. Туркиядаги туркларни улар “Усмонли турклари” деб атаганлар. Турк тилининг турли лаҳжаларида сўзлашувчи кўчманчи халқларни эса “турклар” қаторига киритмаганлар. Шундай қилиб, асл турклар бу бизмиз, чунки “Туркистон” ватанимизнинг тарихий номидир (кейинги бўлимга қаранг).

Тўғри, Марказий Осиёнинг турк тилида сўзлашувчи халқлари турли даврларда турли номлар билан аталган. Ундан ташқари кўчманчи халқлар қабилавий номлар билан, ўтроқ халқлар эса жой номлари билан аталганлар. Уларнинг умумий номи ҳам бўлиб, кўпинча сиёсий ҳокимият ва ҳукмдорларнинг исмлари билан боғлиқ бўлган (Турк, Ўғуз, Чигатой, Ўзбек ва ҳ.к.). Лекин уларнинг умумий номи ҳар доим “турк” бўлган ва бу атама суперэтнос вазифасини бажарган. Буни Маҳмуд ибн Вали (XVII аср) қуйидагича таърифлаган: “Туркистон халқлари турли даврларда турли номлар билан аталганлар: Турк ибн Ёфас ҳукмронлиги даврида “турк”, Мўғулхон ҳукмронлиги даврида “мўғул”, Ўзбекхон ҳукмронлиги даврида “ўзбек”. Лекин атрофдаги бошқа халқлар уларни илгаригидек “турк” деб атайдилар”.

Ундан ташқари кўчманчи қабилалар ўтроқ халқларни “сарт” деб ҳам атаганлар. Бу сўзнинг келиб чиқиши ҳақида турлича фикрлар айтилган. Аслида бу сўз этноним бўлмаган. Ҳеч қайси этник гуруҳ ўзини “сарт” деб атамаган. Бу сўзнинг келиб чиқиши санскрит тилидаги *sarthaka* – “савдогар”, “карвонбоши”, “карвон” сўзи билан боғлиқ. Суғд тилида ҳам *sart* сўзи ишлатилган ва худди шу маънони

билдирган. Маълумки, суғдлар асосан савдо билан шуғулланганлар. Марказий Осиёда Буюк ипак йўли, асосан, кўчманчи қабилаларнинг ерларидан ўтган. Кўчманчилар карвонларга тез-тез ҳужум қилиб турганлар ва дастлаб уларнинг “сиз кимсизлар?” деган саволига карвондагилар “биз сартмиз”, яъни “савдогармиз” деб жавоб берганлар. Шу билан бу сўз турк тилига ҳам “савдогар” маъносида ўзлаштирилган ва Маҳмуд Кошғарийнинг “Девон луғот ат-турк” асарида айнан шу маънода талқин этилган. Карвон таркибидаги одамлар асосан шаҳарликлар бўлгани сабабли кейинчалик *сарт* сўзи умуман ўтроқ аҳолига нисбатан ишлатила бошлаган.

Ўзбек этнонимининг келиб чиқиши ҳақида ҳам турли фикрлар билдирилган. Халқ талқинига кўра, бу сўз “ўзига бек” маъносида ишлатилган. Лекин аслида бу сўз Олтин Ўрда давлатининг ҳукмдори Ўзбекхон исми билан боғлиқ. Хусусан, Маҳмуд ибн Валининг юқорида келтирилган маълумоти бунга далилдир. XVI – XVIII асрларда “ўзбек” сўзи этносиёсий маънога эга бўлиб, ўзига хос суперэтнос вазифасини бажарган. Ўзбекларнинг шажараларига кўра, Дашт-и Қипчоқ ўзбекларининг бирлашуви 92 та қabila ва уруғлардан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бири ўзининг этник номига эга бўлган. Уларнинг умумий номи эса олий ҳукмдор Ўзбекхон исми билан “ўзбек” эди. Марказий Осиёга кўчиб келгандан кейин улар маҳаллий шаҳар туркларининг юксак маданияти ва адабий тилини қабул қилдилар. Қўшни халқлар уларни “турклар” ёки “чиғатой турклари” деб атар эдилар. Ўзбекларнинг асосий қисми аста-секин ўтроқлашиб, маҳаллий аҳоли билан қоришиб кетди. Сиёсий ҳокимият ўзбекларга қарашли бўлгани учун бу этносиёсий ном суперэтнос вазифасини бажариб, барча аҳолига нисбатан ишлатила бошлади. Шунинг учун “ўзбек” номи ўзидан олдинги “турк” номига зид бўлмасдан, унинг синоними ва давомчиси сифатида ишлатилди.

Америкалик олим Адиб Холид ўзининг 2015 йилда нашр этилган “Making Uzbekistan” (“Ўзбекистоннинг ташкил топиши”) номли китобида “сарт”, “турк” ва “ўзбек” атамаларининг мазмунига аҳамият берган. Унинг ёзишича, бу атамаларнинг ўзаро боғлиқлиги аниқ эмас эди, 1897 йилда аҳолини рўйхатга олиш вақтида улар бир вақтда баробар ишлатилган (270-бет). Шундан кейин “ўзбек” атамаси тўғри деб тан олинган, “сарт” атамаси эса унутилган (260-бет). Лекин



“ўзбек” атамаси Марказий Осиёнинг барча туркий тилли аҳолисини ўз ичига олмаган, ва бутун минтақани бирлаштирувчи маънога ҳам эга бўлмаган. Қозоқ зиёлилари ҳеч қачон “чиғатойчилик” ҳаракатига мойиллик ва амир Темурга ихлос билдирмаганлар (266-бет). 1924 йилга келиб, Туркистон ва Бухоро зиёлилари шу хулосага келдиларки, Мовароуннаҳрнинг ўтроқ мусулмон аҳолисини “ўзбек” деб ҳисоблаш керак (улар кўчманчи кўшнилари, яъни қозоқлар ва туркманлардан катта фарқ қилганлар) (269-бет).

Юқорида қайд этганимиздек, XVI – XVIII асрларда Ўзбекистон жой номи Туркистон ва Турон жой номларининг синоними ва давомчиси бўлиб, Марказий Осиёдаги бир-бирига қариндош барча халқларни бирлаштирувчи сиёсий аҳамиятга эга бўлган. Маҳмуд ибн Валининг юқорида келтирилган сўзлари бунга яққол далилдир. Бу жиҳатдан Марказий Осиё ва Бухоро аҳлининг бошқа халқлар орасида, яъни ўзга юртларда қандай аталганлиги диққатга сазовордир. Фаластинда Қуддус шаҳрининг мусулмонлар яшайдиган қисмидаги ал-Ақса масжиди яқинида ал-Завия ал-Нақшбандийя (الزواية النقشبندية) номли бир қадимий хонақоҳ жойлашган бўлиб, ўрта асрларда у Марказий Осиёдан келган “нақшбандия” тариқатига мансуб суфийларга қарашли бўлган. Бу хонақоҳ яна ал-Завия ал-Бухорийя (الزواية البخارية) ёки ал-Завия ал-Узбекия (الزواية الازبكية) деб ҳам аталган, у 1010/1602 йилда қурилган ва ҳозиргача мавжуд. Бундан 400 йил олдин асос солинган суфийларнинг бу хонақоҳини Марказий Осиёлик шайхлар бошқарган бўлиб, уларнинг исмларига ал-Бухорий ва ал-Туркистоний *нисбалари* билан бир қаторда ал-Узбеки (الازبكي) *нисбаси* қўшилган. Бир қарашда бу *нисба* уларнинг Марказий Осиёда Шайбонийлар давлатига асос солган Дашт-и Қипчоқ қабилаларидан келиб чиққанлигига ишора қилади, дейиш мумкин. Бошқа манбаларда бундай *нисба* учрамайди. Марказий Осиёда Шайбонийлар даврида форс тили ҳукмрон эди. Илмий ва диний доираларда туғилган ёки яшаган жойлардан, шунингдек, касб-ҳунар ва диний мансаблардан ясалган *нисбалар* ишлатилган. Сиёсий ҳокимиятга эга бўлган ўзбек ҳукмдорлари ва уларга қарашли Дашт-и Қипчоқ қабилалари ўзларини маҳаллий аҳолидан фарқламаганлар. Улар Темурийлар давридан қолган маданий меросни қабул қилиб, маҳаллий аҳолининг юксак маданиятига шерик бўлганлар. Шунинг учун Марказий Осиё

худудида ёзилган манбаларда ўзбекларнинг этник келиб чиқишини англатувчи *нисбалар* учрамайди. Ўзга юртларга кўчиб борган Марказий Осиёликлар кўпинча ўзларининг келиб чиққан жойидан ясалган *нисбаларни* ишлатганлар. Масалан, ал-Бухорий, ал-Самарқандий, ал-Балхий, ал-Фарғоний ва ҳ.к. Баъзилари минтақанинг умумий номидан ясалган ал-Туркистоний *нисбасини* ишлатганлар. Бизнингча, Фаластиндаги Марказий Осиёлик шайхларнинг ал-Узбекий (الازبكي) *нисбаси* ҳам уларнинг этник келиб чиқишини эмас, балки умуман Марказий Осиёдан эканлигини билдирган. Бошқачасига айтганда, ал-Узбек (الازبك) номи XVI – XVIII асрларда Туркистон (تركستان) номининг синоними бўлиб, Марказий Осиё минтақасининг умумий номи сифатида ишлатилган. Бу ном XVI – XVIII асрларда Марказий Осиёнинг Европада чизилган лотин ва юнон ёзувли хариталари ва глобусларида Usbek, Usbekia, Özbekistan шаклларида қайд этилган. XVI асрдан бошлаб Марказий Осиёда Дашт-и Қипчоқ ўзбеклари ҳукмронлик қилган. Маҳаллий аҳоли уларга Темурийлар ва улардан ҳам олдинги сулолаларнинг ворислари ва давомчилари деб қараган. XVI – XVIII асрларда уларнинг худуди, адабий тили ва маданияти умумий бўлган. Шунинг учун ўша даврнинг сиёсий хариталари ва глобусларида Марказий Осиё минтақаси Usbek, Usbekia ва Özbekistan номлари билан аталган. Фаластинда яшаган Ўрта Осиёлик шайхларнинг ал-Узбекий *нисбаси* ҳам бунинг яққол далилидир.

### ***Саволлар:***

- 1. XX аср бошларидаги жаҳидлар ҳаракатининг вакиллари “турклар” деганда кимларни назарда тутганлар?*
- 2. “Сарт” атамаси қайси тилдан олинган ва нимани билдиради?*

### ***Мустақил иш учун топшириқлар:***

- 1. “Сарт” атамасининг келиб чиқиши ҳақида илмий мунозаралар.*
- 2. “Турк” атамасининг келиб чиқиши ва ишлатилиши.*

#### 4.4. “Турон”, “Туркистон” ва “Ўзбекистон” атамаларининг ўзаро боғлиқлиги

*Дарсинг ўқув мақсади:* “Турон”, “Туркистон” ва “Ўзбекистон” тарихий атамаларининг ишлатилиш давлари ва уларнинг ўзаро боғлиқлиги ҳақида тушунча бериш.

*Таянч тушунчалар ва иборалар:* Трансоксиана, Мовароуннаҳр, Вароруд, “Ғарбий ўлка”, Турон, Туркистон, Ўзбекистон, Ўрта Осиё, Марказий Осиё.

Турли даврларнинг тарихий манбаларида Ўрта Осиё минтақаси турли номлар билан аталган. Хусусан, юнон манбаларида (м. а. IV – III асрлар) Амударё Ох (Окс) деб аталган, кейинчалик эса ундан шимолда жойлашган ерларга нисбатан Transoxiana (Трансоксиана), яъни “Окс дарёсининг орқа томони” атамаси киритилган. Хитой манбаларида Хі уи (м. а. II асрдан бошлаб), яъни “Ғарбий ўлка” атамаси ишлатилган. Араблар Ўрта Осиёни Мовароуннаҳр, яъни “дарёнинг орқа томони” деб атаганлар. Кейинчалик форслар уни ўз тилларига таржима қилиб, баъзан Вароруд, яъни “дарёнинг орқа томони” деб ҳам атар эдилар. XIX асрда Европа тарихчилигида бу атамаларнинг лотинча таржимаси Трансоксиана (Transoxiana) муомалага киритилган.

Булардан ташқари Ўрта Осиё минтақасига нисбатан Турон ва Туркистон атамалари ҳам ишлатилган. Турон атамаси илк бор Фирдавсийнинг “Шоҳнома” асарида қайд этилган деб қабул қилинган. Шунинг учун бу афсонавий тушунча, ва унинг заминида фақат ривоят ётади, лекин ҳақиқатда Турон номли муайян бир ҳудуд бўлмаган, деб уқтирилади. Аслида эса ундай эмас. Буни кейинги йилларда олиб борилган тадқиқотлар тасдиқлайди. Техрондаги музейлардан бирида Форуғий жамғармаси деб аталган Сосонийлар даврининг муҳрлар мажмуаси бор. Унда IV – V асрлардан VII – VIII асрларга қадар Сосонийларнинг бошқарув тизими ва унинг маҳаллий маъмуриятларида ишлатилган муҳрлар жамланган. Барча муҳрларнинг бир томонида паҳлавий тилидаги ёзувлар, орқа томонида эса одамлар ва турли ҳайвонларнинг суратлари ёки рамзлар тасвир-

ланган. Мазкур муҳрларнинг V – VI асрларга мансуб бир нечтасида “Турон” ва “Туронлик” сўзлари қайд этилган. Бу муҳрларнинг эгалари Сосонийлар маъмуриятида хизмат қилувчи туронликлар бўлиб, улар “Турон” атамасининг муайян бир ҳудудга нисбатан ишлатилганлигидан далолат беради. Сосонийлар даврида “Турон” атамаси Эроннинг шимол ва шимоли-шарқдаги кўшниси, яъни эфталийлар давлатига нисбатан ишлатилган. Мазкур коллексиянинг бошқа муҳрларида “Туркистон” атамаси ҳам қайд этилган. Бу атама Сосонийлар давлатида Турк хоқонлигига нисбатан ишлатилган. Бу маълумотлардан кўриниб турибдики, “Турон” ва “Туркистон” атамалари тарихий атамалар бўлиб, форсларда муайян давлатларга нисбатан ишлатилган – IV – V асрларда “Турон” атамаси хиёнийлар ва эфталийлар давлати, VI – VIII асрларда “Туркистон” атамаси Турк хоқонлигига нисбатан қўлланилган. “Турон” ва “Туркистон” атамалари ўзаро боғлиқ бўлиб, синонимлар сифатида ҳам ишлатилган.

Араб халифалиги даврида, хусусан, Сомонийлар ҳукмронлиги даврида, Ўрта Осиё “Мовароуннаҳр” деб аталган. Лекин “Турон” ва “Туркистон” атамалари унутилмаган, балки Марказий Осиёдаги Араб халифалигидан ташқарида жойлашган ҳудудларга, хусусан, Турғаш, Қарлуқ ва Уйғур хоқонликларига нисбатан ишлатилган. XI асрда ҳокимият Қорахонийлар кўлига ўтгандан кейин Ўрта Осиё яна “Туркистон” деб атала бошлаган. Маҳмуд Ғазнавий ўзига қарашли ерларни “Хуросон”, Амударё орқасидаги ерларни, яъни Қорахонийларга қарашли ҳудудларни “Туркистон” деб атаган. Мўғуллар истилоси даврида Ўрта Осиё ва Шарқий Туркистон “Чиғатой улуси”, унинг аҳолиси эса “чиғатой халқи” деб аталган. Шу билан бирга Ўрта Осиёга нисбатан “Туркистон” атамаси ҳам ишлатилган. Темурийлар давридаги манбаларда бутун Марказий Осиё минтақаси яна “Туркистон” деб атала бошлаган.

XVI асрдан бошлаб Шайбонийлар ҳукмронлиги даврида Ўрта Осиё минтақаси “Ўзбекистон” деб аталган. “Ўзбекистон” атамаси XIV – XV асрларда ҳам мавжуд бўлган, лекин бу даврда “Ўзбекистон” деганда, Олтин Ўрда давлати назарда тутилган. Амир Темур Тўхтамишхон устидан ғалаба қозониб, ўзбеклар мамлақати заифлашгандан кейин рус подшоҳи Иван Грозний Қозон хонлигини босиб олди. Шундан кейин бирин-кетин Астрахан, Қрим, Сибир хонлик-

лари тугатилди ва Россияга қўшиб олинди. Натижада у ерларда яшаган турк тилида сўзлашувчи аҳолининг кўп қисми ўз ерларини ташлаб, Марказий Осиё минтақасига кўчишга мажбур бўлдилар, ва бу ерда ҳокимиятни Темурийлардан тортиб олдилар. Натижада “Ўзбекистон” атамаси Марказий Осиёга нисбатан ишлатила бошланди. Шу билан бирга “Турон” ва “Туркистон” атамалари ҳам муомалада қолди, ва “Ўзбекистон” атамасининг синоними сифатида ишлатилди. XIX асрнинг иккинчи ярмида, яъни рус истилоси даврида эса минтақа яна “Туркистон” деб атала бошлади. Шундай қилиб, “Турон”, “Туркистон” ва “Ўзбекистон” атамалари Марказий Осиё минтақасининг маҳаллий асосда вужудга келган тарихий номлари бўлиб, ўзаро боғлиқ бўлган ва бири бирининг давомчиси бўлган. Шунинг учун бу тарихий атамалар ҳуқуқий жиҳатдан энг тўғри, илмий жиҳатдан эса маҳаллий аҳолининг ҳақиқий этник таркибини акс этдирувчи асл атамалардир. Минтақанинг қолган атамалари, яъни “Трансоксиана”, “Ғарбий ўлка”, “Мовароуннаҳр”, “Вароруд”, “Чиғатой”, чет эл босқинчилари томонидан муомалага киритилган, уларнинг ҳар бири қисқа давр, яъни истило даври, давомида ишлатилган ва кейинчалик унутилиб кетган.

XIX аср охири – XX аср бошларидан эътиборан рус истилочилари “Туркистон” сиёсий атамасининг ўрнига “Ўрта Осиё” ва “Марказий Осиё” географик атамаларини муомалага киритиб, уларни илмий ва сиёсий соҳаларда ишлата бошладилар. “Ўрта Осиё” деганда, муайян географик ҳудуд тушунилади. Унинг чегаралари ғарбда Каспий денгизининг шарқий соҳили, шарқда Тянь-Шан, Помир ва Олой тоғлари, жанубда Ҳиндукуш тоғлар тизмаси, шимолда эса Орол-Иртиш сув айригичи бўйлаб ўтган. Географик адабиётда бу ҳудуд “Туркистон табиий-географик ўлкаси” деб аталади. Унинг асосий қисмини тоғлар билан ўралган “Турон” пасттекислиги эгаллайди. Кўриб турганимиздек, “Турон” ва “Туркистон” атамалари сиёсий муомаладан чиқариб юборилган бўлса ҳам, географик муомалада сақланган ва ҳалигача ишлатилади. Сиёсий жиҳатдан бу ҳудудлар Ўзбекистон, Туркманистон, Тожикистон, Қирғизистон ва Жанубий Қозоғистон ерларини ўз ичига олади. “Марказий Осиё” географик атамаси анча кенгроқ ҳудудларни ўз ичига олади. Унинг таркибига Ўрта Осиёдан ташқарида жойлашган Қозоғистон, Жанубий Сибир,



Олтой тоғлари, Мўғулистон, Шарқий Туркистон, Кашмир, Покистон ва Афғонистоннинг шимолий қисмлари, Эроннинг Хуросон вилояти ҳам киритилади. “Марказий Осиё” атамаси сиёсий муомалада ҳам ишлатилиб, минтақадаги собиқ “шўролар иттифоқи” таркибига кирган 5 та республика – Ўзбекистон, Туркманистон, Тожикистон, Қирғизистон ва Қозоғистонни ўз ичига олади.

**Саволлар:**

1. Мовароуннаҳр атамаси илк бор қачон қайд этилган?
2. Ўзбекистон атамаси қачон илк бор қайд этилган?

**Мустақил иш учун топшириқлар:**

1. Ўрта Осиёнинг тарихий номлари.
2. Ўзбекистон атамаси ҳақида тарихий маълумотлар.

#### 4.5. Ўзбекистоннинг тарихий хариталари

*Дарсинг ўқув мақсади:* Европада XVI – XVIII асрларда нашр этилган Ўрта Осиё хариталарида “Узбекия” ва “Ўзбекистон” атамаларининг ишлатилиши ва уларнинг илмий талқини билан таништириши.

*Таянч тушунчалар ва иборалар:* картография, тарихий хариталар, глобуслар, саёҳатчилар, географик кашфиётлар, географик жамиятлар.

XVI – XVIII асрларда Европада нашр этилган хариталарда Марказий Осиё минтақаси *Usbek (Usbec, Usbeck, Vsbek), Usbekia (Usbechia)*, унинг айрим қисмлари эса *Usbek Bucharia, Usbek Bochara, Usbek Chowaresmia, Usbek Mawaralnahra, Usbek Turkistan, Usbek Turan, Usbek Tartaria, Usbek Zagatay* сингари номлар билан аталган. Шунини алоҳида қайд этиш керакки, бу барча номлар этноним эмас, балки топоним, яъни жой номи сифатида берилган. Айниқса даниялик хариташунос Абрахам Маас (1730 й.) ва юнон саёҳатчиси Василио Вататзи (1732 й.) нинг хариталари алоҳида аҳамиятга эга.

А. Маас харистаси “Каспий денгизи ва Ўзбек мамлакати” деб аталади. Бу рангли сиёсий харита бўлиб, унда Марказий Осиё ва унга туташ ҳудудлардаги давлатларнинг сиёсий чегаралари кўрсатилган. Ўша даврнинг бошқа кўпчилик хариталаридаги сингари бу харитада ҳам ёзувлар лотин тилида берилган. Ҳар хил рангларга бўялган Persia (Эрон), Rusia (Россия), Indostan (Ҳиндистон), Sin (Хитой) сингари мамлакатлар қаторида бутун Ўрта Осиё минтақаси алоҳида рангга бўялиб, унга лотин ҳарфлари билан “Usbeck” деб ёзилган. Шуниси диққатга сазоворки, харитада “Usbeck” мамлакатининг таркибига Амударёдан жанубда жойлашган Ҳиндукуш тоғларигача бўлган ерлар ҳам киритилган. Чунки ўша даврда бу ерларда ўзбекларнинг Балх хонлиги бўлган, лекин кўп ўтмай у афғонлар томонидан босиб олинган. Ҳозир бу ерлар Афғонистон таркибига киради.

В. Вататзи харитаси оқ-қора этнографик харита бўлиб, унда минтақада яшаган халқлар ҳақида кўп маълумотлар келтирилган. Харитадаги барча ёзувлар 2 тилда – лотин ва юнон тилларида берилган. Харитада Сирдарё ҳавзаси *Tourkistan*, яъни Туркистон, Амударё ҳавзаси эса *Özbekistan*, яъни Ўзбекистон деб кўрсатилган. Харитадаги “Туркистон” топоними Қўқон хонлигини, “Ўзбекистон” топоними эса Бухоро хонлигини билдирган.

Бундай номлар билан аталган тарихий хариталар 200 дан кўп. Бу хариталар шундан далолат берадики, “Ўзбекистон” номи 1924 йилда руслар томонидан ўйлаб топилган эмас, у ўрта асрларда Европанинг сиёсий ва тарихий-географик тизимида ишлатилган. *Usbeck* ва *Usbekia* топонимлари ўзбеклар мамлакати *Özbekistan* топонимининг лотинча шакллари бўлган. Бу номлар XVI – XVIII асрларда Ўрта Осиёга нисбатан ишлатилган, ва унда Шайбонийлар ва Аштархонийлар давлати назарда тутилган. Кейинчалик бу давлат марказлари Бухоро, Хива, Қўқон ва Балхда бўлган бир нечта ўзбек хонликларига бўлиниб кетган. Хариталардаги Ўзбекистон топоними тарихий Туркистон топонимининг давр нуқтаи назардан давомчиси ва синоними бўлган. Бу иккала этнотопоним XVI – XVIII асрларда этник жиҳатдан бир-бирига яқин бўлган турли қавмларни сиёсий жиҳатдан бирлаштирувчи аҳамиятга эга бўлган.

Марказий Осиёнинг бошқа халқларидан хариталарда *Usbeck* (*Usbekia*, *Özbekistan*) мамлакати ҳудудларида яшовчи туркманлар

(*Turkmenoi*), қозоқлар (*Kazakoi*), қирғизлар (*Khrkizoi*), қорақалпоқлар (*Karakalpakoi*) қайд этилган. Баъзи хариталарда *Usbeck*, *Uzbekia* ва *Özbekistan* мамлакатининг ҳудудида *Turkmania* (жануби-ғарбида) ва *Karakalpakia* (шимоли-ғарбида) вилоятлари кўрсатилган. Лекин кўпчилик хариталарда улар этноним сифатида қайд этилган. Шунини алоҳида қайд этиш лозимки, XVI – XVIII асрларга мансуб бирорта тарихий харитада ёки глобусда *тожик* этноними қайд этилмаган. Бу этнонимдан ясалган топоним, яъни жой номи ҳақида гапирмаса ҳам бўлади.

Бу маълумотлардан шу хулосага келиш мумкинки, рус босқини арафасида, яъни XIX аср ўрталарида Марказий Осиё халқлари ижтимоий сиёсий тараққиётнинг турли босқичларида бўлганлар. Демак, охириги 500, ҳатто 1000 йил давомида уларнинг минтақа тарихида тутган ўрни ва аҳамияти ҳам турлича бўлган. Дашт-и Қипчоқ ўзбеклари XVI асрдан бошлаб Ўрта Осиёнинг сиёсий эгалари эдилар. Улар маҳаллий ўтроқ ва шаҳар туркларининг юксак ривожланган маданияти ва адабий тилини қабул қилиб, Темурийлар ва улардан олдинги турк сулолаларнинг давлатчилик анъаналарининг давомчилари сифатида қабул қилинган эдилар. XVI – XVIII асрларда уларнинг яхлит ҳудуди, ёзма адабий тили ва маданияти мавжуд эди. Шунинг учун ўша даврнинг сиёсий хариталари ва глобусларида уларнинг мамлакати *Usbeck*, *Uzbekia* ва *Özbekistan* деб аталган.

Ўрта Осиёнинг бошқа этник гуруҳлари – туркманлар, қозоқлар, қирғизлар ва қорақалпоқлар, асосан кўчманчилик ҳаёт тарзи олиб борганлар. Улардан фақат қозоқлар ўз давлатчилигига эга бўлганлар. Қолган халқлар, яъни туркманлар, қирғизлар ва қорақалпоқлар, XVI – XVIII асрларда ўзларининг сиёсий ҳокимиятига эга бўлмаганлар ва маҳаллий аҳолининг бир қисми сифатида ўзбек хонликларининг таркибига кирганлар. Шунинг учун ўша даврнинг сиёсий хариталари ва глобусларида улар фақат яшаш жойини кўрсатувчи этноним сифатида қайд этилган. Тожиклар эса тарихий хариталарда умуман қайд этилмаган. Кўчманчилар ўтроқ ва шаҳар туркларини сингари уларни ҳам «сарт» деб атаганлар, уларнинг ўзлари эса ўзларини жой номи билан – бухоролик, самарқандлик, фарғоналик, хивалик ва ҳ.к. деб атаганлар ва *Özbekistan* давлатининг ватандошлари ҳисобланганлар. Демак, *Usbeck*, *Uzbekia* ва *Özbekistan* топонимлари XVI –

XVIII асрларда турли халқларни этник, маданий ва сиёсий жиҳатдан бирлаштирувчи аҳамиятга эга бўлиб, нафақат ўзбеклар, балки бу давлатнинг маданий асосини ташкил этувчи “сарт” деб аталмиш ўтроқ ва шаҳар туркларини, шунингдек уларга бириккан кўчманчи қабилалар ва бошқа миллий гуруҳлар, яъни тожиклар (шу жумладан эронийлар), араблар, яҳудийлар ва бошқаларни ўз ичига олган. Бу этник гуруҳларнинг барчаси адабий ёзма тил сифатида чиғатой турк тилидан фойдаланганлар. Улар учун бу тил XX аср бошларига қадар ўзига хос инердиалект, яъни халқаро мулоқот тили вазифасини бажарган. Бугунги Ўзбекистон ҳам турли халқларни этномаданий ва этносиёсий жиҳатдан бирлаштирувчи худди шундай давлатдир.

***Саволлар:***

- 1. Марказий Осиё хариталаридаги “Ўзбекистон” қайси ҳудудларни ўз ичига олган?*
- 2. XIV – XV асрларда “Ўзбекистон” деганда қайси давлат назарда тутилган?*

***Мустақил иш учун топшириқлар:***

- 1. Абрахам Мааснинг Марказий Осиё харитаси.*
- 2. Василио Вататзининг Марказий Осиё харитаси.*

## V боб. ЎЗБЕК ХАЛҚИ РУСЛАР ИСТИЛОСИ ДАВРИДА

### 5.1. Ўзбекистоннинг Россия томонидан босиб олинишининг моҳияти

*Дарсинг ўқув мақсади:* Руслар истилоси даврида колониал маъмурият томонидан олиб борилган мустамакачилик сиёсатининг асл моҳияти ва ундан кўзланган мақсадлар билан таништириши.

*Таянч тушунчалар ва иборалар:* Чор Россияси, руслар, Туркистон генерал-губернаторлиги, рус шарқшунослари, рус-тузем мактаблари, русларни кўчириш сиёсати.

Шўролар даврида ёзилган китобларда Россия Ўрта Осиёни кўшиб олди ва маҳаллий халқлар ихтиёрий равишда Россияга кўшилганлар деб таърифланар эди. Ҳозирги кунда ҳам Россияда бундай қараш ҳукмрон. Аслида эса Ўрта Осиё халқларидан фақат қозоқлар ва қирғизлар Россияга ихтиёрий равишда кўшилганлар ва кейинчалик ўлкани бошқаришда уларнинг хизматида бўлганлар. Хусусан, улар Туркистон генерал-губернаторлигида рус колониал маъмуриятида таржимонлик вазифасини бажарганлар. Қолган ерларда Россия Ўрта Осиё халқларини қурол кучи билан босиб олган. Бу ишларда ҳам уларга қозоқлар, қирғизлар ва татарлар ёрдамчи бўлганлар. Қозоқлар ва қирғизлар маҳаллий аҳолининг тили, яъни ўзбек тилини, урф-одатларини ва яшаш шароитларини яхши билганлиги билан русларга асқотган. Татарларнинг ҳам маҳаллий аҳоли билан дини бир бўлганлиги русларнинг босқинчилик сиёсатини олиб боришига ёрдам берган.

Ўрта Осиёни босиб олгандан сўнг Россия ҳукумати минтақада мустамлакачилик сиёсатини олиб борди. Натижада маҳаллий аҳолининг табиий бойликлари талон-тарож қилинди, диний, маънавий ва маданий қадриятлари поймол қилинди. Руслар Туркистонда маҳаллий аҳолининг ерларини ўзлаштириш сиёсатини олиб бордилар. Хусусан, рус босқинчилари Туркистонга Россиядан ерсиз камбағал деҳқонларни кўчириб кела бошлади. Бу ишлар мунтазам ва расмий равишда махсус тузилган ташкилотлар орқали олиб борилди. Ундан ташқари



ғайрирасмий йўллар билан минглаб ерсиз ва уйсиз камбағаллар Туркистонга кўчиб келди. Айниқса темир йўл қурилгандан кейин бу ишлар яна ҳам авж олди. Россиядаги катта очарчилик даврида (1871-йил) одамлар “Тошкент – нон шаҳри” деб оммавий равишда поездларга осилиб кела бошладилар. Маҳаллий рус колониал маъмурияти кўчиб келган одамларга яшаш учун шаҳар четидаги “бўш ётган ерлар” ни бўлиб берар эди. Аслида эса бу ерлар шаҳар аҳолисининг тирикчилик учун фойдаланадиган дала ҳовлилари бўлган. Бу ерлардан маҳрум бўлган шаҳарликлар уларни гўшт, сут, сабзавот ва мевалар билан таъминлаб турган тирикчилик манбаидан айрилдилар.

Вилоятлар ва қишлоқларда эса аҳвол бундан ҳам ёмон эди. Рус “чиновник” лари маҳаллий деҳқонларнинг ерларини зўрлик билан тортиб олиб, кўчиб келган русларга бўлиб берар эдилар. Бундай ҳаракатлар кўпинча қонли тўқнашувлар ва халқ кўзғолонларига олиб келар эди. Шундай кўзғолонлардан бири 1898 йилда Андижонда Дукчи Эшон бошчилигида кўтарилган. Айниқса, Қозоғистонда кўчиб келган руслар ва маҳаллий кўчманчи қозоқлар ўртасида қонли тўқнашувлар кўп бўлган ва 1920 йилгача давом этган. У ерда кўчманчиларнинг тирикчилик манбаи бўлган барча яйловлар “бўш ётган ерлар” деб эълон қилиниб, у ерларга руслар ва казаклар оммавий равишда кўчириб келинди, ва қурол билан таъминланди.

Туркистон табиий бойликларини талон-тарож қилиш ва аҳолисининг ерларини тортиб олиш билан бирга рус истилочилари маҳаллий аҳолини руслаштириш сиёсатини олиб бордилар. Бу мақсадда рус-тузем мактаблари очилиб, уларда рус тили, адабиёти ва маданияти тарғиб қилинди. Бу мактабларни битирган мусулмонларнинг болалари рус мустамлакачиларининг маъмуриятида хизмат қилдилар. Натижада маҳаллий аҳоли орасида рус истилочиларига мойил муносабатда бўлган қатламлар вужудга келди. Бир рус амалдори Тошкентда рус тилида нашр этилган “Туркестанские ведомости” газетасида шундай ёзган эди: “Бизнинг асосий мақсадимиз шундан иборатки, Туркистон мусулмонлари иложи бўлса фақат рус тилида сўзлашсинлар, ҳатто рус тилида фикрласинлар”. Бу сўзлар рус истилочиларининг асл мақсади нимадан иборат бўлганининг яққол исботидир. Улар Туркистонга абадий эгалик қилиш, маҳаллий аҳолини аста-секин йўқотиш, қолганларини эса исломдан узоқлаштириб, руслаш-

ган манқуртларга айлантириш эди. Россия Федерациясида ҳозир ҳам шундай сиёсат олиб борилмоқда.

Рус босқинчилари Туркистон аҳолисига нисбатан ҳам зўравонлик сиёсатини олиб бордилар. Хусусан, 1-Жаҳон уруши бошланганда (1914 йил), руслар маҳаллий аҳолини Россияга фронт орқасидаги қурилиш ишларига мажбуран жалб этмоқчи бўлдилар. Бу тадбир 1916 йилда умумхалқ қўзғолонини келтириб чиқарди.

### **Саволлар:**

- 1. Қўқон хонлигининг тугатилишида рус истилочиларига кимлар ёрдам берган?*
- 2. Бухоро ва Хива хонликларининг тугатилишида руслар билан кимлар ҳамкорлик қилган?*

### **Мустақил иш учун топшириқлар:**

- 1. Туркистонга русларни кўчириш сиёсати.*
- 2. Туркистонда рус-тузем мактаблари.*

## **5.2. Туркистонда жадинлар ҳаракатининг аҳамияти**

*Дарсинг ўқув мақсади:* Туркистон ўлкасида ХХ аср бошларида вужудга келган жадинлар маърифий ҳаракатининг моҳияти, ҳаракатлантирувчи кучлари ва унинг олдига қўйган асосий мақсадлари билан таништириш.

*Таянч тушунчалар ва иборалар:* жадинлар, ислоҳотлар, янги усул мактаблари, маърифатпарварлик гоёлари, саводсизликка қарши кураш, диний ақидапарастликка қарши кураш, дунёвий ҳаёт ва тараққиётга интилиш.

Жадинчилик маданий-маърифий ҳаракати XIX аср охири – XX аср бошида Усмонлилар ва Россия империяларидаги мусулмон зиёлилари орасида кенг тарқалиб, Туркистонга ҳам кириб келган. Россияда жадинчилик ҳаракатининг асосчиси кримлик Исмоилбей Гаспрали (Гаспринский) эди. У узоқ йиллар давомида Европада яшаб, у ерда таҳсил олди, у ўз юртидаги ва, умуман, мусулмон дунёсидаги

халқларнинг тараққиётдан жуда ортда қолганини англаб етиб, бунинг асосий сабаби саводсизлик ва диний ақидапарастликда эканлигига амин бўлди ҳамда ислом жамиятида ислохот ўтказиш керак деб чиқди. Ислохотни мактаблардан бошлаш керак, деди у. Бунинг учун мактаб дастурларида фақат диний фанлар эмас, дунёвий фанларни ҳам ўқитиш керак. Шунда одамлар дунёдаги тараққийпарвар фикрлар ва ҳозирги замон илм-фани ютуқлари билан танишадилар ва қоқликдан халос бўладилар. Усули жадида, яъни “янги усул мактаблари” деб аталган бундай мактаблар дастлаб Қримда очилди. Исмоилбей Туркистонга кўп умид боғлаган эди, чунки Россия империясида Туркистон энг аҳолиси зич минтақа ҳисобланиб, бу ерда мусулмонларнинг сони кўп бўлган. Шунинг учун у ўз ғояларини шу ерда амалга оширишга қарор қилди. У бир неча марта Туркистонга келиб, бу ердаги маҳаллий зиёлилар ўртасида ўз ғояларини тарғиб қилди, ва уни қўллаб-қувватлаган зиёлиларнинг сони тобора ўсиб борди. Фарғона, Самарқанд, Тошкент, Бухоро ва бошқа шаҳарларда янги усул мактаблари очила бошлади.

Туркистон жадидлари ўзларини “жадид” деб атамаганлар. Бу атамани уларга нисбатан руслар қўллаганлар. Улар эса ўзларини “ходими миллат”, яъни миллат учун хизмат қилувчилар, ўзаро мулоқотда эса “мужоҳидлар” деб атар эдилар. Туркистон жадидлари миллат ватанпарварлари бўлиб, жамиятни тараққиёт учун давр талабларига биноан ислох қилиш йўлларини излаганлар. Бунинг учун улар таълим тизимида янги усулдаги мактабларни жорий этишни ва уларда диний фанлар билан бирга дунёвий фанларни ҳам ўқитишни таклиф этганлар. Улар одамларни жамиятнинг тараққиётига тўсқинлик қилувчи ғайриисломий ва кераксиз урф-одатлардан воз кечишга чақирганлар. Лекин улар мустамлакачиларга қарши ҳеч қандай кураш олиб бормаганлар ва фақат белгиланган қонун доирасида унга риоя қилган ҳолда фаолият олиб борганлар. Фақат 1910 – 1917 йилларда уларнинг “Миллий Иттиҳод” (“Бирлик”) номли сиёсий ташкилоти махфий фаолият олиб борган.

1917 йил октябр тўнтаришидан кейин Туркистон 2 йил давомида Россиянинг сиёсий марказидан узилиб қолди. Бу даврда Туркистонда икки ҳокимлик вужудга келди. Тошкентда руслар ҳокимияти, Қўқонда эса жадидлар Миллий мухторият эълон қилдилар. Лекин қурол фақат русларда бор эди. Тез орада руслар Қўқонга юриш қилиб,

Миллий мухториятни йўқ қилдилар, аҳолини аёвсиз қирғин қилиб, шаҳарга ўт кўйдилар. Шундан кейин жадинларнинг сиёсий фаоллиги сустлашди. Уларнинг баъзилари чет элларга кетдилар, баъзилари эса махфий фаолият олиб бордилар. Айрим жадинлар “қизил руслар”, яъни болшевиклар билан ҳамкорлик қилиш йўлига ўтдилар, ва улар билан тил бириктириб, коммунистик шиорлар остида ислом уламо-ларига қарши кураш олиб бордилар. Уларнинг асосий фаолияти Тошкентда ўтди. Баъзи жадинлар маҳаллий ҳокимият органларига ишга қабул қилиниб, у ерда ўз ғояларини амалга ошириш йўлларини қидира бошладилар.

1920 йилда руслар миллий ёш коммунистлар ва улар билан ҳамкорлик йўлига ўтган жадинлар ёрдамида Бухоро хонлигини ағдаргандан кейин, 2 йил давомида ҳокимият жадинлар қўлида эди. Жадинлар Бухорода миллий давлатчилик асосларини ярата бошладилар. Миллий ҳукумат, парламент, вазирликлар тузилди, халқаро алоқалар ўрнатилди бошладилар, ёшлар чет элларга ўқишга юборилди. Лекин жадинларнинг нисбатан мустақил олиб борган сиёсати узоқ давом этмади. 1922 йилда “қизил руслар” Бухорода ҳам ҳокимиятни ўз назорати остига олдилар ва миллий давлатчилик асосларини йўқ қилдилар.

1920-йилларда Туркистонда миллий ёш коммунистлар “қизил руслар” раҳбарлигида жадинларга қарши кураш бошладилар. Натижада уларнинг баъзилари қатағон ва сургун қилинди. 30-йилларда эса Сталин бошчилигидаги болшевиклар барча миллий зиёлиларни, шу жумладан Туркистонда ҳам жадинларни ва уларга хайрихоҳ бўлганларни ялпи таъқиб ва қатағон қила бошладилар. Натижада деярли барча ўзбек зиёлилари, шу жумладан сургун қилинган зиёлилар, оммавий равишда отиб ташландилар. Бу ишларда “қизил руслар” га янги тузилган сиёсий куч – “тожик” миллатчилари яқиндан ёрдам бердилар [Камолиддин 2016: 341 – 252].

### ***Саволлар:***

1. *Россия империясининг мусулмон халқлари орасида жадинчилик ҳаракатига ким асос солган?*

2. *Туркистон ўлкасида жадинлар ҳаракатининг илк наشري қайси?*

### **Мустақил иш учун топшириқлар:**

1. Туркистонда эски мактаблар ва янги усул мактабалари.
2. Туркистон жадиidlарининг наишлари.

### **5.3. Туркистонда миллий мухторият ғоялари ва лойиҳалари**

*Дарсинг ўқув мақсади:* Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг “Туркистон маданий мухторияти лойиҳаси”, Абдурауф Фитратнинг “Бухорода ислоҳот лойиҳаси”, “Туркистон мухторияти” лойиҳаси, қозоқларнинг “Алаш Ўрда” лойиҳаси, Файзулла Хўжаевнинг “Ўзбекистон Республикаси” лойиҳаси.

*Таянч тушунчалар ва иборалар:* маданий мухторият, миллий мухторият, миллий армия, иқтисодий мустақиллик, мустақил боиқарув тизими, таиқи алоқалар, динлар эркинлиги, русларнинг мустамлакачилик сиёсатига қарши кураш.

1905 – 1907 йиллардаги биринчи рус демократик инқилобий ҳаракати Туркистонда маҳаллий аҳолини миллий ҳақ-ҳуқуқлар учун сиёсий кураш олиб боришга ундади. Айнан шу даврда Маҳмудхўжа Беҳбудий ўзбек тилида “Туркистон маданий мухторияти” лойиҳасини тузиб (1907 й.), уни 3-Давлат Думасининг Мусулмон фракциясига кўриб чиқиш учун тақдим этди. Унда Туркистон ўлкасининг маданият соҳасида қандай бўлиши кераклиги ҳақидаги жадиidlарнинг тасаввурлари акс этган. Бу лойиҳа Дума томонидан рад этилган эди ва Исмоилбей Гаспрали (Гаспринский) нинг шахсий архивида сақланиб қолган. Шўролар даврида Исмоилбейнинг қизи Шафиқа Хоним бу архивни Туркия ҳукуматига тақдим этган ва у ҳозиргача Анқара шаҳридаги Миллий кутубхона жамғармасида сақланади. Бу лойиҳанинг матни 2004 йилда Туркияда профессор Темур Хўжа ўғли томонидан наиш этилган. Унда Россия мустамлакаси бўлган Туркистон ўлкасида жорий колониал қонун-қоидалар ва тартибларни маҳаллий аҳолининг манфаатларини, ҳақ-ҳуқуқларини инобатга олган ҳолда ислоҳ қилиш ва ўзгартиришга қаратилган тақлифлар баён этилган. Лойиҳанинг моддаларида Туркистон ўлкасининг маданий ишларда



мустақил сиёсат олиб бориши таклиф этилган эди, хусусан, унда таълим тизими, диний ташкилотлар, қозилик тизими, тил масаласи ва бошқа масалалар кўриб чиқилган. Ҳозир мазкур лойиҳанинг эски ўзбек ёзувидаги матни, унинг табдили ва факсимиле сурати сўзбоши, илмий шарҳлар ва изоҳлар билан бирга Тошкентда нашрга тайёрланмоқда.

1918 йилда Абдурауф Фитрат Бухоро жадиждлар қўмитасининг топшириғига биноан ўзбек тилида “Бухорода ислоҳот лойиҳаси” ни ёзди. Унда бўлажак Туркистон жумҳуриятининг сиёсий дастури лойиҳаси эълон қилинган эди. Амалда у мустақил Туркистон давлатининг конституцияси лойиҳаси эди. Унда фақат маданият ишлари эмас, балки давлат қурилиши билан боғлиқ бўлган бошқа масалалар, хусусан, давлат бошқаруви ва қонунчилик тизими, ҳарбий ва мудофаа ташкилотлари, аскарликка чақириш тартиби, ер-мулк масалалари, хорижий мамлакатлар билан алоқалар батафсил ёритилган. Бу лойиҳа дастлаб расмий мақомга эга бўлмасдан, таклиф сифатида кам нусхада чоп этилиб тарқатилган. 1920 йилда Бухорода “қизил руслар” томонидан хон ҳукмронлиги афдарилиб Бухоро Халқ Жумҳурияти эълон қилингандан кейин 2 йил давомида жадиждлар миллий давлатчилик асосларини тузган пайтда уларга бу лойиҳа асос бўлиб хизмат қилган. Унинг бир нусхаси Бухоро шаҳар архивида ҳозиргача сақланади, ва 2005 йилда Тошкентда илмий изоҳлар билан бирга нашр этилган. 2015 йилда эса унинг русча таржимаси нашрдан этилди.

Шунга ўхшаш яна бир лойиҳа 1918 йилда, яъни Россияда Чор ҳукумати афдарилиб, октябр тўнтариши юз бергандан кейин Қўқон шаҳрида эълон қилинган Туркистон мухторияти учун ёзилган. Бу даврда Туркистон ўлкасининг бўлажак тақдири номаълум бўлиб турган эди. Лекин бу ҳужжат ҳам қоғозда қолиб кетган ва амага оширилмаган. Чунки Қўқон мухторияти тез орада Тошкентдан бостириб келган рус аскарлари томонидан йўқ қилинган.

Туркистонда шўролар ҳукумати ўрнатилиб, Бухоро ва Хива хонликлари тугатилгандан кейин 1924 йилдаги миллий-худудий чегаралиниш арафасида Бухоро Халқ Жумҳурияти жадиждлар ҳукуматининг раҳбари Файзулла Хўжаев “Ўзбекистон Республикаси” лойиҳасини тузди. Унда Ўрта Осиё минтақасининг асосан ўтроқ аҳолисини ва барча тарихий шаҳарларини ўз ичига олувчи давлат назарда тутилган эди. Жадиждлар ва ўзбек зиёлилари учун бу давлат

ўзбек халқининг йўқотилган давлатчилигининг, Қорахонийлар, Темуррийлар, Шайбонийлар давлатчилиги анъаналарининг қайта тикланиши деб баҳоланган эди [Камолиддин 2016: 325 – 340].

Архивларда бундай лойиҳалардан ҳаммаси бўлиб 7 таси сақланган бўлиб, уларни Туркистон (Ўзбекистон) конституциясининг илк лойиҳалари деб ҳисоблаш мумкин.

**Саволлар:**

1. *Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг “Туркистон маданий мухторияти” лойиҳаси қачон ёзилган?*
2. *Абдурауф Фитратнинг “Бухорода ислоҳот лойиҳаси” қачон ёзилган?*

**Мустақил иш учун топшириқлар:**

1. *“Туркистон мухторияти” лойиҳаси.*
2. *Файзулла Хўжаевнинг “Ўзбекистон Республикаси” лойиҳаси.*

#### **5.4. Миллий-худудий чегараланишнинг мақсадлари ва оқибатлари**

*Дарсинг ўқув мақсади:* 1924 йилда қизил руслар томонидан ўтказилган “миллий-худудий чегараланиш” нинг асл моҳияти ва бунинг салбий оқибатлари билан таништириш.

*Таянч тушунчалар ва иборалар:* Туркистон мусулмонлари, халқар, миллатлар, чегаралар, “республикалар”.

1924 йилда қизил руслар “миллий-худудий чегараланиш” ўтказдилар, натижада 3 та хонлик ўрнида Ўзбекистон, Қозоғистон ва Туркманистон республикалари, шунингдек Қирғиз ва Тожик мухтор вилоятлари ташкил этилди.

Ўзбек халқининг узоқ ва яқиндаги душманлари уни айблаб дейдиларки, мазкур “чегараланиш” вақтида ўзбеклар мажбурий равишда сартлар ва тожикларни, шунингдек уйғурлар, кипчоқлар ва бошқа майда халқларни ўзларига сингдириб юборганлар. Шундай қилиб, “ўзбек халқи” 1924 йилда қизил руслар томонидан сунъий

равишда ўйлаб топилган эмиш. Савол туғилиши табиий, нима сабабдан қизил руслар ўзбекларга бундай илтифот кўрсатганлар. Нима, ўзбеклар уларнинг эркатойи эдиларми? Аслида гап бутунлай бошқача бўлган эди. Дашт-и Қипчоқ ўзбеклари Ўрта Осиёни босиб олган бўлсалар ҳам, маҳаллий ўтроқ турклар билан яқин қариндош эдилар. Шунинг учун улар тезда унинг юксак маданиятини қабул қилиб, у билан қоришиб кетдилар. Ўзбеклар ҳеч қачон ўзларининг номини бошқаларга беришга ҳаракат қилмаганлар. Аксинча, бошқа халқлар ўзларини ўзбек деб кўрсатишга интилганлар, чунки ўша даврда ўзбек бўлиш шарафли ҳисобланар эди.

Венгер олими А. Вамбери шундай деб ёзган эди: “Қўқон аҳолиси ўзбек, тадшик, кайсак, қирғиз, қипчоқлардир. Ўзбеклар аҳолининг ўтроқ қисмини ташкил қилади, улар Бухоро ва Хива ўзбекларидан катта фарқ қиладилар ... Ўзбеклар Туркистонда ҳукмронлик қилувчи қавм бўлганлиги сабабли... шаҳар ва қишлоқларда ўрнашиб қолган қирғизлар, қипчоқлар ва қалмиқлар, бир зумда ўз миллатидан воз кечиб, ўзларини “ўзбек” деб атайдилар” [Вамбери 1867: 316].<sup>16</sup> Бошқа бир жойда у қуйидагича ёзади: “Хитой Татарияси аҳолисининг кўпчилиги, яъни 4 вилоят – Кошғар, Ярканд, Оқсу ва Хотан – деҳқончилик билан шуғулланувчи ўтроқ аҳолидан иборат. Улар ўзларини “ўзбек” деб атайдилар, лекин уларнинг келиб чиқиши қалмиқ эканлиги биринчи қарашдан кўзга ташланади. Бухоро ва Хивада “ўзбек” деб аталувчи одамлар Хитой Татариясида ҳеч қачон бўлмаган. Бу ерда шимолдан кўчиб келган қалмиқлар, қирғизлар ва бу ерларнинг туб аҳолиси – форсларнинг аралашмаси “ўзбек” номи билан аталади” [Вамбери 1867: 333]. XIII – XIV асрларда. Кўп турк лаҳжаларида сўзлашувчи қабилалар ва халқлар “татарлар” ва “мўғуллар” деб аталар эди, чунки улар “ўзларининг буюклиги ва қадрқимматини уларга мансуб бўлишда деб ишонганлар, шунинг учун уларининг номи билан танилганлар” [Рашид ад-Дин I (1): 102].

Рус истилосидан олдин Туркистон аҳолиси сиёсий жиҳатдан тарқоқ бўлишига қарамасдан, этно-маданий жиҳатдан бир ва иқти-

---

<sup>16</sup> Худди шу ҳолни бугун ҳам кузатиш мумкин. Агар 1924 йилда Ўзбекистон худудида қолиб кетган форс тилида сўзлашувчилар зўрлаб ўзбекларга “айлантирилган” бўлсалар, ўтган вақт ичида уларда миллатини ўзгартиришга ва паспортларига “тожик” деб ёздиришга кўп имкониятлар бўлган. Лекин улар ҳеч нарсани ўзгартиришни истамайдилар ва “ўзбек” бўлиб қолишни афзал кўрадилар. Чунки уларга шундай бўлиш қулайроқ туюлади.

содий жиҳатдан бир-бири билан ўзаро боғлиқ бўлган яхлит хўжалик бирлигини ташкил этган. Бундай муносабатлар турли хил этник гуруҳларнинг узок вақт давомида ўзаро алоқалари натижасида вужудга келган эди. 1917 йилдан кейинги бир неча йилларда, айниқса 1924 йилдаги “миллий-ҳудудий чегараланиш” дан олдинги ва кейинги даврда юзага келган миллий низоларга келсак, улар русларнинг миллий сиёсати натижасида вужудга келган эди. Қозоғистон даштларида қуролланган рус босқинчилари томонидан ерларни ўзлаштириш сиёсати ва бунинг натижасида 1916 – 1917 йилларда қозоқлар билан содир бўлган қонли тўқнашувлар шунга олиб келдики, қозоқ кўчманчиларининг катта қисми жанубга Туркистонга қочиб кетишга мажбур бўлди. Шу сабабли, улар ўзбекларнинг меҳмондўстлиги ва меҳр-шафқатидан фойдаланиб, Туркистонга тегишли ҳудудларда бўш ётган ва бўш бўлмаган ерларни эгалладилар, кейинчалик эса “миллий-ҳудудий чегараланиш” жараёнида бу ерларга даъво қилдилар. Уларнинг сохта даъвосига кўра, бу ерларда аҳолининг 93 фоизини қозоқлар ташкил қилган экан, ҳолбуки ҳатто бугунги кунда ҳам бу ерларда қозоқлар аҳолининг бунча қисмини ташкил этмайди. Аслида эса қозоқларнинг на Манқишлоққа, на Сирдарё ва Еттисув вилоятларига эгалик қилишга ҳеч қандай ҳақи йўқ эди.

Манқишлоқ ярим оролида ўрта асрларда *сузз* қабилалари, XVI – XVIII асрларда эса туркманлар яшаганлар. Фақат XIX асрда Каспий денгизининг шарқий соҳилларини руслар босиб олгандан кейин, руслар ҳомийлигига ўтган қозоқлар уларни Манқишлоқдан аста-секин сиқиб чиқардилар [Бартольд 1965: 479 – 480]. Ҳозирги вақтда у ерда асосан қозоқлар ва руслар яшайди. Демак, туркманларни сиқиб чиқариш ва у ерга қозоқларни “жойлаштириш” Чор Россиясининг стратегик аҳамиятга эга бўлган Каспий денгизи соҳилларини эгаллаш учун олиб борган сиёсати эди. Сирдарёнинг ўрта ва қуйи оқимлари ҳавзаси, шунингдек, Еттисув ерлари сўнгги 1,5 минг йил давомида XVIII асрда қисқа муддатга жунгарлар ва қозоқлар босиб олганини ҳисобга олмаганда, Чоч, яъни Тошкентга қарашли бўлган. Юқорида тилга олинган В. Вататзи (1730 й.) харитасида ΤΟΥΡΚΙΣΤΑΝ (Туркистон) ёзуви остида икки тилда, юнон ва лотин тилларидаги ёзувда шундай дейилган: “Ўтмишда бу машҳур вилоят эди, унда мусулмонлар яшаганлар, уларни баъзан “сарт” (*Sarta – σαρται*) деб атар эдилар. Улар

кимда қурол кўпроқ бўлишига қараб, қозоқлар (*Casacis – каζακων*) га ёки *Condosides* (*κονδοσιδων*) га бўйсунар эдилар”.

Чоч (арабчада ал-Шаш) Марказий Осиёнинг ўтроқ турк аҳолиси яшайдиган энг муҳим вилоятларидан бири бўлиб, уларнинг авлодлари ҳозирги кундаги ўзбеклардир. Ўрта асрларда бутун Сирдарё ҳавзаси ва Еттисув ерларида ўғузлар ва қарлуқлар яшаганлар, “ж” ловчи лаҳжаларда сўзлашувчилар, яъни ҳозирги қозоқларнинг аجدодлари бу ерларда мўғуллар даврида (биринчи оқим) ва Шайбонийлар (иккинчи оқим) даврида пайдо бўлганлар [Камолиддин 2009: 59 – 65].

1924 йилгача Марказий Осиё шаҳарларидаги турк ва форс тилларида сўзлашувчи ватандошлар ўртасида ҳеч қандай миллатлараро низолар йўқ эди. Форс тилини ҳар бир ўқимишли одам билар эди, бу тил амалда ўзбеклар учун иккинчи тил вазифасини бажарар эди. Маданият, яъни дин, урф-одатлар, анъаналар ва турмуш тарзининг умумийлиги, ўзбеклар ва уларнинг форс тилида сўзлашувчи кўшнилари ўртасидаги этник фарқларни йўқотар эди, бу эса аралаш никоҳлар ва иккитиллиликнинг кенг тарқалишига олиб келди. Этнографик маълумотларга кўра, Бухорода форс тилининг кенг тарқалишига қарамай, шаҳарнинг кўпчилик аҳолиси ўзларини тожик эмас, ўзбеклар деб ҳисоблар эди. 1926 йилги аҳолини рўйхатга олишда маҳаллий аҳолининг 41 839 кишисидан 27 825 нафари ўзларини ўзбек деб атаганлар, фақат 8 646 киши эса ўзини тожик деган. XIX асрда бухороликлар ўзларини ўзбек деб ҳисоблашган, тожик деб улар ўзларини эмас, Эрондан кўчириб келинган форсларни атаганлар [Сухарева 1958: 79]. Инглиз саёҳатчиси А. Борнс шундай деб ёзган эди: “Бухоролик ўзбекнинг қиёфасида турк ёки татарга ўхшашлик топиш қийин, чунки унга форсларнинг қони кўп кўшилган” [Путешествие 1848 II: 389 – 390]. Турк ва форс тили ўзбеклар орасига низо айнан 1924 йилда “миллий-худудий чегараланиш” вақтида киритилган эди. А. Холид ўзининг мазкур китобининг 9-бобида айтганидек, бу йилни “тожик халқи” нинг туғилган куни деб ҳисоблаш мумкин, шундан кейин “тожиклар” болшевикларнинг шиорлари билан қуролланиб, “Туркистон халқининг миллий зиёли-ларига қарши очик уруш бошлаганлар.”

“Tajik as a Residual Category” (“Тожиклар қолдиқ табақа сифатида”) мақоласида муаллиф Тожик мухторияти шаклланишидан кейин тожикларнинг шаклланиши жараёнини кўриб чиққан. Мақоланинг бошида муаллиф ёзадики, 1924 йилда тожик номли халқ йўқ



эди, кейин эса (292-300-бетлар) бу масалага “The Absence of the Tajiks” (“Тоҷикларнинг йўқлиги”) номли махсус бўлим бағишлади. “Тоҷик халқи” ғоясининг назарий асосчиси С. Айний эди. 309-бетда у шундай ёзади: “... Айни пайтда “тоҷик халқи” С. Айний таърифида форс тилида сўзлашувчи бошқа халқлар – эронийлар, афғонлар ва Эроннинг ўзининг аҳолиси, яъни форсларни ўз ичига олмас эди. Бу ерда С. Айний “тоҷик халқи” нинг абадийлик, тарихий бирламчилик ва маҳаллийликка даъволарини уларнинг маданий устунликка бўлган даъвоси билан бирлаштирган эди”. Бундан кейин, 310-бетда ўқиймиз: “Шуни таъкидлаш керакки, С. Айнийнинг “тоҷиклик” сиёсати Эронга ҳеч қандай алоқаси йўқ эди. “Тоҷик халқи” Мовароуннаҳр ва Туркистонда туб аҳоли эди, унинг ўзининг ҳақ-ҳуқуқи, ўзининг маданияти ва адабиёти бор эди.”

Манбалардаги маълумотларни ўрганиш ҳам шуни кўрсатадики, Тоҷикистон Республикасининг тузилишидан олдин, С. Айний ёзган “тоҷик халқи” ҳақиқатда ҳам йўқ эди. Туркистондаги форс тилида сўзлашувчи одамлар, асосан, Эрондан Марказий Осиёга арабларнинг босқини давридан бошлаб XX аср бошигача турли даврларда кўчиб келганлар. Кўплаб этнографик маълумотларнинг тасдиқлашича, уларнинг орасида форс тилига ўтган турклар ҳам кўп эди. Масалан, XIX асрнинг охири – XX аср бошида Афғонистон ва Бухоро амирлигининг шарқий қисмида кўплаб туркий қабилалар ва уруғлар ўтроқлашган, шу билан бирга улар форс тилига ўтганлар [Кармышева 1976].

Ўша вақтларда Марказий Осиёда икки тиллилик кенг тарқалган эди, тил эса этник мансубликни белгиловчи кўрсаткич эмас эди. Бу масалада, биринчи навбатда, диний мансублик (сунний, шиъа, яҳудий, ва ҳ.к.), кейин ҳаёт тарзи (ўтроқ ёки кўчманчи) ва, албатта, сиёсий мансублик муҳимроқ кўрсаткичлар эди. Турли хил хонликларда яшовчи бир хил қабилалар ва халқларнинг вакиллари турлича аталган. Мисол учун, Туркистонга Эрондан кўчириб келинган туркий тилли одамларни маҳаллий аҳоли худди форсларни сингари “эронийлар” деб атаган. Шу сингари, ўзбеклар ҳам 1924 йилгача 2 тилда – турк ва форс тилларида сўзлашганлар (араб. *зу-л-лисонайн* – “икки тилли”).

Кўриб турганимиздек, Марказий Осиёдаги барча миллатлараро низолар рус босқинчиларининг олиб борган сиёсати туфайли бўлган.

Улар ўзбекларга тегишли бўлган қонуний ҳокимиятни тортиб олиб, улар бир кун ўз ҳокимиятини қайта тиклай олмаслиги учун ҳамма чора-тадбирларни қилдилар. Бугунги кунда барча қўшни республикаларнинг Ўзбекистонга ҳудудий даъволари бор: қozoқлар Тошкент ва Қорақалпоғистонни истайдилар, қирғизлар бутун Фарғона водийсига, тожиклар Самарқанд ва Бухорога, туркманлар эса Хоразмга даъво қиладилар.

Бундан чикди, ўзбекларнинг ўзларининг ерлари йўқ экан-да. Аслида эса 1924 йилги “миллий-ҳудудий чегаралиниш” даврида энг кўп йўқотишларни бошидан кечирганлар бу ўзбеклар эди, чунки руслар истилосига қадар 350 йил вақт давомида Марказий Осиёдаги барча ерларнинг сиёсий ва қонуний эгаси ўзбеклар эди. Буни биз ўрта асрларда Европада чизилган хариталарда ҳам кўришимиз мумкин. Уларда Usbeck (Usbekia, Özbekistan) мамлакати ҳудудида яшовчи туркманлар (*Turkmenoi*), қozoқлар (*Kazakoi*), қирғизлар (*Khrkizoi*) ва қорақалпоқлар (*Karakalpakoi*) қайд этилган. Баъзи хариталарда Usbeck, Usbekia ва Özbekistan ҳудудининг ичида Turkmania (жануби-ғарбда) ва Karakalpakia (шимоли-ғарбда) вилоятлари кўрсатилган. Бироқ, кўпчилик хариталарда улар жой номи эмас, балки халқ номи сифатида қайд этилган. Бу эса уларнинг Ўзбекистон ҳудудида яшганликларини билдиради. XVI – XVIII асрларда чизилган тарихий хариталар ёки глобусларнинг бирортасида ҳам “тожик” номи қайд этилмаган, бу номдан тузилган топоним ҳақида гапирмаса ҳам бўлади [Камолитдин 2005: 30 – 33; 2005: 36 – 41].

Ушбу маълумотларга асосланиб айтишимиз мумкинки, XX аср бошида Марказий Осиё халқлари ижтимоий-сиёсий ривожланишнинг турли даражаларида бўлганлар. Демак, уларнинг минтақа тарихидаги ўрни ва аҳамияти ҳам бир хил эмас эди. Дашт-и Қипчоқ ўзбеклари XVI аср бошидан бошлаб Марказий Осиёда сиёсий ҳокимият эгалари эдилар. Улар Марказий Осиёнинг маҳаллий турк ўтроқ ва шаҳар аҳолисининг маданиятини қабул қилдилар, маҳаллий аҳоли уларга Темурийлар ва улардан олдинги турк сулолалари давлат анъаналарининг давомчилари ва ворислари сифатида қараганлар. XVI – XVIII асрларда. Уларнинг умумий ҳудуди, ёзма адабий тили ва маданияти бор эди. Шу сабабли, ўша пайтдаги сиёсий хариталар ва глобусларда уларнинг мамлакати Usbeck, Usbekia ва Özbekistan деб номланган. Марказий Осиёдаги туркманлар, қozoқлар, қирғизлар ва қорақалпоқ-

лар каби бошқа этник гуруҳлар асосан кўчманчилик турмуш тарзи олиб борганлар. Улардан фақат қозоқлар мустақил эдилар ва ўз давлатчилигига эга эдилар (Kosaki Horda – “Қозоқ ўрдаси”). Марказий Осиёнинг бошқа халқлари – туркманлар, қирғизлар ва қорақалпоқлар XVI – XVIII асрларда ўзларининг сиёсий ҳокимиятига эга эмас эдилар, улар минтақа аҳолисининг бир қисмини ташкил этиб, ўзбек хонликларининг таркибига кирганлар. Шу сабабли, ўша даврнинг сиёсий хариталари ва глобусларида улар фақат ўзларининг яшаш жойларини кўрсатувчи этнонимлар сифатида қайд этилган. Тожикларга келсак, улар тарихий хариталарда умуман қайд этилмаган. “Сартлар”, яъни ўтроқ ва шаҳар турклари сингари улар яшаш жойларининг номи билан аталган – бухоролик, самарқандлик, фарғоналик ва ҳ.к., ва “Ўзбегистон” давлати аҳолисининг бир қисми бўлганлар [Камолидин 2004: 63 – 64]. Шундай қилиб, XVI – XVIII асрларда Usbeck, Usbekia ва Özbekistan жой номлари бирлаштирувчи этно-маданий ва этно-сиёсий аҳамиятга эга бўлиб, бу уюшма фақат минтақада сиёсий ҳокимиятга эга бўлган этник ўзбекларни эмас, балки бу давлатнинг ўзагини ва маданий асосини ташкил қилган “сартлар”, яъни қишлоқ ва шаҳар туркларини, шунингдек, уларга қўшилган Марказий Осиёнинг кўчманчи қабилалари ва кам сонли келгинди миллат вакиллари – тожиклар, араблар, яҳудийлар ва бошқаларни ҳам ўз ичига олган. Бу аҳоли гуруҳларининг барчасининг умумий адабий ёзма тили “чиғатой тили”, яъни эски ўзбек тили эди. Бу тил XX аср бошларига қадар интердиалект, яъни халқаро мулоқот тили вазифасини бажариб келган [Касимова 2004: 270 – 273]. Бугунги Ўзбекистон ҳам турли халқларнинг худди шундай этно-маданий ва этно-сиёсий бирлашувидан иборатдир. Шунинг учун, менинг фикримча, “қизил руслар” минтақавий ривожланиш жараёнига ҳеч қандай янгилик киритмадилар, уларнинг хизмати “янги ўзбек” миллатини вужудга келтириш [Ильхамов 2002: 288 – 290] эмас, балки сиёсий жиҳатдан марказлашган бўлмаса ҳам, этно-маданий жиҳатдан яхлит бирлашувни парчалаб ташлаш эди.

1924 йилдаги “миллий ҳудудий чегараланиш” натижасида ўзбеклар ўзларининг кўп ерларидан айрилдилар, чунки рус истилочилари уларни ўзларининг хизматкорлари – қозоқлар, қирғизлар ва тожикларга бўлиб бердилар. Рус истилочиларининг энг катта рақиби ва душмани бу шу ерларнинг қонуний эгалари ўзбеклар эди. Шунинг

учун рус истилочиларининг барча сиёсати ўзбекларга қарши қаратилган эди.

Қадимги юнон манбаларидан маълум бўлишича, Оҳамонийлар даврида форс босқинчилари Марказий Осиёдаги барча йирик сув манбаларини тўсиб, 7 та катта тўғон қурганлар. Экин майдонларини суғоришга сув олиш учун маҳаллий ер эгалари форсларга товон тўлаб туришга мажбур эдилар. Акс ҳолда, форслар сувни тўсиб, уларнинг экинлари нобуд бўлар эди. Шунга ўхшаш сиёсатни Туркистонда рус мустамлакачилари олиб борганлар. Чор Россияси даврида Туркистоннинг барча сув манбалари Россия мулки деб эълон қилинган эди. «Миллий ҳудудий чегараланиш» ўтказилгандан сўнг, рус истилочилари ўзбекларни назорат остида олиб туриш мақсадида барча асосий сув манбаларида Ўзбекистонга «ажратилган» ҳудуднинг атрофларига тўғонлар қурдилар. Ушбу тўғонлар атайлаб Ўзбекистон чегарасидан ташқарида бошқа республикалар – Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон ҳудудларида қурилган, ва бош элмаган ўзбекларга босим ўтказиш учун кучли восита бўлиб хизмат қилган. Бу тўғонлар ёрдамида, керак бўлганда, ўзбек деҳқонларининг ҳосилига зарур бўлган сувни кесиш мумкин эди. Уларнинг бошқа мақсади, керак бўлганда, қўшни халқлар ўртасида миллий низолар қўзғаш эди. Ушбу тўғонлар ҳали ҳам ўзининг мазкур вазифасини бажариб келмоқда, ва, керак бўлганда, Ўзбекистонга босим ўтказиш учун хизмат қилади.

### ***Саволлар:***

1. *“Миллий-ҳудудий чегараланиш” нинг асл мақсади нимадан иборат эди?*

2. *1924 йилда Туркистон ўлкасининг қайси ҳудудлари Қозоғистон республикасига бериб юборилган?*

### ***Мустақил иш учун топшириқлар:***

1. *1924 йилгача бўлган Туркистон ўлкасининг тарихий географияси.*

2. *Бухоро ва Хива хонликларининг тарихий географияси.*

## 5.5. Ўзбекистонда “босмачилик” ҳаракатининг аҳамияти

*Дарсинг ўқув мақсади:* Ўзбекистонда 1920-йилларда янги ҳокимиятга қарши вужудга келган “босмачилик” ҳаракатининг асл моҳияти, ҳаракатлантирувчи кучлари ва олдига қўйган мақсадлари билан таништириши.

*Таянч тушунчалар ва иборалар:* ёш коммунистлар, жадидлар, миллий озодлик зоялари, уламолар, босмачилар, қўрбошилар, ватандошлар уруши, миллий қатагон, маънавий қадриятларнинг тугатилиши.

1917 йил октябр тўнтаришидан кейин Туркистоннинг вилоятларидаги қишлоқ аҳолиси орасида уламолар раҳбарлигида босмачилик ҳаракати бошланди. Бизда уни кўпинча русларга ва болшевикларга қарши қаратилган миллий озодлик ҳаракати деб англатилади. Лекин аслида масала бундан мураккаброқ бўлган. Босмачилик ҳаракати биринчи навбатда уламоларнинг ашаддий душмани бўлган жадидларга қарши қаратилган эди. Бу қарама-қаршиликда босмачилар баъзан ҳатто “қизил руслар”, яъни болшевиклар билан ҳам ҳамкорлик қилганлар. Улар учун энг катта душман рус мустамлакачилари эмас, мусулмонларнинг анъанавий ҳаётига янги ўзгаришлар киритмоқчи бўлган шаҳарлик зиёлилар эди. Бу ерда шаҳар билан қишлоқ, янги тараққиёт билан эски урф-одатлар ўртасидаги тафовут биринчи ўринда бўлган. Шунинг учун бу ҳаракатга “миллий озодлик учун кураш” деб эмас, “гражданлар уруши”, яъни ватандошлар уруши деб баҳо берилса, тўғрироқ бўлади.

Босмачилик ҳаракатининг таркибидаги қуроли кучлар таркибида турли мақсадлар учун курашган қўшинлар бор эди. Уларнинг баъзилари онгли равишда “қизил руслар” га ва, умуман, русларга қарши кураш олиб борганлар. Уларнинг орзуси Туркистонни рус босқинчиларидан озод қилиб, сиёсий ва иқтисодий мустақилликка эришиш эди. Масалан, Файзулла Хўжаевнинг амакисининг ўғли Усмон Хўжа (1878 – 1968) Бухорода унга берилган олий мансабни тарк этиб, туркиялик ҳарбий эмиссар Анвар Пошонинг қуроли кучларига қўшилган ва у билан бирга “қизил руслар” га қарши кураш олиб борган. Кейинчалик у оиласи билан Афғонистонга қочишга



мажбур бўлган ва бутун умри муҳожирликда ўтган. Усмон Хўжа ўзининг ватан истиқлоли учун сиёсий курашини Туркияда давом этдирди. Бу ерда унинг атрофига Туркистондан “қизил руслар” зулмидан қочган зиёлилар тўпландилар. Улар ўзларининг сиёсий ташкилотини туздилар, газета ва журналлар чоп этдилар. Нашр этилган мақолаларда, асосан, Туркистонни руслар истилосидан озод этиш ғояси илгари сурилган эди. Туркистон муҳожирлари халқаро ташкилотларга ва чет элларнинг ҳукуматларига ҳам молиявий ва ҳарбий ёрдам сўраб мурожаат этдилар, улар Туркистонга ҳарбий юриш қилиб, уни “қизил руслар” дан озод қилишни режалаштирган эдилар. Усмон Хўжанинг ўғли Темур Хўжа ўғли ҳозирги кунда турк тиллари тарихи ва этнографияси бўйича йирик мутахассис, у Туркиядаги Коч университети ва Америкадаги Мичиган университетининг профессори. Унинг айтишича, Усмон Хўжа умрининг охиригача ватанини қумсаб, унинг тақдири учун қайғуриб яшаган, бир кун унга қайтишни, рус истилочиларидан ва коммунистлардан озод қилишни орзу қилган. Шўролар даврида Усмон Хўжа “сотқин” ва “ватан хоини” деб қораланган эди. Мустақиллик даврида унинг номи оқланиб, 2014 йилда Тошкентда унга бағишланган махсус рисола нашр этилди.

Туркистон мусулмонларининг миллий озодлиги учун русларга қарши қуролли кураш олиб борган фидоийлардан яна бири бошқирд зиёлиси Аҳмад Закий Валидий Тўғон (1890 – 1970) эди. У ҳам дастлаб ўз ватанида сиёсий кураш олиб боришга ҳаракат қилган. Унинг фойдаси йўқлигини англагач, Туркистонга келиб, бу ерда шўроларга қарши қуролли курашини давом этдирган. У ҳам чет элга қочишга мажбур бўлган ва аввал Олмонияда таҳсил олган, кейин Туркияда кўним топиб, у ерларда Туркистон тарихи бўйича илмий тадқиқотларини давом этдирган. Унинг қизи Эсонбека Тўғон хитой тилидаги манбалар ва Марказий Осиё тарихи бўйича йирик мутахассис, профессор, Туркия Фанлар Академиясининг ҳақиқий аъзоси. Унинг айтиши бўйича, отаси бошқирд бўлса ҳам, Туркистонни ўз ватани деб ҳисоблаган ва умрининг охиригача Туркистонга қайтишни ва уни коммунистлардан озод қилишни орзу қилган. Шўролар даврида у ҳам сотқинликда айбланиб, унинг қилган ишлари қораланган эди. Собик “шўролар иттифоқи” парчаланиб, шўролар ҳокимияти афдарилгандан кейин унинг номи ҳам оқланиб, Бошқирдистондаги

Уфа шахрида бир кўча унинг номи билан аталди ва унга ҳайкал ўрнатилди.

Булар сингари инсонлар кўп бўлган. Туркистондан XX асрнинг 20-йилларида юз минглаб одамлар рус истилочилари ва болшевикларнинг зулмидан чет элларга қочишга мажбур бўлганлар. Шўролар даврида улар сотқин, уларнинг фаолияти эса ватанга хоинлик деб таърифланган ва қораланган. Юртимиз тарихчилигида бундай қараш яқин-яқин вақтларгача, мустақиллик даврида ҳам ҳукмрон эди, ҳозир ҳам деярли ўзгаргани йўқ. Лекин биз уларни ҳам фарқлашимиз керак. Баъзи одамлар иқтисодий қийинчиликлар туфайли кетганлар, баъзилар диний қадриятлар оёқости қилингани туфайли кетганлар, баъзилар эса сиёсий курашни давом этдириш ва ватан истиқлолига эришиш учун янги имкониятларни излаш учун кетганлар. Агар биз бунга ҳозирги кун нуқтаи назаридан, яъни истиқлол мафкураси кўзи билан қарайдиган бўлсак, бу одамлар, яъни Усмон Хўжа, Валидий Тўғон ва уларнинг сафдошлари сотқин эмас, миллат фидойилари, ватан истиқлоли учун ҳақиқий кураш олиб борган ватанпарвар инсонлар бўлганлар.

Лекин биз Туркистонда қолган ҳамма зиёлилар ҳақида ҳам бундай дея олмаймиз. Жадидлар Чор ҳукумати даврида рус мустамлакачиларига қарши очик сиёсий фаолият олиб бормаганлар. Сиёсий кураш ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Чунки бунга имконият ҳам бўлмаган эди. Янги тараққийпарвар ғоялар билан чиққан ёш зиёлиларга эргашувчилар жуда кам эди. Саводсиз омма уламоларга кўр-кўрона ишонар эди. Уламолар эса рус мустамлакачилари билан тил бириктирган эдилар. Жамият 2 га бўлинган эди. Туркистонда бутун халқни бирлаштириб, мустамлакачиларга қарши курашга бошчилик қилувчи сиёсий куч йўқ эди. Мисол учун Ҳиндистонда ҳам инглиз мустамлакаси ўрнатилган эди. У ернинг аҳолиси турли табақалардан ва турли тилларда сўзлашувчи халқлардан ташкил топган эди, одамлар турли хил динларга эътиқод қилар эдилар. Лекин у ерда бу табақалар ва халқларнинг ҳаммасини бирлаштириб, инглиз мустамлакачиларига қарши курашга бошчилик қилган сиёсий раҳбар бор эди. У ҳам бўлса, Маҳатма Ганди эди. У Англияда ҳуқуқшунослик фанидан таҳсил олган, кўп тилларни билган ўқимишли ва саводи баланд одам эди. У мустамлакачиларнинг қонунчилигини, шунингдек, халқаро қонунларни яхши билар эди. Шунинг учун ҳам у халқларни

кетидан эргаштириб, мустамлакачиларга қарши малакали сиёсий кураш олиб боришни ташкил эта олди. Метрополиянинг Ҳиндистондан йироқда жойлашганлиги ҳам ёрдам берди.

Афсуски, Туркистонда бундай раҳбар етишиб чиқмади. Русларнинг нисбатан яқин ерларда жойлашганлиги, яхши қуролланганлиги ва ўта шафқатсизлиги ҳам уларга қарши очиқ сиёсий кураш олиб боришга ҳеч қандай имконият қолдирмади. Уламолар “оқ подшоҳ”нинг манфаатига хизмат қилдилар, саводсиз халқ уларга эргашди, ёш жадидларнинг эса тарафдорлари кўп эмас эди. Шунинг учун улар рус “чиновник” лари белгилаган чизикдан чиқмасдан фаолият олиб боришга мажбур эдилар.

Шўролар ҳукумати даврида жадидларнинг баъзилари “қизил руслар” га қўшилдилар, уларнинг идораларида хизмат қилдилар ва курашни русларга қарши эмас, уламоларга қарши олиб бордилар. Улардан кейин миллий ёш коммунистлар етишиб чиқиб, “қизил руслар” нинг мададкорларига айландилар. Уламолар Чор ҳукумати даврида рус мустамлакачи маъмуриятининг содиқ таянчи бўлдилар ва жадидларнинг тараққийпарвар ғояларини инкор этдилар. Натижада жамият иккига бўлиниб, русларнинг мустамлакачилик сиёсатига қаршилик қилишга ожизлик қилган. Шўролар даврида ҳам уламолар халқни “қизил руслар” га қарши курашда бирлаштириш ўрнига жадидларга қарши кураш олиб бордилар. Босмачилар эса, асосан, оми қишлоқ аҳолиси бўлганиги туфайли уларга эргашганлар, улар ҳеч қандай сиёсий мақсадларни кўзламаганлар, уларнинг асосий мақсади ватан истиқлоли ва миллат озодлиги эмас, балки янги ғоялар ва тараққийпарвар ислохотлар, ва уларни тарқатувчилар, яъни шаҳарлик зиёлиларга қарши кураш олиб бориш бўлган. Улар олиб борган фаолиятда маҳаллий аҳолини талон-тарож қилиш, уларга нисбатан куч ишлатиш, адолатсизликларга йўл қўйиш ҳолатлари ҳам кўплаб юз берган. Шунинг учун биз уларга нисбатан “истиклол учун курашчилар”, “миллат қаҳрамонлари” каби ибораларни ишлатганимизда, уларни ҳеч бўлмаса фарқлай билишимиз керак.

Ҳозирги вақтда чет элларга кетишга мажбур бўлган ўзбек истиқлолчиларининг авлодлари Саудия, Туркия, Америка ва Европанинг турли мамлакатларида яшайдилар. Уларнинг кўпчилиги ўз миллатининг урф-одатлари, тили, дини ва маънавий қадриятларига содиқ қолганлар. Шунинг учун биз уларга сотқинлар ва ватан хоинлари деб

эмас, миллатимизнинг бир қисми, ватандошлар, қолаверса, истиқлолчи фидоийларнинг авлодлари деб қарашимиз керак.

**Саволлар:**

1. “Босмачилик” ҳаракати қачон узил кесил тугатилган?
2. Ўзбекистонда олиб борилган қатагон сиёсати кимга қарши қаратилган эди?

**Мустақил иш учун топшириқлар:**

1. “Босмачилик” ҳаракатининг асосий ўчоқлари.
2. “Босмачилик” ҳаракати бўйича олиб борилган илмий тадқиқотлар тарихнавислиги.

## 5.6. Ўзбек зиёлиларига қарши қатагонлар

*Дарсинг ўқув мақсади:* Тожик мухтор вилояти асосчиларининг “партия сафларида тозалик учун кураш” шиори ва ниқоби остида ўзбек зиёлиларига қарши олиб борган фаолияти билан таништириши.

*Таянч тушунчалар ва иборалар:* панисломизм, пантуркизм, ўзбек зиёлилари, тожик миллатчилари, тозалашлар, “қизил террор”, қатагонлар, отиб ташлашлар.

Тарихдан маълумки, И. В. Сталин бошчилиги остида айниқса 20- ва 30-йилларда фаол олиб борилган “қизил террор” ва қатагонлар давомида ўзбек зиёлиларининг деярли ҳаммаси отиб ташланган эди. Улардан фақат ўз касбдошлари ва дўсталарига қарши кўрсатма беришга рози бўлган бир нечтаси омон қолган. Лекин бу воқеаларда бизнинг тожик кўшнилари кизил руслар тарафида фаол иштирок этганлигини кўпчилик билмайди. Америкалик шарқшунос олим Адиб Холид ўзининг “Making Uzbekistan” (“Ўзбекистоннинг ташкил этилиши”) номли китобида бу масалага махсус бўлим бағишлаган (155 – 179-бетлар).

Унинг ёзишича, “ўзларини турк уммони ичидаги эроний (ёки орий) уқунларини сақловчи тожик зиёлилари форс маданиятининг

қадимий марказлари Ўзбекистонга қарашли эканлигидан ҳафа бўладилар. Бунинг учун айбни улар биринчи навбатда 1920-йиллардаги тожик зиёлиларига қўядилар, чунки улар ўз халқининг манфаатларини ҳимоя қила олмаганлар. Иккинчидан, айбни “ўзбек пантуркчилари ва шовинистлари” га қўядилар, чунки улар тожикларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ўзлаштириб олганлар. Уларнинг фикрича, миллий чегараланиш бошидан тожикларга қарши қаратилган эди” (155-бет).

Тожикларнинг бу даъволарига жавоб бериб, муаллиф ёзади: “Тожикистоннинг бундай шаклда вужудга келишининг сабаби шуки, 1924 йилда ҳеч қандай “тожик халқи” йўқ эди. Форс тилида сўзлашувчи зиёлилар ва сиёсат арбоблари ўзларини “тожик” деб билмаганлар. Шунинг учун улар тожик халқининг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилмаганлар. Уларнинг кўпчилиги Ўрта Осиёга “чиғатой” нуқтаи назаридан қараганлар. Ўша даврда барча зиёлилар қайси тилда сўзлашишидан қатъи назар “туркчилик” ғоясининг тарафдорлари бўлганлар. Миллий чегараланиш бу маданий-сиёсий жараёнга чек қўйди. Зиёлилар тожикларга асосан Шарқий Бухоронинг тоғли ҳудудларида яшовчи қишлоқ аҳолиси сифатида қараганлар. Чунки форс тилида сўзлашувчилар фақат ўша ерда ғуж бўлиб яшаганлар. Тожикистоннинг ташкил топиши “чиғатой” ғоясининг ривожига бироз салбий таъсир ўтказди, лекин бу зиёлиларнинг тожикларга бўлган умумий қарашини ўзгартирмади. Энг муҳими шуки, XX аср бошидаги миллатлар ҳақидаги мулоҳазаларда форс тилида сўзлашувчилар номидан қандайдир ҳаракатлар ва тарғибот умуман йўқ эди. У даврда жадидлар фақат Ўрта Осиёнинг туркий илдизлари ва бошқа туркий тилли халқлар билан яқинлиги ҳақида сўз юритганлар. Лекин эроний илдизлар ва Эрон билан яқинлик ҳақида ҳеч ким ҳеч қандай фикр билдирмаган. Қолаверса, форс тили ҳеч қачон миллий ғоя учун кураш воситаси бўлмаган. Форс тили Бухоро ва Туркистонда “форсий” деб аталган, “тожик” сўзи бу тилга нисбатан ҳеч қачон ишлатилмаган. Бухоро ва Туркистондаги сиёсатда фаолият олиб борган форс тилида сўзлашувчи зиёлиларнинг кўпчилиги “туркчилик” ғоясига ишонганлар. Чунки ўша даврда энг кучли ва ривожланган мусулмон давлати Усмонли империяси эди, ва ҳамма мусулмонлар учун намуна эди. У ерда олиб борилаётган ислоҳотларга ҳамма тақлид қилар эди. Хусусан, бухороликлар учун ҳам Усмонли империясидаги ислоҳотлар тақлид қилиш учун намуна эди. Эрон эса ўша даврда жуда кичик,



қолоқ ва обрўси йўқ мамлакат эди. Шу сабабли у бошқалар учун тақлид қилиш учун намуна бўла олмас эди. Бунинг устига Эронда исломнинг *шиъа* мазҳаби ҳукмрон эди, лекин *сунна* мазҳабидаги бухороликлар учун бунинг ҳеч қандай аҳамияти йўқ эди” (155-бет).

Ўзбекистонда Тожик мухториятини ташкил этишни мавжуд бўлмаган “тожик комитети” эмас, Файзулла Хўжаев таклиф қилган эди. Амалда эса Тожикистон Бухорода сиёсий курашларда мағлуб бўлганларнинг ахлатхонаси эди. Шундай қилиб, Тожикистоннинг вужудга келиши Ўзбекистон ташкил топишининг орқа томони эди. Агар Ўзбекистон Марказий Осиёда Темурийлар давлатчилигининг вориси бўлса, Тожикистон Манғитлар давлатининг энг қолоқ ўлкаларидин бири эди. Тожикистоннинг ташкил топиши ўзбек раҳбарияти учун кераксиз нарсадан қутулиш чораси эди. 1924 йилда Марказий Осиёда форс тилида сўзлашувчилар кўп эди, лекин ҳеч қандай “тожик халқи” йўқ эди. Ҳатто асосий тожик халқи номидан гапира оладиган, унинг талабларини илгари сурадиган ва тан олинishi учун кураш олиб борадиган тожик миллий ҳаракати ҳам йўқ эди. Бундай вазиятда форс тилида сўзлашувчилар билан уларнинг туркий тилли қўшниларидан фарқ қилувчи ягона кўрсаткич тил эди, тил эса Туркистонда ҳеч қачон форс тилида сўзлашувчилар учун ўзлик кўрсаткичи ёки сиёсий ҳаракат манбаи бўлмаган. Ҳақиқатан, 1924 йилда тожиклар халқ сифатида мавжуд бўлмаганлар.

Адиб Холиднинг ёзишича, “Тожик мухтор вилоятининг ташкил топиши тожик миллатчилиги натижасида юз бермаган, аксинча, унинг ташкил топиши тожик миллатчилигини келтириб чиқарган. Тожик миллатчилари бошидан партиядagi панисломизм ва пантуркизмга қарши ғояларни ўз манфаатига хизмат қилдириб, уларни ўзбекларга қарши қаратганлар. Бу “ғоявий” курашда улар ўзларини ҳақиқий болшевиклар сифатида кўрсатишга ҳаракат қилганлар. Улар партия раҳбарларига ўзбекларни шундай салбий тарзда кўрсатганлиги натижасида ўзбек зиёлилари жуда ҳам оғир йўқотишларни бошидан кечирди” (314-315-бетлар).

Ҳақиқатни билиш учун шу сўзларнинг ўзи кифоя, ва ҳеч қандай изоҳ талаб этмайди. Бундан келиб чиқадики, минглаб ўзбек ўғлонларининг ҳаётига зомин бўлган сиёсий қатағонларда рус босқинчилари билан тил бириктирган “тожик” миллатчиларининг ҳам қўли бўлган. Шунини ҳам айтиш жоизки, “тожик” зиёлилари бундай йўқо-

тишларга дучор бўлмади. 30-йилларда уларнинг бирортаси ҳам қатағон қилинмади, ва узоқ умр кўриб, 50- ва 60-йилларда ўз ўлими билан вафот этди.

Ҳар йили 31 августда ўзбек халқи қатағон қурбонлари хотираси кунини нишонлайди, лекин шу вақтгача бу қатағон қурбонларининг кўпчилиги Тожиқ мухтор вилояти асосчиларининг сотқин фаолияти натижасида отиб ташланганлиги ҳақида ҳали ҳеч ким эсламаган.

***Саволлар:***

- 1. Тожиқ мухтор вилоятининг асосчилари ким бўлган?*
- 2. Тожиқ миллатчилари ўзбек зиёлиларига қарши курашда ким билан тил бириктирган эдилар?*

***Мустақил иш учун топшириқлар:***

- 1. Тожиқ республикаси ва тожиқ миллатчилигининг вужудга келиши ва шаклланиши.*
- 2. Тожиқ миллатчиларининг ўзбек зиёлиларига қарши сотқинлик фаолияти.*

## **5.7. Шўроларга қарши демократик ҳаракатлар**

*Дарсинг ўқув мақсади: Шўролар даврида коммунистларга қарши фаолият олиб борган инсонлар ва демократик ҳаракатлар ҳақида тушунча бериш.*

*Таянч тушунчалар ва иборалар: инсон ҳуқуқлари учун кураш, сўз эркинлиги, демократия, диссидентлар, демократик ҳаракатлар.*

Шўролар даврида уларга қарши кураш олиб борган ва ҳатто фикр билдирган одамлар 60-йиллардан бошлаб “диссидент” деб аталар эди. Ўзбеклар ичида бунга журъат этганлар йўқ эди ёки деярли йўқ эди. Бирор нарса дейиши мумкин бўлганлар 30-йиллардаги “қизил террор” давомида отиб ташланган эди, урушдан кейин эса қатағон давом этди ва ҳеч ким бунга журъат этмас эди. Лекин уруш вақтида бундай одамлар ҳали бор эди. Шундай одамлардан бири Боймирза Ҳайит эди. У 2-Жаҳон урушида иштирок этиб, немислар

қўлига асир тушган ва уларнинг қўшини таркибидаги “Туркистон легиони” да шўроларга қарши кураш олиб борган эди. Шўролар даврида у ватан хоини, сотқин деб таърифланган эди. Тўғри, коммунистлар ва руслар нуқтаи назаридан у, албатта, сотқин ва ватан хоини эди. Лекин жаидлар ва ватан озодлиги учун курашчилар нуқтаи назарида у хоин эмас эди. Боймирза Ҳайитнинг ўзи эса ўзини миллат ватанпарвари ва рус истилочиларига қарши кураш олиб боровчи фидоий деб ҳисоблаган. Урушдан кейин у Олмонияда қолиб, ўзбек адабиёти соҳасида илмий ишлар олиб борди ва профессор илмий унвонига эришди. Унинг “Совет Иттифоқида туркликнинг ва Ислоннинг баъзи масалалари”, “Марказий Осиёда Совет ҳукуматига қарши кураш”, “Туркистонда миллий озодлик ҳаракати”, “Туркистон ва Чин орасида” ва бошқа кўплаб асарлари турли тилларда чоп этилган. Умрининг охиригача у ватанини қумсаб яшаган. 1991 йилда Ўзбекистон мустақилликка эришганда, у биринчилар қаторида ватанига келиб, уни чин юракдан қутлади ва ўзининг шахсий кутубхонасини Ўзбекистонга тақдим этиш истагини билдирди. Лекин ўша вақтда бизнинг ҳукумат ҳали бунга тайёр эмас эди ва унинг таклифи рад этилди. У 2006 йилда 90 ёшда Олмонияда вафот этди. Ҳозир орадан 25 йил ўтди. Замон ўзгарди, ёндашувлар ҳам. Ҳозирги кунда биз бунга Ўзбекистон миллий мафқураси нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, Боймирза Ҳайит тақдир тақозоси билан урушда душманларнинг қўлига асир тушган. Лекин у ерда унинг олдида янги имкониятлар очилди. 1930-йиллардаги шафқатсиз қатағон ва қирғинлардан кейин илк бор рус истилочиларига қарши кураш олиб бориш учун имкон туғилди. Унинг мақсади мустабид тузумни сотиш эмас, ватани Туркистонни рус истилочиларидан озод этиш ва миллатининг эркинлигига эришиш бўлган. Халқини ва ватанини чин юракдан севган ҳар бир инсон ҳам шундай қилган бўлар эди. Шунинг учун биз Боймирза Ҳайитнинг олиб борган фаолиятига “сотқинлик” ёки “ватанга хоинлик” деб баҳо беришимиз керак эмас, ҳеч бўлмаса, унинг илмий меросини тан олишимиз ва ўрганишимиз керак.<sup>17</sup>

Урушдан кейинги йилларда шўролар давлатида коммунистик режимга қарши фаолият олиб борган ҳаракатлар ёки фирқалар йўқ

---

<sup>17</sup> Профессор Боймирза Ҳайит ҳақидаги фикр-мулоҳазалар тузувчининг шахсий фикридир, улар учун масъулият ҳам фақат унинг ўзидадир.

эди. Лекин айрим олимлар ва ёзувчилар инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари учун кураш олиб борганлар, асарларида танқидий фикрлар билдирганлар. Бундай жасур инсонлар коммунистик режим томонидан таъқиб қилинган. Шулардан бири Нобел мукофоти соҳиби академик А. Д. Сахаров (1921 – 1989) эди. У очик коммунистик режимга қарши чиқиб, хусусан, Афғонистонда олиб борилган урушни қоралади. Ўзининг бу қарашлари туфайли у барча унвонлари ва мукофотларидан маҳрум этилди, ва сургун қилинди. Рус ёзувчи ва шоирларидан Нобел мукофоти соҳиби А. И. Солженицин (1918 – 2008) 1960 – 1980-йилларда коммунистик тузумга очик қарши чиқиб, қатор асарларида танқидий фикрлар билдирган. Бунинг учун у қаттиқ таъқибга учраб, барча ёзган асарлари тақиқланган, ўзи эса қамоқ жазосига маҳкум этилган. Шўролар ҳокимияти қулагандан кейин, бу инсонлар оқланиб, Россияда миллат қаҳрамонларига айланган, уларнинг қилган жасоратлари эса бутун дунёга машхур. Қирғиз адиби Чингиз Айтматов тузумга қарши очик кураш олиб бормаган, танқидий фикр ҳам билдирмаган, лекин ўз асарларида шўролар тузумини ва воқелигини моҳирона танқид қилиб, унинг жирканч жиҳатларини очиб ташлашга муваффақ бўлган.

Ўзбек ёзувчи ва шоирларидан фақат Эврил Турон (Мамадали Махмудов) ўз асарларида шўролар тузумига қарши танқидий фикрлар билдирган. Эврил Турон 1972 йилда Тошкент Давлат университетининг журналистика факультетини битириб, турли газета ва журналларда, хусусан, “Шарқ юлдузи” журналида муҳаррир сифатида фаолият олиб борган. 1970-йилларнинг ўрталаридан 1990 йилга қадар у Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси аъзоси бўлиб, “Богдон бўриси”, “Ўлмас ғоялар”, “Бу тоғлар – буюк тоғлар” каби асарлар ёзган. Ўзининг асарларида у шўролар империясида олиб борилган зўравонлик ва инсонга қарши сиёсат ҳақида фикрлар билдирган. Хусусан, “Богдон бўриси” ҳикоясида 1918 йилда Туркистонда юз берган қонли воқеалар ҳақида сўз юритилган. Ўшанда руслар ва арманлардан иборат қуролли кучлар томонидан ҳимоясиз қолган минглаб маҳаллий аҳоли аёвсиз қириб ташланган эди. Эврил Турон шўролар даври ўзбек ёзувчи ва шоирларидан биринчи бўлиб ўз асарларида ўзбек халқини мустақиллик учун курашга чақирган. Бу асарларда Туркистон халқларининг миллий озодлик ҳаракатини ташкил қилиш зарурлиги ғояси яққол кўзга ташланади. Ёзувчи ижодининг бундай қирра-

лари шўролар давлатининг таъқиб қилувчи ташкилоти – Давлат хавфсизлик хизмати (КГБ) нинг назорати остига тушди. 80-йилларнинг ўрталаридан бошлаб ёзувчи сўроқларга чақирилиб, унга босим ўтказила бошлади. Мустақиллик эълон қилингандан кейин ҳам ёзувчини таъқиб қилиш тўхтамади – энди буни КГБ нинг вориси Миллий хавфсизлик хизмати амалга оширди. Натижада 1994 йил 30 декабрда Мамадали Маҳмудов ЎзР ЖК нинг 130 моддаси биринчи қисми бўйича 4 йилга озодликдан маҳрум этилди. 1996 йил 9 августда у президент И. Каримов фармони билан авф этилди. Лекин таъқиблар яна давом этди, ва 1999 йил 18 августда ёзувчи яна 14 йил қамоқ жазосига маҳрум этилди. 2013 йилнинг апрел ойида ёзувчи Эврил Турон қамоқдан озодликка чиқди, ҳозир у Тошкентда истиқомат қилмоқда.

1980-йилларнинг ўрталарида шўролар давлати инқирозга юз тутиб, парчаланиш арафасида турган эди. Иқтисод танг аҳволда, порахўрлик, кўзбўямачилик, ичкиликбозлик авж олган, миллатлараро муносабатлар кескинлашган эди. Бу Л. И. Брежнев ҳукмронлиги давридаги узоқ йиллар давом этган “турғунлик” даврининг оқибати эди. Брежнев вафотидан сўнг қисқа вақт ҳокимиятга келган Ю. В. Андропов қаттиқ ва кескин чоралар қўллаб, вазиятни ўнглашга ҳаракат қилди. Ўша даврда халқимиз “ўзбек иши” номи билан тарихда қолган машъум жараённи бошидан кечирди. Аслида бу коммунистларнинг қатағон сиёсатининг янги бир кўриниши эди. 1980-йилларнинг иккинчи ярми тарихга “ошкоралик даври” номи остида кирди. Коммунистик режим қулаш арафасида эди. Ҳокимиятга келган М. С. Горбачев яккаҳокимлик (диктатура) га асосланган жамиятни ислоҳ қилишга уриниб, демократик кадриятларни ҳаётга жорий қила бошлади. Ҳукумат инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва бошқа халқаро қонунчилик нормалари билан ҳисоблашишга мажбур бўлди. Кўп ўтмай шўролар ҳокимияти ва коммунистлар диктатурасига қарши халқ демократик ҳаракатлари бошланди. Россияда демократик ҳаракатга Б. Н. Елцин бошчилик қилди. Шундай вазиятда барча “социалистик” мамлакатларда ва собиқ “иттифоқ” нинг миллий республикаларида ҳам коммунистларга қарши демократик ҳаракатлар бошланиб, айниқса Шарқий Европа ва Болтиқбўйи республикаларида авж олди. Тез орада у ерлардаги коммунистик режимлар ағдарилди, Болтиқбўйи республикалари эса сиёсий мустақиллик эълон қилиб, демократик



давлатчилик асосларини кура бошладилар. Бундай демократик ҳаракатлар бошқа миллий республикаларда, шу жумладан, Ўзбекистонда ҳам бор эди. У “Бирлик” халқ ҳаракати деб аталар эди. Унинг негизда “Эрк” демократик партияси тузилиб, расмий рўйхатдан ўтган эди. Унинг сиёсий дастури “Эрк” газетасида эълон қилинган эди, унда ўша даврда миллатимиз тақдири учун долзарб бўлиб турган барча масалалар акс этган эди. Масалан, коммунистлар яккаҳокимлигига чек қўйиш, жамиятга демократик кадриятларни жорий қилиш, ўзбек тилига давлат тили мақомини бериш, иқтисодий қарамликдан халос бўлиш ва, ниҳоят, сиёсий мустақиллик эълон қилиш. Ўша давр, яъни 1980-йилларнинг охиридаги сиёсий вазият ва жараёнлар нуқтаи назаридан бу сиёсий ташкилотларнинг фаолияти, улар кўтариб чиққан таклифлар ва талаблар табиий эди. Қолаверса, “Эрк” демократик партияси қонуний асосда фаолият олиб борган эди. Лекин бизнинг тарихшуносликда ҳалигача бу демократик ҳаракат ва сиёсий ташкилотларнинг фаолиятига салбий баҳо бериш ёки умуман бу ҳақида сўз юритмаслик қабул қилинган. Худди улар тарихда умуман бўлмагандек. Чунки шўролар давлати парчалангандан кейин Ўзбекистонда ҳокимият коммунистлар қўлида қолди. Улар зудлик билан номини ўзгартириб, демократлар кўтариб чиққан талаблар ва таклифларни ўзлари ҳаётга жорий қила бошладилар. Ғоявий кўрсатмалар ва сиёсий дастурсиз қолган коммунистлар ва комсомол етакчилари ўзларини йўқотмасдан буларни демократлардан ўзлаштирдилар.<sup>18</sup> Масалан, Россияда компартия ўзининг ғоясидан воз кечгани йўқ, ва ҳозир ҳам сиёсий фаолиятини давом этдирмоқда. Демак, бизда ҳақиқий коммунистлар бўлмаган экан-да. Ўзини “коммунист” деб юрганлар эса аслида ғояси йўқ мансабпарастлар ва оқимга қараб сузувчи “манкуртлар” дан иборат эди. Бошқачасига уларнинг ўз қарашларини бунчалик тез ўзгартирганини изоҳлаш қийин.<sup>19</sup>

---

<sup>18</sup> Коммунистлар демократлардан ҳатто уларнинг номини ҳам ўзлаштирдилар: энди уларнинг партияси “халқ демократик” деб атала бошлади. Ваҳоланки, унинг халққа ва демократияга ҳеч қандай алоқаси йўқ эди. “Бирлик” ҳаракати эса ҳақиқатда халқ ва демократик ҳаракат эди.

<sup>19</sup> Бу ерда ҳамма коммунистлар эмас, балки коммунистик мафқурани ўзининг касбига айлантриб олган компартия раҳбарлари ва “комсомол” етакчилари назарда тутилган. Сталин қатағонлари даврида кўп одамлар жонини сақлаш ва таъқиблардан халос бўлиш учун партия сафига кирганлар. Сталин вафотидан сўнг одамлар коммунистларга ўрганиб қолдилар ва уларнинг ғоясига ишона бошлаган эдилар. Оддий коммунистлар орасида инсофли, ҳалол

Мустақиллик даврида демократик ташкилотларнинг мақсад-вазифалари ва ҳуқуқий мақоми ўзгариб, улар муҳолафатга айланган эди. Энди бу воқеалар тарихга айланди, биз тарихчилар эса уларга ҳаққоний баҳо беришимиз керак. Ҳозирги кунда жамиятимизда туб ўзгаришлар юз бермоқда, ислоҳотлар олиб борилмоқда. Кун тартибида яна “демократик кадриятлар”, “ошкоралик”, “сўз эркинлиги”, “инсон ҳуқуқлари”, ҳатто “муқаддас ислом динининг кадриятлари” каби тушунчалар долзарб бўлиб турибди. Балки яқин тарихимиздаги демократик ҳаракатлар ва уларнинг тажрибасига холисона баҳо бериш вақти ҳам келгандир.<sup>20</sup>

***Саволлар:***

- 1. Боймирза Ҳайитнинг қандай илмий асарларини биласиз?*
- 2. Совет Иттифоқида демократик ҳаракатлар қачон бошланган?*

***Мустақил иш учун топшириқлар:***

- 1. Боймирза Ҳайитнинг илмий мероси.*
- 2. Совет Иттифоқи республикаларида демократик ҳаракатлар.*

---

ва пок одамлар кўп эди, улар учун энг муҳим нарса коммунистик ғоя эмас, балки касб манфаатлари эди.

<sup>20</sup> Демократик ҳаракатлар ҳақидаги фикр-мулоҳазалар тузувчининг шахсий фикридир, улар учун масъулият ҳам фақат унинг ўзидадир.

## 5.8. Марказий Осиёда шўролар ҳукмронлигининг моҳияти

*Дарсинг ўқув мақсади:* Шўролар ҳокимияти даврининг ўзбек халқи тараққиёти учун келтирган зарари ва ижобий тарафлари билан таништириш.

*Таянч тушунчалар ва иборалар:* қулоқлаштириш, коллективлаштириш, совет колониализми, атеизм, руслаштириш сиёсати, миллий низолар, иқтисодий қарамлик, ўғрилик, икки юзламачилик, жосуслик, маънавий тубанлик, манқуртлик, ялпи саводхонлик, дунёвий ҳаёт, диний экстремизм хавфидан халослик.

1991 йилда эришилган мустақилликдан кейин халқимиз собиқ шўролар даврининг мустабид тузуми ва коммунистик ғоя ҳукмронлигидан халос бўлди. Лекин орамизда ҳали ҳам шўролар даврини қумсаб, унинг фақат ижобий жиҳатларини кўрувчилар кам эмас. Бу ўз даврида фаол равишда олиб борилган руслаштириш сиёсатининг оқибатидир. 70 йилдан ортиқ вақт давом этган шўролар ҳокимияти ўзбек халқини тубдан ўзгартириб юборди. Дунёвий ҳаёт афзалликларини тарғиб қилиш баҳонасида мунтазам ва режали равишда руслаштириш сиёсати олиб борилди. Айниқса русча мактабларни битирганлар бу сиёсатнинг қурбонига айландилар. Чунки русча мактабларнинг ўқув дастурлари шундай тузилган эдики, уларда болаларга керакли билимлар билан бирга уларнинг онгини заҳарловчи кўрсатмалар сингдирилди эди. Натижада халқимиз ичида русларга тақлид қилувчи ва фақат рус тилида сўзлашувчи кимсалар пайдо бўлди, ва борган сари кўпайиб борди. Биз уларни ҳозир ҳам ҳар қадамда кўришимиз мумкин, чунки бу жараён ҳали ҳам давом этмоқда. Илгари бу жараён мажбурий кечган бўлса, энди ихтиёрий бўлиб қолди. Шўролар даврида бу иллат асосан коммунистларнинг “олий табақаси” га хос бўлган бўлса, энди оммавий тус олди. Рус тили ва маданиятига сажда қилувчилар, ўзининг она тили ва миллий маданиятини унга алмаштирганларни мен “манқуртлар” деб атайман. Бундайлар айниқса Тошкентда кўп. Чунки Тошкент рус мустамлақачиларининг сиёсий ва маданий маркази бўлган. Рус мактабларини битирган ўзбеклар ичида ўзининг она тилини, миллий урф-одатларини ва умуман маданиятини менсимайдиган кимсалар кўпайди.

Ўзаро мулоқотда ва оилада фақат рус тилида сўзлашувчилар сафи борган сари кенгайиб борди. Аҳвол шу даражага етиб бордики, бошқалар учун ҳам рус тилида сўзлашиш маданиятлик белгисига, ўзбек тилида сўзлашиш эса қоқоқлик белгисига айланиб қолди. Чунки бундай тушунча рус мактабларида 1-синфдан бошлаб мунтазам равишда болаларнинг онгига сингдириб борилган.

Рус мактабларининг ўқитувчилари болалар рус тилни тезроқ ўрганишлари учун ота-оналарига уйда улар билан рус тилида гаплашишни маслаҳат берадилар. Баъзи рус ўқитувчилари эса ота-оналардан буни талаб қиладилар. Бизнинг ишонувчан ва, юмшоқ қилиб айтганда, “узокни кўра олмайдиган” ота-оналаримиз буни жон деб бажарадилар.<sup>21</sup> Ахир улар учун бу “маданиятли” одамлар бўлишнинг ягона йўлидир. Буларнинг барчаси шўролар даврида эмас, мустақиллик даврида, ўзбек тилига давлат тили мақоми берилгандан кейинги “ўтиш даври” давомида юз берган. Ота-оналарнинг ҳеч бири ўқитувчиларнинг бу талаби аслида жиноят эканлиги ва бунинг учун улар жазоланиши кераклиги ҳақида ўйлаб ҳам кўргани йўқ. Биринчидан, бу васийлиги остидаги одамларнинг шахсий ҳаётига аралашшидир. Иккинчидан, бу давлат тилига менсимаслик муносабатидир. Яна бу ишлар демократик тараққиёт йўлидан бораётган мустақил давлатда содир бўлмоқда. Ҳатто Сталин даврида ҳам, Ўзбекистон Россиянинг мустамлакаси бўлган пайтда ҳам, ўқитувчилар ота-оналардан уйда ўз фарзандлари билан рус тилида гаплашишни талаб қилмаганлар. Эҳтимол, у вақтларда бундай талабларни қўйиш учун ҳали жуда эрта эди. Чунки у пайтда рус тили ҳали бунчалик кенг тарқалмаган эди. Ҳозир эса бошқа гап – мустамлакачилар бошлаган ва коммунистлар давом этдирган маҳаллий аҳолини руслаштириш сиёсати ўз мақсадига деярли эришди, рус тили Ўзбекистонда ғалаба қозонди ва ҳукмронлик қилмоқда. Бироқ, бу ўқитувчилар биз ҳозир

---

<sup>21</sup> Мисол учун Америка мактабларида болалар ўз она тили ва маданиятини унутмаслиги ва ўрганиши учун ўқитувчилар ота-оналарга уйда уларга она тилида китоб ўқиб беришни тавсия этадилар. Бирорта америкалик ўқитувчи ҳеч қачон ота-оналарга болалари билан уйда инглиз тилида гаплашишни тавсия этмаган. Уларнинг фикрича, болалар шундоқ ҳам инглиз тилини мартаб дастури бўйича тез ўрганиб оладилар. Улар ҳатто ота-оналардан болаларнинг она тилидаги китобларни мактабга олиб келишни илтимос қиладилар. Шунда болалар ўзларининг миллий маданияти билан синфдошларини ҳам таништирадилар. Бошланғич мактабда эса ўқитувчилар ҳар куни дарс бошлашдан олдин ҳар бир ўқувчи (!) билан унинг она тилида саломлашадилар.

бошқа даврда ва бошқа шароитда яшаётганимизни билишлари керак. Ўзбекистон энди Россия мустамлакаси эмас, биз эса “ўтиш даври” нинг қийинчиликларини енгиб чиқдик. Бугунги кунда мустақил давлатимизда демократик қадриятлар ҳукмронлик қилади, ва “катта ака” нинг кўрсатмаларига ўрин йўқ.<sup>22</sup> Бундан ташқари, рус тилининг якка-ҳоқимлиги битди, энди рус тилига муқобил тиллар ҳам бор, ёшлар жон деб инглиз тилини ўрганишмоқда. Ишончим комилки, инглиз тили аста-секин Ўзбекистонда кенг тарқалиб, рус тилининг таъсир доирасини чеклайди. Яна умид қиламанки, ўзбек мактабларида таълим сифати яхшиланади, ва бизнинг юртдошларимиз фарзандларининг она тилида таълим олишини истайдилар. Шу билан бирга, инглиз, рус ва бошқа чет тилларини ўрганиш учун ҳам ҳеч қандай тўсиқ бўлиши керак эмас.

Ҳозирги кунда Тошкентда ҳатто ўзбек мактабларида ўқувчилар орасида ҳам ўзаро рус тилида сўзлашувчиларни кўплаб учратиш мумкин. Охирги йилларда эса кўплаб оилалар бунинг оқибатини англаб етмасдан болаларини рус мактабларига ўқишга бермоқдалар. Демак, 10 – 15 йилдан кейин аҳвол ҳозиргидан ҳам баттар бўлиши аниқ. Ўзбеклар рус тили ва маданиятини ўрганиш учун миллий ўзлигини ҳам қурбон қилишга тайёр. Бу ҳақиқий миллат фожиасидир, ва ҳеч қандай яхшиликка олиб келмаслиги табиий. Ҳар қалай ватан истиклоли учун кураш йўлида қурбон бўлган миллат фидоийлари бундай келажакни орзу қилмаганлар, деб қатъий айтишимиз мумкин.

Аммо ўзбек халқи учун энг катта йўқотиш уларга асрлар давомида қарашли бўлиб келган ва аждодлардан мерос бўлиб қолган ерлар ва ҳудудларнинг бошқаларга бериб юборилиши эди. 350 йилдан ортиқ вақт мобайнида ўзбеклар бутун Марказий Осиёнинг сиёсий эгалари бўлиб, бу даврда (XVI асрнинг боши – XIX асрнинг биринчи ярми) бу минтақа “Ўзбекистон” деб аталган. Буни ёзма манбалардаги маълумотлар, шунингдек, ўрта асрларда Европада чизилган хариталар тасдиқлайди, уларда Usbeck (Usbekia, Özbekiston) ҳудуди ичида яшовчи туркманлар (*Turkmenoi*), қозоқлар (*Kazakoi*), қирғизлар

---

<sup>22</sup> Ҳеч кимнинг одамларнинг шахсий ҳаётига аралашинишга ва уларга ўзининг тилини тикиштиришга ҳақи йўқ. Агар ота-оналар болаларини рус мактабига ўқишга берган бўлсалар, бу уларнинг она тилидан воз кечиши ва рус тилли бўлиши керак дегани эмас. Бу ота-оналарнинг мақсади болаларига сифатли таълим берилишини таъминлашдир, ўқитувчиларнинг вазифаси эса болаларга билим бериш ва бундан бошқа нарса эмас.



(*Khrkizoi*) ва қорақалпоқлар (*Karakalpakoi*) лар қайд этилган. Ўша даврдаги тарихий хариталар ёки глобусларнинг бирортасида ҳам *тожик* этноними қайд этилмаган, бу номдан ясалган жой номи ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Рус мустамлакачилари ўзбекларнинг давлатчилигини йўқ қилиб, уларга қонуний жиҳатдан қарашли бўлган ерларни тортиб олдилар, “қизил руслар” эса бу ерларни майда бўлақларга бўлиб ташлаб, ўзларининг қўли остидаги қозоқлар, қирғизлар ва тожикларга бериб юбордилар.<sup>23</sup>

Тўғри, шўролар даврининг ўзига яраша ижобий жиҳатлари ҳам бўлган. Буни инкор қилиб бўлмайди. Лекин аслида шўролар тузуми Чор Россиясининг мустамлакачилик сиёсатини давом этдирган. Хусусан, руслаштириш сиёсати яна ҳам жадал суратлар билан олиб борилди. 1928 йилда эски ўзбек ёзуви лотин алифбосига, 1940 йилда эса мажбурий равишда кирилл рус алифбосига ўтказилди. Натижада халқимиз ўз ўтмишидан – ўзининг адабий, илмий ва маънавий меросидан айрилиб, одамлар ҳатто 20 – 30 йил олдин нашр этилган газета ва журналларни ҳам ўқий олмайдиган бўлиб қолдилар.

Россиядан аҳолини кўчириб келиш сиёсати яна ҳам жадал суръатлар билан олиб борилди. Айниқса 2-Жаҳон уруши йилларидаги қийинчиликлар ва 1966 йилдаги зилзила оқибатларини бартараф этиш уларга баҳона бўлди. Шаҳарни тиклаш учун келган қурувчиларнинг деярли ҳаммаси шу ерда қолдилар. Натижада Тошкентнинг 60 – 70 фойизини руслар ва рус тилида сўзлашувчилар ташкил этди. Расмий тил рус тили эди, амалда эса рус тили диктатураси ўрнатилган эди, ўзбек тилининг ишлатилиш доираси ниҳоят даражада торайиб кетди. Бунинг оқибатида халқимиз ўзлигини танимайдиган, ҳақ-ҳуқуқсиз руслашган манқуртларга айланди. Шўролар даврида миллатчилик авж ола бошлади. Оқибатда 1980-йилларга келиб кўп жойларда, шу жумладан Ўзбекистонда ҳам, миллий низолар, айрим ҳолларда эса қонли тўқнашувлар келиб чиқди.

Руслаштириш сиёсатининг яна бир усули паспортлаштириш жараёни эди, бунда шўролар ҳукумати барча ватандошларнинг фамилияси ва исми-шарифи бир шаклда, яъни рус шаклида бўлишини

---

<sup>23</sup> Бу ерда бу атамалар этник маънида эмас, балки этно-сиёсий маънода ишлатилган: “қозоқлар” деганда, Қозоқ Республикаси, “қирғизлар” деганда, Қирғиз Мухтор вилояти, “тожиклар” деганда, Тожик Мухтор вилоятининг асосчилари назарда тутилган.

талаб қилган. Шунинг учун фамилияларга *-ов (-ова)* ёки *-ев (-ева)*, отасининг исмига эса *-вич* ва (эркакларда) *-вна* (аёлларда) кўшимчалари қўшила бошлади. Фамилиялар ва отаси исмларининг шаклан руслаштирилиши миллатнинг бундан кейинги шаклланишига катта таъсир қилди. Ахир одамнинг фамилияси ва исм-шарифи шахснинг шаклланиши жараёнида жуда катта аҳамиятга эга. Фамилиялар ва отаси исмларини руслаштириб, руслар стратегик жиҳатдан жуда муҳим ғалаба қозондилар – энди Туркистон мусулмонлари, шаклан бўлса ҳам, русча фамилиялар ва отаси исмларига эга бўлдилар. Мустақилликка эришилгандан кейин ЎзР Олий Мажлиси фамилиялар ва отаси исмларини миллийлаштириш ҳақида махсус қонун қабул қилди. Бироқ, бу ҳуқуқдан камдан-кам одамлар фойдаландилар. Чунки бу қонун ҳақида батафсил маълумот берилмади, уни тарғиб қилиш ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Ҳукуматнинг ўзига ҳеч нарса ўзгармасдан аввалгидек қолиши қулай эди. Шунинг учун, бу қонун асосида кўпчилик ўз исм-шарифларини миллийлаштиришга ҳаракат қилганида, паспорт идораларининг ходимлари уларни бу ниятдан қайтаришга астойдил ҳаракат қилдилар, ва ҳатто тўсқинликлар ҳам қилдилар. Ҳозир эса расмий идоралар – милисия, ҳукумат муассасалари, давлат идоралари ва ҳ.к. ларнинг масъул ходимлари ва мансабдор шахсларига мурожаат қилинганда, русча шаклдаги исм-шарифлар очик тарғиб қилинмоқда. Буларнинг ҳаммаси ҳужжатли ва бадий кинофилмлар, сериаллар, телекўрсатувлар ва бошқа оммавий ахборот воситалари орқали тарғиб қилинади. Давлат идораларида барча мансабдор шахслар кабинетларининг эшикларидаги лавҳаларда албатта русча шаклдаги фамилия ва отасининг исми кўрсатилади. Энди бу “мода” бўлган ва расмийлик белгисига айланган. Шунини эслатиб ўтиш жоизки, Файзулла Хўжаев ўзининг фамилиясини “Хўжаев” деб ёзишга розилик билдирган, унинг қариндоши Усмон Хўжа эса буни қатъиян рад этган.

Алифбони ўзгартириш ва руслаштириш сиёсатининг оқибатларини 1950 – 1955 йилларда Ўз ССР Фанлар академияси томонидан тайёрланган ва нашр этилган 5 жилдли рус-ўзбек луғатининг мазмунида айниқса яққол кўриш мумкин. Илмий-техника тараққиёти ва ўзбек тилида айрим атамаларнинг йўқлиги баҳонасида мазкур луғатда рус атамалари барча бўшлиқларни “тўлдириб”, миллий атамаларнинг ривожлантирилиши учун ҳеч қандай имконият қолдирмади. Русча

атамалар кўпгина келиб чиқиши араб ва форс бўлган атамаларни ҳам сиқиб чиқарди. Бундан ташқари, луғатда кўплаб русча сўзлар ўзбекча сўзларнинг синонимлари сифатида киритилди. Рус тилининг мутлақ ҳукмронлиги ва ўзбек тилининг ишлатилиш доираси жуда чекланганлиги шароитида ушбу рус синонимлари аста-секин ўзбекча сўзларни сиқиб чиқарди ва улар кундалик муомаладан чиқиб кетди. Кейинги йилларда нашр этилган луғатларда русча сўзларнинг сони яна ҳам кўпайди, ўзбекча сўзларнинг сони эса аксинча камайди.<sup>24</sup> Натижада, ўзбек тили русча сўзлар билан тўлиб-тошиб кетди. Икки жилдлик катта русча-ўзбекча луғат (1984 й.) нинг яримидан кўпи русча сўзлардан иборат. Чунки ўша даврда нашр этилган ўзбекча-русча луғат фақат 1 жилддан иборат.<sup>25</sup> Бу русча сўзларнинг ҳаммаси турли соҳалар бўйича тузилган русча-ўзбекча луғатларга кўчирилди, чунки уларни тузишда катта русча-ўзбекча луғат асосий манба бўлиб хизмат қилган. Унда йўқ бўлган сўзлар, айниқса, саноат соҳасидаги луғатларда русча сўзлар билан яна ҳам “бойитилди”. Энг муҳими, бу луғатлар ҳамма учун намуна бўлиб, қонуний мақомга эга эди, фақат уларга киритилган сўзлардан фойдаланиш мумкин эди. Мустақиллик давридан кейин нашр этилган луғатларда деярли ҳеч нарса ўзгармади, ҳозирги пайтдаги адабий ўзбек тилининг сўз бойлиги шўролар давридаги ўзбек тилидан деярли фарқ қилмайди. “Тилимиз софлигини сақловчилар”, яъни филологларимизнинг “саъйи-ҳаракатлари” туфайли шўролар даврида киритилган барча русча сўзлар янги 2 жилдли русча-ўзбекча луғат (2013 й.) га ундан ҳам кўпайган ҳолда кўчиб ўтди, ва ҳатто 5 жилдли ўзбек тилининг изоҳли луғати (2006-2008 йй.) да ҳам ўрин олди (!). Ҳолбуки, бундай луғатда асосан фақат соф ўзбекча сўзлар бўлиши керак эди. Жонли тилда эса вазият бундан ҳам даҳшатлироқдир. Нафақат келиб чиқиши арабча ёки форсча бўлган сўзлар, балки асл ўзбекча сўзлар ҳам аста-секин муомаладан чиқиб кетди ва чиқиб кетмоқда, уларнинг ўрнини эса русча сўзлар

---

<sup>24</sup> Бу масала билан филологларимиз шуғулланиб, махсус тадқиқот ўтказсалар яхши бўлар эди.

<sup>25</sup> Шунини айтиб ўтиш жоизки, рус истилосига қадар бунинг тескариси эди – рус тилидаги туркча сўзлар луғати (444 бет) ҳажми бўйича В. И. Дальнинг 4 жилдли “Буюк рус тилининг изоҳли луғати” нинг тахминан 1 жилдига (554 бет) тўғри келади [Шипова 1976; Даль 1981]. Бу дегани туркча сўзлар рус тили сўз бойлигининг  $\frac{1}{4}$  қисмини ташкил этган. Даль луғатининг “изоҳли” эканлигини ҳисобга олсак, унда бу нисбат  $\frac{1}{3}$  ва ҳатто  $\frac{1}{2}$ , яъни яримини ташкил этиши мумкин.

эгалламоқда. Ўзбек алифбосини 2 марта ўзгартирганда (1928 ва 1940 йй.) рус мустамлакачилари ва “қизил руслар” айнан шуни режалаштирган эдилар. Тан олиш керакки, улар ўз мақсадларига деярли етишдилар. Лекин бундан ҳам аянчли аҳволни Россия Федерациясининг миллий республикаларида кўриш мумкин, у ерларда миллий тиллар йўқолиб кетиш арафасида турибди. Бизда ҳали ҳамма имкониятлар йўқотилганича йўқ. Мустақиллик шарофати билан бизда ҳали вазиятни ўзгартириш имкони бор. Фақат бунинг учун дадил ва қатъий ҳаракатлар амалга оширилиши керак.

Шўролар халқимизнинг диний, маънавий ва маданий қадриятларини поймол этишда давом этдилар. Масжидлар, эски мактаб ва мадрасалар бекор қилинди. Уламолар ва диндор одамлар таъқиб қилинди. Диний қадриятлар оёқ ости қилинди. Атеизм ва коммунизм ғоялари тарғиб қилинди. Ўзбекистоннинг чет эллар билан, айниқса ислом дунёси билан маданий алоқалари узилди. Натижада кўпчилик одамлар худосиз, динсиз, иймонсиз кимсаларга айландилар. Ичкилик-бозлик авж олди. Миллий урф-одатлар бузилиб кетди, уларга бемаъни, миллатимиз менталитетига ёт жиҳатлар кириб борди. Ўғрилик, порахўрлик, икки юзламачилик, сохталик, хушомадгўйлик каби иллатлар кўпайди.

Шўролар мамлакатимизнинг табиий бойликларини ҳам талон-тарож қилишда давом этдилар. Улар Ўзбекистонни саноати ривожланмаган ва хом ашё етказиб берувчи мустамлакага айлантirdилар. Пахта яккаҳокимлиги жамиятнинг барча соҳаларига, айниқса, одамларнинг соғлигига, ёш авлоднинг улғайишига салбий таъсир ўтказди. Республикамиздаги мавжуд фойдали қазилмалар ва стратегик хом ашёлар (олтин, кумуш, уран ва ҳ.к.) Россияга ҳеч қандай назоратсиз ташиб олиб кетилди. Уларнинг ҳақиқий миқдорини маҳаллий раҳбарлар, ҳатто биринчи шахслар ҳам билмас эди. Бу ҳам камлик қилгандай, 1980-йилларда шўролар халқимизга қарши “Пахта иши” очиб, уни боқимандаликда айбладилар. Кўплаб айбсиз одамлар қамалиб кетди, баъзилар жонига қасд қилдилар. Аслида бу ўзбек халқиға қарши қилинган янги қатағонлар жараёни эди.

Қурилган саноат корхоналари мустақил ишлай олмас эди. Улардаги нафақат муҳандислар ва мутахассислар, балки оддий ишчилар ҳам, асосан, келгинди руслардан иборат эди. Инқилоб пайтида ваъда қилинган ўзбек ишчилари синфи 70 йилдан кейин ҳам вужудга

келгани йўқ. Асбоб-ускуналар ва хом ашё Россиянинг бошқа ерларидан келтирилган эди. Натижада бу ерда қурилган корхоналар фақат марказ билан боғлиқ ҳолда ишлаши мумкин эди. Бундай ҳолат албатта тасодифий эмас эди, балки бошидан “қизил руслар” томонидан махсус ва атайлаб шундай қилиб ташкиллаштирилган эди. Шунинг учун 1991 йилда Шўролар давлати парчалангандан кейин уларнинг ҳаммаси тўхтаб қолди ва кераксиз темир-терсакка айланди.

Шўролар ҳокимияти даврида профессионал спорт билан асосан “катта акалар”, яъни руслар шуғулланар эди. “Миллий” лар, яъни ўзбеклар, фақат пахта экиб, етиштириб, уни териши, шунингдек, мол боқиши ва писта сотиши керак эди. Уларнинг спорт билан шуғулланишга вақти ҳам йўқ эди. Шунинг учун мусобақаларда спортнинг деярли барча турларида асосан фақат русларни кўриш мумкин эди. Айниқса спортнинг музда бадийи учиш, бадийи гимнастика, теннис ва шахмат сингари “олий табақалар” учун бўлган турларига ўзбеклар умуман яқинлаштирилмас эди. Уларни ҳатто кўпинча бу спорт турларига шуғулланишга қабул ҳам қилмас эдилар. Бу спорт турлари асосан руслар учун эди. Мустақиллик қўлга киритилгандан кейин республикамизда вазият ўзгарди. Ҳаёт бизнинг халқимиз ҳам спортнинг барча турлари бўйича ёш иқтидорли спортчиларга қанчалик бой эканлигини кўрсатди. Бизда ҳам қатор-қатор жаҳон чемпионлари бўлиши мумкин экан. Ёшларимизнинг спортдаги ютуқлари биз катта ёшдагиларга фахр туйғусини бағишлайди. Шўролар даврида бизнинг ёшларда бундай имкониятлар йўқ эди. Қоюда бўйича спорт машғуллотлари ҳамма учун очиқ эди, лекин амалда бутунлай бошқа ҳол эди. Кўп спорт машғуллотларининг мураббийлари асосан руслар ёки рус тилида сўзлашувчилардан иборат эди, улар эса навбатдаги саралаш имтиҳонларида машғуллотларни давом этдиришга “ўзларига тегишли” ларни, яъни русларни ва рус тилида сўзлашувчиларни қолдирар эдилар. “Миллийлар”, яъни миллий тилларда сўзлашувчиларни эса ҳар хил баҳоналар билан машғуллотлардан четлатишга ҳаракат қилар эдилар. Рағбатлантириш ҳақида гапирмаса ҳам бўлади.

Камситишлар илм-фан соҳасида ҳам бор эди, ҳар қалай шарқшунослик соҳасида шундай эди. Москва ва Ленинградлик олимлар айтган эдики, илмий тадқиқотларни фақат улар ёзиши керак, ўзбеклар эса фақат таржима билан шуғулланиб, уларга тадқиқот учун материаллар тайёрлаб берсинлар. Бундан ташқари Ўзбекистонда ислом



тарихи бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш таъқиқланган эди. Лекин Москва ва Ленинградда ислом тарихи билан шуғулланувчи шарқшунослар кўп эди. Бизда эса ислом билан шарқшунослар эмас, файласуфлар ва ҳуқуқшунослар, албатта, атеизм ва марксизм-ленинизм нуқтаи назаридан “шуғулланар” эдилар.

Шўролар ҳукмронлиги даврининг ўзбек халқининг тараққиёти учун ижобий тарафлари ҳам бор эди. Одатда бу ҳолда руслар ва шўролар даврининг тарафдорлари қуйидагиларни кўрсатадилар: завод ва фабрикалар қурилди, университетлар очилди, илм-фан ривожланди, баланд уйлар, метро қурилди ва ҳ.к. Уларнинг яна бир асосий далилларидан бири шундан иборатки, “Агар руслар ва шўролар ҳокимияти бўлмаганда, биз ҳозирги Афғонистонга ўхшаш қолоқ бир ўлка бўлар эдик.” Бундай қарашларнинг остида тарихий воқеликни билмаслик ва мустақил тараққиётнинг афзалликларини англаб етмаслик ётади. Ундан ташқари бу шўролар ҳокимияти даврида олиб борилган ташвиқотларнинг натижасидир. Бу гапларга жавобан шуни айтиш керакки, бизнинг юртимизнинг тарихий номи Туркистон. Уни Афғонистон билан солиштириш керак эмас. Туркистон ўз вақтида тарихда юксак тараққий этган буюк давлат бўлган. Турк хоқонлиги даврида Самарқанд, Бухоро, Чоч, Хоразм, Фарғона сингари йирик маданият марказлари бўлган. Ислом даврида бу ердан Сомонийлар, Қорахонийлар, Хоразмшоҳлар, Темурийлар сингари жаҳонга машҳур сулолалар етишиб чиққан. Бир вақтлар Шимолий Афғонистон Тўхористон деб аталган. Бу ерда Балх номли йирик маданият маркази бўлган. Ўрта асрларда бу ерлар Сомонийлар, Ғазнавийлар, Салжуқийлар, Хоразмшоҳлар, Темурийлар ва Шайбонийларга қарашли бўлган. Шайбонийлар даврида бу ерда ўзбекларнинг Балх хонлиги бўлган, лекин XVIII асрда уни кўчманчи афғон (пуштун) қабилалари босиб олганлар. Шундан кейин Балх тушкунликка тушиб, қолоқ ўлкага айланган. Шундай қилиб Афғонистон руслар босқини арафасида Туркистоннинг чекка бир қишлоғи бўлган. У олдин қандай қолоқ бўлган бўлса, ҳозир ҳам шундай. Ҳатто Покистон ҳам ўзининг тарихий мероси, маданий ва маънавий салоҳияти билан Туркистонга тенглаша олмайди. Тарих давомида Туркистоннинг фақат битта рақиби бўлган, у ҳам бўлса бу Эрон. Сосонийлар давридан бошлаб бу икки давлат бир-бири билан рақобатлашиб келган. Хоразмшоҳлар ва Темурийлар даврида эса Эрон Туркистонга қарам

бўлган. Шайбонийлар даврида Эрондаги Сафавийларнинг энг катта рақиби ва душмани ҳам Ўзбекистон / Туркистон бўлган. XVIII асрдан кейин ягона Туркистон давлати инқирозга учрагандан кейин хонликларга бўлиниб кетди. Уйғуристондаги ўзбек хонлигини хитойлар, Балх хонлигини афғонлар, Қўқон хонлигини руслар босиб олди. Бухоро ва Хоразмни эса шўролар йўқ қилди. Ватан озодлиги ва тараққиёти учун курашган жадидлар ана шу тарихий Туркистон давлатини қайта тиклашни орзу қилган эдилар. Лекин коммунистлар бунга йўл қўймадилар ва Туркистонни ундан ҳам майда бўлақларга бўлиб ташладилар. Тарихий Туркистоннинг давлатчилиги ва маданий меросининг асосий давомчиси ўзбек халқидир. Руслар истилоси ва шўролар истибдодига қарамасдан ўзбек халқи ўзининг асосий фазилатлари – меҳнатсеварлик, тиришқоқлик, билимга интилиш, бағрикенглик каби хислатларини йўқотгани йўқ.

XX аср бошларида бутун ислом дунёсида ғафлатдан уйғониш, тараққиёт ва маърифатга интилиш жараёнлари кечаётган эди. Туркистонда “қизил руслар” бу жараёнларни ўз қўлларига олдилар ва ўзларининг номидан амалга оширдилар. Завод ва фабрикалар уларсиз ҳам қурилар эди, университетлар уларсиз ҳам ташкил этилар эди. Таққослаш учун мисол – Эрон ва айрим араб давлатлари. Туркия ҳақида гапирмаса ҳам бўлади.<sup>26</sup> Уларнинг ҳаммасида бу нарсалар бор. Уларни руслар ёки инглизлар қуриб бергани йўқ. Ҳозирда Эрон дунёдаги энг нуфузли ва тез суратда ривожланаётган давлатлардан биридир.<sup>27</sup> Агар Туркистон рус босқинчиларига ем бўлмаганда, Эрон

---

<sup>26</sup> Масалан, ҳозир Ўзбекистонда 33 млн аҳолига 62 та олий ўқув юрти мавжуд бўлиб, уларнинг кўплари 1991 йилдан кейин, яъни мустақиллик даврида ташкил этилган. Эронда бу кўрсаткич анча юқори – 77 млн аҳолига 587 та, Туркияда 76 млн аҳолига 189 та, Покистонда 197 млн аҳолига 128 та, Афғонистонда эса 35 млн аҳолига 26 та олий ўқув юрти бор. Агар Ўзбекистондаги фақат шўролар даврида ташкил этилган университетлар ҳисобга олинса, уларнинг сони Афғонистонникидан унчалик кўп бўлмайди, иккала давлатнинг аҳолиси ҳам деярли бир хил.

<sup>27</sup> Саноатининг ривожланишига кўра, Эрон барча Марказий Осиё давлатларини қўшганда ҳам устун бўлади. Эрондаги катта ва кичик нашриётларнинг сони 2 мингдан кўп, бу эса аҳолининг саводхонлик даражаси, китобат маданияти ва китобсеварликнинг юқори даражада эканлигидан далолат беради. Мисол учун Ўзбекистонда хусусий нашриётларни кўшиб ҳисоблаганда, ҳаммаси бўлиб 82 та нашриёт фаолият олиб боради, бутун Марказий Осиёда эса 200 га ҳам бормайди. Бунинг устига уларнинг кўпчилиги 1991 йилдан кейин, яъни мустақиллик даврида ташкил этилган.

сингари кучли ва тараққий этган давлат бўлар эди, балки ундан ҳам ўтиб кетар эди.

Шу билан бирга биз шўролар даврининг ижобий тарафларини ҳам эътироф этишимиз керак. Шарқ мамлакатлари, хусусан Покистон, Ҳиндистон, Афғонистон, Эрон ва бошқаларда ҳозиргача аҳолининг кўп қисми саводсиз. Бизда эса аҳолининг 100 фоиз саводлигига бундан 60 – 70 йил олдин эришилган. Дунё миқёсида бундай кўрсаткич катта ютуқ ҳисобланади. Шўролар даврининг бизга берган ижобий жиҳатларидан яна бири шуки, Ўзбекистонда замонавий илм-фан, маданият ва санъат юксак даражада ривожланди. Бу соҳаларда биз Эрон, Туркия ва бошқа шарқ мамлакатларидан ортиқ бўлса бормиз, лекин ҳеч ҳам қолишмаймиз.

***Саволлар:***

- 1. Ўзбек тили қачон латин алифбосига ўтказилган?*
- 2. Ўзбек тили қачон кирилл алифбосига ўтказилган?*

***Мустақил иш учун топшириқлар:***

- 1. Шўролар даврида Ўзбекистонда ислом дини ва мусулмонларнинг ҳаёти.*
- 2. Шўролар даврида ўзбек тили алифбосини ўзгартириш босқичлари ва мақсадлари.*

## ХУЛОСА ЎРНИДА

### Марказий Осиёда мустақил давлатларнинг ташкил топиши ва уларнинг истиқболлари

*Дарсинг ўқув мақсади:* Собиқ “шўролар иттифоқи” парчаланиб, Марказий Осиё республикаларининг мустақилликка эришгандан кейинги даврда кузатилган ўзига хос риволаниш хусусиятлари ва уларнинг истиқболлари ҳақида фикр юритиш.

*Таянч тушунчалар ва иборалар:* миллий низолар, ўтмишни қадимийлаштириш, ҳудудий даъволар, сиёсий рақобат, панэронизм, пантуркизм зоялари, янги мустамлакачилик (неоколониализм), пансоветизм, руслаштириш, жаҳонда ҳукмронликка интилишлар.

1991 йилда Ўрта Осиё халқлари мустақилликка эришгандан кейин улар олдида янгича миллий тараққиёт истиқболлари очилди. Лекин шўролар даврида лойиҳалаштирилиб, амалга оширилган миллий сиёсат минтақа халқлари ўртасида сунъий равишда вужудга келтирилган, лекин шу вақтгача Москвадан назорат қилиб турилган миллий адоватлар ва ҳудуд тортишувлари янги куч билан ўзини намоён қилди, ва халқлар орасидаги муносабатларга раҳна солди. Мустақилликка эришган ҳар бир республика ўзининг тараққиёт йўлини танлаб, ривожлана бошлади. Россияда демократик ҳукумат вазиятини ўз қўлида ушлаб қолаолмади, мамлакатни янги ривожланиш йўлига қўя олмади. 2000-йилларнинг бошида ҳокимиятга келган В. Путин собиқ шўролар давлатининг тоталитар тузумини, Россиянинг олдинги куч-қудратини, жаҳондаги ўрнини тиклашга интилмоқда. Марказий Осиёда Қозоғистон, Тожикистон ва Қирғизистон Россия билан яқин алоқаларни сақлаб, эски вақтларга қайтишга қарши эмас. Туркманистон ўзини бетараф давлат деб эълон қилди. Ўзбекистон ҳам ўзининг сиёсий ва иқтисодий мустақиллигини хорижий тажовузлар ва таъсирлардан ҳимоя қилишга ҳаракат қилмоқда.

Ҳар қандай жамият тараққиёт йўлини ўзгартириб янги ривожланиш йўлига тушиб олгунча, тахминан 25 йил давом этувчи “ўтиш даври” ни бошдан кечирилади. Бу даврда иқтисодий қийинчиликлар,

тажрибалар ва хатолар бўлиши табиий, нотинчликлар ва ҳатто урушлар ҳам юз бериши мумкин. Шундан кейин вазият барқарорлашади ва ривожланиш даври бошланади. Собиқ “шўролар иттифоқи” парчалангандан кейин мустақилликка эришган миллий республикаларда “ўтиш даври” турлича кечди. Бугунги кунга келиб уларнинг ҳар бири ўзининг янги тараққиёт йўлини танлади. Баъзи республикаларда иқтисодий қийинчиликлар ва нотинчликлар ҳали ҳам давом этмоқда, баъзиларида иқтисодий қийинчиликлар ортда қолиб, жамият барқарор ривожланиш йўлига ўтди. Ўзбекистонда ҳам охириги 2 – 3 йил ичида улкан ўзгаришлар юз бермоқда. “Ўтиш даври” да ички ва ташқи сиёсатда йўл қўйилган хатолар тузатилмоқда, энди халқ манфаатлари биринчи ўринга қўйилмоқда, демократик кадриятларга йўл очилмоқда, ислом динининг жамиятдаги ўрни тикланмоқда, тараққиёт учун янги-янги имкониятлар очилмоқда, одамларнинг турмуши борган сари яхшиланмоқда. Буларнинг ҳаммаси жаҳон ҳамжамияти томонидан ижобий баҳоланмоқда ва Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрў-эътибори ва нуфузини оширмоқда.

Марказий Осиёда мустақилликка эришган давлатларнинг олиб бораётган сиёсати яқин ва узоқ келажакда қандай натижаларга олиб келиши мумкин. 50, 100 йилдан кейин Марказий Осиё минтақасидаги вазият қандай бўлиши мумкин. Бу саволларга жавобни яқин ўтмишда юз берган воқеалар ва ҳозирги кунда юз бераётган сиёсий жараёнларни таҳлил қилиш орқали топишга ҳаракат қилиш мумкин.

Ўтган асрнинг 30-йилларида миллий кадриятлар ва миллат манфаатлари учун жон куйдирган ўзбек зиёлилари “туркпараст”, “исломпараст”, “миллатчи” сингари сохта айбловлар билан отиб ташланган эди. Уларга бундай айбловларни қўйишда ўзларини “тожик” деб атаган душманларнинг хизмати катта бўлган. Ўзбек халқининг ичига “ўзбек” ниқоби остида кириб олган ёт унсурлар эса уларга ёрдам берганлар. Болшевиктик шиорлар билан қуролланган бу душманлар ва сотқинлар ўзбек халқининг деярли барча онгли қисмининг қатағон бўлишига сабабчи бўлганлар. Ўша вақтда ўзбек халқи боши танасидан жудо қилинган мурдага айлантирилган эди. Унинг таркибида фақат онгсиз манқуртлар ва сотқинлар, шунингдек, уларни назорат қилиб турувчи ёт унсурлар қолди.



Бундай ёт унсурлар ҳозирги кунда ҳам орамизда бор. Улар ўзбекларнинг бағрикенглигидан фойдаланиб, ичимизга илон сингари кириб олганлар. Улар ўзларини “ўзбек” ман дейдилар, лекин зимдан ўзбек халқининг миллий манфаатларига қарши ҳаракат қиладилар. Улар очик ҳаракат қилишга ожизлик қиладилар, чунки бунга уларнинг қурби ҳам, билими ҳам етишмайди. Лекин улар пайтини пойлаб юрадилар ва вақти келганда, сизга қарши фурсатдан фойдаланиб қоладилар. Фавқулодда вазият бўлиб қолса, улар биринчи бўлиб сизни ташқи душманга сотиб берадилар. Онгсиз манқуртлар эса уларга кўр-кўрона эргашадилар. Ачинарлиси шуки, улардан қутулишнинг иложи йўқ. Чунки бундай кимсалар орамизда жуда кўп. Улар жамиятимизниг кўпчилик қисмини ташкил этади. Чунки уларнинг бир қисми шўролар мафкураси ҳукмронлиги даврида, қолганлари эса “ўтиш даври” даги маъмурий буйруқбозлик, сиёсий тазйиқлар ва ғоявий бўшлиқ шароитида шаклланган. Лекин уларни назорат қилиш ва бостириб туриш мумкин, бунда эса раҳбарларнинг масъулияти катта. Агар раҳбар ҳам онгсиз манқурт бўлса, унда душманлар ва ёт унсурлар ғалаба қозонадилар. Раҳбар биринчи навбатда онгли, журъатли, адолатли ва, энг муҳими, юрагида ўти ва миллий ғурури бор ватанпарвар инсон бўлиши керак. Афсуски, бизда бундай раҳбарлар жуда санокли. Бизнинг соҳада эса йўқ деса ҳам бўлади. Бизнинг раҳбарлар учун энг муҳим нарса эгаллаб ўтирган курсисида иложи борица узоқроқ ўтириш, ёки ундан ҳам каттароғини эгаллашдир. Давлат, миллат, илм-фан манфаатлари улар учун иккинчи ва учинчи даражали тушунчалардир, ёки умуман ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас.

Ҳозирги кунда бизнинг жамиятда ёт унсурлар ва онгсиз манқуртлар ҳали ҳам кўпчиликни ташкил этади. Шунинг учун биз ҳалигача лотин алифбосига тўлиқ ўтганимиз йўқ (яқин орада ўтишимиз ҳам гумон, бориб-бориб бу масала умуман кун тартибидан олиб ташланиши ҳам мумкин), ўзбек тили давлат тили мақомига эга бўлса ҳам, ҳалигача жамиятда ўзининг қонунда белгиланган ҳақиқий ўрнини эгаллагани йўқ. Энди эса “рус тили давлат тили бўлиши керак” деб даъво қилувчилар чиқди. Эртага “Ўзбекистон яна Россияга қўшилиши керак” деб таклиф киритувчилар ҳам пайдо бўлса ажаб эмас. Бунинг нафаси эса ҳозирдан сезилиб турибди. XIX аср охири – XX аср бошида Туркистон рус мустамлакаси бўлган даврда истилочилар

Россиядан аҳолининг уйсиз, қашшоқ ва кам таъминланган қатламларини мунтазам ва режали равишда кўчириб келиш, маҳаллий аҳолини руслаштириш сиёсатини олиб борган эдилар. Шўролар даврида бу сиёсат “халқлар дўстлиги” ниқоби остида давом этдирилди. Улар учун Ўзбекистонда янги таълим тизимини йўлга қўйиш (20-йиллар), сиёсий қатағонлар (30-йиллар,) Иккинчи жаҳон уруши (40-йиллар), кўриқ ерларни ўзлаштириш (50-йиллар), зилзила оқибатларини бартараф этиш (60-йиллар), саноатлаштириш (70-йиллар) бу сиёсатни қонунийлаштириш ва амалга ошириш учун баҳона бўлиб хизмат қилди. Махсус режа билан олиб борилган бундай тадбирларнинг охиргиси машъум “ўзбек иши” эди (80-йиллар). Аслида бу русларнинг қатағон сиёсатининг навбатдаги босқичи эди. Мақсад Ўзбекистонда мутлақ ҳокимиятга эга бўлиш, миллий бошқарув тизимини яна ҳам чеклаш, маҳаллий аҳолини таҳқирлаш орқали оммавий равишда русларни кўчириб келиш ва руслаштириш сиёсатини яна ҳам жадаллаштириш эди. Бу охирги тадбир ниҳоясига етмай қолди, чунки 1991 йилда Шўролар давлати парчаланиб кетди. Натижада руслар илгари босиб олган ва кўлга киритган кўп мустамлака ерларни, шу жумладан Ўзбекистонни йўқотдилар. Бунинг аламини улар кейинги 25 йил давомида ютиб келдилар. Энди улар учун йўқотилган ҳудудларни ва мавқеларни қайта эгаллаш вақти келди шекилли. Кавказда Гуржистон, Шарқий Европада Украина парчалаб юборилди. Энди навбат Ўрта Осиёга келди. Бу ерда эса асосий мўлжал Ўзбекистондир. Бу ердаги вазият улар учун жуда қулай – русларнинг янги мустамлакачилик сиёсатига қаршилик кўрсатиши мумкин бўлган ҳеч қандай сиёсий куч, яъни муҳолифат йўқ, маҳаллий аҳолининг бир қисми руслашган ёки рус тилига сажда қилади, қолганларининг кўпчилиги эса миллий ғурури йўқ мансабпарастлар ва онгсиз манқуртлардан иборат. Бундан ташқари “ўзбеклар” нинг ичида фурсатини пойлаб беркиниб ётган ёт унсурлар кўп. Улардан ҳам самарали фойдаланиш мумкин.

Гуржистон ва Украинадаги сингари Ўзбекистонда ҳам воқеалар ривожининг фақат 2 та йўли бор: биринчиси – Россияга бўйсунуш, унда Белорусия, Тожикистон ва Қирғизистон сингари Ўзбекистон ҳам Россиянинг янги мустамлакасига айланади; иккинчиси – мустақилликни сақлаш учун кураш олиб бориш, унда Андижон ва Ўш воқеа-

лари сингари қонли тўқнашувлар, уруш ва охир оқибатда ҳудудий йўқотишлар бўлиши аниқ.

Ҳозирги кунда XIX аср охири – XX аср бошида кузатилган жараёнлар яна янги куч билан авж олмоқда. Ишқилиб биз “неоколонизм”, яъни янги кўринишдаги мустамлакачилик сари қадам босаётган бўлмайлик. Ишқилиб менинг тахминларим тўғри бўлиб чиқмасин. Акс ҳолда бу энг катта фожиа бўлади. Унда тарих қайтарилиб, Ўзбекистон яна қарам бўлади ва мустамлакага айланади. Бу сафар энди қуллик абадий бўлади, ҳеч қандай “ошкоралик”, “қайта қуриш” лар ёрдам бермайди, ва ҳеч ким бизга мустақилликни қайтариб бермайди.

***Саволлар:***

*1. Туркменистоннинг нейтрал давлат статуси нималардан иборат?*

*2. Қирғизистонда юз берган миллий низолар ва қирғинларнинг асо- сий сабаби нима?*

***Мустақил иш учун топшириқлар:***

*1. Ўзбекистон ва Афғонистон ўртасидаги алоқалар тарихи ва уларнинг истиқболлари.*

*2. Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасидаги алоқалар тарихи ва уларнинг истиқболлари.*

## ТЕСТЛАР

1. “Турон” атамаси қачон илк бор қайд этилган?

- А. XI асрда;
- Б. X асрда;
- С. VIII асрда;
- Д. VI асрда.

2. “Туркистон” атамаси қачон илк бор қайд этилган?

- А. IX асрда;
- Б. VI асрда;
- В. XV асрда;
- Г. XI асрда.

3. “Сарт” атамаси нимани билдиради?

- А. Халқ номи;
- Б. Деҳқон;
- В. Савдогар;
- Г. Сарик ит.

4. “Ўзбекистон” атамаси қачон илк бор қайд этилган?

- А. 1924 йилда;
- Б. XX аср бошларида;
- В. XIV асрда;
- Г. XVI асрда.

5. “Трансоксиана” атамасининг маъноси нима?

- А. Дарёнинг орқа томони;
- Б. Оксининг орқа томони;
- В. Амударёнинг орқа томони;
- Г. Икки дарё оралиғи.

6. “Мовароуннаҳр” атамасининг маъноси нима?

- А. Икки дарё оралиғи;
- Б. Дарёнинг орқа томони;
- В. Амударё водийси;
- Г. Сирдарё водийси.

7. “Ғарбий ўлка” тушунчаси қайси манбаларда ишлатилган?

- А. Ҳинд тилидаги манбаларда;
- Б. Форс тилидаги манбаларда;

- В. Хитой тилидаги манбаларда;
- Г. Тибет тилидаги манбаларда.

8. Марказий Осиёдаги илк деҳқончилик маданияти нима деб аталади?

- А. Калта Минор;
- Б. Ҳисор;
- В. Анов;
- Г. Замонбобо.

9. Калта Минор маданиятининг аҳолиси нима билан шуғулланганлар?

- А. Деҳқончилик ва чорвачилик;
- Б. Овчилик ва теримчилик;
- В. Чорвачилик ва балиқчилик;
- Г. Овчилик, теримчилик ва балиқчилик.

10. Анав маданиятининг аҳолиси қайси тилда сўзлашганлар?

- А. Қадимги эрон тилида;
